

25556

819

АБДУҚОДИР ҲАЙИТМЕТОВ



АДАБИЙ МЕРОСИМИЗ УФҚЛАРИ



833	3211/25
K-19	

Faenomelasma B.A.

Китобларни вақтида топшириш вараги

Category	Sub-Category	Item	Description
Electronics	Smartphones	iPhone 12 Pro	High-end smartphone with 5G support and advanced camera system.
Electronics	Smartphones	Samsung Galaxy S21	Competitor to iPhone 12 Pro, featuring a powerful processor and a sleek design.
Electronics	Laptops	Dell XPS 15	High-performance laptop with a large screen and excellent battery life.
Electronics	Laptops	HP Spectre x360	Thin and light laptop with a convertible screen and a long battery life.
Electronics	Tablets	Apple iPad Pro	Powerful tablet with a high-resolution screen and a range of productivity apps.
Electronics	Tablets	Microsoft Surface Pro 7	Tablet with a built-in keyboard and a range of productivity tools.
Home & Garden	Kitchen Appliances	Kenmore Elite 5-in-1 Smart Robot Vacuum	Robotic vacuum cleaner with a range of cleaning modes and a mobile app interface.
Home & Garden	Kitchen Appliances	JBL Flip 5 Portable Speaker	Portable speaker with a built-in microphone and a range of sound options.
Home & Garden	Decor	West Elm Mid-Century Side Table	Stylish side table with a solid wood frame and a minimalist design.
Home & Garden	Decor	Urban Outfitters Velvet Throw Pillow	Velvet throw pillow with a textured, velvety finish.
Home & Garden	Textiles	Brooklinen Organic Cotton Sheet Set	Organic cotton sheet set with a soft, breathable feel.
Home & Garden	Textiles	Leesa Mattress	Memory foam mattress with a cooling gel-infused cover.
Health & Beauty	Cosmetics	Urban Decay Naked Heat Eyeshadow Palette	Eye shadow palette with warm, smoky shades.
Health & Beauty	Cosmetics	Too Faced Better Than Sex Lipstick	Intense, long-lasting lipstick with a bold, vibrant color.
Health & Beauty	Haircare	Redken Volume High Rise Conditioner	Conditioner designed to add volume and texture to fine hair.
Health & Beauty	Haircare	John Frieda Sheer Luxe Conditioner	Conditioner designed to add shine and softness to dry hair.
Health & Beauty	Nails	Essie Gel Couture Nail Polish	Long-lasting nail polish with a gel-like finish.
Health & Beauty	Nails	China Glaze Nail Polish	Colorful nail polish with a wide range of finishes.
Books & Media	Books	The Great Gatsby by F. Scott Fitzgerald	Classic novel about the American Dream in the 1920s.
Books & Media	Books	1984 by George Orwell	Iconic dystopian novel about government surveillance and control.
Books & Media	Movies	The Godfather	Classic gangster movie directed by Francis Ford Coppola.
Books & Media	Movies	Star Wars: Episode IV - A New Hope	Iconic science fiction movie directed by George Lucas.
Books & Media	Music	Thriller by Michael Jackson	Iconic album by Michael Jackson, featuring the hit single "Thriller".
Books & Media	Music	Billie Eilish - When We All Fall Asleep, Where Do We Go?	Controversial but critically acclaimed album by Billie Eilish.

83,38
819

АБДУҚОДИР ҲАЙИТМЕТОВ

АДАБИЙ МЕРОСИМИЗ УФҚЛАРИ

Адабиёт ўқитувчилари ва талабалар
учун қўлланма

*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими
вазирлигининг Республика Таълим
маркази нашрга тавсия этган*

ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1997

Мазкур қўлланма муаллифи китобхонларни кўп асрлик тарихга эга бўлган ўзбек мумтоз адабиётининг шу вақтга қадар кам ўрганилган бир қатор масалалари доирасига олиб киради, унинг долзарб назарий муаммолари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этади. Муаллифнинг, хусусан, Алишер Навоий ижодиёти билан боғлиқ мақолалари улуғ шоир шеъриятининг сир-асорорларини, бадният оламини янада чуқурроқ англашга ёрдам бериши шубҳасиз.

Қўлланма олий ўқув юртлари талабалари, умумтаълим мактабларининг адабиёт ўқитувчилари ва юқори синиф ўқувчиларига мўлжалланган. Ундан ўзбек адабиёти, хусусан, унинг мумтоз қисми тарихи ва назарияси билан қизиқувчи китобхонлар ҳам фойдаланишлари мумкин.

X 19


Хайтметов Абдуқодир.

Адабий меросимиз уфқлари: Адабиёт ўқитувчилари ва талабалар учун қўлланма.— Т.: Ўқитувчи, 1997.—240 б.

ББК 83.3Ўз я73

X 4306010400-16
353(04)-97 197-97 БИБЛИОТЕКА «Ўқитувчи» нашриёти, 1997

ISBN 5-645-02906-2



МАЬНАВИЯТ САБОҚЛАРИ

Жамиятнинг одамийлик даражаси унда яшайдиган кишиларнинг инсонийлиги даражасига мувофиқ бўлади. Чунки ҳар қандай жамият ўзаро ижтимоий муносабатларга киришгап одамлар мажмуидан иборатdir. Ўзаро ижтимоий муносабатларда бўладиган одамлар маънавияти нечоғли баркамол бўлса, жамиятнинг сиёсий тузуми ҳам, иқтисодий тартиботи ҳам шунчалик мукаммал бўлади. Қарийб бир аср мобайнида зўрлик билан мажбурий эътиқод ойфатида тиқишириб келинган марксизм-ленинизм эса одамларни эзгу хислатларга эга қилиш учун аввал әдолатли жамият барпо этиш керак, деб ўргатди. Яъни маркесча-ленинча таълимотга кўра, яхши одамларсиз яхши жамият қуриш ва ўша жамият воситасида кишиларни яхшилаш лозим эди. Маркесчиларнинг мўлжалларига қараганда, социализм айни шундай жамият бўлиши кўзда тутилганди. Азали эзгу фазилатли одамларга таяниб иш кўрмаган бу жамият кишиларга яхши фазилатлар бахш эта олмадигина эмас, сал бўлмаса бутун жамият аъзоларини маънавиятдан маҳрум кимсаларга айлантириб қўяёди.

Одамларнинг маънавиятини юксалтиrmай туриб улар яшайдиган жамиятни юлсалтириш, маънавиятни соғломлаштиrmай туриб жамиятнинг соғломлигини таъминлаш, фуқароларда эзгу ахлоқий фазилатлар шакллантиrmай туриб адолатли жамият қуриш мумкин эмаслиги аён бўлганлиги учун ҳам бизнинг мамлакатимизда маънавият муаммоси биринчи даражали аҳамият касб этмоқда. Барча маргуб хислатлар сингари маънавият ҳам ҳар бир кишида ёшлидан шакллантирилса, унинг табиатига айлаиади, турғунлик касб этади. Шунинг учун ҳам кейинги пайтларда умумтаълим мактабларида эстетик йўналишдаги фанларни ўқитишга алоҳида эътибор берилмоқда. Негаки, бой маънавият бой эстетик олам демакдир. Оламнинг ғўзаллигини пайқамайдиган, бадий ижод ҳодисаларини англай олмайдиган, упдан завқлана билмайдиган кишида ҳиссиёт ўткир бўлмай-

ди. Ҳиссиётни суст одамда руҳий бозовталиқ, ўз-ўзини тафтиш қилиш туйғуси шаклланмайди. Руҳияти бозовта бўлмаган шахснинг қалб кўзи старлича очилмайди. Қалб кўзининг очиқ бўлмаслиги кишида маънавий мезонларнинг тўғри шаклланмаганигидан далолатдир.

Адабиёт ўқитишишига алоҳида эътибор берилаётганлигининг боиси мактаб ўқувчилар учун фақат билим берадиган маскангина бўлмай, балки, биринчи навбатда, уларнинг маънавиятини таркиб топтирадиган маърифий даргоҳ эканлиги англааб етилганлигидадир. Дарс ва дарсдан ташқари тадбирлар воситасида ўқувчилар маънавиятини шакллантиришда мумтоз адабиёт намуналаридан фойдаланиш алоҳида мавқега эга. Чунки миллий маънавиятимиз қатламлари, аввало, кўп асрлик адабиётимиз намуналаридан акс этган. Даҳриёна мафкура туфайли кўп азият чеккан исломий маънавият ана шу адабиётда намоён бўлган. Бу адабиётнинг асл намуналаридан соғ туркӣ руҳият муҳрланган. Ана шу асарлардаги маънавий қадрнятларни ўзлаштирмай туриб халқимиз жаҳон айвонида ўзига хос миллат сифатида умргузаронлик қила олмайди. Негаки, этник-психологик ўзига хосликнинг илдизлари ҳам мумтоз адабиётга бориб тақалади.

Юксак туркӣ маърифатга эришмоқ, ўзни танимоқ, ўзликни англамоқ учун ҳам мумтоз адабиёт намуналари пухта ўрганилиши, кишиларимизнинг руҳиятига сингдирилиши лозим. Ўзини билмаган одам замонини танимайди. Замонини англамаган кимса маконга — Ватанига бефарқ бўлади. Ватанга, миллатга бефарқлик имонсизликининг нишонасидир. Ёшларимиз мумтоз адабиётимиздан қанчалик ўроқ бўлишса, уларнинг маънавияти шунчалик қашшоқ, ўзлари камолотдан шунчалар узоқ бўладилар ва, аксинча, мумтоз адабиёт намуналарини ўқиш, идрок этиш, англаш ва ундан завқлана билиш фақат таълимий аҳамият касб этибигина қолмай, ижтимоий салмоққа ҳам эгалигининг сабаби шунда.

Таниқли навоийшунос олим, профессор Абдуқодир Ҳайшметов қаламига мансуб «Адабий меросимиз уфқлари» китоби шунинг учун ҳам катта маърифий аҳамиятга эга. Мумтоз адабиёт намуналарини шунчаки ўқиб кетавериш билан мурод ҳосил бўлмайди. Миллатимизнинг жуда бой ва ғоят қадимий адабиётини англаш кишидан муайян даражадаги назарий тайёргар-

ликни талаб этади. Ана шундай тайёргарликини бу-
гунги кишилар билан күхна адабиёт ўртасидаги замо-
навий, ифодавий, рухий зиндиятларин бартараФ қила-
ди. Кўпгина ёшларнинг мумтоз адабиётимиз намуна-
ларига бефарқлигининг асосий сабаби уларни англай
билмасликларида, бинобарин, таъсирлана олмасликла-
ридадир.

Бадиий ҳодисадан таъсирланиб, уни руҳият иқли-
мига кўчириш учун аввал у тафаккур маҳсулига айлан-
тирилиши, яъни тушуниб олинниши лозим бўлади. Анг-
лашмаган бадиият воқеликка айлашмаган имконият
кабидир. «Адабий меросимиз уфқлари» китоби мумтоз
бадиий ҳодисаларин англатиш йўллари тадқиқ этил-
ганлиги билан диққатга сазовор. Асрлар оша яшаб
келаётган мумтоз адабиётимиз комил инсон руҳининг
гўзал ифодаси бўлганлиги боис ҳам дунёни бадиий
идрок этиш, англаш, ифодалаш, руҳият мавжларини
образли акс эттириш, бадиий тимсоллар тизимини яра-
тиш, тасвир воситаларидаи фойдаланиш, асарнинг етак-
чи бадиий маромини белгилаш сингари бир қатор жи-
ҳатлари билан замонавий адабиётдан тамомила фарқ-
қилади. Ана шу фарқлар нималардан иборатлиги юза-
сидан муайян назарий тушунчага эга бўлмай туриб
мумтоз адабиёт жозибасидан баҳраманд бўлиш қийин.

Назарий билимлар ёрдамида туюқ, мувашشاҳ, таъ-
рих ва бошқа жаңрлар ҳақида тасаввурга эга бўлма-
ған китобхон бу хилдаги асарлардан ҳеч қандай лаззат
ололмаслиги табиинидир. Шеърий санъатларни билмаслик
ҳам мумтоз назмдаги фавқулодда бадиий кашфиёт-
лардан ҳайратланмасликка олиб келади. Машҳур олим,
шу вақтга қадар асосан академик тадқиқотлар билан
шуғулланган профессор А. Ҳайитметов мазкур китоби-
да илк бор мумтоз адабиётин мавҳумлик, тушунарсиз-
лик кўкидан ерга — ҳозирги ўқувчиларнинг ёнига туши-
ришга ва уларнинг қўлига бадиий матнни идрок этиш
калитини тутқазишга уриниган.

«Адабий меросимиз уфқлари»ни синчиклаб ўқиб чиқ-
қан китобхонлар эндиликда мумтоз адабиёт намуналари
жозибасидан лаззатланибгини қолмай, бу лаззат-
ининг манбаси қаерда эканлигини ҳам англаш имконига
эга буладилар. Бу ҳол бадиий асардан олинадиган
завқнинг даражасини янада оширади, унинг китобхон
маънавиятини шакллантиришдаги салмоғини сезилар-
ли даражада ортиради.

Китоб миллий адабиётшунослигимиз илдизларининг нечоғли узоқ тарихий қатламларга кетганлигини күрсатувчи мақола билан бошлапади ва тўрт қисмга бўлиниди. Китобда қомусий мақолаларга алоҳида ўрин берилган. Мақолаларнинг барчаси мумтоз адабиётимизнинг бирор муҳим назарий унсурини ёхуд машҳур адабий сиймолар тўғрисидаги муҳтасар маълумотларни қизиқарли йўсинда баён этишга қаратилган. Иккинчи қисм «Истебдоднинг олмос қирралари» тарзида номланган. Бу қисмда туркий миллатнинг фахри ҳазрати Алишер Навоий ижодининг турли қирралари маърифий жиҳатдан ғоят қизиқарли тадқиқ этилган. Қисм сўнгида буюк шоирнинг бир қатор ғазаллари бевосита бадиий таҳлил этилганлиги бу қисмнинг қимматини айниқса оширади. Китобнинг «Қайдлар. Хотиралар» дея номланган тўртинчи қисмидаги мақолалар, бир қарашда, китобнинг умумий йўналишига ҳамоҳанг эмасдай туюлса-да, аслида инсонининг маънавий иқлимида бадиий асарлар туфайли рўй берадиган гўзал ўзгаришлар тадқиқига бағишлиланганлиги билан асарнинг етакчи руҳига сингишиб кетган.

Маърифий жиҳатдан ғоят қимматли, педагогик томондан жуда ибратли, методик нуқтаи назардан ниҳоятда фойдали мазкур китоб ўқувчи ва ўқитувчиларнинг, барча адабиёт ихлосмандларининг меҳрини қозонади. Асар китобхонларнинг миллий маънавиятимиз сарчашмаларидан чацқов бостиришларини осонлаштиради ва шу тариқа «Адабий меросимиз уфқлари» маънавиятдан берилган сабоқларга айланади деб умид қиласиз.

ҚОЗОҚБОЙ ЙУЛДОШЕВ.

АДАБИЙ МЕРОС ВА ЗАМОН

АДАБИЁТШУНОСЛИГИМИЗНИНГ ГЎЗАЛ ИБТИДОСИ

(Улугбек даврининг муҳим бир адабий ёдгорлиги ҳақида)

Ўзбек адабиёти тарихида XV асрнинг биринчи ярми, яъни Шоҳруҳ ва Улугбек даври алоҳида ўрин тутади. Чункин худди шу даврда ўзбек адабиёти оёққа турди. Алишер Навоийдек улуғ шоир ва мутафаккирга устозлик қилган Мавлоно Лутфий, ўз шеърлари, қасидалари билан Улугбекдек табиати нозик ҳукмдорниң кўнглини овлай олган Саккокий, ёқимли шеърлари билан халқ орасида ғоятда машҳур бўлган Атоиӣ, шўх табъ Гадоний кабилар бу давр адабий ҳаракатчилигининг пешқадамларидан эдилар. Шунинг учун ҳам Алишер Навоий улар билан фахрланар эди. Мавлоно Лутфийнинг Улугбек уншиг шеърларини юксак баҳолаганидан хурсанд бўлиб, бир ғазалида қуйндаги фахрия-байтни битгани ҳам бежиз эмас:

*Улугбекхон билур Лутфий камолин.
Ки рангин шеъри Салмондин қолишмас.*

Улугбекнинг Ҳиротда яшаб ижод қилаётган Лутфий ижодидан хабардор бўлиб турганлиги, Саккокийга ўз саройидан жой берганилиги ва бошқа омиллар уншиг ўзбек адабиёти тараққиётига асло бефарқ қарамаганингидан гувоҳлик беради.

Мовароушаҳрда Мирзо Улугбек ҳукмронлик қилган йиллари (1409—1449) кўпроқ аниқ ва табиий фанлар ривожланди, деган фикр асоссиз ва ҳақиқатдан узоқдир. Кейинги йилларда Улугбек давридаги маданий ҳаёт ва уншиг илмий-адабий меросини ўрганиш шуни кўрсатдики, бу даврда бадиий адабиёт ҳам, санъат ҳам, адабиётшунослик ҳам, тарих фани ҳам муваффақият билан ривожланган.

Алишер Навоий номидаги Адабиёт институти кутубхонаси 1993 йили филология фанлари доктори Эргаш Умаров томонидан ҳадя қилинган Шарқ муаллифлари, айниқса, ўзбек адабиёти классиклари асаллари қўлларининг фотонусхалари билан бойиди. Улар орасида шу пайтгача фанга маълум бўлмаган адабиётшунос

олим Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий қаламига мансуб ва Улуғбек даврида 1436—1437 йилларда, ҳижрий 840 йилда яратилган ва адабиётнинг назарий масалаларини ёритишга бағишиланган «Фунунул-балога» асари алоҳида қимматга эга. Бу асар қўллэзмаси 139 варақдан иборат бўлиб, униш асл нусхаси Оксфорд шаҳридаги Бодлеан кутубхонасида (Англия) 0 0792 145 тартиб рақами остида сақланади.

Мазкур қўллэзмани ўрганиш шуни кўрсатдики, унинг муаллифи Тароз (ҳозирги Жамбул шаҳри) дан бўлиб, ўз даврининг ўқимишли кишиларидан бўлган ва «Тарозий» тахаллуси билан шеърлар ҳам ёзган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг аruz ҳақидаги «Мухтасар» асарида унинг шеърларидан бир неча намуналар келтирган. Ҳозиргача унинг таржимаи ҳоли, ҳатто туғилган ва вафот этган йиллари ҳам бизга номаълум бўлиб қолмоқда. Шайх Аҳмад Тарозий ўзининг «Фунунул-балога» асарини катта филологик тайёргарликдан сунг ёзган ва замон подшоси Улуғбекка бағишилаган. Асарнинг кириш қисмида Улуғбек ҳақида шундай сўзларни ўқиймиз: «...Салтанат дарёсининг гавҳари ва маъдалат конининг жавҳари, саховат боронининг моҳи, каёсат мулкининг шоҳи, шаҳаншоҳи аъзами шаҳриёри аълам, соҳибуссайфил-қалам, маъдани лутфу карам, молики риқоби умам, фармондехи турк, араб ва ажам, мифисиддин ваддаврон Амир Улуғбек Кўрагон»¹.

Шайх Аҳмад Тарозий қасидасида Улуғбек ҳақида қўйидаги бандларни ўқишимиз мумкин:

Эйки адлинг ҳайбатидин тутти олам интизом,
Зоти покинг бирла тахту тож топти эҳтиром.
Кечакундуз хидмат учун эшикинг ястонғучи,
Анбару кофур отлиғ икки қушидир субҳу шом.
Нотамом эрди жаҳонда подишишлик ойини,
Сенки пайдо бўлдунг очунда, бу иш бўлди тамом.
Абр саққойидир эшикингда, доим сув сепар,
Бод фаррошидир, эшикинг супурар бар давом.
Мажлисингда соғаридур офтоби Зардўш,
Маҳфилингда шишаедир гунбади ферўза фом.
Ҳазратингдаги тобукчиидурки, сақлар тахтни,

¹ Бу ҳақда қаранг: Ҳайитметов А., Умаров Э. Тарозийнинг қомуси. «Фан ва турмуш», 1994, 1-сон. 5—7-бетлар; Ҳайитметов А., Умаров Э. Шайх Аҳмад Тарозий: «Фунунул-балога». «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 1994 йил 18 март.

*Хизматингда Жам аёқчи дурким, асрор элда жом.
Хусрави иқлими гири шаҳриёри тожбахиш,
Подшоҳиким анингдур, бунда топти дин низом.
Сарвари даҳру салотин, меҳтари шоҳи жаҳон,
Мағхари дунёву дин Султон Улуғбек Кўрагон.*

Бадий жиҳатдан ниҳоятда гўзал ва юқори услубда ёзилган ушбу қасиданинг муаллифи, исми кўрсатилмаган. Бизнинг фикримизча, бу қасидани Тарозийниг ўзи ёзган. Қасида бу каби бир неча банддан иборат бўлиб, охири банди келтирилмаган. Унда шоир тахаллуси ҳам қайд этилган бўлиши табиий. Бундан ташқари, Улуғбек ҳақида яна бир қасида бор. Унинг ҳам муаллифи аниқ кўрсатилмаган.

Тарозий асарининг Улуғбекка бағишлиаганлигининг муҳим сабабларидан бири муаллифнинг унга яқинлиги, Улуғбекнинг бадий адабиётга қизиқишида назарий масалаларнинг катта ўрин тутганлиги бўлиши мумкин. Саккокий Улуғбекка бағишилаб ёзган қасидаларининг бирида унинг барча илмларни билиш ва тушунишда Арасту, Афлотун, Птолемей, Гален, Иби Сино ва бошқалардан қолиши маслиги, адабиётнинг энг муҳим масаласи — бадоеъус-саноэъни билишда эса улардан ҳам ўтиб кетганини таъкидлайди:

*Аристолис, Афлотуну, Батлимусу Жолинус,
Али Сино-у Файлокаус, Арасту ва Абу Маъшар,
Риёзий, ҳайъату ҳикмат, расад, иксиру иқлидус,
Бадоеъус-саноэъни сенингдек билмади онлар.¹*

Бадоеъус-саноэъ адабиёт назариясининг энг қизиқарли соҳаси бўлиб, Саккокий ёзишича, Улуғбек бадий санъатларга жуда қизиқкан. Шайх Аҳмад ҳам бу рисоласида илми бадеъ, яъни «ақсоми саноат ва аинон балофат» «фусаҳо ва булағо аросинда мўътабардур»— деб ёзган.² Лекин Шайх Аҳмад Тарозий асари яратилишининг бош сабаби бу даврдаги адабиётга қизиқкан кишиларнинг, қалам аҳлларининг назарий савиясини кўтариш, шунга бўлган эҳтиёжни қондириш эди. Тарозий китобнинг кириш қисмида бу ҳақда шундай дейди: «Ва яна бу сабабдин рағбат ҳавоси ғолиб, ҳавас дилбари кўнгул пардасидин бу тариқа юз кўргуздиким, нусха қаламфа келтурсаким, наср ва назмнинг жамъ

¹ Бартольд В. В. Сочинения. Том II. Часть 2. М., 1964, с. 140.

² Шайх Аҳмад ибн Ҳудойоддод Тарозий. «Фунунул-балога», «Хазина» нашриёти, Тошкент, 1996, 84- бет.

қавоид ва ақсомиға муштамил бўлса, то ҳар ким балоғатка мойил ва фасоҳатка қобил эрур, фойда олса» (3- варақ)¹.

Шайх Аҳмадгача ўзбек тилида бундай асар яратилмаган эди. Форс ва араб тилларида кўпинча адабиёт назариясининг бир соҳаси ё аruz, ё шеър турлари, ё қофия ва радиф, ё илми бадеъ, ёки шеърининг бирон тури ҳақида рисолалар битилган. Бунга Халил Ибн Аҳмаднинг «Аruz», Рашид Ватвотниң «Ҳадойиқус-сехр», Носириддин Тусийнинг «Меъёрул—ашъор» каби рисолалари ёрқин мисол бўла олади. Фақат Тарозийнинг замондоши Ваҳид Табризийгина, «жамъи мухтасар» асарида адабиёт назариясининг аruz, қофия ва илми бадеъ қисмларига қисқача тұхталиб ўтган. Тарозий эса бирничи бўлиб уша даврда адабиёт назариясининг муҳим масалалари ҳисобланган аruz, шеър таснифи, қофия, илми бадеъ ва муаммо жаҳрийнинг ҳаммасини бир китобда яхлит ёритишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Асарнинг кириш қисмida таъкидланишича, Тарозий ўз асарини ёзиб тугаллаб, унга «Фунунул-балоға» деб ном қўйган. Уни замондошлари севиб ўқинганлар ва ўзларича бу китоб номини ўзгартириб, «Латойифи Тарозий» деб ҳам юрганлар. Бу асарнинг Улуғбекка етиб боргани-бормагани, унинг муносабати бизга маълум эмас. Бизгача эса, асар ёзилгашдан 144 йил кейин Бухорода 1581 йили Мир Кулушки ал-Хожи деган котиб томонидан кўчирилган бир қўлёзма нусхаси етиб келгани, холос.

Асар беш қисмдан иборат бўлиб, муаммо тўғрисидаги охирги қисми йўқолган. «Аruz» қисми тўртични қисм. Бу қисмнинг охири ҳам чала. Лекин шунга қарамай, шу ҳолатда ҳам Тарозийнинг «Фунунул-балоға» асари адабиёт назарияси бўйича энг мукаммал ва бой маълумотларга эга бўлган поёб илмий тадқиқот сифатида намоён бўлади.

Асарнинг биринчи қисмida шеърининг кеңг ёйилган қасида, ғазал, қитъа, рубоий, маснавий, таржеъ, мусаммат, мустазод, мутаввал, фард каби ўн турига ўзбекча ва форсча шеърий мисоллар билан таъриф берилган.

Муаллиф диний мазмундаги, ҳажв, марсия ва малҳ йўналишидаги шеърлар ушбу шеър турларининг ҳаммасида ёзилиши мумкинлигини ва уларнинг мазмунига

¹ «Фунунул-балога» асарининг қўлёзмасига суюнилган варақлар кўрсатилди.—А. Ҳ.

қараб турли номлар билан аталишини уқтиради: «...ва бу ўн шавъ шеърким, зикр қилдук, ҳар қойсида агар Тенгри азза ва жаллаға ҳамд этсалар, они тавхид дерлар. Ва агар Мұхаммад Мустафо алайхиссалом ва салламни васф қилсалар, наът дерлар. Агар Тенгри ҳазратинда тазарруъ қилсалар, мунојот ўқурлар. Ва хулафойи рошидинни таъриф қилсалар, маноқиб ва манқабат дерлар. Агар салотин ё умаро ё вузарони ўқсалар, мадҳ ва мадҳат ва тамаддуҳ ўқурлар. Ва агар ўлган кишини зикр қилсалар, марсия дерлар. Агар кимарсаны нафрин қилсалар, ҳажв ва мазаммат дерлар. Ва агар ҳазл қилсалар, мутойиба дерлар».

Муаллифнинг шеър турлари ҳақидаги ушбу фикр ва мулоҳазалари, таъриф ва тавсифлари бўйича китобнинг услубий хусусиятлари ҳақида маълум бир тасаввур ҳосил қилиш мумкин. «Фунунул-балоға»нинг тил ва услуг хусусиятлари умуман содда, ихчам, бугунги ўзбек тилига яқиндир.

Иккинчи қисмда Тарозий шеърда қофия ва радиф масалаларини таҳлил этиб, унинг кўринишларини атрофлича чуқур ёритиб берган. Тарозий фикрича, «Мажмун уламо ва фузало мазҳабинда аҳли табъға қофия илмин билмак мухимдир, зероки табъшининг шатижаси шеърдур ва шеърнинг асли қофия». «Ва зурафо байтни хаймаға нисбат қилибдурлар ва қофияни стунға. Яъни хайма стун бирла барпойидур» (26-вараж).

Учинчи қисмда адабиёт назариясининг энг қизиқарли соҳаси — шеърий санъатлар масаласи ёритилган. Тарозий бу санъатларнинг 97 тасини жам қилиб, уларга таъриф ва тавсиф берган, уларга туркий ва форсий шоирларнинг асарларидаи кўплаб мисоллар келтирган. Айрим санъатларни изоҳлаш учун Қуръон ва пайғамбар ҳадисларидан келтирилган мисоллар ҳам ниҳоятда маъноли ва чиройлидир. Муаллиф «ирсолул-масал» санъатини изоҳлаб, бундай деб ёzáди:

«Бу ул бўлурким, шеър ичинда масал келтуурлар. Бу икки қисм бўлур. Бир қисм улким, анингдек масал келтуурларким, ул масали қадимий бўлғай ва халқ орасида машҳур бўлғай. Мисоли буким:

*Ўлтуур соат манга айтурки:—«Йиғла, хуши келур».
«Ўчкуга жон қайғуси, қассобқа жир буғаме».*

Бутун рисола давомида изоҳлар шу йўсинда аниқ ва тушунарли, ортиқча ҳашаматсиз, илмий тил билан ёзилган. Аруз ҳақидаги тўртичи қисм энг катта қисм

булиб, асарнинг ярмига яқинини ташкил этади. Бу булимни ҳам Тарозий катта илмий тайёргарликдан сўнг ёзган. Араб олимлари арузининг ўн олти баҳрини аниқлаган бўлсалар, Ажам олимлари унга яна уч баҳр қўшганилар. Тарозий мавжуд адабиётларни синчиклаб ўрганиб, арузиниг қирқ баҳрини тиклаган. Бу баҳрлар асосида юзага келгап вазнларниг ҳаммасига ўзбек ва форс тилларида шеърий мисоллар келтиргац. Аруз вазниниг миқдорини эса 366 га етказган. Тарозий аруз вазнларига туркӣ шеърлардан мисоллар келтиришини («ҳар вазнга туркӣ байтти мисол келтурса...») асоси ғизифаларидан бирни ҳисоблаган. Чунки бу қўлланма аввало туркӣ тилда ижод қиливчи кишиларга хизмат қилиши, улар учун аруз имкониятлариниг кенглигини цботлаб кўрсатиши лозим эди.

Шайх Аҳмад Тарозийнинг «Фунунул-балоға» асари Улугбек давридаги адабий ҳаётни янгидаи идрок этиш ва баҳолашни тақозо этади. Биз шу пайтгача хусусан бу давр ўзбек шоирларининг кўпларини билмас эдик. «Фунунул-балоға»да эса Муҳаммад Темур Буғо, Ҳожи Ақча Киндий, Бу Насақ, Кутбииддин Саройи, Бу Сиёқа, Жалолий, Шамс Қисорий каби ўилаб ўзбек шоирлари ҳақида гап боради. Алишер Навоий «Мажолисун-нафоис» тазкирасида кўпроқ XV асрда Хуросонда ижод қилган шоирлар ҳақида маълумот берган бўлса, Тарозий ўз асарида XV асарнинг биринчи ярмида Мовароуннаҳрда фаолият кўрсатган қаламкашлариниг шеърларидан мисоллар келтирган ва адабиётимиз тарихини бойитган. Масалаи, бунда биз Сайфиддин Исфарангий, Мавлоно Сайфиддин, Имом Умид Камолий, Қавомиддин Ганжавий, Азрий, Шайх Носир, Шайх Ироқий, Насир Адид, Ҳожа Муҳаммад Асил, Подшоҳ Али Дарвеш, Имом Зиёвуддин Форсий, Жалол Самарқандий, Имом Шерозий, Ҳаёлий, Мавлоно Маҳмуд, Ҳожа Тоҳириддин, Тоҳир Санжарий, Муҳаммад Ганжавий, Фаррухий, Ғаввос Гунбадий, Мужириддин Бойлақопий, Шайдо, Урбоний, Азхарий, Маҳмуд Нишопурний, Гулшаний, Маҳмуд Ганжавий каби кам маълум бўлган ёки маълум бўлмаган форсийзабон шоирларидан келтирилган намуналарни курамиз. Тарозий ўз китобида форс адабиётининг Фирдавсий, Саъдий, Камол Ҳужандий, Низомий, Ҳусрав Дехлавий, Ҳофиз, Анварий, Үнсурий, Салмон Соважий, Бисотий Самарқандий, Амир Шоҳий, Камол Бадахшний каби таниқли намояндлари

қатори бу шоирларга ҳам катта ҳурмат билан қараган. Академик В. В. Бартольд «Улуғбек ва унинг даври» асарида Улуғбек саройида Камол Бадахший шоирларниң «маликул-каломи» бўлганини айтади. Шунинг учун бу асарда унинг шеърларидан ҳам мисоллар келтирилиши ҳеч тасодифий эмас.

Шайх Аҳмад рисоласининг биринчи, иккинчи ва учишиб қисмларида Рашидиддин Ватвотдан 50, Салмон Соважийдан 28, Абулқосим Фирдавсийдан 17, Шайх Саъдийдан 10, Ҳофиз Шерозийдан 8, Шарафиддин Али Яздийдан 11 мисол келтирилган ҳолда энг кўп мисол Камол Хўжандийдан олинган. Бунинг миқдори 52 та. Бинобарин, Шайх Аҳмад Камол Хўжандий шеъриятига алоҳида ҳурмат билан қараган.

Бу масаланинг иккичи бир аҳамиятли томони шундаки, Шайх Аҳмад ўз асарида Камол Хўжандийнинг ўзбек тилида ёзган шеърларидан ҳам мисоллар келтирган. Шайх Аҳмад «муроотун-назир» санъатини изоҳлаш учун Камол Хўжандийдан қўйндаги тўртликни келтирган:

*To bisotindagi shaҳ ruҳ bўldi mot,
Ҳеч niёda қolmadi, minmadi ot.
Kўй, Kamolii, bir эшак ҳам topmadin,
Bu tevo қorni ёrilfonda yet.*

(57- варақ)

Шарқ шеъриятининг «ал-мутародиф» бадиий санъатига эга Камол Хўжандийдан мана бу байт мисол қилиб келтирилган:

*Fyncha oғzindin tilodikim chamanда ursa dam,
Tonг nasimi urdi, oғzingiz tula қon ailadi.*

(58- варақ)

Камол Хўжандийнинг ўзбек тилида ҳам шеърлар ёзгани ҳақидаги маълумотга ишонамиз. Чунки Шайх Аҳмад Камол Хўжандийга давр шуқтаи назаридан яқин бўлган, адабий меросини ҳам яхши билган. Камол Хўжандийдек буюк шоирнинг ўзбек тилида ҳам шеърлар ёзгани муҳим воқеадир. Бу маълумотлар профессор Э. Шодиевнинг Камол Хўжандий ўзбек тилида ҳам шеърлар ёзган, деган фикрини қувватлайди. Э. Шодиев бу фикрини Салоҳиддин Тошкандийнинг «Темурнома» китобидаги маълумотлар асосида илгари сурган эди¹.

¹ Темурнома. Тошкент, 1990, 90, 91, 93- бетлар.

Э. Шодиев ўз мақолаларида «Латофатнома» асарининг муаллифи Камол Хўжандийдир, деган фикри ҳам айтган. «Фунунул-балоға»да эса бу тўғрида бошқача маълумот берилган. Шайх Аҳмаднинг ёзишича, бу даврда Камол Хўжандийдан бошқа «Хўжандий» тахаллусли шоир ҳам бўлган. Шайх Аҳмад унинг қуидаги ўзбекча байтини мисол келтиради:

*Куиди бағрим ҳажридин, фаттон кўзунг
роҳатланур:
Оре, усрук ҳушланур, ўтқа куяр бўлса кабоб.*

Шайх Аҳмад бу байти ирсолул-масал санъатига мисол сифатида келтирган. Демак, бизнингча, «Латофатнома» асарини ана шу шоир ёзган. Шу пайтгача бу асарни Хўжандий деган шоирга нисбат бериб келингани тўғри.

Шайх Аҳмад Тарозий асари бундай муаммоларнинг бир қашчаларини тўғри ҳал қилишга имкон беради. Масалан, шу вақтга қадар бизда «Гул ва Наврӯз» достонининг муаллифи хусусида турли баҳслар бўлиб келар эди. Шайх Аҳмад ўз асарида бу достондан бир неча мисоллар келтириб, бу достонни Ҳайдар Хоразмий ёзганини айтади. Бобур ҳам «Мухтасар»да шу фикри айтган эди. Шайх Аҳмад фикрига инонмоқ керак, чунки у Ҳайдар Хоразмийнинг замондоши эди. Олим у билан шахсан таниш бўлгани ҳам эҳтиимолдан узоқ эмас. Шунингдек, бу илмий тадқиқотда бошқа шоирлар тўғрисида ҳам ғоят ноёб маълумотлар бор. Масалан, Шайх Аҳмад ўз асарининг биринчи қисми охирида Лутфий девонларида мавжуд қуидаги икки байти шеърнинг фард турига мисол қилиб келтирас экан, унинг ўзини келиб чиқиши жиҳатидан тошкентлик («Лутфий Шоший») дейди:

*Қўрди кўрумчи юзида эулфу кулоқи донасин,
Зуҳра-ву ой аро,— деди,— ушбу кеча қирон эрур.
Мунажжим қошу кўзунг кўруб айтур —
Ким:— Ушбу ой бошинда фитналар бор.*

(25- варак)

Бу ҳам, албатта, адабиётимиз тарихи нуқтаи назаридан ғоят эътиборли маълумотdir.

Хусусан, ўзбек адабиёти тарихи нуқтаи назаридан Шайх Аҳмад асари ниҳоятда қимматли. Муаллиф шу даврда яшаб ижод қилган Лутфий, Ҳайдар Хоразмий,

Саккокий, Атоий каби таникли ўзбек шоирлари билан бир қаторда шу пайтгача мутлақо номаълум бўлиб келган бир қанча ўзбек шоирлари номларини зикр қилиб, турли муносабатлар билан уларнинг шеърларидан на-муналар, парчалар ва байтларни далил сифатида келтиради.

Шу билан бирга рисола ўзбек тилида ва ўзбек ўқувчиларига мўлжаллангани учун кўп вақт ўзбек тилидаги шеърий мисолларни муаллиф биринчи ўринга қўйиб таҳлил қиласди. Масалан, Шайх Аҳмад шеърнинг ғазал тури ҳақида гап бошлар экан, бунга у биринчи ўринда ўзининг ғазалларидан бирини мисол келтирган:

*Гар сабо ул ой юзидин олса ҳар соат ниқоб,
Тоби айб тутқонидин бўлғай пушаймон офтоб.
Қомату рафторини кўрди магар сарву тазарв¹,
Рашк ўтидин сарв куйдию тазарв ўлди кабоб.
Қўзларим узра хаёлинг бир гузар қилғайму деб,
Ҳар замон киприкларим жоруб² уруб, сепар гулоб.
Фурқатингдин йиғламоқдин бўлдум онингдек заиф,
Ким синамоқдин адок³ қўйдум, бузулмади ҳубоб⁴,
Эл аросинда Тарозий бўлғуси исонафас,
Гар лабинг ёдинда май ўрниға ичса заҳри ноб.*

(8- варақ)

Қитъа жанрига олим ўзбекча мисол тариқасида Бойсунғур Мирзонинг шеърини берган:

*Фурқатингда сориғ ўлди олмангиз,
Эй мусулмонлар, яроқон ўлмасун.
Ўлмакимдин фикрим онча йўқ турур,
Кўрқарам, ўлсал яро қон ўлмасун.*

(10- варақ)

Бу шеърдан, аввало, шу парса маълум бўладики, Бойсунғур Мирзо фақат форсий тилда эмас, ўзбек тилида ҳам шеърлар ёзган экан. Иккинчидан, Тарозий «Фуспунул-балоға»ни ёзганда, Бойсунғур Мирзо ҳаётдан кетган экан. Чунки бу шеър муаллифи «марҳум» дейди. Энг муҳими, Бойсунғур Мирзонинг қитъаси анча маҳорат билан ёзилган. Шоир бу шеърида «яроқон» сўзи асосида сўз ўйинига йўл қўйиб, уни биринчи мис-

¹ Тазарв — тустовуқ, ² Жоруб — супириб-сидириб юрувчи.

³ Адок — осқ, ⁴ Ҳубоб — сув устидаги пуфак.

рада «сариф касали», иккинчи мисрада «яра қонга айланмасин» деган мазмунда ишлатган.

Шеърнинг маснавий тури ҳақида мулоҳаза юритар экан, Шайх Аҳмад ўз даврининг яхши бир шоири («афсаҳул-матааххирин») Қутбиддин Саройининг асаридан қуидаги байтларни мисол келтирган:

*Иипор янглиғ сочинким тун тароди,
Ергулиқ жумла оламдин яроди.
Хазимат бўлди эрса Рум шоҳи,
Хабар англади Ҳиндустон сипоҳи.
Тўлуб ҳиндуда черики кўкка, ерга,
Тузуб бу гунбади ҳазрову нирга.
Тикилди обнусдин нарди айни,
Фалак тосинда ёлғуз каъбатайни.*

(14- варак)

Таржеъга оид шеър турлари ҳақида гап боргандада Шайх Аҳмад Тарозий бандларнинг охирги байти алоҳида қофияланувчи хилига Бу Сиёқа деган ўзбек шоирининг қуидаги банд билан бошланган шеъридан мисол келтиради:

*Эй пари хўј, малак сияр одам,
Ҳусн боғи сенинг била ҳуррам.
Ишқ асоси агарчи суст эди,
Даври ҳуснунгда бўлди бас маҳкам.
Килди дунёни лабларинг маъмур,
Урди олами кўзларинг барҳам.
Ҳар жароҳатки, қилса ғамзанг ўқи,
Лабларинг ёди ангадур марҳам.
Килди қошинг хижил янги ойни,
Ул сабабтин кўрунур элга кам.
Ҳурсан ё малакмусен ё жон,
Ҳуснунга бўлди инсу жинс ҳайрон.*

Китобнинг рубоийга оид қисмида Муҳаммад Темур Буғо деган ўзбек шоирининг қуидаги шеъри ўрин олган:

*Гар ҳавоийи васл дилбар дори дер,
Йўлда тикмешлар муҳаббат дори дер.
Сен агар чун ошиқи содиқ эсанг,
Бу муҳаббат дорини бир дори дер.*

(11- варак)

Яна шуни айтиш керакки, «Фунунул-балоға» қўлёзма-

сида бу шоир номи «Бурғо» шаклида ҳам ёзилган. Бизнингча, ушбу сўзниг «Бўғо» эканлиги тўғри бўлса керак. Айни вақтда ушбу шеърни Тарозий рубоийнинг «мужаннас»—«туюқ» турига нисбат берган.

Шу шеър орқасидан Ҳожи Ақча Қиндий деган шоирнинг куйидаги шеърини ўқишимиз мумкин:

*Бергил, эй симин зақан, илик менга,
Неча ёши бўлғасен илик манга,
Дардингиз дармони жонимдур менинг,
Софунурлар билмаган илик манга¹.*

(11-варак)

Маснавийда Бу Насақ деган шоирдан ушбу парча мавжуд:

*Ало, эй ҳусн әлининг подшоҳи,
Жамолинг ояти лутфи илоҳий.
Юзунгдур лола, қаддинг сарви озод,
Эрур усрук кўзунг жодуи устод.
Юзунг узра қаро зулфунг балодур,
Тилармен бўлса ул юздин малодур.
Рақиби орзулар юзи қироқин.
Тилар ўзига ул юзи қароқин.*

(11-варак)

Бу хил мисолларни келтиришда давом этиш мумкин. Уларнинг аксариятининг мазмуни дунёвийлик характерида.

Шайх Аҳмаднинг ушбу илмий асари айни вақтда ўзига хос бир тазкира ҳам бўлиб, у бўйича, хусусан, Мовароуннаҳр ва Хуросондаги ўзбек адабиёти, унинг мазмуни, бадиий савияси тўғрисида маълум тасаввур ҳосил этиш мумкин. Ҳеч шубҳасиз, ушбу асар ўзбек адабиётининг Навоийгача бўлган даврини ўрганишда бундан буён энг муҳим манбалардан бири бўлиб қолади.

«Фунунул-балоға»нинг яна бир муҳим томони—у ўзбек тилида ёзилган биринчи илмий асардир. Үнга қадар фаннинг бирон тармоғи бўйича ўзбек тилида асар ёзилгани ҳозирча бизга номаълум. Биз бу ёзма манба бўйича номлари зикр этилган ижодкорларни ўрганишимиз, бошқа асарларни қидириб топишга ҳаракат қилмоғимиз, Шайх Аҳмад асарини эса нашр этиб, кенг халқ оммасига етказмоғимиз зарур. Шайх Аҳмад ибн

¹ Бу туюқда биринчи «илик» ёзи кўл иккинчиси «эдлик», учинчиси «эгилик» маъноларида келган куринади.—А. Ҳ.

Худойдод Тарозий Улуғбекпинг муносиб замондоши бўлиб, биз уни ўзбек адабиётшунослик фанининг отаси дейишга ҳақлимиз.

АДАБИЁТИМИЗНИНГ БИР ШОҲҚУЧАСИ¹ (Ехуд «сарой адабиёти» хусусида айрим қайдлар)

Бой тарихга эга бўлган ўзбек адабиёти мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтди. Унинг шу кунгача ҳал этилмаган муаммолари анчагина. Шулардан бири «сарой адабиёти» ёки «феодал-сарой адабиёти» масаласидир. «Феодал-сарой адабиёти» деганда биз подшоҳ саройда яшаб ижод қилган, шоҳга яқин, шоҳлик манфаатларини ҳимоя этувчи, куйловчи шоирларни тушунганимиз. Лекин бу адабиётни биз умумадабий жараён билан боғлаб, холис ўрганмаганмиз. Кўпроқ бу адабиётга биз юқоридан туриб, менсимай қараганмиз, унинг вакиллари доим камситиб келинган.

Бунинг бош сабаби адабиётга синфий нуқтан назардан қараганимиз эди. Ош, нон, сув, туз синфий бўлмагани каби ишқ-севги, дўстлик, гўзаллик, табнат ва унга муҳаббатни синфий деб бўладими? Тўғри, масалан, дўстлик, ўртоқлик синфий қарашиб, манфаат асосида юзага келиши мумкин. Бироқ бундай муҳаббат, дўстлик ғаразга асосланган бўлиб чиқмайдими? Бундай дўстликни холис, самимий деб бўладими?

Биз узоқ вақт ишқ ҳақида Хоразмий, Лутфий, Навоий, Мунис, Оғаҳий, Муқимий ёзган шеърий ва насрый асарларни қабул қилган, эъзозлаган ҳолда бу мавзулардаги Ҳусайн Бойқаро, Убайдий, Амирий, Феруз каби шоирларимизнинг шеърларига бепарво қараб келдик. Масалан, Оғаҳийнинг «Устина» радифли ғазалига юксак баҳо берганимиз ҳолда Ҳусайн Бойқаро (Ҳусайн) нинг ҳам шу радиф билан бешта ажойиб ғазал яратганини, улар Оғаҳийницидан асло қолиши маслигини гапирмадик. Ҳусайн Бойқаронинг «Ўртама» радифли ва бошқа ғазаллари ўз замонида ҳам, кейинги даврларда ҳам ишқий шеърнинг юксак намуналари эканидан кўз юмдик:

*Оразинг меҳрин очиб, жисмим аро жон ўртама,
Ошкора лутф этиб, кўнглумни пинҳон ўртама.*

¹ Ушбу мақола Ҳамидjon Ҳомидов билан ҳамкорликда ёзилган.—A. X.

*Барқи ҳижрон нолдек жисмимда басдур, сен дөғи,
Ваъдаи васл айлабон, эй, аҳди ёлғон, ўртама.*

Шу билан бирга биз сарой шоирларини доим боши маишатдан чиқмайдиган, инсоний дард-аламлардан фориғ кишилар, деб тасаввур этдик ва уларнинг ҳам ўз дардлари, фожиалари бўлганини, тахт деб бола отасини, ота боласини аямаслигини, вақти келса «бойлар ҳам йиғлаши» мумкинлигини тушуниб етмадик. Агар бошқача бўлганида эди, Хусайн Бойқаро мана шу шеърини ёзмаган бўларди:

*Эй ажал, осуда қил ҳижрон балосидин мени,
Бир йўли қутқар улуснинг можаросидин мени.
Заъфим оши ҳажр боғида сиришку оҳдин,
Қутқар, эй васл, ул чаман обу ҳавосидин мени.
Эй ажал, қўрқутма ўлтургум дебон, ўлтургасен—
Гар тирик топсанг фироқининг жафосидин мени...*

Албатта, биз ҳамма подшоҳлар адолатли бўлган ва адабиёт ривожига қайишган, деб айта олмаймиз. Хоразмшоҳ Отсиз томонидан Адиг Собир Термизийнинг бўйнига тош боғлаб Амударёга чўктирилиши, Субҳон-қулихон томонидан Турди Фароийнинг таҳқирланиши, Маҳмуд Қатоғон буйруғига биноан Машрабнинг дорга осилиши, Насруллохон жаллодлари томонидан Нодиралининг сўйилиб, Ҳозиқнинг боши танасидан жудо этилиши — буларнинг ҳаммаси тарихимиздаги қора доғлардир.

Лекин шу билан бирга ўзбек адабиётини феодал сарой муҳитида яратилган Бобурнинг «Бобурнома»сисиз, Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома»сисиз, Абулғози Баҳодирхоннинг «Шажараи тарокима» ва «Шажараи турк» асарларисиз тасаввур эта оламизми? Агар Муҳаммад Хўжабек Хоразмийга мурожаат қилиб, унинг шеърий истеъодини қадрламаганда, ундан ўзи учун ҳам, замондошлари учун ҳам дунёда қоладиган бир асар ёзиши илтимос қилмаганда «Муҳаббатнома» юзага келармиди? Мана, Муҳаммад Хўжабекнинг адабиётни қай даражада яхши кўрганини ёрқин кўрсатиб турувчи ширин-шакар сўзларига бир эътибор қилинг:

*Кўнгул баҳринда кўп гавҳарларинг бор,
Очунда порси дафтарларинг бор.
Муҳаббат нардини кўплардин ўттуңг,
Шакартек тил била олами туттуңг.
Тиларменким, бизинг тил бирла пайдо —*

*Китобе айласанг бу қиши қотимда,
Ким уш елтек кечар айёми фоний,
Жаҳонда қолса биздан армуғони.*

Муҳаммад Ҳўжабек айтган бу сўзларнинг маъносини чақмай, «Мұхаббатнома» тарихини тўла-тўқис билиш қийин. Шоир халқига эътиқод, меҳрибонлик бўлса, шунчалик бўлар, деб ўйлаймиз.

Умуман, ўзбек адабиёти ва адабий тилининг пайдо бўлиши, шаклланиши ҳамда тараққиётида сарой адабиётининг хизмати жуда катта. Сарой шоирларининг шеърларида, хусусан, қасидаларида ҳукмдор қандайлигини тасвирлашдан кўра, унинг қандай бўлиши лозимлигини кўзда тутиб, унда бўлмаган хусусиятларни бўрттириб акс эттиришга интилиш,adolatпешалик, мардумсеварлик сингари сифатларни турли йўллар билан баён этиш кўпроқ ўрин тутган. Лекин Саккокий олим Улуғбекни ва туркий шеъриятда ном чиқарган шоирлардан бири бўлмиш ўзини мақтаб, бир қасидасида қуидаги байтни битар экан, бунда ҳеч ёлғон йўқ-ку:

*Фалак йиллар керак айланса-ю келтирса илкига
Менингдек шоир турку сенингдек шоҳи донони.*

Шунинг учун ҳам бундай асарлар ҳукмрон табақаларнинг назар-эътиборида турган, кенг халқ меҳрини ҳам қозонган. Лекин бу гаплар феодал зодагонларнинг ҳукмрон синф вакиллари эканлигини инкор этмайди.

Амир Темур вафотидан сўнг беш йил давом этган мерос талашиш жангларида Шоҳруҳ Мирзо ғалаба қилди. У вилоятларни ўғилларига тақсимлаб бериб, Ҳиротда туриб, марказий ҳокимиятни бошқарди. Қизиги шундаки, кўпроқ диний юмушлар билан машғул бўлган Шоҳруҳ ўғилларининг илмий, маърифий фаoliyatiга қаршилик кўрсатмайди. Натижада Улуғбек ва Бойсунғур сингари шаҳзодалар илм, санъат, маданият ҳамда адабиёт масалаларига жиддий эътибор бера бошлайдилар. Уларнинг саройлари чинакам илмий, маърифий марказга айланади. Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абдураззоқ Самарқандий, «Даҳнома» муаллифи Амирий маълумотига кўра, Бойсунғур ташкил этган Ҳирот «Нигористон»ида тил билими, зироат илми, тиббиёт, фалакиёт, ҳандаса, адабиёт, география, тарих ва бошқа фанлар билан шуғулланган юздан ортиқ олим меҳнат қилган. Уларнинг бари Шоҳруҳ давлати таъминотида бўлган. Навоий,

Жомий, Ҳилолиј, Амир Шайхим Суҳайлӣ, Восифӣ, Амир Шоҳиј, Беҳзод, Султон Али, Кошифӣ ва бошқаларининг фаолиятини сарой адабий муҳитисиз тасаввур этиб бўладими?! Ахир, Ҳусайн Бойқаросиз Ҳирот маданий ва адабий муҳити бу даражага ета олариди? Айрим сарчашмаларининг, хусусан, Жомийнинг Навоийга йўллаган мактубларининг гувоҳлик беришича, Ҳусайн Бойқаро салтанатида ҳам мадраса талабаларию, олиму фузалоларга вақф мулки, девон-хазина ҳисобидан маош тайшиланган, улар уй-жой билан таъминланган. Масалаи, Навоийнинг кўрсатмасига кўра, шоир ва адабиётшунос Атоулло Маҳмуд Ҳусайнӣга шоҳ девони ҳисобидаги bogчали ҳовли хатлаб берилган ва маълум миқдорда маош белгилаинган. Узбек адабиётининг ёрқини сиймоси Заҳириддин Бобурни эсланг. У ўз ҳаётини шеърсиз, муҳаббатсиз, дўстларисиз кўз олдига келтира олмас, ҳаётининг маъносини шунда деб билар эди:

*Ёз фасли, ёр васли, дўстларнинг сұҳбати,
Шеър баҳси, ишқ дарди, боданинг кайфияти...*

Назаримизда, сарой адабиётининг мавзулар доирасини, унинг қизиқишлиарини биз узоқ вақт торайтириб кўрсатишга ҳаракат қилганимиз. Аслида бу адабиёт ҳеч қачон ўзини халқчил адабиётга, диний адабиётга, тасаввуф адабиётига зид қўймаган. Узоқ вақт бу адабиётда ҳам умумисоний қадрятларни куйлаш муҳим ўрин тутган. Бу шоирларининг Навоий, Ҳофиз, Фузулий ғазалларига боғлаган мухаммаслари, ӯхшатмалари бунинг яққол далилидир. Масалаи, Амирий (1789—1822) шеърнитдаги бир ғазалда маъшуқанинг мадҳи, унга муҳаббат умуман, аёл зотини севиш ва улуғлаш жуда яхши очиб берилган Амирий бу ғазалида бир гулзорда ўзларинча хурсанд бўлиб чақчақлашиб, ўйин-кулги қилиб ўтирган хотин-қизлар базмини тасвиrlаган. Уларнинг бирин қўшиқ айтса, иккичини ўйнаган:

*Ишқ элин қатл этгувчи бераҳм дилозорлар,
Жамъ ўлуб бир базм аро сұҳбат этарлар ёрлар.
Ғунча янглиғ күнглуми юз ноз ила қон эттилар —
Шўхлар, бебошлар, раққосу хушрафторлар...
Жилва айлаб анжуман саҳнини гулшан эттилар,
Гулжабинлар, ғунча оғизлар, шакар гуфтторлар...*

Бу ғазалда заррача бўлсин хотин-қизларни камситиш, уларга ғараз билан қараш сезилмайди, уларнинг

бахтиёрлигидан холисона севиниш туйғусигина кўзга яққол ташланиб турибди. Бу шуни кўрсатадики, Амир Нодирадек нозиктаъб аёл-шоирага муносиб эр бўлган ва унинг чин ҳурматини қозонган. Унинг вафоти муносабати билан Нодиранинг кўз ёшлар дарёсига ғарқ бўлгани бекорга эмас эди.

Аслида Нодира ҳам сарой шоираси. Ахир, у эри — Амир Умархон билан бир жон, бир тан эди-ку! Уларни қандай қилиб бир-биридан ажратиш мумкин?! Демак, «сарой адабиёти»ни халқчил адабиётдан ажратиш шартли, адабиётшунослик учунгина зарур бўлган бир нарсадир.

Етмиш йилдан зиёд вақт давомида кўплаб ижодкорларимизни «диний-мистик адабиёт вакили», «сарой тарихчиси», «сарой маддоҳи», «хоннинг маддоҳи», «ялангоч севгини куйлаган» деб таҳқирлаб, ижодини бир чеккага суриб қўйдик. Ваҳоланки, ўзбек мумтоз адабиётининг катта қисми, айтиб ўтганимиздек, саройда яратилди. Эҳтимол, тарих майдонига Амир Умархондек зукко шоир келиб, ўз саройида бир адабий даста тузмаганда, «Қўқон адабий муҳити» деган ибора ҳам пайдо бўлмасди. Умархоннинг хизмати шундаки, у чор атрофдаги ижодкорларни — созанда, бозанда, ҳофиз, наққош, хаттот, адиларни марказга йиғди, уларга бош-қош бўлди, ҳомийлик қилди. Гулханийнинг «Зарбулмасал» асари шахсан Амирий ташаббуси билан яратилган. Алишер Навоийнинг «Хазойинул-маоний»си худди шу йиллари уч юз нусха кўчирилиб, халқ орасига тарқатилди. Унинг даврида кўплаб асарлар китобат этилди, таржима қилинди, битилди. Биргина Абдукарим Наманганий Фазлий «Мажмуат уш-шуаро»сида Қўқон хонлиги ҳудудида яшаб ижод этган бир юз бир шоир асарларидан намуналар келтириб, улардан етмиш бештаси ҳақида муҳтасар маълумот беради, шеърларини баҳоли қудрат ғоявий-бадиий жиҳатдан баҳолайди. Қувончлиси шундаки, Нодира, Увайсий, Маҳзуна сингари шоиралар ижоди ана шу адабий доирада ўзига хос мавқега эга бўлган. Академик А. Қаюмов таъкидлаганидек, ушбу тазкира XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларидағи ўзбек адабиёти тарихини ўрганишда энг нодир манба ҳисобланади. Фазлий асари кейинги йиллардаги тазкиранавислар ижодига баракали таъсир этган. Жумладан, Қори Раҳматулло Возеҳ, Афзал Пирмастий, Садри Зиё сингари тазкиранавислар

Фазлий мажмуасидаги далиллардан бевосита фойдаланганлар.

Демак, Амир Умархон саройи ва унинг атрофида адабий доира давр ижодий жараёнида етакчи мавқега эга бўлган. Шунинг учун ҳам бу адабий муҳитни Амрий ва унинг муҳиблари ижодини шухта ўрганимай туриб, мукаммал тасаввур этиб бўлмайди.

XIX асрнинг охири—XX асрнинг бошларида Хива адабий муҳитининг вужудга келиши ва инкишофида Муҳаммад Раҳимхон—Ферузнинг (1863—1910 йилларда ҳукмронлик қилган) фаолияти муҳим аҳамиятга эга бўлган. Зоро, у илм-маърифат ҳомийси, ташкилотчиси, санъат ва адабиётнинг чинакам фидойиси сифатида катта ишларни амалга оширади. Шонр ва тарихчи Баёний ибораси билан айтганда, «унинг даврида ҳар бир маҳалла ўз мачити ва мадрасаси»га эга бўлди, ўндан зиёд нодир асарлар араб ва форсий тиллардан ўзбек тилига ағдарилди. Ферузнинг саъй ҳаракатлари асосида ташкил этилган матбаада 1876 йилдан бошлаб Навоий, Комил, Мунис, Огаҳийларнинг девонлари, куллиётлари чоп этилди. 1897 йили эса Баёний, Огаҳий, Рожий, Мирзо, Табибиний, Фуломий, Султоний, Асад, Фозий, Пиркомил, Девоний каби Хоразм адабий муҳитида қалам тебратган ўттиздан зиёд шоирларнинг асарлари жамланган маҳсус тазкира нашр қилинган. Унга Аҳмаджон Табибиний сўзбоши ёзган. Бундан ташқари, матбаада бир неча таржима асарлар, турли шаклдаги тўпламлар, хотира китоблари ҳам чоп қилинган. Муҳаммад Раҳимхон ва унинг отаси замонида Шарқ халқлари тарихига, хусусан, Ўрта Осиё халқлари тарихига доир энг ноёб асарлар яратилганлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Хулоса қилиб айтганда, Феруз ва унинг саройи атрофида жипслашган илм-фани, санъат ва адабиёт аҳллари ўзбек халқи маънавияти тарихида чуқур из қолдирган ижодий ишларни амалга оширдилар. Бу улкан меросини ҳар томонлама, мукаммал ўрганиши энг долзарб масалалардан биридир.

Муддао шуки, ўтмишдаги адабий, маданий меросимиз, жумладан, сарой доирасидаги бадний ижод неъматлари ҳам ҳар томонлама, мукаммал ўрганилса, сонияни, баъзи тадқиқотчиларнинг «Сарой адабиёти билан коммунистик ҳокимият давридаги адабиёт бир» деган ақидаларига чек қўйиб, унинг илғор анъаналари, хусусан, маънавиятга ҳомийлик қилишдаги ибратли жи-

ҳатлари давом эттирилса. Зоро, қайси жамиятда маънавий ҳаёт эътибордан соқит қилинса, у таназзулга маҳкум этилса, ўша жамиятнинг истиқболи бўлмайди.

ШОҲОНА ҚУЛЁЗМА ДЕВОН

Ўзбек адабиёти тарихида уч тилда қалам тебратган, шеър ёзган, девон тузган шоир кам. Бухоро ҳокими Маҳмуд Султоннинг ўғли Убайдуллахон (1484—1539) шундай шоирлардан эди. У болаликдан адабиётга берилган, дунёвий илмлар билан бир қаторда диний билимларни ҳам мукаммал эгаллаган. Ўни Худо мардлик ва жасурлик фазилатларидан ҳам қисмаган, вақти келгандаги ўз юртининг мустақиллиги учун қўлида қилич билан душманга қарши отланган ва ғалабаларга эришган, умрини 1533—1539 йилларда Бухоро тахтида подшоҳлик қилиш билан якунлаган, мамлакат ободонлиги йўлидаги ишлари билан ўзидан яхши ном қолдирган.

Убайдуллахон 1533 йили Бухоро тахтига ўтирад экан, ўша кезлари у ўз тақдиридан хурсанд бўлиб, бу мансабдан ҳалқ, мамлакат учун фақат яхшилик қилиш йўлидагина фойдаланажаги ҳақида бир ғазалда қўйидаги мақтаъ-байти битган эди:

*Эй Убайдий, Ҳақ сени оламда қилди подшоҳ,
Сендин улдурким, раиятқа риоят қилғасен.*

Убайдуллахон инсофли, диёнатли, тақводор одам бўлиб, унга «Убайдуллахон» деган исмни Хожа Аҳорори Валий қўйган экан. У ўз шеърларини «Убайдий», «Қул Убайдий» тахаллуслари билан ёзар, ижод соҳасида биринчи устоз деб Алишер Навоийни танир ва бу тўғрида фахр билан шундай деган эди:

*Шеърлар айтиб Убайдий ҳам Навоий шеъридек,
Кўрки, шоирлар аро ул доғи шоир бўлғуси.*

Шу пайтгача бизга Убайдийнинг 1583 йили Мир Ҳусайн ал-Ҳусайнин томонидан кўчирилган ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 8931 рақам остида сақланаётган «Куллиёт» девонигина маълум эди. Мен 1994 йили «Ёзувчи» нашриёти томонидан нашр этилган Қул Убайдийнинг туркий девонидан олинган намуналардан иборат «Вафо қилсанг» тўпламини шу «Куллиёт» асосида тайёр-

лаган эдим. Унга ёзилган сўзбошида эса Убайдийнинг бу туркий девони мукаммал эмаслигини, унда «б», «п», «с», «д», «р» каби бир қанча ҳарфларга оид ғазаллар йўқ эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтган эдим.

Тақдир бизга кулиб боқди. Яқинда АҚШнинг Блумингтон шаҳридаги Индиана университетида бир неча ой лекция ўқиб келган тилшунос ва навоийшунос олим Эргаш Умаров қайтишда Британия музейида (Англия) 7907 рақам остида сақланаётган ва Убайдийнинг шу вақтгача бизга номаълум бўлган туркий девонининг янги қўллёзмаси ксерокопиясини олиб келди ва Алишер Навоий номидаги Адабиёт институтининг Навоий бўлимига тухфа қилди. Бу қўллёзмани ўрганиш шуни кўрсатадики, унда шоир шеърлари ўша замоннинг энг машҳур хаттоти, Алишер Навоий томонидан «Мажолисун-нафоис»да «Хаттотлар қиблагоҳи» («Қиблатул-куттоб») деб таърифланган Султон Али Машҳадий (1432—33—1520) қули билан 1507—1512 йиллар орасида маҳсус кўчирилган. Қўллёзма 78 варақдан иборат бўлиб, унинг колофонида котиб бу қўллёзманинг кўчирилиши тарихига доир қўйидаги жумлани ёзиб қўйган: «Нозимнинг кўрсатмаси билан,— олийлик ва аълолик эгаси — Оллоҳ Таоло бу дунёни тарк этувчи мусулмонлар орасида унинг умрини абадий қилсин,— (ушбу девонни) Султон Али ал-Машҳадий,— Худо гуноҳларини кечиргай,— китобат қилиш шарафига муюссар бўлди».

Бу қўллёзма шоир тириклигига кўчирилган бўлиб, унда шеърларнинг умумий миқдори «Куллиёт»дагига қараганда кам. Масалан, «Куллиёт»нинг туркий қисмида 310 атрофида ғазал, 485 га яқин рубоий бор. Бу девонда эса 263 ғазал, 62 рубоий бор, холос. «Куллиёт» да бошқа тур шеърлар сони ҳам кўп. Лекин янги қўллёзманинг қимматли бир томони шундаки, «б» ҳарфи қисмида «Куллиёт»да йўқ 3, «т» ҳарфи қисмида 5, «с» ҳарфи қисмида 8, «р» ҳарфи қисмида 41, «д» ҳарфи қисмида 1 та янги ғазал мавжуд. Бошқа ҳарфларга оид қисмларда ҳам маълум тафовутлар бор. Масалан, «а» ҳарфида «Куллиёт»да 44, бунда 38, «м» ҳарфи бўйича 15 та, бунда 8, «н» да 58, бунда 42, «ёй»да 83, бунда 47, «нг» да 26, бунда 16 та ғазал бор. «Куллиёт»да шеърларнинг кўпроқлиги сабаби аввало унинг шоир вафотидан қирқ йилдан ортиқ вақт ўтгандан кейин кўчирилганида бўлса керак.

Бу туркий девоннинг катта фазилати унда «Кул-

лиёт»га кирмаган бир қанча шеърлар борлигидә. Бунга қуйидаги ахлоқий мавзуда ёзилган ғазал яхши бир мисол бўла олади:

*Йигма жаҳон хизонасин, ўт тушар ул хизонаға,
Бўлмас, инонма, эй кўнгул, умр била замонаға.
Аҳли жаҳон сўзи бори бошдин-оёқ фасонадур,
Сен бу замона тифлидек солма қулоқ фасонаға.
Эгри кўнгул ўқин тузот, садқадин айла ё (й)*

анга,—

Тегсун агар десанг ўқунг туз борибон нишонаға...

Убайдий шеърларининг аксарияти анъанавий ишқий мавзудадир. Айни вақтда унинг бу хил шеърлари туркона услубда, ҳиссиёт билан, аича равон ёзилган:

*Қон тўкар ҳар лаҳза кўзум тифи мижгонин кўруб,
Кўнглум ўзидин борур оқкан аниң қонин кўруб.
Соядек туштум аёғин ўпкали ул шўхнинг,
Сайр этарда боғ аро сарви хиромонин кўруб.
Затъфлик жисмим тўла ўт ичра тушган қил киби —
Тўлғонурмен ҳар замон зулфи паришонин кўруб.
Истама мендин қарору сабр ила оромким,
Чархдек саргаштадурмен моҳи тобонин кўруб.
Эй Убайдий, номасин ўқурда қолмас жон манга,
Жон берурмен номасига балки унвонин кўруб.*

Убайдийнинг ушбу ўзбекча шеърлар девони ва бу даврдаги бошқа ҳукмдорлар шеърияти ҳақида биринчи бўлиб профессор Аннемарий Шиммел «Покистонда тарих фани» журналининг 1960 йил июль сонида босилган «Биринчи ўзбек ҳукмдорларининг маданий фаолияти ҳақида баъзи мулоҳазалар» деган мақоласида ёзган ва маълумот берган эди. Лекин чет элларда эълон қилинган кўп тадқиқотлар каби бу мақола ҳам бизга шу пайтгача номаълум бўлиб келган. Бу мақола муаллифи Убайдийнинг танланган шеърларидан тузилган бошқа бир терма девони Истамбулнинг (Туркия) Тўпқопи кутубхонасида сақланаётганини хабар қиласи.

Убайдийнинг янги топилган девони адабий аҳамияттагина эга бўлиб қолмай, у санъатимиз тарихини ҳам бойитади. Маълумки, Султон Али Машҳадий томонидан кўчирилган Шарқ муаллифлари асарларининг қўл-ёзмалари ҳозирги вақтда жаҳондаги ўнлаб эиг машҳур қўллёзма фондларини безаб турибди. Бу котиб томонидан Навоий йигирма тўрт ёш эканида кўчирилган

үшинг «Илк девони», XV асрнинг охирларида кўчирилган «Хамса» қўлёзмаси бугун Санкт-Петербургдаги Салтиков-Шчедрин номли Давлат ҳалқ кутубхонаси шинг бебаҳо бойлигидир. Беруний номидаги Шарқшунослик институтида эса Навоийнинг «Наводирун-ниҳоя» девошишинг шу котиб томонидан кўчирилган энг қадимги нусхаларидан бири ундаги ноёб ёзма ёдгорликларимиздан ҳисобланади. Заҳириддин Мұхаммад Бобур Султон Али Машҳадийнинг Ҳусайн Бойқаро давридаги фаолияти тўғрисида гаи боргандада: «Ҳар кунда ўттуз байт Мирзо (Ҳусайн Бойқаро) учун ва йигирма байт Алишербек учун битир эди»,— деб ёзган эди. Маълум бўладики, Султон Али Машҳадий узоқ умр кўриб, темурийлардан кейин шайбонийларга ҳам хизмат қилган, ўлкада маданий ҳаракатнинг узилиб қолишини истамаган.

Султон Али Машҳадий қариган чоғида ўзишнинг узоқ йиллик тажрибаларидан келиб чиқиб, хат ва хаттотлик санъати ҳақида маҳсус бир шеърий рисола ёзган. Бу рисоланинг қўлёзма нусхаларини Оврупо ва Осиёнинг жуда кўп қўлёзма кутубхоналарида учратиш мумкин. Султон Али Машҳадий настаълиқ хатининг пири бўлиб, бу рисоланинг бир пусхасини 1514 йили ўзи кўчирган ва бу дастхат нусха ҳам ҳозир Санкт-Петербургда Салтиков-Шчедрин номидаги Давлат Ҳалқ кутубхонасида (Инв. № 454) сақланади. Шу рисола ва улуғ хаттотнинг ёзиш санъати ҳақида 50-йилларда шарқшунос олима Г. И. Костигова маҳсус номзодлик диссертацияси ёзган эди.

Хаттотлик санъати ва уннинг тарихининг катта билимдони, ажойиб олим Абдуқодир Муродов эса ўзининг «Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан» деган китобида (1971) Султон Али Машҳадийнинг ўша Санкт-Петербургда сақланаётган рисоласи қўлёзмаси, ёзилиш хусусиятлари тўғрисида қўйидаги фикрларни билдирган: «Рисола Хуросоннинг юксак даражада зийнатланган бадиий қўлёзмаларидан ҳисобланади. Матн икки устунда Султон Али услубига хос бўлган қаламда, ҳарфлари дона-дона ажралиб турадиган йирик настаълиқ хатида жилоланиб, новвотранг ипак қоғозга қора сиёҳ билан ёзилган. Барча сарлавҳалар олтин суви ва ложувард рангда битилган. Рисола матнлари зарҳал билан чизилган жуда нафис жадваллар ичига олинган. Қўлёзманинг 16 варафи бошида нафис унвон бор... Нус-

ханинг 1- ва 2- а матн оралиқлари яхлит тилла суви билан қопланган. Құләзманинг барча ҳошиялари үсімлик, хаёлий ҳайвонлар ва паррандалар расми билан бе-затилган».

Бу ерда Султон Али рисоласининг хати ва унинг ички, ташқи безаклари тұғрисидаги гапларнинг деярли ҳаммасини унинг Убайдий туркий девони хати ва безакларига ҳам нисбат бериш мүмкін. Чунки бундай хат ва құләзманы бадиий безаш билан боғлиқ гаплар Султон Али услубига хос. Убайдий девонининг бу құләзмаси ҳақида ксерокопия бўйича тұла фикр юритиш қийин. Шундай бўлса ҳам құләзма билан дастлабки танишиш шуни кўрсатадики, у орадан ўтган салкам беш аср давомида кўп шикастланмаган. Безаклар ҳам маълум даражада яхши сақланган. Қўләзма бошидаги олтин суви юритилган саҳифалар, ҳошиядаги турли үсімликларнинг барглари, хусусан, 1-саҳифадаги боғ манзараси, ундаги одамларнинг расмлари кўзга яққол ташланиб туради. Жадвал чизиқлари ва хат ифодаларида бирори хатолик, ғашга тегадиган бузилиш кўринмайди. Бинобарин, ушбу девон құләзмаси мисолида буюк хаттот меросининг яна бир асарга бойигани шубҳасиз.

Убайдий XVI аср ўзбек адабиётининг йирик сиймоларидан бири бўлиб, унинг адабий мероси эндиғина ўрганила бошлади. Унинг ўзбекча шеърий девонининг чет эл каталогидан ноёб құләзма нусхасининг топилиши шоир меросини, шу давр маданий ҳаёти тарихини кенгроқ, чуқурроқ ўрганиш ва текширишни анча енгиллаштиради. Улуғ аждодларимиз меросларининг қадимий қўләзмаларини қидириб топиш билан боғлиқ ишларга эса бундан буён ҳам биринчи даражали аҳамият бермоғимиз керак. Ўзбек адабиёти ва санъати тараққиётiga ўз ҳиссасини қўшган Убайдий каби ижодкорлар, Султон Али Машҳадий каби санъаткорлар шундай изланишлар орқали адабиётимиз ва маданиятимиз тарихидан ўзининг кенгроқ ва чуқурроқ ўринларини эгаллашлари лозим.

АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ ИЖОДИДА ПАНД-НАСИҲАТ

Форс-тожик адабиётининг улуғ намояндаларидан бири, Алишер Навоийнинг замондоши Абдураҳмон Жомий инсониятга жуда катта адабий ва илмий мерос қолдирган бўлиб, бу мерос шоир ҳаётлигидаёқ замондошлари томонидан тұла тан олинган, уларнинг фахр

ва ғурурига сабабчи бўлган эди. Улуғ шоир ўзининг шеърий девониши, масалан, тўкин бир дастурхонга қиёслаган ва бундан ҳақиқий инсонлар истаганиларича баҳраманд бўлишлари мумкин, деган:

*Шеър девони эмас бу, балки Жомий
Сахиларча ёзмис тўкин дастурхон.
Нокасларга мадҳу ҳажвдан бўлак,
Не маъно истасанг бунда фаровон.*

Алишер Навоий Жомий шеъриятини улуғлаб, уни «Сабъай сайёр» достонида қуёшга ўхшатиш қуёшни ойга ўхшатишдек бир гап бўлиб, Жомийни камситади деса, Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома»да уни ўша даврдаги шонрларниг «саромад ва сардафтари» деб атайди.

Жомий адабий меросида панд-насиҳатга, пандко-мага жуда катта ўрин берилгани бўлиб, бунинг сабаблари кўп бўлган. Аввало, Жомий панд-насиҳатниг жамиятда тутгай ўрнини инсонларниг инсоний эҳтиёжларидан келиб чиқиб белгилагаи. Улуғ шоир фикрича, насиҳат қилиш одамларниг ўзаро муносабатларини, бир-бирига меҳр-оқибатини яхшилайди. Насиҳат — бу ҳаётний, илмий, ақлий тажриба бўлиб, кишилар бу тажрибаларидан насиҳат орқали қанча кўп фойдалансалар, уларниг ҳаёти, ўзаро дўстлиги ҳам шунча яхши бўлади. Шунинг учун Жомий буни, яъни панд-насиҳатни кишилар орасидаги, хусусан, дўстлар ўртасидаги дўстликниг ёзилмаган бир шарти, ёқимли тоңг шабадаси боғ-бўстонни қандай безаса, аллаласа, инсон ҳаётини ҳам, руҳини ҳам ўзига мафтуни этадиган шундай бир омил деб қарайди ва ёзади:

*Насиҳатгари бар дили дўстон
Бувад чун дами субҳ бар бўстон.*

Мазмuni: Дўстларниг дилини топиб насиҳат қилиш бўстондан эсган тоңг шабадасидай ёқимлидир.

Насиҳатгўйни эса Жомий душёдаги энг доно одам деб билиб, уншиг пандларини жон қулоғи билай эшитишга, унга қалбнинг энг тўридан жой берришга даъват этади:

*Чу панде бишнавӣ аз пандфармой,
Чу доно боядаш дар жон куни жфой.*

Мазмuni: Насиҳатни тишгла насиҳатчидан (яъни ҳар кимдан эмас!),

Доно одамларга жонингдан, қалбингдан жой берсанг арзийди.

Жомий ижодида панд-насиҳат жанрининг ривожлашиши Шарқ адабиётларидағи адабий анъаналар билан ҳам яқиндан боғланган эди. Форсий тилдаги адабиётнинг ўзида Жомийга қадар Абдулмажид Санойининг «Ҳадиқатул-ҳақойиқ», Низомий Ганжавийнинг «Махзанул-асрор», Шайх Саъдийнинг «Бўстон», «Гулистон», Амир Хусрав Деҳлавийнинг «Матлаул-анвор», Жалолиддин Румийнинг «Маснавийи маънавий», Кайковуснинг «Қобуснома», Низомий Арузий Самарқандийнинг «Чор мақола» каби ўнлаб шеърий ва насрый асарлари яратилган эди. Форсий адабиёт тараққиётида бу асарларнинг ҳар бири муҳим аҳамиятга эга бўлган. Шу билан бирга, умумац, Абу Абдулло Рудакий, Абулқосим Фирдавсий, Фарииддин Аттор, Ҳофиз Шерозий ва бошқалар ижодида ҳам панд-насиҳатга катта ўрин берилган бўлиб, Жомийнинг бу анъаналар ёнидан бепарво үтиб кетиши, улардан кўз юмиши мумкин эмас эди.

Жомий ижодида панд-насиҳатнинг катта ўрин тутишида яна бир омил бўлганки, бу алоҳида эътиборга эга. Биз шу пайтгача бу омилдан доим кўз юмиб келдик. Бу — дин, диний китоблар, бу — Қуръон ва ҳадислар ҳамда шу мавзудаги асарлардир. Ҳадисларда: «Дин нима?» дегап саволга «Дин — насиҳатдан иборат», дейилган. Қуръоннинг «Тоҳа» сурасида ҳам унинг «кишиларга панд-насиҳат бўлсин учун нозил» қилингани айтилган¹. Ўз даврининг улуғ алломаси бўлган Жомий айни вақтда Ҳиротнинг Шайхул-исломи, катта дин олими ва мутасаввиғи ҳам эди. Бинобарин, унинг шахсий ҳаётida ҳам одамларга, ўрни келса, ҳатто подшоҳ ва унинг вазирларига ислом китобларидан келиб чиқиб, маълум масалаларда ўгит бериш унинг бевосита вазифаси эди. Диний китобларда эса кўп вақт бевосита инсонга мурожаат қилинади, уни ҳар бир ишда тўғри йўлдан боришга даъват этилади. Адабиётда ҳам бу соҳада катта тажриба тўпланган бўлиб, бунга хамсанавис шонрларнинг деярли ҳаммасининг фалсафий-таълимий мазмундаги биринчи достонлари яққол мисол бўла олади. Одам билан тўғридан-тўғри гаплашиш, унга мурожаат этиш, унинг кайфиятини ўзига қаратишта ҳа-

¹ Қуръони Карим, Тошкент, 1992, 221- бет.

ракат қилиш, бунинг учун бадиий воситаларнинг ҳам-
масидан фойдаланишга интилиш — ўша давр шонрлари
ижодидаги энг катта йўналишлардан бири эди. Диний
дунёқараш ҳукмрон бўлган ўрта аср шароитида бу
адабиёт тараққиёти учун ҳам муҳим эди. Лекин адабиёт
тариҳини, Жомий каби улуғ қаламкашлар ижодини ўр-
ганишда биз доим бу омилни инкор этишга уриндик.
Аслида Жомийнинг ахлоқий поклик, адолат, тўғрилик,
ростгўйлик, вафодорлик билан боғлиқ ғоялари кўп
ўринда ва аслда Қуръон ва ҳадисларга бориб боғланади.
Масалан, Жомий ўз достонлари ва шеърларида
адолатсизликни қайта-қайта қоралаб, сахийликни улуғ-
лаб ёзар экан, бунда у Қуръондаги шу масалага оид
фиркларга ҳам издошлиқ қилган, суюнган. Хусусан,
адолат қилиш зарурлиги ҳақида Қуръонининг «Аҳқоф»
сурасида шундай дейилади: «Албатта, Оллоҳ золим
қавми ҳидоят қилмас». (Қуръони Карим, Тошкент,
1992, 377-бет.) Қуръонининг «Бақара» сурасида яхши-
лик қилиш, эҳсон бериш зарурлиги ҳақида: «Албатта,
Оллоҳ яхшилик қилгувчиларни севади» (23-бет), «Ин-
фоқ қилгаш ҳар бир нафақаигиз ва назр қилган ҳар
бир назрнингизни шубҳасиз Оллоҳ билади. Ва (инфоқ-
эҳсон қилмайдиган) золимлар учун ҳеч қандай ёрдам-
чи йўқдир. Агар садақаларни ошкора ҳолда берсангиз,
жуда яхши. Ва агар махфий қилиб, фақир-камбағал-
ларга берсангиз — бу ўзингиз учун янада яхшироқ-
дир» (33-бет), дейилган. Бу хил оддий, лекин маъноли
тапларни Жомий фақат қўллаб-қувватлаган ва уларга
мумкин қадар яхши безаклар бериб, уларни ўз даври
эҳтиёжлари ва хусусиятларидан келиб чиқиб талқин
етишга ҳаракат қилган. Яъни умуминсоний қадриятлар-
ни улуғлаш Жомий, Навоий каби сўз санъаткорлари
ижодининг бош хусусияти бўлган.

Менингча, миқдор жиҳатидан ҳеч ким панднома
характерида Жомийчалик кўп асар яратмаган. Ҳамма
хамсанавислар биттадан фалсафий-таълимий достон ёз-
тан булса, Жомий «Хамса»сининг достонларида тўрт-
таси шу характерда. Улардан энг каттаси «Силсилатуз-
зиҳаб» уч қисмдан иборат. «Тұхфатул-аҳрор», «Сиб-
ҳатул-аброр» бевосита Низомийнинг «Махзанул-асрор»,
Хусрав Деҳлавийнинг «Матлаъул-анвор» достонларига
жавоб тарзида битилган. Жомий бошқа хамсанавислар
каби қадим юонон лашкарбошиси Искандар ҳақида ҳам
«Хирадномаи Искандар» номи билан достон ёзди. Ле-

кин унинг бу достонида Искандарнинг ҳарбий юришларига эмас, кўпроқ унинг ўз атрофидаги донишмандлар билан сұхбатлари ва ўзаро турли масалалар бўйича савол-жавобларига катта ўрин берилди. Бу айтилганинг шундай холоса чиқариш мумкин: Жомий хамсачилкни кўпроқ панд-насиҳатга буришга итилди, шу жанр бўйича ўзининг юксак маҳоратнин намойиш қилди.

Жомийнинг «Түхфатул-аҳрор» достони бу соҳадаги унинг энг гўзал ютуқларидан бири бўлиб, ушбу асарга Алишер Навоий ниҳоятда юқори баҳо берган эди. Навоий бу асарни биринчи бўлиб ўқигаш ва у тўғрида илк бор фикр билдирган кишилардандир. Навоий бу достонни олдинги хамсанавислардан Низомийнинг «Махзанул-асрор» ва Хусрав Деҳлавийнинг «Матлаъул-анвор»и билан қиёслаб, Жомий достонини уларнинг иккисидан ҳам юқори қуяди ҳамда бу достонда у асарларда йўқ гаплар борлигини алоҳида таъкидлайди:

*Нафъ топиб кимки бўлуб мустафиd,
Мухтасар ул иккидин, аммо муфиd.
Ул иккини топса бўлур мунда — ўқ,
Мунда туҳаф кўпки, ул иккida йўқ.*

Шундай туйғулардан келиб чиқиб, Навоий бу асарни севиб қолгани ва энг муҳими, бу билан боғлиқ ички кечинималар уни туркий тилда «Хамса» яратишга олиб келгани тўғрисида шундай дейди:

*Шавқида кўксумни шигоф айладим,
Жилдига кўнглумни ғилоф айладим.
Чун ўкумок замзамаси бўлди бас,
Кўнглум аро дағдага солди ҳавас...*

«Сибҳатул-аброр» достони ҳақида эса «Садди Искандарий» достонида Навоий ундаги байтларни бирбирига тасбеҳдаги каби боғлаб турган ип жон или бўлса, ҳар байт «шаҳвор дур»—«шоҳона дур»дир,— дейди:

*Яна «Сибҳа» жон риштасин тор этиб,
Ки ҳар муҳра бир дурри шаҳвор этиб.*

Жомий «Сибҳатул-аброр»да қаноат қилишининг фазилатларини улуғлаб, очкўзлик, ҳирсни қоралар экан, бу ғояни ўқувчи оғигига етказиш учун оддий гаплар билан чекланиб қолмайди, у очкўзликка, мол тўплашга ҳирс қўйган, бунинг учун ўзини ўққа-чўққа уриб, ҳар тешикка кириб чиқишига тайёр одамни нарса тўплаш

учун бир кунда юзта гўрга кириб чиқадиган чумоли — мўрга ўхшатади:

*Эй камар баста ба сад ҳирс чу мўр,
Вои ту, гар бари ин ҳирс ба гўр¹.*

Таржимаси: Эй чумоли каби (белига) юзта ҳирс камарни боғлаган (инсон), Ҳолингга юз войким, бу ҳирс сени гўрга етакламоқда!

Шонр золим подшоҳларга мурожаат қилиб, улар аҳолига зулм қилаверишда давом этар экан, бу машъум одат бутун оламга тарқалиб, унинг вазирлари ва бошқа амалдорлари ҳам халққа зулмни ошириши мумкин,— дейди ва ўз гапини бадиий жиҳатдан таъсирили қилиш учун уй эгаси чирмандакаш бўлса, болалари оёқ тепадиган, яъни ўйин тушадиган бўлади,— деган гапни келтиради:

*Зулми туро беҳ чу маҳкам бувад.
Зулми ту зулми ҳама олам бувад.
Хожа ба хона чу бувад дафсарой,
Аҳли сарояш ҳама кўбанд пой².*

Таржимаси:

*Сен қилаётган зулмнинг илдизи
мустаҳкамланавергач,
Бу зулм бутун оламга ёйлади (одат тусига
киради).*

*Ахир, уй эгаси чирмандакаш бўлса,
Унинг уй аъзолари оёқ тепадиган бўлади-ку!*

Жомий «Сибҳатул-аброр»да мамлакатни адолат асосида бошқариш мамлакатнинг гуллаб-яшнашига олиб келишини изоҳлар экан, бу ҳақдаги умумий мулоҳазалар билан чекланмай, у тарихдан Нўширавон ҳикоясини келтиради. Ҳикоя қилишларича, Нўширавон ниҳоятда одил подшоҳ бўлиб, унинг даврида халқнинг турмуши фаровон, мамлакат обод бўлган. Умрининг охирида у ўз шларини текшириб кўриш учун ўзини касалга солади ва бу касалига бирор вайронадан келтирилган ғишт дори бўлишини айтади. Ҳамма мамлакат бўйлаб вайрона уй қидириб кетади. Лекин ҳеч қа-

¹ Абдураҳмони Чомӣ. Осори муNTAXаб, ч. сайум, Душанбе, 1964, с. 207.

² Е. Э. Бертельс. Навои и Джами. М., 1966, стр. 268.

ердан ҳеч ким бирон бузилиб ётган уйни топа олмайди. Оқибатда улар Нұширавонга узр айтіб, мамлакатдан битта ҳам бузук уй топа олмаганларини арз қиладилар. Бундан Нұширавон хурсанд бўлиб, шоҳ сифатида муддаосига эришгашини, гишт тўғрисидаги гап ҳақиқатини билиш учун ўйлаб топилган бир парса эканини айтади.

Бу каби маълумотлар ҳаммаси шуни кўрсатадики, Жомийнинг панд-насиҳат билан боғлиқ асарлари чинакам бадиий асарлардир. Улар қуруқ панд-насиҳатдан иборат эмас. Улуғ шоир услубининг ёқимлилiği, таъсирчалиги сабаби ҳам шундан. Афсуски, овруполик тадқиқотчилар буни тушуна олмасдан, Шарқ муаллифларининг бу хил асарларини камситадилар. Биз бунига қарши Жомий, Навоий каби муаллифларимизнинг панд-насиҳатга онд меросларини назарий жиҳатдан чуқурроқ ўрганмоғимиз лозим.

Жомийнинг лирик меросида ҳам панд-насиҳатга доир кўпгина шеърларин учратиш мумкин. Айинқса, унинг рубойй ва қитъалари панд-насиҳатга мойил. Жомий ўз давридаги билимдан, маданиятдан узоқ, факат қориниш, амалии ўйлаган жоҳиллар ҳақида қўйидаги қитъани ёзган:

*Пўлатдан бир парча тиш билан узмоқ,
Тирноқ билан тошда ариқлар қазмоқ,
Жаҳаннам ўтига бош билан киши,
Кўзлар милки билан олов-чўғ териш,
Юз тева юкини бўйинга илиб,
Шарқдан то Farбгача югуриб-елиб,
Бормоқлик Жомийга енгилроқ, жејра,
Пастлар миннатини тортгандан кўра.*

(Ш. Шомуҳамедов таржимаси.)

Жомийнинг бу қитъаси машҳур хоразмлик шоир Паҳлавон Маҳмудининг шу мавзудаги бир рубойиси билан ғоят ҳамоҳанг:

*Се сад Кўҳи Қофро ба ҳавон судан,
Ба тоқи фалак ба хуни дил андидан.
Сад сол асири банди зиндан будан
Беҳ з-он ки даме ҳамдами нодон будан.*

Таржимаси:

*Уч юз Кўҳи Қофни келади туймоқ,
Дил қонидан бермоқ фалакка бўёқ,*

*Еинки бир аср зинданда ётмоқ
Нодон сұхбатидан күра яхшироқ.*

(Т. Жалолов таржимаси.)

Жомий Шарқ панд-насиҳат адабиётига ўзининг настрий «Баҳористон» асари билан ҳам алоҳида катта улуш қўшди. Унинг бу асари ўша даврдан бошлаб шу кунга қадар Шайх Саъдийнинг «Гулистан» асари ёнидан жой олган. Бунда келтирилган ҳикояларнинг ҳар биттаси инсонлар ҳаётидан, тарихдан сабоқ. Шарқ, шу жумладан ўзбек адабиётида ҳам ҳикоячилик кўп вақт панд-насиҳат мазмунида бўлиб, биринчи павбатда кишилар ахлоқини тарбиялашга, тузатишга хизмат қилган. Масалан, Жомий шу «Баҳористон»ниң биринчи ҳикоясида машҳур шоир ва мутасавиф Абдуллоҳ Ансорий ҳақида сўзлаб, ёзди:

«Ҳирот пирларидан Абдуллоҳ Ансорий ўз асҳобларига васият қилиб: Ҳар пирдан бир сўз эслаб қолинг; агар бу қўлинигиздан келмаса, уларнинг исмини ёд олинг, бундан баҳра топасиз,— дер эди¹.»

Яна бир ҳикояда қўйидагиларни ўқиймиз:

«Шайх Абу Саид ибни Абул Хайрдан:

— Сўфийлик инмадан иборат?— деб сўраганларнида, у шундай жавоб берибди:

— Бошинга борини чиқариб ташла, қўлинига борини бериб юбор, сенга нима қилсалар чида!»².

Жомий ҳикоялари қисқа, лекин таъсирлидир. Муаллиф ўз фикрларини ҳар бир ҳикояда ёрқин ифодалай олган. Масалан, Шайх Абу Саиднинг жавобларидан шу нарса апглашиладики, ҳақиқий сўфий бу дунёга меҳр қўймаслиги, сахий булиши, худодан бошқа нарсани ўйламаслиги керак экан.

Жомийнинг панд-насиҳатлари доираси кенг. «Бу соҳада у нималар ҳақида ёзган?»— дегандан кўра, «Нималар ҳақида у ёзмаган?» деган саволни қўйиш тўғрироқ. У жамият ҳаётига доир ҳамма масалалар бўйича фикр билдиришга эришган. Унинг жамият, инсон ҳаётини яхшилаш билан боғлиқ фикр-мулоҳазалари ривожланиб, унинг «Садди Искандарий» достонида катта ижтимоий-фалсафий ғояларни илгари суришга олиб келган. Бу достонда Жомий Искандарнинг ҳаёти сўнгидага покизалар шахрига борганини тасвиirlар экан, у

¹ Абдураҳмон Жомий. Таъланган асарлар, Тошкент, 1969, 296-бет. «Баҳористон» таржимаси. Ш. Шомуҳамедовники.— А. Ҳ.

² Уша китоб. 298- бет.

шаҳардаги одамларнинг тенгҳуқуқлилик асосида бой ва тинч яшатганини, улардан ҳар қанча намуша олса арзишини ҳикоя қилади:

*Искандар айланиб чиқиб жаҳонни,
Сўроқлаб ҳар ошкор ва ҳар ниҳонни,
Юриб-юриб битта шаҳарга етти,
Аҳолисин кўриб, кўп ҳайрон этти.
Бекорчи гапларга лаблари юмиқ,
Беҳуда ишга кўз ҳам қулоқ ёпиқ.
Ёмонлик исташмас ва озорни ҳам,
Яхшига доимо мададкор, ҳамдам.
На бойи бор эди, на гадо, фақир,
На бирор султону на бирор амир.
Баробар барчасин қисмати, моли,
Мувофиқ барчасин ҳоли-аҳволи.—
Қаттиқ меҳнат билан ҳоли танг эмас,
Тилда, дилда тинчлик, уруш, жанг эмас.
Ҳар бир отага бир уй етарлик,
На қулф бор унда ва на бор эшик...*

Жомий бу ўринда, шубҳасиз, Низомий Ганжавийнинг «Искандарнома» достонидаги хаёлий жамият билан боғлиқ ғояларини давом эттирган ва ривожлантирган.

Хуллас, Жомийнинг панд-насиҳат билан боғлиқ адабий мероси уининг изодиётининг эшг жоили ва аҳамиятли, жамиятнинг ахлоқий-маънавий тараққиётига фаол хизмат қиласидиган қисмларидан биридир. Биз уни муттасил ўрганишимиз, тарғиб қилишимиз зарур. Навоий тили билан айтганда, Жомий ўзининг сермазмун ва ширин-шакар бадиият олами билан инсоният борки, ҳамиша тирик ва ҳаётбахшdir. Унингча, Жомий —

*Ало, токи жон бўлғай инсон била,
Тирик бўлғай инсон доги жон била...
Нафас бирла ўлонға бергай ҳаёт!*

(«Садди Искандарий»дан.)

МАШРАБ ҲАҚИДА СУЗ

Жасур ва ҳурфигр шонр сифатида ном чиқарган Бобораҳим Машрабининг номи Ўзбекистондагина эмас, бутун Марказий Осиё ҳалқлари орасида, Шарқий Туркестон ва Волга бўйларида, Афғонистон ва Яқин Шарқ мамлакатларида ҳам маълум ва машҳурдир. Кўпчилик ёзма манбаларнинг хабар беришича, Машраб 1640

йили Наманган шаҳрида косиб оиласида дунёга келган. Лекин қизиги шундаки, халқ орасида Машраб таваллудининг ўзи ҳам турли афсоналар билан боғлаб юборилган. Ривоят қилишларича, бўлажак шоирниң онаси Биби Салима йигирган ишини бозорга сотиш учун олиб бораётганида, ерга тушиб ётган икки дона узумни олиб, увол бўлмасин деб оғзига солади. Шунда у ўн қадам ҳам юрмай, ушинг қорнидаги ҳомиласидан:— Эй она, Худойи таолодин қўрқмай, бироннинг узумни едиг. Агар шу замон узумниң эгасини рози қилмасанг, қорнигдан ғойиб бўлурман!— деган овоз келади. Бу Машрабниң овози эди. Отаси Валибобо ва онаси Биби Салима узумниң эгасини топиб, рози қиладилар. Шу равнида Машрабниң номи, ҳали тугилмасданоқ халқимиз тарихида поклик ва ҳалолликниң рамзи бўлиб қолади. Туғилган чақалоққа эса ота-онаси Бобораҳим деб ном қўйганлар.

Биз шу пайтгача Машрабни кўпроқ шоир сифатида ўрганиб келмоқдамиз. Аслида у шоиргиша бўлиб қолмай, «Машраби валиоллоҳ», «Орифи раббоний ва ошиқи ҳаққоний» лақаблари билан ҳам машҳур. Бу тарихда, барча ёзма маибаларимизда бор гап. Менингча, Машраб ўз фаолиятида дунёвийлик билан динийликни қўшиб олиб борган буюк шахс ва буюк бир ижодкордир.

Бобораҳим болалик чоғидаёқ ўзининг илмга, шеъриятга бўлган муҳаббати билан ҳамманиң диққатини ўзига тортган эди. Унинг шеърияти билан яқшидан танишган киши шоирниң ёшлигидан Шарқ шеъриятининг Аҳмад Яссавий, Ҳофиз Шерозий, Лутфий, Навоий, Жалолиддин Румий, Насимий каби намояндлари ижодини асосли ўрганганини, бу эса унинг шоир сифатида шакллашишига катта таъсир кўрсатганини сезмаслиги мумкин эмас. Унинг Намангандаги биринчи устози Мулло Бозор Охунд маълум бир вақтдан кейин шогирдига бундан буён устозлик қила олмаслигини айтади ва уни Қашқардаги машҳур эшон Оғоқхўжа ҳузурига юборади. Оғоқхўжа фақат диний арбоб бўлмай, Қашқардаги ҳокимияти ҳам ўз қўлида тутган одам эди. Машраб биринчи навбатда ўз шеърий истеъодиди, ёлқинли шеърлари билан Оғоқхўжада яхши таассурот қолдиради. У ўз даргоҳидан Машрабга жой беради. Ривоятлар хабар қилишича, шоирга Машраб тахаллусини ҳам Оғоқхўжа берган. Шоирниң шеърлари бутун

Шарқий Туркистонга тарқала бошлайди. Үйғур халқы Машраб сиймосида ўз шоирини топгандай бўлади. Ҳозир ҳам уйғур мақомларининг кўпгина куйлари Машраб шеърлари билан ижро этилиши бунишг ёрқин далилидир.

Бироқ Офоқхўжа саройнда Машраб ёлғиз эмас эди. Бу ерда бошқа шоирлар ҳам бор эди. Уларнинг баъзиларида Машрабнинг шоирлик обруси кун сайин ортиб бораётгани ҳасад уйғотади. Бу эса уларнинг Маршабга қарши бирлашишга, унинг устидан чақимчилик ва турли иғволар уюштиришга олиб келади. Натижада бир канизак баҳона бўлиб, Машраб оғир тан жазосига дучор этилади ва саройдан қувилади. Шундан сўнг шоир ҳаётинишг дарбадарлик йиллари бошланади. Бизнингча, Машрабнинг Қашқар ҳаётидаги фожиасига, айтиб ўтгашимиздек, унинг ҳамкаслари — шоирлар ҳам сабабчи бўлган. Ижодкорлар ўртасидаги ионтифоқлик, бир-биринишг пайини қирқиш яқин ўтмишда ҳам бўлганки, бу парса кўп бахтсизликларга олиб келган. Бу адабиётимиз, халқимиш тарихидаги ўқинчли ҳодисалардир.

Машраб кейинги давр ҳаётида дарбадар шоирлар ва қаландарларга қўшилиб, Мовароуннаҳр, Шарқий Туркистон, Хурросон ва Яқин Шарқ мамлакатларидаги кўпгина шаҳарларни кезиб чиққан. Уз ижодини анъана-га кўра нишқий шеърлар ёзишдан бошлаган шоир шеърияти бу даврда чуқур ижтимоий-сиёсий ва фалсафий моҳият касб этди. Шопр пойи қадами етган ҳамма жойларда халқ оммасининг кўп ҳолларда қийналиб яшаётганини, ўзинга ўхшаган сарсон-саргардон кишилар беҳисоб эканини кўрди. Унинг учун муҳаббат мувзуи секин-аста Навоийча, Фузулийча маъно касб этиб, инсонпарварлик руҳида талқин этила бошлади. Машрабнинг ҳаёт посозлигидан шикоят қилиб ёзган шеърлари эса алаңгага айлапиб, кишилар қалбини, халқ юрагини ўртай бошлади. Машраб машҳур мухаммасида бундай деб ёзади:

*На ғурбатларни чектим, чархи бебунёд, дастингдин,
Давом мотамда ўттим, бўлмадим дилшод дастингдин.
Тамоми хонумоним бўлди чун барбод дастингдин,
Ҳама обод бўлди, бўлмадим обод дастингдин,
Ки мен ҳар қайга борсам, дод этарман, дод
дастингдин.*

Машрабининг Тошкентда бўлгани, шу ернинг бой ва камбағаллари, шайх ва муллалари, санд ва хожалари билан учрашувлари ҳам шонир ҳақидаги ривоятлар орасида муҳим ўрин тутади. Жасоратли шонир амалдорларнинг мансабпаратлигидан, шайх ва муллаларниң халқ манфаатларидан узоқлигидан кулиб, бадеҳона усул билан шундай шеърлар яратганки, бу ҳамон халқнинг ёдида. Шу маънида унинг ўз ишлари билан эмас, балки насаби билан ғурурланиб, ўзини фойдали меҳнатдан олиб қочувчи такаббурларни тақид қилгани ҳозир ҳам ҳаммамиз учун ибратлидир:

*Санд авлодиман деб, тутмагил роҳи шақоватни,
Кўзунг борида ахтарғилки бир аҳли ҳидоятни,
Танингдин канда қилғил дам-бадам сен бори*

гафлатни,

Такаббур саҳт ўлуб, бўйнунгга солма тавқи

лаънатни,

Сайдсан, хожасан, зинҳор мағрури насаб бўлма.

Машрабининг бу каби шеърлари халқ орасида жуда машҳур бўлиб, кўп авлодларни түғрилик, поклик, ҳалоллик рӯҳида тарбиялаган. Машрабининг Ҳиндистонда, Яқин Шарқ мамлакатларида бўлғани, Макка ва Мадина шаҳарларини зиёрат қилгани тўғрисида ҳам маълумотлар бор. Машрабни даҳрий шонир деб кўрсатишга урнишлар эса жоҳилликдан бошқа нарса эмас.

Машрабиниг қисмати аччиқ, ҳаётни кемтикларга тўла бўлса ҳам, у ўз сўзидан, ниятидан, шижоаткорлигидан қайтмас, уни ҳаммаслаклари, дўстлари, устидаги жандасидан бошқа оғирлиги бўлмаган қаландарлар «Машраб!» деб эмас, «Шоҳ Машраб» деб атар ва мурожаат қилар, унга ишонар, у юрган йўлдан борар, Ҳақ йўлида ўлимдан ҳам қайтмас эдилар. Шунинг учун ҳам Машраб тасаввуф мавзуидаги бир ғазалида:

*Ваҳдат майини пир мугон илгидан ичтим,
Мансур каби дорға бошимни тута қолдим.
Девоналиғим шуҳрати оламга тўлубдур,
Бир жилвасига икки жаҳондин ўта қолдим,—*

деб ёзар экан, бунда ҳеч бир муболаға йўқ эди.

Бобораҳим Машрабининг тасаввуфининг Мансур Ҳаллож, Сайийд Насимий кабилар мансуб қанотига издошлиги, унинг кўп вакт мавжуд сиёсий ҳокимиятга тақидий муносабатда бўлгани, унга қарши тик боргани

бошига кўпгина кўнгилсиз ҳодисаларни солди. Машраб ҳукмдорларининг инсофли, адолатли бўлишини, элга раҳнамолик қўлмоқчи бўлган кишилариниг эса доно, узоқни кўра биладиган, масъулиятни чуқур ҳис этадиган бўлишини истар эди. Ҳаётда эса бундай эмас, уларнинг кўплари ўз манфаатларинингши ўйлаган, шуҳратпараст, халқ оммасига иисбатан посамиий одамлар эди. Шунинг учун Машраб бир ғазалида уларнинг шаънига шундай аччиқ гапларни айтган:

Шуҳрат айлабким, алардек худномоларни

кўрунг,

Зоҳири суратпараст, ноошноларни кўрунг.

Иўлни билмас омийларни кўзига ориф бўлиб,

Ўзи манзилга етолмай, нобиноларни кўручг.

Барчага айлар насиҳат, ўзини доно этиб,

Иўлда қолғон бекасу бераҳнамоларни кўрунг...

Лофт урарлар орифи яқдилман деб халқ аро.

Халқни гумроҳ қилиб, юзи қароларни кўрунг.

Машрабнинг бундай ҳурфикрлилик руҳидаги шеърлари жоҳил амалдорлар ва риёкор ғоявий раҳбарларга қамчилик таъсири қиласр эди. 1711 йили ўзининг раҳмисизлиги билан ном чиқарган Балх ҳокими Маҳмуд Қаттағон Машрабни дағал муомалада айблаб, дорга осиб ўлдиришга ҳукм қилди. Бу билан Маҳмуд ўз номини агадул агад лаънат муҳри билан тамғалади. Шоир жасади шогирдлари томошибдан Афғонистоннинг Мозори-Шариф шаҳридан 400 км чамаси паридаги Хонобод ноҳиясининг Ишкамиш қишлоғига дағи этилган бўлиб, ҳозир ҳам муқаддас зиёратгоҳлардан биридир.

Бобораҳим Машраб ўзбек адабиёти тарихида ўзига хос услубга эга бўлган ва мактаб яратган шоир бўлиб, ундан бизга бой шеърий мерос қолган. Шоир шеъриятининг катта қисми эса муҳаббатни, дўстликни улуғлашга, ёнган кўнгулларга ширин ва жўшқин сўзлар билан тасалли беришга бағишлиланган. Шоирнинг бутун умри ишқ дафтарини яратишга, шу йўл билан иносонга хос энг нозик туйғуларни ардоқлашга сарф этилди, дейиш мумкин. Шоир ёзади:

Булбулдайинким фарёд этарман,

Ишқ дафтарини бучёд этарман.

Кўнглумни бир дам мен шод этарман,

Ёрга етар кун борму, ёронлар.

Машрабнинг айрим ғазаллари эса бизниш даври-мизда муҳаббат мадҳиясига айланганини, никоҳ тўйла-римизни обод қилаётганини алоҳида қайд этган бўлур эдим:

*Ишқинг ўтиға куйголи келдим,
Ойдек юзунгни кўрголи келдим.
Савдоий зулфунг тушти бошимга,
Сендин давосин сўрголи келдим.*

Ишқин яна ким шундай ёниб-куйниб, равон ва гўзал ифодалай олган? Бу сўз санъати аҳлига камдан-кам насиб бўладиган баҳтдиր. Машрабнинг «Уртар», «Ма-лаксан ё башарсан», «Жон қиз» каби оташин ғазал-қў-шиқлари юзлаб отабекларниш ички дардии ифода-лагаи, кўнглига дармон бўлган.

Тўғри, Машрабнинг ҳамма шеърларини ҳам бир маънода тушушиш керак эмас. Унинг бир қанча шеърлари тасаввуфий мазмундадири. Лекин шонрининг дунёвий шеърлари билан рамзий шеърлари орасидаги чегарани аниқлаш қийин. Униси ҳам, буниси ҳам энг юксак ва муқаддас туғулар билан битилган. Машраб шеърияти ўзбек адабиёти тарихида Ҳувайдо, Муқимий, Фурқат, Аваз Ўтар, Ҳамза Ҳакимзода каби ўнлаб қалам-кашларимиз ижодига чуқур таъсири кўрсатди.

Машрабшуносликда «Мабдан нур», «Кимё» асарлари ҳам Машраб қаламига иисбат берилади. Машраб адабий меросини олимларимиз қилни қирқ ёриб, диққат билан ўрганимоқдалар. Шонр асарлари қўллэзмалирининг тарқоқлиги, қадимги иусхаларниш камлиги бу ишни муваффақиятли олиб боришни мураккаблаштироқда. Лекин шунга қарамай, бу соҳада айрим ютуқларимиз йўқ эмас. Шонр асарлари пашрлари йилдан-йилга мукаммаллашиб бормоқда. Лекин бу соҳада қилинадиган ишлар ва ўрганиладиган муаммолар ҳалин кўп.

Бобораҳим Машраб туғилган шаҳри Намангандан охириги чиқиб кетишида қўйидаги аламли сатрларни битган эди:

*Наманган шаҳридин кетсам, мени йўқлар кишим
борму?!
Ғарифлик шаҳрида ўлсам, мени йўқлар кишим
борму?!*

Оллоҳга минг марта шукрлар бўлсинким, биз қийин замонлардан ўтиб, бугун буюк шонримизни йўқламоқ-

дамиз. Машрабнинг ўлмас шеърияти эса дилларимизни ҳар қачонгидан ҳам равшан ёритиб турибди.

АВАЗ ЛИРИКАСИДА ЖАНР РАНГ-БАРАНГЛИГИ

Аваз Ўтар ўғлиниг шеърий мероси Алишер Навоийниг лирик мероси ҳажмига яқин булиб, ўзбек адабиёти тарихида Навоийдан кейин лирика соҳасида бунчалик сермаҳсул пжодкор кам. Аваз ўзининг шеърий ижод бобида пақадар жадал қалам тебратгани ҳақида бир ғазалида: «Дединг етти ғазал бир соат ичра»,— деса, бошқа бир шеърида бир ҳафтада икки юз элликта ғазал ёзганини («дилкаш ғазалдан ҳафтада бўлди икки юз элликни айтурға табъимни тақозоси») айтадики, бу адабиёт тарихида кам содир бўладиган ҳодисадир. Аваз ўзининг ана шундай бекиёс заҳматкашлиги, адабиёт ишига фидойилиги билан кўп замондошларидан фарқ қиласар ва юқори турар эди. У ўзига хитоб қилиб: «Эй Аваз, оламда мақсад истасанг, лаҳзае хоби фароғат айлама!» дер экан, унинг эзгу истаги эса халқига кўп ва яхши асарлар ёзиб қолдириш эди.

Аваз Ўтар ўғли ўз давридаёқ шоир сифатида кенг танилган ва тан олинган бўлса ҳам, аммо унинг адабий мероси ҳалигача атрофлича чуқур таҳлил этилмаган. Бинобарин, улуғ шоир шеъриятининг ғоявий-бадиий мазмунин, лирик қаҳрамони масаласи, шеърий маҳорати, тил, жанр ва матний хусусиятлари ҳозирги фан талаблари даражасида ўрганилмаган. Бунинг бош сабабларидан бири, менингча, шоир меросининг ҳамони қўллёзма ҳолида қолиб кетаётгани, нашр этилмагани, десам хато бўлмас. Авазниг ҳозирги кенг китобхонлар оммасига маълум шеърлари шоир ижодининг бешдан бир қисмидир. Демак, Аваз ижодини ўрганиш, бизнингча, ҳали олдинда.

Аваз асосан лирик шоир. Демак, шоир ижодининг муҳим жиҳатларидан бири — бу унинг лирик жанрларга муносабати, шу жанрлар тараққиётига қўшган ҳиссасидир. Бу масала юзасидан ҳам бирон кўзга кўришарли иш қилингани бизга маълум эмас. Ваҳоланки, шу муаммонинг ўзини дурустроқ ёритиб бериш ҳам Авазниг нақадар изчил ва юксак истеъдод соҳиби бўлганини кўрсатиб бериши мумкин.

Лирик жанрлар деганда биз Шарқ шоирлари девонларидаги анъанавий шеърий шаклларни кўзда тутамиз. Аваз девонларини кўздан кечирган киши унинг Шайх

Саъдий, Амир Хусрав Деҳлавий, Ҳофиз, Жомий, Навоий, Фузулийлар каби ғазал жанрига бениҳоя мафтуни бўлганини, ғазал ёзиш билан узлуксиз шуғулланганини, шунинг учун ҳам ғазал унинг девонларида биринчи ўринни эгаллаганини кўради. Авазнинг илк девонида (Шарқшунослик институтининг қўллёзма фонди, инв. № 7102), котиб ҳисобича, 959 та, мутахассисларимиз ҳисобича, 966 та, кейинги девонида (Шарқшунослик институтининг қўллёзма фонди, инв. № 942) котиб ҳисобича, 376 та, бизнинг ҳисобимизча, 850 дан ортиқ ғазал бор. Кейинги девонда котиб ўзи кўчирган ғазалларни рақамлаган. Рақам қўйилмаган ғазаллар эса, бизнинг таҳмин қилишимизча, шопрининг 1909 йилдан кейин, яъни олдинги икки девон тузилиб бўлганидан сўнг, ёзган ғазаллари бўлиб, уларни ё шоирнинг ўзи ёки котиб тоҳ қўллёзма ҳошиясига, гоҳ асосий матн ораларига жойлаштирган. Улар 500 дан ортиқ. Бу икки қўллёзма девондаги ғазалларниң умумий миқдори 1800 дан ортиб кетади. Лекин Авазнинг 1910 йилдан кейин яратган адабий мероси бизга тўла ҳолда етиб келмаган.

Авазнинг ғазалга муносабати, аввало анъанавийдир. Чунки у яшаб ижод этган адабий муҳитда лирикада ғазалчилик стакчи ўринда турар, ҳамма ғазал ёзиш билан шеърий истеъдодини сипар эди. Аваз ғазалчиликда Навоий, Фузулий, Мунис, Оғаҳий анъаналарига амал қилди, мавзу жиҳатдан ишқ ва вафони, шисон гўзалигини кўйлади ҳамда улуғлади. Шу билан бирга, Аваз улуғ салафлари изидан бориб, ижтимоий-фалсафий ва ҳасби ҳол мазмунинда ҳам ажойиб ғазаллар яратди. Шоирнинг «Жаҳонким, сув юзи дадур бир ҳубоб», «Бирорвлардур ҳамиша васл аро шод...», «Биродарлар, жаҳоннинг йўқ вафоси», «Кишиким, бўлмаса баҳти ҳумоюн...» каби фалсафий мазмундаги ғазаллари ҳаётнинг иносозлигидан шикоятлар билан тўла. Бу ғазалларда шоирнинг 1909—1910 йилларгача бўлган кайфияти акс этган. Авазнинг шу йилларда ёзган «Билмадим, ё раббано, воҳ не балодур ўксуруқ», «Биҳамдиллаҳ, касалдан яхши бўлдим ушбу соат мен...» деб бошлиланган ҳамда «совуқ», «фароғ» радибли ғазаллари эса ҳасби ҳол мазмунидаги ғазалнинг яхши намуналари ҳисобланниши мумкин.

Аваз ғазаллари орасида ҳажвий ғазаллар ҳам бор. Бу хил ғазаллар кўпроқ шайх, воиз ва зоҳидларининг кирдикорларини фош этишга бағишланган бўлиб, бу

мавзуни ёритишда Аваз Навоий, Мунис, Огаҳий аиъаналарини янада ривожлантирди. Масалан, «шайх» радифли ғазалларида Навоий битта шайх ҳақида ёзган бўлса, Аваз «икки шайх» радифли ғазалида икки шайхнинг умумлашган образини беради. Шонир тасвиралашича, бу икки шайх одамлар ичида юриб, ўзини юз қиёфага солади, катта-ю кичикни йўлдан уради. Улар ўз хийла-найранглари билан иблисдан ҳам ошиб тушади, улар бор жойда шайтоннинг кераги йўқ:

*Иблис ҳалқ ичра кириб оздурмоқи ҳожат эмас,
Эй дўстлар, токим жаҳон мулки аро бор икки
шайх.
Моҳирлиқи ул навъиким, илму фусунда
этдудур —
Шайтонға макр ила ҳиял дарсини такрор икки
шайх.*

Авазнинг 1910 йилдан сўнг яратган ғазаллари маърифатпарварлик ғоялари билан суғорилган. Уларда ижтимоий-сиёсий йўналиш кучайиб, шонир бу соҳада Навоий, Турди, Мунис, Огаҳий аиъаналарини чуқурлаштира бошлаган. Долзарб масалаларни қаламга олиш, асарни кенг оммага мўлжаллаб, унга мурожаат тарзида яратиш, бадиий ижодда ҳалқ жопли тилига асосланиш — бу хил шеърларниң муҳим хусусиятлари эди. Ушбу гоявий оммабоп унсурлар есқин-аста ривожланшиб, Аваз ижодида ғазалнинг асосий хусусиятини ташкил эта бошлади. Яъни бу даврда Аваз ғазаллари ошкоралик касб этди.

Авазнинг «Халқ», «Миллат», «Фидоний ҳалқим», «Сипоҳиларга», «Ҳарб ваҳшнийларн», «Йўқ бўлинг» каби шеърлари ўша даврдаги ўзбек ғазалчилигининг юксак намуналари бўлиб, бу асарларда ғазал жаири гоявий жиҳатдангина эмас, бадиий-поэтик томондан ҳам янги сифатлар орттирди. Бу ғазалларниң бирон байтида на сунъийлик, на анъанавийлик, на ифодада тил ғализлиги сезилади. Бу — ғазал тарихида янги давр бўланганини намойиш этади.

Аваз ижодида катта ўрин тутган иккичи лирик жаир — мухаммасдир. Табибини ҳисобга олмаганда, Аваз ўзбек адабиёти тарихида энг кўп мухаммас ёзган шонирдир. Унинг бириничи девонида 31 та, иккинчи девонида 147 та мухаммас бўлиб, жами 178 тадир. Шонирнинг 1910 йилдан кейинги мухаммаслари бизга номаъ-

лум. Авазнинг мухаммасчиликдаги шу меросининг ўзи ҳам унинг юкеак шеърий иқтидоридан гувоҳлик беради. Аваз Навоий, Фузулий, Мунис, Оғаҳий, Равнақ, Комил каби салафларининг ғазалларига мухаммас боғлаш билан ўзининг уларга эътиқодини, ғоявий-бадинй ворислигини кўрсатса, Табибий, Рожий, Баёний, Ҳақирий, Ниёзий кабиларининг ғазалларига мухаммаслари билан ўз замондошларига, замонавий адабиётга ҳурматини ифодалади. Аваз мухаммасларида мавзу жиҳатдан ҳам, ғоявий-бадинй жиҳатдан ҳам анъанавий хусусиятлар устун. Бунда ўша давр Хоразм адабий мұхитининг таъсири ўзини кўрсатган. Ҳеч қаерда мухаммасчиликка берилиш Хоразмдагичалик кўзга ташланмайди. Аваз мухаммасларини шоир ижодининг ва Хоразм адабий ҳаракатчилигининг ўзига хос кўринишларидан бири сифатида баҳолаш тўғри бўлади.

Аваз девонларидан салмоқли ўрин олган лирик жаңрлардан яна бири рубоййдир. Бизга Авазнинг 92 та рубойиси маълум. Аваз рубойлари унинг ғазалларига ҳамоҳанг бўлиб, бунда ранг-баранг ишқий, ижтимоий-фалсафи, насиҳатомуз, ҳажвий мазмуидаги рубойларга дуч келамиз. Аваз ўз рубойларида жамнят, табнат ҳақида фалсафи мулодаза юритишдан кура ишонга хос, адабиётиниң анъанавий мавзулари билан боғлиқ ҳис-туйғулар ифодасига кўпроқ берилади. Шоир рубойилари ўқимишли, услуби равон. Масалаи, у бир рубойисида бундай деб ёзади:

Ҳам икки юзунг ой била ҳуршид мисол,
Ҳам қошлиаринг ҳайъати эрур икки ҳилол.
Ҳам шакли кўзунг дурур Чиний гизол,
Ҳам сабзау раён санга бу хат ила хол.

Аваз 4 та қасида, 4 та мустаҳзод, 12 та мусаддас, 6 та мусамман, 6 та таржебанд, 5 та соқиннома ёзган. Бу шеърларининг ҳаммаси жаңр талаблари даражасида ёзилган бўлса ҳам, унинг ғазал, мухаммас ва рубойларига иисбатап шоир ижодида ётакчи ўринларда эмас. Аваз достонларида фард, муаммо, туюқ, чистон, таркиб-банд каби шеър турлари учрамайди.

Авазнинг мураббаъ деб аталмиш шеър турига эътибори диққатга сазовордир. Маълумки, бу шеър тури Навоийда қўлланилмаган. Мураббаънинг биринчи ажойиб шамуналари улуғ озарбайжон шоирни Фузулий томонидан яратилган. Ўзбек адабиётида мураббаъ Оғаҳий, Комил

девонларида ҳам уңрайди. Бизга Муқимиининг 18 та мурабба ёзгани маълум. Аваз ишқий мавзуда 10 та мурабба ёзган ва бу шеър турини Фузулий, Муқими мураббаълари даражасига олиб чиқишига ҳаракат қилган. Халқ қўшиқларига яъкин бу шеър тури Муқимий ва Аваз туфайли адабиётимиз тарихидан мустаҳкамроқ ўрин эгаллади.

Аваз шеъриятида қитъа алоҳида ўрин тутади. Чунки бу жанрга Аваз ижодий муносабатда бўлди. Шоир ўзининг бу жанрга оид ҳар бир шеърига катта ғоявий юк кўйди. Бу жанрга оид асар одатда мавжуд ҳаётдаги бирон воқса ёки ҳодиса, бирон шахс билан тўқнашув муносабати билан ёзилади. Жанрнинг бу хусусиятидан Аваз моҳирлик билаш фойдаланган.

Авазнинг иккичи девонида 27 та қитъа бор. Улар ғоявий ўткирлиги, бадиий баркамоллиги билан ажralиб туради. Аваз Навоийдан кейин энг кўп қитъа ёзган шоирлардан бириди. У бу жанрни янада тарақкий эттириб, юқори поғонага кутаради. Бу, аввало, шунда кўринадики, у «фалопий» туркумida ўнларча қитъа ёзиб, уларнинг ҳар бирида ўз давридағи салбий бир типни тасвирлаб берди. Аваз очкўз бир амалдор бойни тасвирлаб, унинг абллаҳона ҳаракатларини фош қилиб, қитъаларининг бирида буидай деб ёзади:

Фалони сифлаки, гардуни дуннинг гардиши

бирла,

*Инғибон бир замон ичра жаҳон молин Фаридундек.
Мұсылмонларни бошиға солиб юз оғату ғавғо,
Килур бүхтонлар айлаб ғусса бирла бағрини*

хундек..

*Хасосат лоғини ҳеч ким анга бешак ура олмас,
Накутар эрди они бу нағас ер ютса Қорундек.*

Узининг ғоявий-бадиий салмоғига кўра бу жанр Аваз ижодида катта аҳамият касб этган. Аваз қитъанинг бош хусусияти унинг ҳаётлигигида эканлигини тушунган ва ижодига тўғри татбиқ этган.

Аваз Ўтар ўғли шеърияти билан жанр нуқтай назаридан ушбу қисқача танишув шуни кўрсатадики, шоир ҳар бир шеърий шаклининг адабиёт ва ҳаётдаги ўринини аниқ ва ҳаққоний тушунгац, унга шундан келиб чиқиб ижодий муносабат билдирган. Асримиз бошидаги ўзбек шеърияти тараққиётини Авазсиз тасаввур этиш қийин. Аваз Ўтар ўғли ижодида қадимий тарихга эга бўлган

адабиётимизнинг ғазал, мухаммас, рубонй, мураббаъ, қитъа жаирлари яна бир карра ўзининг яшовчалигни кўрсатди. Бу ўзбек мумтоз адабиётимиз ҳозирги замонавий адабиётимиз учун ҳам муҳим сабоқларидан бири дидир.

МУМТОЗ АДАБИЁТИМИЗ БИЛИМДОНИ

ХХ аср ўзбек адабиётининг ёрқин сиймолари кимлар? — деб сўралса, мен бириичи галда Faфур Fуломномини айтган бўлур эдим. Faфур Fулом шоир ва адабигина бўлиб қолмай, катта олим, Ўзбекистон Фаилар академиясининг ҳақиқий аъзоси, ўзбек адабиёти тарихининг зўр тадқиқотчиси, манбашуноси, ажойиб тарғиботчиси ҳам эди. Шоир истеъоддининг ҳамма қирралари, шу жумладан, ўтмиш адабиётидан мукаммал хабардорлиги ҳар вақт ярақлаб кўзга ташланиб турар эди. У адабиёт тарихидан антиқа воқеа ва ҳикояларини сўзлаб, суҳбатдошини соатлаб бир сурда олиб ўтира олар эди.

Fафур Fулом, масалаи, Умархон давридаги адабиёт ҳақида гап бошласа, унинг гаплари адо бўлмас, бир-бираидан қизиқарли воқеа ва ҳодисалар, латифалар эсига тушар эди. Кунларининг бирида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Faфур Fулом Амир Умархон билан боғлиқ шундай бир парсани ҳикоя қилиб берди:

— Қўқонда Умархон подшоҳлик қилаётган даврда бир пайт ялқовлар жуда кўпайиб кетибди. Улар ҳеч қаерда ишламас, бир уйга тўпланиб олиб кўкиори ичар, наша чекар, маза-бемаза суҳбатлар билан умр ўтказар эканлар. Хонининг одамлари бу аҳволни кўриб, уларни уй-уйнга тарқатишининг иложини қила олмаганиларидан кейин Умархонга бу ҳақда арз қилишибди. Умархон зуко, тадбирли подшоҳ бўлиб, уларга шундай фармон берибди:

— Ялқовлар ҳаммаси тўпланиганда ўша уйнинг атрофига похол тўкинглар-да, ўт қўйиб юборинглар. Менингча, уларнинг ҳаммаси бир хилда ялқов эмас. Уйга ўт кетгач, ҳақиқий ялқовлари қолиб, қолганилари қочиб кетади. Сиз ўша ашаддий ялқовларни тутиб олишлар-да, менинг олдимга олиб келинглар. Ўшаларни жазолаймиз. Бошқаларга бу танбех бўлади.

Хон айтгандай қилишибди. Қуруқ похол аланга олиб ёна бошлагач, ўт, тутун уйнинг ичига ҳам уриб, ёлғондакам ялқовлар, жон ширин, қочиб қолишибди. Ёнаётган

уйда эса иккитагина ялқов қолибди. Уларнинг бири осмонга қараб, дер эмиш:

— Эй, худо! Шу ўтларда ёниб кетаверамизми? Узинг најот бер!

Иккинчиси эса ундан ҳам дангаса экан, ўртоғига:

— Ҳей, Марасул! Менинг учун ҳам бир «Худо!», деб қўй!— дебди юз берган ҳодисадан хафа бўлиб. Буни эшишиб турган хоннинг хизматкорлари шу иккаласини Умархоннинг олдига олиб кетишган экан.

Бу ҳикояни Faфур ака шундай завқ ва унга мос хатти-ҳаркатлар билан сўзлаб бердики, ҳамма кўзидан ёш чиқиб кетгунча кулди.

Faфур Fулом Умархон ва Нодира ҳаётлари, ижодлари билан бир умр қизиқди, ўрганди. Faфур Fулом Умархон шахсида ҳақиқий шоиртабиат инсонни кўрар, «Умархонга кимлардир шеър ёзиб берган» деган фикрдан мутлақо узоқ эди. Faфур ака ҳикоя қилишича, кунларнинг биррида Умархон (Амирий) шеър ёзиш учун ўтирган. Лекин ҳадеганда янги шеър ёзилавермаган. Умархон эса бу аҳволдан ортиқча раңжимай, шоирона хаёл сурнб ўтиришда давом этган. Одатда, у шеър ёзаётганда бир канизак қиз олдида туриб, қамишқаламнинг учини майда хас ва бошқа қуйқалардан тозалаб бериб тураркан. Хаёл асносида Умархоннинг кўзи канизак қизга тушади. У эса қаламнинг учини қошига тегизиб тозалаётган бўлади. Умархон шу манзарадан илҳомланиб, қуйидаги матлаъни битган ва шеърни яна давом эттириб, тўлағазал ҳолига келтирган экан:

*Қошингга текизмагил қаламни,
Бир хат била бузмагил рақамни...*

Буни ҳам Faфур ака шундай чиройли ҳикоя қилиб бердики, биз Умархондаги шоирлик назокатига қойил қолдик.

Faфур Fулом чинакам адабиёт тарихини бўлиб, хусусан, мумтоз адабиётимизнинг у қизиқмаган масаласи кам эди. Faфур Fуломнинг илмий-адабий меросида ўзбек адабиётининг демократик даврини, хусусан, Муқимий, Фурқат, Аваз каби сўз санъаткорлари ижодини ўрганиш, тадқиқ этишга катта урни берилган. Масалан, унинг «Муқимий», «Демократ шоир», «Муқимий мактублари», «Муқимиининг янги шеърлари», «Муқимий ва Мухимий» каби ўнлаб мақолалари турли даврларда ёзилған бўлиб, Муқимиининг ҳаёти ва ижоди унинг учун му-

ҳим тадқиқот обьекти бўлганини кўрсатади. Албатта, Муқимий асарларининг халқчиллиги, меҳнаткаш омма кайфиятини ўзида акс эттирганлиги, ҳалоллик, поклик руҳи билан суғорилганлиги, ҳазил-мутойибага бойлиги, тилининг соддалиги, чўғдай бадииятиFaфур Fуломни доим ўзига мафтун этиб келди. Faфур Fулом «Муқимий баёзи»нинг 1938 йили, Муқимий «Ташланган асарлар»нинг 1943 йили нашр этилиши Узбекистонда муқимийшуносликнинг юзага келиши ва ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлди.

Fафур Fуломнинг Муқимий ҳақидаги мақолалари орасида унинг 1938 йили «Муқимий баёзи»га ёзган сўзбошиси алоҳида аҳамиятга эга. Чунки бу ҳажман кичик мақола муаллифнинг бу мавзуга оид биринчи мақоласи бўлса ҳам, унда баъзи масалалар анча тўғри ёритилган. Масалан, муаллиф Муқимий яшаб ижод қўлган тарихий шароит ва унинг оғирлиги ҳақида қўйидаги ҳаққопий фикрларни ёзган эди:

«Муқимий айни балоғатга етган, ҳаётиниг аччиқ-чучугини ажратабилган, турмушга мустақил қарай оладиган бир вақтда шундай бир тарихий ҳодиса юз берди: рус империализми Туркистонни босиб олди. Асрларча феодализм занжирида эзилиб келган ўзбек меҳнаткаш деҳқони ва косибининг бошига феодализм зулмати билан бирликда рус империализминиг мустамлакачилик қамчилари ҳам ёғила бошлади. Меҳнаткаш халқ уч ёқлама зулм остида қолди. Мамлакатда ишсизлик, батраклик, дарбадарлик, очлик, ялангочлик ҳукмрон бўлди» (Faфур Fулом. Муқаммал асарлар тўплами, XI жилд, 33- бет). Кейинчалик эса Марказий Осиёнинг Россия томонидан босиб олиниши адабиётларда ғоят ижобий ҳодиса сифатида талқин этила бошлади.

Fафур Fулом шу мақоласида Муқимийни биринчи марта «реалистик шоир» деб атаган эди. Кейинги тадқиқотлар унинг бу фикрини тасдиқлади. Faфур Fулом «Муқимий мактублари», «Муқимий ва Муҳин» каби мақолалари билан шоир таржимаи ҳолини ўрганишга ўзининг муҳим ҳиссасини қўшди.

Fафур Fуломнинг «Шоир айблайди», «Фурқат рус аскарининг қудрати тўғрисида» деган мақолаларида ўзбек маърифатпарвар шоирининг журналистик фаолияти ҳақида гап боради. Бу ҳақда бошқа фурқатшунослар ҳам ёзишган. Лекин Faфур Fулом уша даврда Шарқда бўлаётган ҳодисаларни ажнабий газета ва журналлар

нотўғри ёрнитганлигига Фурқатнинг қарши чиққани, унинг бу соҳадаги жасоратини шоирона кутаринкилик ва юксак маҳорат билан кўрсатган.

Узбек адабиётида XX аср бошида ўз оловли сўзлари билан маърифат ва адолат учун курашган, истеъоди порлоқ шоирлардан бири Аваз Утар эди. Fafur Fulom қалами бу шоир ижодини ҳам четлаб ўтмаган. Унинг «Атоқли демократ шоир» мақоласи аввал «Хоразм ҳақиқати» газетасининг 1954 йил 28 сентябрь сонида босилган. Бу мақола Аваз Утар таваллудининг 70 йиллиги муносабати билан ёзилган маърузанинг қисқача муқобили бўлиб, маъруза тўла ҳолида «Fafur Fulom. Адабий-таңқидий мақолалар» тўпламиининг 2-китобида, сунг шоирининг «Мукаммал асарлар тўплами» II жилдида эълон қилинди. Бу мақола турмуши фожиали бўлган Авазнинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги биринчи катта илмий тадқиқот эди. Бошка тадқиқотларида бўлгани каби бу ишига ҳам Fafur Fulom шоирининг ижодига муҳаббат, инсоний тақдиринг ачимиш билан ёндашган ва фикр юритган. Fafur Fulomнинг бу мақоласида Аваз, хусусан, унинг «Ҳалқ», «Сипоҳиларга», «Уламоларга», «Ҳуррият», «Тил», «Мактаб» каби шеърларига маърифатпарварлик йўналишида берган баҳоси ҳамон ўз кучини сақламоқда. «Аваз — маърифатпарвар шоирдир», деб ёзган эди олим. Fafur Fulom ўзининг бу фикрини исботлаш учун шоирининг қўйндаги мисраларини мисол келтиради:

*Ҳар тилни билув эмди бани одама жондур:
Тил воситаи робитаи оламиёндур...
Лозим сизга ҳар тилни билув она тилидек:
Билмакка ани ғайрат қилинг — фойдаси кондур.*

Maқola муаллифи ўз фикрларига якун ясаб: «Узоқ Хоразмда, ҳалқ феодал хоилик асоратидан қутулмаган Хоразмда Аваз маърифатининг жўшқин куйчиси бўлди, унинг овози Фурқат ва Ҳамза Ҳакимзоданинг овозига жўр бўлди, ўзбек адабиётини янги саҳифалар билан боштди», деб ёзган эди. Нақадар ҳаққоний гаплар! Авазнинг тил билишининг зарурлиги ҳақидаги иидолари ўз мустақиллигига эришган ва тараққиётининг кенг йўлига чиқиб олган бугунги Ўзбекистон учун ҳам ўз қимматини йўқотгани йўқ.

Fafur Fulom учун ўзбек адабиётида доим муаммо бўлиб турган масалалардан бири Машрабининг ҳаёти ва ижоди масаласи эди. Машраб ҳатто унинг тушларига

кирган вақти бўлган. Мен бу ҳақда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 1990 йил 4 май сонида бо силган «Адабий кузатишлар» деган мақоланинг «Машрабни кўрган шоир» қисмида махсус тўхталиб ҳам ўтганман.Faфур Ғуломда Машраб ҳақида махсус бир драматик асар ёзиш нияти ҳам бўлған. Мен шу билан баҳтлиманик, Faфур акапинг «Икки Машраб» ва бошқа баъзи мақолалариининг ёзилишида у кишига баъзи материалларни топишда кўмаклашганман, котиблик вазифасини ўтаганман.

Faфур aka «Икки Машраб» мақоласини ёзганда ёзнинг қоқ ўртаси, кун иссиқ эди. Мен Шарқшунослик институтидан, кутубхоналардан баъзи адабиётларни у кишига етказиб бердим. Маълумки, аксарият манбаларда Машрабнинг Наманганда туғилгани айтилади. «Музаккир ул-асҳоб» тазкирасининг муаллифи Муҳаммад Бадеъ Малеҳо эса унинг Андижонда таваллуд топганини, у билан Самарқандда шахсан кўришганини хабар қилади. Профессор А. Фитрат шу маълумот асосида Машраб ҳақидаги мақоласида уни андижонлик, дейди. Мен Faфур акани бу маълумотлар билан таништирдим. Faфур aka бу ҳақда узоқ ўйланди. Гап орасида Faфур aka менга: «Муҳаммад Бадеъ Малеҳонинг кимлигини билсанми?»— деди. Мен билмаслигимни айтдим. «Муҳаммад Бадеъ Малеҳо срли яҳудийлардан бўлиб, кейинчалик у мусулмон динини қабул қилган одам!», деб қўйди. Маълум мулоҳазалардан кейин Faфур aka Малеҳонинг фикринга қўшилган бўлди.

Мақолада Машрабнинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ жуда кўп масалаларга эътибор берилган эди. Шу муносабат билан адабиёт тарихида бир неча «Машраб» таҳаллусли шоирлар бўлганини, бу Шарқ адабиёти учун ғайрятабний ҳодиса эмаслигини аниқладик. Чиндан ҳам, ўзбек адабиётида, масалан, иккита Амирий, иккита Бобур, учта Рожий, иккита Муқимий таҳаллусли шоирлар бўлгани ҳеч кимга сир эмас-ку!

Умуман, Faфур Ғуломнинг бу мақоласидаги айрим фикрлар баҳсли бўлса ҳам, лекин мақоланинг илҳом ва шоир шахсиятига буюк муҳаббат билан ёзилгани шубҳасизdir. Ҳозирги бизнинг кўп мақолаларимизга услубда шундай жўшқинлик етишмаётгандай.

Faфур Ғуломнинг ўтмиш ўзбек адабиётига муносабатида Алишер Навоий ижодиётин алоҳида ўрин тутади, десам хато бўлмас. Навоий асаллари Faфур Ғуломнинг

ҳар куни ўқийдиган, ўз ижодида андаза оладиган, бошқаларнинг ёзганиларига мезонлик вазифасини ўтайдиган асарлар эди. Унинг Навоий ижоди буйича амалга оширган биринчи катта иши—«Фарҳод ва Ширин» достонини насрга айлантириш ва шу йўл билан улуғ шоир асаридаги буюк ғояларни, ҳаётий мазмунни ҳозирги замон китобхонларига етказиш бўлди. Масалан, Навоий достонида Фарҳоднинг болалик чоғида ҳарбий машқларни яхши эгаллагани ва кишиларни ҳайратга солгани ҳақида шундай байтлар бор:

*Киличи зарбаси олинда ҳар марз,
Шигоф андоқки сувдин ер аро дарз.*

*Не ер, тоғини кисват қилди хоро,
Бу кисватдин қилиб дарз оикоро.*

*Килиб гар ҳамла Албура уэра бир гурз,
Бўлуб гарду чиқиб гардунга Албурз.*

*Эвургач найзасин даври фалаквор,
Бўлуб қалқон ўзига шархи даввор.*

Навоий достонлари, шу жумладаи, «Фарҳод ва Ширин» ҳам шундай мураккаб услугуб билан ёзилган бўлиб, бундай мисраларни, бу ердаги «марз», «кисват», «хоро», «гурз», «фалаквор», «даввор» каби сўзларни ҳозирги замон ўқувчилари тушуниб олиши пиҳоятда қийин. Faфур Ғулом бу достонининг матнини ҳозирги ўзбек тилида насрда баён қилиб беришга аҳд қилди. Faфур Ғуломнинг нарий баёнидан маълум бўладики, юқоридаги байтларда Навоий Фарҳоднинг ҳарбий машқлардаги жасоратини ажойиб муболағалар орқали ёрқин тасвирлаб берган экан:

*Киличининг зарбаси олдида ҳар бир замин сувдан
ер устида дарз кетгандай ёрилар эди.*

*Қайси бир тоғ ўзига қандай тошларни кийим
қилиб олган бўлса, Фарҳод ўша
кийим-бошдан ёриқ очар эди.*

*Агар Албурз тоғига бир гурзи урса,
у гард-гард бўлиб, осмонга чиқиб кетар эди.
У фалакдай найзасини бошидан айлантирганда,
ўзига айланувчи кўкни қалқон қилиб
олган эди.*

«Фарҳод ва Ширин» достонинингFaфур Ғулом томонидан замонавий насрга ўгирилиши 30-йиллар ўзбек адабий ҳаётидаги катта ҳодисалардан бири бўлди. Уша йиллари бу тажриба асосида Навоийнинг «Хамса»сида-ги бошқа достонлари ҳам насрга айлантирилди ва улуғ шоир асарлари гўё янгидан кашф этилгандаи, янгидан таваллуд топгандаи бўлди. Насрий баёнчилик эса ўзбек навоийшунослигининг ўзига хос янги бир соҳаси бўлиб қолди.

Урушдан кейин — 1948 йили Навоий таваллудининг 500 йиллиги нишонланиши муносабати билан Faфур Ғулом матбуотда ва илмий ҳаётда «Навоий ва замонамиз» деган мақоласи билан фаолият кўрсатди. Маълумқи, Навоий каби даҳоларга ҳамма давр ўз ҳурмат-иззатини билдиришга, унинг шон-шуҳратидан фойдаланишга интилади. Faфур Ғуломининг «Навоий ва замонамиз» мақоласига тоталитар тузум ва унинг мафкураси қанча ўз муҳрини босишга ҳаракат қилган бўлмасин, муаллиф Навоий ижодининг инсонпарварлик мөҳиятини, унинг асарларидағи ҳалқлар, миллатлар ўртасидаги дўстлик, бир-бирига хайриҳоҳлик туйғуларини, ватанпарварлик,adolat ва илм-маърифат ғояларини шонрнинг ўз сўзларини келтириш орқали тўғри очиб бера олган. Масалан, мақола муаллифи Навоий асарларидағи миллатлар масаласига тўхталиб, бундай деб ёзди: «Навоий асарларида бир талай миллатларнинг вакиллари: ўзбек ўғли Фарҳод, эронлик Шопур, арманистонлик Ширин, арабистонлик Мажнун, мисрлик Масъуд, ҳиндистонлик Фарруҳ, ҳалаблик Хожа, македонлик Искандар, хоразмлик машшоқ, барбарлар, занжилар, руслар, гуржилар ва бошқалар кўринади. Булар бир-бирлари билан бўлган ҳамма ҳаётий bogланишларда самимийдирлар, иттифоқдирлар, дўст-биродардирлар. Даҳо шоир Навоийнинг инцидоҳлашда бутун салобати билан порлаб кўринади.

сонпарварлик билан тўлиқ руҳи бу муносабатларни ни босиб оловчи, барбод қилувчи, шу ериини ҳалқлари-

Шу билан бирга, Алишер Навоий бошқаларнинг ерини қўл қилишга интидувчи золим босқинчиларга ҳам қаршиидир» (Faфур Ғулом. «Муқаммал асарлар тўплами», XI жилд, 110- бет). Бу сатрлар қирқ беш йил олдин энгас, худди кеча ёзилгандаи. Бундай мақолалар ҳеч қачон эскирмайди.

Faфур Ғуломнинг энг яхши мақолаларидан бири «Шарқ назми осмонининг икки порлок қуёши» деб ном-

ланган. Бунда муаллиф катта билимдошлиқ билан Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийнинг ўзаро ижодий алоқаларига, дўстлигига тұхталған. XV асрининг иккинчи ярмида ёнма-ёп туриб, Хуросон шароитида ўлмас асарлар яратған иккى улуг ижодкорнинг ўзаро бир-бирiga ёрдами, самимияти чексиз бўлиб, Faфур Fулом бу масалани иккى забардаст қалам соҳибларининг ўнлаб шеърий ва илмий асарларидаги маълумотлар орқали ёритган. Навоий Жомий асарлари ҳақида қандай чуқур фикрлар айтган бўлса, Жомий ҳам Навоий асарлари тўғрисида самимий дил сўзларини баён қилган. Бу мазмунни ёритишида Faфур Fулом жуда холис ва ҳаққоний фикр юритади. Бу мақола биринчи маротаба 1964 йили Кобулда Абдураҳмон Жомий таваллудининг 550 йиллигига багишланган халқаро ижодий анжуманда маъруза сифатида ўқилган бўлиб, «Аине» газетасининг 1964 йил 24—29 ноябрь сопларида эълон қилинган ва маълум даражада шов-шувга сабаб бўлган. Бу ҳақда бизга Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти И. Мўминов хурсандчиллик билан гапириб берган эди. Лекин кичкина аглашилмовчилик шундаки, бу мақола Faфур Fуломининг «Адабий-танқидий мақолалар» тўпламида (II жилд) «Шарқ назми осмонининг иккى порлоқ қўёши» номи билан, «Муқаммал асарлар тўплами»нинг XI жилдида «Шарқнинг буюк шопри ва мутафаккири Абдураҳмон иби Аҳмад Жомий» номи билан чоп этилган. Жилдии тузувчилар бу ҳолни изоҳлашга ҳаракат қилғандар. Лекин, барнибир мақола номидаги ҳар хиллик ўқувчини чалгитиши турғал гап.

Faфур Fуломининг 1964 йилда Афғонистонга сафар қилиши унинг ўзи учун ҳам, навоийшунослик учун ҳам уштилмас воқса бўлди. Бу сафар унга Навоий ҳаёти билан боғлиқ «Хоки Мусалло», «Тахти сафар» каби хотира-мақолаларини ёзишга имкон берди.

Faфур Fулом Навоий таваллудининг 525 йиллик юбилейи муносабати билан ёзилган «Буюк устоз» деган мақоласида ўзига замондош навоийшунос олимларининг ишларига тұхталиб ўтган ва баҳо берган. Муаллиф бундай мақола ёзишга тұла ҳақли эди. Чунки янги навоийшунослик фани унинг кўз олдида пайдо бўлиб, ривожланиб, шаклланган, унинг ўзи ҳам бу жараёшининг фаол иштирокчиси эди. Xусусан, ўзбек навоийшунос олимларининг бу соҳада эришган ютуқларини эса тақдирласа арзигулик эди.

Faфур Fуломниң ўтмиш адабиётимиз намояндалари номи билан боғлиқ «Унугилмас кишилар тұғрисида», «Оналар» деган мақолалари ҳам бор. Улар күпроқ оммабоп услугуда ёзилған. Бу мақолаларда биз ўз халқини, уннинг маданиятини, адабиётини жонидан севган, уннинг тақдиринг бефарқ қарамовчи ватанпарвар олим ва шоир нағасини яқиндан ҳис этамиз. Хусусан, «Унугилмас кишилар тұғрисида» деган мақоласыда Faфур Fулом Улубек, Машраб, Ҳозиқ, Фурқат, Завқий фожиаларига тұхталиб, ularни ҳақлы равишида ўз халқининг тараққиетін йұлида жон олиб, жон берган, теңгиз курашларда қурбон бўлган «шаҳид»лар деб таърифлайди. Faфур Fуломниң «Момойи гисунабурийда» мақоласи ҳам ана шурұхда ёзилған.

«Атоний эмас, Отоин», «Гонорар», «Сайидахмад уста Сандазим ўғли Васлий», «Мирмаҳмуд қори Миршамсиддин ўғли Қорий», «Ўзбек шоираси Мехри», «Ажзий Ҳўқандий-Маҳмуджон Абдулкарим ўғли» каби мақола ва мақолачаларыда эса Faфур Fулом адабиётимиз тарихининг бир қанча хусусий масалаларига тұхталған. Faфур Fулом мумтоз адабиётимизнинг катта масалаларига ҳам, кичик масалаларига ҳам бир хилда аҳамият берар, бирор шоир таржиман ҳолининг бирои кичик нұқтасини, бирои шоир асаридаги тушуниш қийин бўлган сўзи соатлаб вақт сарф қилиб аниқлашдан эринимас ва қочмас эди. У. масалаи, 1963 йилда чоп этилған «Ўзбек класик адабиёти асарлари учун қисқача луғат» китобига масъул муҳаррирлик қилған ва бу лугатининг босилиши ўз даврида катта воқеа бўлган. Бу лугат туфайли ўзбек мумтоз адабиёти намуналарини тушунишга катта бир эшик очилған эди.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш керакки, Faфур Fулом адабиёт тарихи бўйича кўп нарса билса ҳам, бу ҳақда ёзишга ҳаракат қилмас, баъзи масалаларни яхшироқ ўрганиш учун йиллаб ташлаб қўяр эди. Баъзан эса муҳимроқ масала бўлса, у тўғрида қайта-қайта ёзишдан ҳам чарчамас эди. Уннинг Муқимий ҳақида бир неча мақола ёзганини, менингча, шу маънода тушуниш керак. 1958 йилда Faфур Fулом Навоийга багишланган анъанавий конференцияда «Навоийнинг уч шеъри» деган мавзуда маъруза қилди. Лекин бу маъруза мақола сифатида ҳеч қаерда босилмади. 1944 йили баҳорда бўлса керак, Faфур Fулом Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биносида Қўқон адабий муҳити ҳақида ғоят қизиқарли

маъруза қылган эди. Бу маърузада у Махмурнинг отаси шоир Акмал ҳақида узоқ гапиргани ва уни «ўзбекнинг катта шонри» деб атагани эсимда. Лекин бу маъруза ҳам тўла шаклланиб, матбуот юзини кўрмаганига мен таассуф қиласман. Мен у кишидан Тавалло ҳақидаги фикрларини сўраганимда, бир қанча яхши мулоҳазалар билдирганлари эсимда. Аммо улар қогоз бетини кўриб улгурмади.

Faфур Fулом шеър билан яшар, шоирлар, адиблар суҳбатини севар, бундай анжуманларда у ўша йиғилишнинг жони-тани эди. Унинг, айниқса, Кўқон ва Андижондаги Чархий, Боқий домла, Сайфий, Анисий, Улфат, Боқир каби шоирлар билан улфатчилиги ҳавас қиларли даражада эди. Уларнинг суҳбатларида ўзбек адабиётининг у бошидан бу бошига кириб чиқилар, Навоий, Муқимий каби мумтоз шоирларимизнинг юзлаб байтлари ўз илмий шарҳини топар эди. Faфур Fуломнинг ўтмиш ўзбек шоирлари ҳақидаги мақолаларидан апа шу суҳбатларнинг ёқимли бўйи келиб турарди.

Яна бир парсани унутмаслик керакки, Faфур Fулом ўзбек адабиётини, хусусан, унинг мумтоз қисмини умумий катта Шарқ адабиётининг бир бўлаги деб қаарар, ўзбек адабиётни тарихини шу тарзда ўрганиш тарафдори эди. У ёшлигидан шу руҳда тарбиялашган. Унинг учун Низомий, Саъдий, Ҳофиз, Жомий, Бедил, Фузулий, Махтумкули, Тўқай, Абай ўзбек шоиридай яқин ва қадрдон эди. Шунинг учун унинг «Шарқ назмининг ҳамма класиклари менинг қариндошларим», «Мени ана шулар яратган мерос тарбиялаган», дейишида катта ҳақиқат бор. Шунинг учун Низомий Ганжавий ҳақида «Озарбайжон ҳалқининг буюк шоир» мақоласини, Абдулла Тўқай ҳақида «Кураш ва дўстликнинг жасур куйчиси», «Абдулла Тўқай бизнинг ҳам шоиримиз» мақолаларини, Фузулий тўғрисида «Фузулий айтадики...» мақоласини яратгани бежиз эмас эди. Бу каби мақолалари билан Faфур Fулом Шарқ ҳалқлари адабиётларининг чуқур илдизларига назар ташлади, уларнинг ўзаро яқин ва қардошлиги маълум ички қонуниятлар асосида юз берганини кўрсатишга интилди. У ўзининг бу соҳадаги фикр ва мулоҳазаларида ғоят самимий эди.

Холоса қилиб айтганда, Faфур Fулом ўтмиш адабиётимиз тарихининг жонли қомуси эди. Унинг адабий меросимиз билан боғлиқ фикр ва мулоҳазалари, яратган илмий ишлари бой ва ранг-баранг булиб, биз улар-

ни ниҳоятда қадрлашимиз керак. Гарчи бу тадқиқотлар бошқа ижтимоий тузум шароитида юзага келган ва уларга якка партия ҳокимлиги, партиявилик ва синфийлик тушунчалари билан боғлиқ сиёсий мафкура ўз таъсирини ўтказган булишига қарамай, уларнинг асоси соғлом, яхши ниятларни кўзлаб ёзилган. Биз уларни тарихий йўналишда ўрганишимиз ва тўғри тушунишга ҳаракат қилишимини зарур. Ҳар қандай бўлса ҳам, улар ҳамма вақт бизнинг маънавий бойлигимиз бўлиб қолаверади.

СОБИР АБДУЛЛА ВА МУМТОЗ АДАБИЁТ

Собир Абдулла, ҳеч шубҳасиз, XX аср ўзбек адабиёти тараққиётига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўша олди. Собир Абдулла ўз дилрабо шеърлари, халқчил драматик асарлари билан кенг халқ оммасининг муҳаббатини қозонган катта истеъдод соҳиби эди. Унинг қўшиқлари халқ орасида ҳамон янграмоқда, драматик асарлари саҳналаримизда қўйилмоқда, китоблари китобхонлар томонидан севиб ўқилмоқда. Ватанимиз эришган мустақиллик шароитида эса ҳалол ва заҳматкаш шоиримиз янгидан дунёга келгандай.

К. Яшин атоқли шоир ва драматург Собир Абдулланинг 60 йиллигига унинг тўғрисида «Совет Ўзбекистон» (хозирда «Ўзбекистон овози») газетасининг 1965 йил 7 сентябрь сонида бундай деб ёзган эди:

«Собир Абдулла Муқимий, Фурқат, Завқий каби сўз санъаткорларининг илғор анъаналарини муносиб давом эттираётган шоир сифатида ҳам биз учун қадрлидир. У мумтоз аруз вазнимизни янги фикрлар, янги туйғулар билан бойитди...»

Собир Абдулла минг йиллик мумтоз адабий меросимизни чуқур биладиган, улардан ижодий фойдалана оладиган, бебаҳо хазинамиз бойликларини бугунги кунимизга моҳирона хизмат қилдира оладиган адаб сифатида ҳам ёш санъаткорларимизга намуна бўла олади».

Бу ўринда К. Яшин кўп жиҳатдан ҳақ. Бироқ Собир Абдулла ижодини тўлиғича мумтоз адабиёт ва унинг анъаналарига боғлаб қўйиш ҳам тўғри эмас. У ҳам шудаврдаги бошқа кўп ёзувчи ва шоирлар қатори ўз ижодида замонаси мавзуларини турли жанрларда, замонавий оҳангларда куйлашга катта ўрин берди. У замона-

вий услубда кўпгина насрий асарлар ҳам ёзган. Булар орасида «Мавлоно Муқимий» бадиий лавҳалари алоҳида аҳамиятга эга. Собир Абдулла ижодида ҳам хоҳ арузда, хоҳ бармоқда бўлсин, фоя ва мавзу жиҳатдан ҳозирги талабларга жавоб бермайдиган, мавсумий асарлар маълум үринни эгаллар экан, буига давр, ижтимоий муҳит сабабчи.

Шу билан бирга, Собир Абдулла ижодини мумтоз адабиёт таъсири сиз, адабий анъаналар сиз мутлақо тасаввур этиб бўлмайди. Шўро даврида бу шоир ижодининг қолоқ томони ҳисобланарди. Аслида ижодда унинг катта баҳти шунда эдикӣ, у адабий анъаналардан узоқлашмасдан ижод қилас, ўткинчи адабий майлларга берилавермас, ўзбек адабиёти даҳолари анъаналарини ҳурмат қилас, уларни ўткинчи, эскирган деб ҳисоблашга тили бормас, уларда ҳалқимизнинг бундан буёнги адабий-маънавий тараққиёти учун хизмат қилиши мумкин бўлган кўпгина жиҳатлар борлигига чуқур ишонч билан яшар эди. Тарихда у ҳақ бўлиб чиқди. Ўз адабиётини қўйиб, гоҳ В. В. Маяковскийга, гоҳ экспрессионистларга, гоҳ бошқаларга эргашганлар эса қаттиқ адашганликлари ҳозир ҳаммага маълум.

«Мумтоз адабиёт, унинг анъаналари ва Собир Абдулла ижоди» деганда фақат арузни тушунмаслик керак. Собир Абдулла асарлари тўпламларига ёзилган сўзбошиларда масала кўп вақт шундай қўйилган. Собир Абдулла кўп асарларини арузда ёзганлиги масаланинг бир томони, холос. Масалага атрофлича ёндашмоқ керак. Шоир ижодига минг йиллик адабиётимиз таъсири деярли ҳамма соҳада — фоя, мавзу эътибори билан ҳам, жанр ва тил, услуг ва маҳорат нуқтаи назаридан ҳам ҳар қадамда кўзга ташланиб туради. Буни Собир Абдулланинг шеърларидан тортиб достонлари, драматик асарларигача — ҳамма асарларида кузатиш мумкин.

Масалан, «устина» радифи билан Лутфий, Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Оғаҳий каби шоирларимиз ўнлаб газал битганлар. 1940 йили Собир Абдулла Навоийнинг «Хазойинул-маоний» девонидаги шеърлардан «Чор девон» номи билан янги тўплам тузишда Уйғунга ҳамкорлик қилган. Бу ҳамкорлик Собир Абдулла ижодида ўзининг изини қолдирган. Собир Абдулла Навоий ва бошқа мумтоз шоирлар изидан бориб, «устида» радифи билан бешта ғазал ёзган. Унинг:

*Сабза ранг кўйлакдаги қизни кўриб тоғ устида,
Лола очилмиш дедим зангори япроқ устида.
Оқ юзида нукталар эрмаски, дерлар холани,
Бир-ики седанаким, широба қаймоя устида.—*

деб бошланган ғазали ишқий мавзуда бўлиб, бунда ёр образининг таърифи ҳам, ғоявий-мавзуй талқини ҳам, вазн ва қофия, радиф ҳам анъанавийдир. Лекин шоирнинг шу радиф билан ёзган бошқа ғазаллари замонавий мавзуларда бўлиб, бирида қавму қариндошлари, оиласидан узоқда Ватанинни қўриқлаётган йигит тасвиранган:

*Фахр этар тинч давримиз сиздек азиз фарзанд
билин,*
*Элдаги осойиш, эй мард, сиз каби ёш устида.
Бузса қирғоқни агар беору бебош, фитнагар,
От суреб, ўйнот қилич бошида, бебош устида.*

Кейинги ғазалда эса фронт шароитида севгилисига хат ёзаётган жаңгчининг аҳволи ва руҳий кайфияти қаламга олиниган:

*Хат ёзарда, сенга ёр, зах ертўла, пол устида,
Кисқа қилдим, тўхтаёлмай ҳолу аҳвол устида.*

Шу радифдаги ғазалнинг яна бири Тожикистон ҳақида, сўнгиси ҳажвий мазмунда. Демак, бу ғазаллардаги анъанавийлик радиф ва вазнда, ғазалнинг шакли, айрим таъриф ва тавсифларида кўзга ташланади, холос. Яъни Собир Абдулла замонавий шеърлар ёзиш учун бу ўринда мумтоз адабиётнинг кўпроқ шаклий томонларидан, усул ва услубларидан фойдаланган. Мавзу, ғоя замонавий бўлса ҳам, шоир буни қаламга олишда мумтоз шоирларнинг шеърларидан илҳомланган, улар қўллаган радифни «устида» деб олиб, бироз прозаиклаштирган бўлса ҳам, уларнинг шеърларига ҳамоҳанг шеърлар яратишига ҳаракат қилган.

Маълумки, Нодиранинг ўзбекча девонида «этиб кет» радифи билан ёзилган қўйидаги байтларни ўз ичига олган ажойиб бир ғазали бор:

*Кел, даҳрни имтиҳон этиб кет.
Сайри чамани жаҳон этиб кет.
Бедардларнинг жафоларидин
Фарёд чекиб, фифон этиб кет.
Дунё чаманини булбулисан,
Гул шохида ошён этиб кет...*

Худди шу ғазалдан, унинг ёзилиш услубидан илҳомланиб, 1958 йили Собир Абдулла дўстлик ва муҳаббат мавзуида худди шу радиф билан янги ғазал яратган:

*Келиб гулзорима, парво этиб кет.
Чаманинни ҳуснингга шайдо этиб кет.
Очиб лаб, ғунчалар бағрини доғлаб,
Кўнгулда янги ўт пайдо этиб кет.*

Маълумки, бу ғазал кейинчалик қўшиққа ҳам айланиб кетди. Умуман Собир Абдулла ижодида мумтоз шоирларга яқинлашиш, улардан ўрганиш анвой мевалар берган, дейиш мумкин. Шоирнинг «Қай кунки бўлди бу кўнгул ҳуснингни воласи,» «Қаердан кўз кўзи шаҳлога тушди», «Чиқма ой чиққанда! Олам мажаро кўрсатмасин» деб бошлилган ғазаллари тўла мумтоз асарлар руҳида, мазмунида бўлиб, шоирга лирик шеърнят соҳасида кенг шухрат олиб келди. Менингча, бу шеърлар тикилган бўлса, ишакдан тикилган, ясалган бўлса, нурдан ясалган:

*Қай кунки, бўлди бу кўнгул ҳуснунгни воласи,
Шул кун ёзилди севгининг лавҳи-рисоласи.
Атр ўлди сув оқарда букун шаҳр сойида,
Билмам, юварда тушдиму зулфингни толаси.
Ҳар йил баҳорда олма юзингдин хижил ўлуб,
Саҳрого қочди шаҳру чаманларнинг лоласи.
Раҳм этки, бу азиз кўнгул ҳар кеча қийналур,
Тортарга асло қолмади оҳ ила ноласи...*

Шоирнинг бу хил шеърлари ўзимизга маълум анъанавий мавзу, анъанавий оҳангларда ёзилган. Образлари ҳам бизга таниш. Лекин кишилар ҳар гал тандирдан янги узилган иссиқ ионни еганда ёки мазали сувни ичганда ҳар гал янгидан ҳузур топгани сингари, севги ҳақидаги бу оромбахш шеърлар ҳам бизга ҳар сафар янгидай туюла беради, китобхонни сеҳрлайверади. Мафкуравий таъқиб ва тазиიқлар бўлмаганда Собир Абдулла бундай шеърларни бундан ҳам кўп яратган бўларди. Собир Абдулланинг бундай шеърлари гарчи кундалик сиёсатдан узокроқ бўлса ҳам, аммо ўзининг умумисоний қадриятларга, халқимиз маънавиятига яқинлиги, дилраболиги билан ҳамма замонларга, ҳамма одамларга хизмат қилувчи асарлар бўлиб, адабиётимиз тарихига кирган.

Собир Абдулланинг мумтоз адабиёт анъаналаридан самарали, ижодий истифода этгани унинг лирик шеър-

ларидағина әмас, бошқа асарларида, шеърнинг ҳамма турларида, шу жумладан драматик асарларнда ҳам яққол намоёндир. Бунга, айниқса, унинг мұмтоз асари «Тоҳир ва Зухра» ғоят гүзәл мисол бўла олади. Бунда биз шоирнинг мұмтоз шеъриятдан атрофлича маҳорат билан қандай фойдаланғанлигининг, буниң үзига хос сирларининг гувоҳи бўламиз.

Тўғри, драманинг сюжети, асосий образлари ҳалқ оғзаки ижодидан олинган. «Тоҳир ва Зухра»нинг нусхалари ҳам кўп. Лекин Собир Абдулла яратган асар 5 парда, 7 кўринишили мусиқали драма. Асар шеърий йўлда ёзилган. Унда қатнашувчиларнинг деярли ҳаммаси шеърий тил билан гапирадилар. Драмада бармоқ вазии билан ёзилган диалоглар кўп. Бироқ арузда ёзилган қилемлар ҳам оз әмас. Арузда ёзилган қилемларнинг муҳим бир фазилати шундаки, уларда одатдаги бир нуқсонга — арабизм ва форсизмга, яъни арабий ва форсий сўз ҳамда иборалардан меъёридан ортиқ фойдаланишга йўл қўйилмаган. Драма тўлиғича ҳозирги ӯзбек адабий тилида ёзилган. Ундаги ҳалқ оғзига тушиб, оммалашиб кетган қўшиқлар умуман арузда әмас, балки, F. Ғулом айтгандай, туркий арузда, туркий ҳалқлар шеъриятида кўп қўлланадиган вазнларда. Масалан, Бобохоннинг зулми туфайли дарёда оқиб, Хоразмга келиб қолган Тоҳирни Моҳим, шу мамлакат подшосининг қизи, яхши кутиб олар экан, Тоҳирга қўйидаги сўзлар билан мурожаат қиласди:

*Изларинг ўтмоққа Хоразм ичра ҳар гулзор зор,
Боқмасанг ҳолимга, жисмим жонидин безор зор.
Нақди жон ила жаҳонда мен харидоринг бўлай,
Доимо излашда юрдим кўчаю бозор зор.
Қоматинг кўрганда ишқинг жонга ўт солди, нетай,
Рахм этиб, кўксимга солма қаҳрдан озор зор.
Қўрқаман, васлингга етмай ўлмасам армон билан,
Илтифот кўрсатмасанг, мен йиғлагайман зор-зор.*

Ғазал шаклидаги бу қўшиқ илмий бадеъдаги тажниси мұқаррар санъати асосида ёзилган бўлиб, қофия охиридаги сўзнинг бир бўғини — «зор» мустақил мазмунда ҳар байтда радиф бўлиб тақрорланади ва шеърга талаффузда ўта ёқимлилик бағишлайди. Бу санъатдан Сайфи Саройи, Навоий ва бошқалар маҳорат билан фойдаланишган. Собир Абдулланинг бу ғазалига Ҳувайдо услубининг таъсири ҳам йўқ әмас.

Маълумки, Навоийнинг:

Зулфинг очилиб, орази дилжӯ била ўйнар.

Ҳинду бачайи шӯх дурур — сув била ўйнар —

деган матлаъ билан бошланувчи машҳур ғазали бор. Бу ғазалга кейинги шоирлар томонидан бир неча татаббулар ҳам битилган. Собир Абдулла эса Тоҳирнинг Моҳим ва унинг канизаклари билан шӯх мулоқотини Навоий ғазалига янги татаббу яратиш усули билан гавдалантирган:

Тоҳир:

*Бечора кўнгул ғам ила, қайғу билан ўйнар,
Кундуз йўқолиб, тунда қоронғу билан ўйнар.*

Каниз қизлар:

*Ўйнаб-ўйнаб, Моҳим агар қилса табассум,
Ҳар лаҳзада бу лаблари кулку билан ўйнар.*

Моҳим:

*Қўксум тўлатиб, тақсам анор лаъл ила ёқут,
Қўксумда туриб, дарёдаги сув билан ўйнар.*

Каниз қизлар:

*Ўйнаб-ўйнаб, Моҳим агар қилса табассум,
Ҳар лаҳзада бу лаблари кулку билан ўйнар.*

Шу ўриндаги:

*Солмағай жамолига кўзни бир қиё ҳаргиз,
Таъсир этмагай, билмам, зору илтижо ҳаргиз—
деб бошланган Моҳим ариясини ҳам Навоийнинг:*

*Куйинг борида қилмон жаннатга гузар ҳаргиз,
Қаддинг қошида солмон тубига назар ҳаргиз —
матлаи билан бошланган ғазали йўлида ёзилган десак,
хато бўлмас.*

Тоҳирнинг учинчи пардадаги:

*Айирмиш ўзгалар рашки мени ёру диёримдан
Ва лекин ажратолмас бу жудолик ихтиёrimдин,—
деб бошланган машҳур арияси эса Нодиранинг:*

*Фигонким, гардиши даврон айирди шаҳсуворимдин,
Ғамим кўп, эй кўнгул, сен бехабарсан ҳоли
зоримдан—*

деб бошланган газалини эсимизга солади. Маълумки, бу ғазални, айрим сўзларини ўзгартириб, Фурқат ҳам ўз шеърлари қаторига киритган. Бундан маълум бўладики, «Тоҳир ва Зуҳра» драмасининг юзага келишида мумтоз адабиётимиз Собир Абдулла учун энг катта маҳорат мактаби бўлган. Собир Абдулла ундан узлуксиз ўрганган.

Собир Абдулла бу мусиқали драма жанрига оид асарида мумтоз шеър турларининг ғазалдан ташқари мураббаъ, мустазод турларидан ҳам истифода этган.

Учинчи пардадаги каниз қизларнинг:

Шукр айла, йигит, баҳт қуши бошинга қўнган
Марданаи даврон.

Борми яна, айт, сенда пушаймон ила армон,
Эй кўнгли паришон

деб бошланган, Моҳимнинг эса:

Кўнглингни қўйиб, кўнглимни ол, созима бўл жўр,
Сенсан менга манзур,
Номинг бўладир воҳага маълум, яна машҳур,
Манман санга жонон—

деб бошланган қўшиқларида биз мустазод жанри хусусиятлари мавжуд эканини кўрамиз. Зуҳранинг иккичи пардадаги қўшиғи Муқимий даврида ривожланган мураббаъ усулида ёзилган дейиш мумкин:

Уч кун деганда келмадинг,
Ёлғизлигимни билмадинг.
Ёки назарга илмадинг,
Ёр, мунча зор эттинг мени.

Ўтди орадан олти кун,
Кўксимда ғамлардин тугун.
Айниқса кўп куттим бугун,
Ёр, мунча зор эттинг мени.

Бу шеър шаклидан бошқа ўрипларда ҳам яхши фойдаланилган.

Бир қанча ҳолларда эса шоир газал шаклидан усталик билан фойдаланган. Масалан, тўртинчи пардада Сардор ва Ҳофиз халқ билан бирга қўшиқ айтар экан, халқ ғазалнинг:

*Күчаларда сарғайиб, ранги сомон токайгача...
Дилда қайғу, тилда нафрат, күзда қон токайгача...
Юртимиэда Хонбобохон ҳукмрон токайгача...—*

деган мисраларини хор қилиб айтган ва бу ўринларда муаллифнинг ижтимоий-сиёсий ғоялари яхши, таъсирли очилган. Яъни Собир Абдулла мумтоз адабиётимиздаги анъанавий шеър турларини ўзи яшаган даврига, санъатига муваффақият билан яқинлаштира билган.

Бу деганимиз — драма бошидан охирига қадар мумтоз адабиёт таъсрида ёзилган, муаллиф эса асл (оригинал) асар яратадолмаган, деган гап эмас. Мутлақо! Аксинча, Собир Абдулла мумтоз адабиёт анъаналарига суюниб, уларга ижодий ёндашиб, мусиқали драма-нинг ноёб бир намунасини яратадолди. Масалан,

«Тоҳир ва Зуҳранинг:

*Отмагай тонг боғ аро азминг хиромон бўлмаса,—
деб бошланган дуэти,*

«Қизлар, қатор ўйнаб келинг,—

деб бошланган хор, Зуҳра ва Қамаранинг:

«Ишқ сели кўзларимда оз эмас, дарёча бор,—

деб бошланган қўшифи ва бошқалар тамом асл (оригинал) шеърлардир. Бундай мисолларни кўплаб келтиурсак бўлади. «Тоҳир ва Зуҳра» драмаси ҳақидаги гапларни шоирнинг «Муқими», «Гул ва Наврӯз», «Алпомиши» ва бошқа асарлари ҳақида ҳам айтиш мумкин.

Собир Абдулла ижоди мисолида биз шунга амин бўламизки, ижодкорларга нисбатан зўрлик сиёсатини ўтказиш, уларни ўз истеъдодлари тақозо этган йўлдан қайтаришга уриниш, юмшоқ қилиб айтганда, самара-сиздир. Хусусан, ижодкор биринчи навбатда ўз халқининг маънавий бойликларига, адабий анъаналарига қанча яқин туриб қалам тебратса, бу соҳада у ҳақиқий ютуқларни қўлга киритишга ҳам шунча яқин булиши табиий. Собир Абдулла босиб ўтган ижодий йўл мураккаб ва ўзига хос бўлиб, бу соҳада маҳсус илмий текширишлар олиб бориш зарур, деб ўйлайман.

ИСТЕДОДНИНГ ОЛМОС ҚИРРАЛАРИ АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИЁТИ МАНБАЛАРИ ҲАҚИДА

Маълумки, Алишер Навоийнинг адабий мероси бой адабий ва илмий анъаналар асосида юзага келган. Одатда, Навоий ижодининг манбалари ҳақида гап боргандা, унинг аввало ўзигача яратилган туркий тилдаги адабиётни яхши ва шухта ўрганини, унинг энг яхши анъаналариши давом эттиргани, ривожлантиргани тўғри қайд этилади. Масалан, Навоий достонларини, хусусан, «Фарҳод ва Ширин» достонини Амирий «Даҳнома»си билан қиёсий ўрганиш шуни кўрсатадики, гарчи Навоий Амирийнинг «туркча шеъри яхши воқсъ бўлубтур, аммо шуҳрат тутмабтур» («Мажолисун-нафонс»нинг биринчи мажлисн) деб ёзган бўлса ҳам, ўзи унинг ижодини яхши билган, ундан ижод сирларини ўргаиган. Биз бу масалага «Гулистон» журналида эълон қилинган «Алишер Навоий ва Юсуф Амирий» деган мақоламида (1987 йил, № 12) маҳсус тўхталганимиз.

Адабиёт тараққиётини, ёзувчи маҳоратини бир-бираидан ажралган ҳолда, анъаналарсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Навоий ижодиётининг иккинчи бир муҳим маибай халқ оғзаки ижодидир. Ташқали фольклоршунос олимлардан Ҳоди Зарифов, Натан Маллаев, Муҳаммаднодир Саидов, Муҳаммаджон Ҳакимов ва бошқаларнинг бу соҳадаги тадқиқотлари масаланинг кўпгина томонларини холисона тарзда ёритиб берган. Лекин Навоий шеърияти шундай хазинаки, бу масала юзасидан ҳам янги тадқиқотлар яратиш, Навоийнинг фақат ўзбек халқ оғзаки ижодига эмас, бошқа халқлар фолькларига муносабатини ҳам чуқурроқ ўрганишга итилиш керакка ўхшайди. Масалан, хоразмлик аллома Маҳмуд Замаҳшарий «Ал-Мустақсо фи амсол ил-араб», «Навобиғ ул-калим», «Мақомот уз-Замаҳшарий», «Атвоқ уз-заҳаб» каби асарларида араб халқ мақоллари ва ҳикматли сўзлариши йиғишига катта аҳамият берган. Маълумки, Навоий Замаҳшарий асарларини Саккокий, Ибн Ҳожиб, Тафтазоний асарлари каби севиб ва синичклаб ўқиган.

Замақиарий асарларининг, хусусан, «Маҳбубул-қулуб»-нинг яратилишига муайян таъсири бўлган бўлиши керак. Аммо бу ҳақда биз ҳали жиддий ўйлаб кўрганимиз йўқ.

Навоий ижодининг юзага келиши ва ривожланишида Шарқ халқлари адабиётлари, айниқса форсий тилдаги адабиёт муҳим роль ўйнагани ҳаммага маълум. Бу масалани ўрганишда Е. Э. Бертельс, О. Шарафуддинов, С. Айний, В. Зоҳидов, В. Абдуллаев, Ҳ. Орасли, А. Мирзоев, Э. Шодиев, С. Нарзуллаева, С. Эркинов, Б. Валихўжаев ва бошқалар катта ишларни амалга ошириллар.

Бироқ адабий алоқалар соҳаси Навоий ижодининг мураккаб соҳасидир. Бу соҳада ҳамма нарса аниқ деянишга ҳали эрта. Ҳозир шу нарса маълумки, Навоий ўз салафларидан, форс-тожик адабиётидан кўп нарса ўрганган, лекин уларниң анъаналарини қандай бўлса шундай тақорорлаш билан чекланмаган.

Навоий «Сабъаи сайёр» достонида ўз улуғ устоzlари ижодига муносабатида:

*Сўзни айлаб алар сўзиға адил,
Балки тағиyr этиб, берниб табдил...—*

қабилида иш тутганини қайта-қайта уқтиради.

Масалан, ўз асарларини форсий тилда ёзган улуғ озарбайжон шонри Низомий Ганжавийнинг «Хамса»сини Навоий деярли ёд билган. Низомий «Искандарнома» достонининг иккичи қисми — «Иқболнома»нинг кириш қисмида ўзинга замондош ҳукмдор шаънига мадҳ битар экан, ўша йилларни Ганжада юз берган даҳшатли зилзила ҳақида қўйидаги таъсирили сатрларни ёзган эди:

*Аз он зилзила, ки осмонро дариd,
Шуд он шаҳрҳо дар замин нопадиd.
Чунон ларза афтод бар кўху дашт,
Ки гард аз гиребони гардун гузашт.
Замин гашта чун осмон беқарор,
Муаллақзан аз бозии рўзгор.
Баромад яке садма аз нафхи сур,
Ки моҳи шуд аз кўҳаи гов дур.
Фалакро салосил зи ҳам баргусаст,
Заминро мафосил баҳам дар шикаст.
Дар аъзои хок обро баста кард,
Зи бас куфтан кўҳро хаста кард...
Заминро чунон дарҳам авшурд сахт,*

*Ки аз афсурдаги күх шуд лахт, лахт.
На як риштаро мұхра бар кор монд,
На як мұхра дар ҳеч девор монд.
Зи бас ганч, ки он рүз бар бод рафт,
Шаби шанберо Ганжа аз ёд рафт.
Зи чандон зану марду барнову пир
Бурун н-омад овозае чуз нафир¹.*

Мазмуні:

*Осмон ёрилгандай бұлди у зилзиладан:
Суприлди шаҳарлар ернинг юзидан.
Шундай ларза тегди тоғу тошларга,
Чанг-түзөн күк юзин қоплади қўйди.
Ер остиң-устун бұлди, осмон бекарор,—
Тақдир ўйинидан муаллақ қолиб.
Исрофил карнайи чалиниб бирдан,
Гўё ҳўқиз тебранди, қочиб балиқдан.
Фалак занжирининг ҳалқаларидан.
Узилди заминнинг барча бандлари.
Тўсилди равон оқар сувларнинг йўли,
Беркилди тоғлардаги довонлар, йўллар...
Ер шундай тартибсиз, қаттиқ сиқилди,
Бу сиқиқдан тоғлар парча-парча бұлди.
Бирон ипмунчоқда мунчоқ қолмади,
Бирон бир девор қолмади тикка.
Қолмади бирон бир хазина, кетди шамолга,
Бу шанба кечаси йўқолди Ганжа.
Хотину эркак, ёшу қари — ҳамма
Инглашарди қаттиқ фарёд, фиғон-ла.*

Навоий ўзбек тилида «Ҳамса» ёзишга киришиб, «Ҳайратул-аббор» достонининг кириш қисмидаги иккинчи муножотда Оллоҳ таолонинг раҳмдиллиги билан бир қаторда чексиз ва тенгсиз куч-кудратини, хоҳласа бир неча дақиқада бутун дунёни остиң-устун қилиб юбора олишини тасвирлар экан, бунда у маълум даражада Низомийнинг Ганжа зилзиласи тасвиридан ҳам ил-ҳомланган, юз бериши мумкин бўлган умумжаҳон ҳалокати маиззарасини Низомий услубида муболаганинг таблиғ ва иғроқ усуслари орқали ёрқин гавдалаптира олган!— дейишга асос бор:

Ер қўпуб ўрнидин, ўлуб ҳамма гард,

¹ Низомий Ганчавӣ. Куллиёт, ч. панчум, Душанбе, 1984, 45-бет.

*Ким итиб анда фалаки ложувард.
Одамий ул дамда аниңдек адам,
Ким бу дам одамда вафо-у карам.
Ер тутубон авжу фалак таҳ тушуб,
Гаҳ бу чиқиб юқори, ул гаҳ тушуб.
Үт қилибон баҳрда ғаввослиқ,
Тоғ этибон чарх уза раққослиқ.
Чарх мисосида булутдек ғиров,
Девзада үйлаки күрганда дев.
Тоғу фалакларда тароқ-тароқ,
Борча тароқида аён алфироқ...*

Иккى улуғ шоир тасвирини қиёслаб ўрганиш Навоий тасвири том маънодаги оригиналлик даражасига кўтарила олганини кўрсатади.

Навоийнинг анъанавий мавзуларда ёзган достонлари ва шеърларидаги салафлари асарлари билан образлар ҳамда сюжетлар талқинида ўхшашликлар ва яқинликлар булиши билан бирга айрим фикрлар ҳамда байтларда айнан ўхшашлиқ ва яқинликлар мавжуд. Мен, масалан, олдин эълон қўлган ишларимнинг биринча Навоийнинг «Ҳайратул-аброр» даги машхур:

*Одами эрсанг, демагил одами —
Ониким йўқ ҳалқ ғамидин ғами —*

деган байти Шайх Саъдишинг «Гулистон» асаридаги:

*Ту гар меҳнати дигарон бегами,
Нашоядки, номат ниҳанд одами*

(Сен бошқалариниң қийинчилигига бепарво бўлсанг,
Сени одам деб ҳисоблашлари мумкин эмас) —
деган байтига ҳамма томондан ҳамоҳанг эканини айтган эдим.

Навоийнинг шу достонида камтарлик қилиб, салафлари асарларини сарв, гул ва лолага қиёслаган ҳолда ўз асарини ўтинига ўхшатиши характерли:

*Сарву гулу лола харидори бор,
Лек ўтуннинг доғи бозори бор.*

Худди шунга ўхшаган байт Хусрав Деҳлавийнинг «Мажнун ва Лайл» достонида ҳам бор:

*Гар лолову сарв дар шумор аст,
Охир хасу хор ҳам ба кор аст.*

*(Лола ва сарв яхши ҳисобга ўтса эди,
Хас ва тикон ҳам бир ишга яраб қолади).*

Бунга үхшаш мисолларни Навоий достонлари ва шеърларидан яна келтириш мумкин. Бизнингча, бундай үхшаш байтларни Шарқ шеърнитида маълум даражада урин тутган тазмин санъати сифатида баҳолаш тӯғри бўлади. Атоуллоҳ Ҳусайнин ӯзининг «Бадоевус-саноесъ» асарида тазмин санъатининг хилларига маҳсус тұхталыб ўтган. Унинг фикрича, тазмин йўли билан бирордаи олинаётган бир ёки иккى байтлик «шеър кўп машҳур бўлмоғи керак»,— токи унинг бирорини эканлиги олдинго турсин¹. Атоуллоҳ: бирордан олинган бундай байтлар адабий ўғирлик ҳисобланмайди,— деган. Атоуллоҳ айтгандай, Навоий ҳам бундай байтларни уларнинг муаллифларни яхши иштади билан, бу байтлардан ўзбек китобхонларни баҳраманд қилиш учун ўз асарларига кўчирган. Юқорида келтирганимиз Саъдий ва Хусрав Деҳлавий байтлари ҳам ҳаммага, хусусан, форсийзабон китобхонларга маълум байтлар эди. Биз бундай үхшашликлардан кўз юмаслигимиз, уларни илмий жиҳатдан тӯғри баҳолашимиз, нашрларда эса холис изоҳлашимиз зарур.

Адабий алоқалар ҳақида гап борганде биз кўпроқ Навоийнинг Марказий Осиё, Кавказ, Яқин Шарқ, қисман Ҳиндистондаги ижодкорларга, адабий ёдгорникларга муносабатини кўзда тутамиз. Кейинги текширишлар эса Навоийнинг Олтой минтақасидаги адабий ёдгорниклардан ҳам хабари бўлганлигини кўрсатмокда. Биз буни аввалги ишларимиздан бирида Аланқуво афсонасига Навоийнинг қараши орқали далиллаган эдик. Шу ишларни давом эттириб, биз Навоий «Хамса»сининг юзага келишида Хитой маданияти, тили, тарихининг ҳам таъсири болигини сезяпмиз. Масалан, Навоийнинг «Сабъан сайёр» достонида Эрон шоҳи Баҳром сайёҳ Мони қўлида хитойлик Дилоромнинг суратини кўриб, уни яхши кўриб қолади ва уни Хитойнинг бир йиллик хирожи ҳисобига сотиб олади. Хитой тарихига оид манбалар билан танишиш шуни кўрсатадики, чиндан ҳам Хитойда VII, VIII ва IX асрларда тирик одамларни товар сифатида сотиш ва сотиб олиш ривожланган бўлган. Америка олими Эдвард Шефернинг ёзишича, Хитойга тобеъ Фуцзянин, Гуандун, Гуанси, Гуйчжоу вилоятларида ёш йигит ва қизларни сотиш авж олганда VIII аср

¹ Атоуллоҳ Ҳусайнин. «Бадоевус-саноесъ», Тошкент, 1981, 246-бет.

охирида ҳукмдор Де-цзун бундай савдони бас қилиш ҳақида фармон берган. Худди шундай фармон IX аср ўрталарида Сюан-цзун томонидан ҳам берилган бўлиб, бунда «эркаклар ва хотинлар шох ва фил суюклари каби товар ва бойликка айлантирилгани»дан норозиллик билдирилган. Бу фармонда қайд этилишича, одам савдоси билан шуғулланган кишилар жанубий мамлакатларда, хусусан, Кореядан келтирилган ёш тутқин қизлардан кўп фойда кўрганлар.¹ 817 йилда Гуанчжоудаги ҳокимиятни эгаллаган Кун Куй умуман хотинларни сотишни манъ этган.² Демак, Навоий, бизнингча, Диломор тарихини тарихий жиҳатдан маълум даражада тўғри ёритган. Яъни Навоийнинг бу достонда ёзганлари қуруқ чўпчак эмас, маълум тарихий асосларга эга.

Навоий «Садди Искандарий» достонида Хитой хоқонининг Искандар шарафинга катта базм қурганини тасвирлар экан, шу боб охирида шундай бир байт бор:

*Муганний, улуғ йир навосини туз,
Пижир кўкка пийпо садосини туз.*

«Улуғ йир» қадимда узоқ чалинадиган туркий куйлардан бирининг номи. Бу ўринда бизга нотаниш «пижир» ва «пийпо» деган сўзлар ҳам қўлланган. «Пижир» осмоининг қандайдир сифатининг билдираётган куринади. «Пийпо» эса бизда уд деб аталган мусиқа созининг хитойча номи. Бу сўз маъноси Эдвард Шефернинг юқорида зикр этилган китобида ҳам бор. Унда IX асрда яшаган Чжан Цзи деган шонрининг бир шеъри келтирлади. Бу шеърининг русча таржимасида шундай сатрлар бор:

*Там кольца из яшмы продевшая о уши
девица из чьей-то семьи,
Сжимая в объятиях лютню-пипа,
приветствует бога морей.³*

Демак, «пипо» хитойча сўз экани аниқ. Бироқ Э. Шефер китобидаги шеърлар таржимони Л. Н. Меньшикова уни «карнай» деб нотўри таржима қилган. Бу шеър мазмунидан ҳам қучоқлаб, барагига босиб чалинадиган мусиқа сози англашилади. Бинобарин, Навоий бу сўзининг туб маъносини билган ва Хитой хоқонининг базми

¹ Э. Шефер. Золотые персики Самарканда. М., 1981, с. 70.

² Уша китоб, 71-бет.

³ Уша китоб, 71-бет.

ҳақида гап бораётганда, матига, тасвирга маҳаллий ранг, маҳаллий тус бериш учун шу хитойча сўзни ишлатган. Айтилганлардан чиқариладиган хулоса шуки, биз бундан буён Навоий ижодини илмий ўрганишда Ҳитой маңбаларини ҳам ўрганишимиз ва уларга мурожаат қилишимиз фойдадан холи эмас.

Навоий ижодини ўрганишнинг энг муҳим маңбалийдан яна бири, албатта, шоир ижод қилган давр, у яшаган тарихий шароит, у нафас олган маданий муҳитdir. Навоий ижодини бусиз тасаввур этиш қийин. Унинг асарлари шу муҳитнинг меваси. Бу соҳада катта ишлар қилинган. Лекин бу масалани ёритишда ҳам яқин ўтмишда маълум биркёламаликларга йўл қўйилганини таш олиш, эндиликда буни тузатиш керак. Масалан, Навоий яшаган адабий муҳит талқинида Ҳусайн Бойқаронинг номи кўп вақт салбий баҳолангандан, камситилган. Маълумки, Ҳусайн Бойқаро ўз даврининг энг истеъододли шоирларида бири бўлган. Навоий «Мажолисун-нафоис»да Ҳусайн Бойқаронинг ғоят оригинал ғазаллар ёзганини таъкидлайди ва буни мисоллар билан исбот қиласди... Демак, биз Ҳусайн Бойқаро ижоди ва адабий фаолиятига баҳо беришда ҳали Навоий даражасига кутарилганимиз йўқ. Бу маҳсус катта бир илмий тадқиқот мавзуи бўлиши мумкин. Масалан, Навоийнинг «ўзгача» радифли ғазаллари маълум даражада Ҳусайн Бойқаронинг шу радифдаги ғазалларига назира. Чунки бу радиф билан Ҳусайн Бойқаро биринчи бўлиб ғазаллар ёзган ва унинг бу ғазалларини Навоий ўз тазкирасида мақтаган. Навоийнинг рўмолча тикаётган қиз ҳақидаги:

*Еғлиғин, эйким, тикарсен, игна мижгонимни қил,
Нақш этарда тори онинг риштаи жонимни қил,—*

деган байт билан бошланган ғазали эса шу даврининг истеъододли шоири Сайфи Бухорий ғазаллари йўлида ёзишлган. Гап шундаки, Сайфи Бухорий ўша даврда айниқса ўзининг турли касб эгалари ҳақидаги шеърлари билан кенг танилган эди. Навоий ҳам унинг бу хил шеърларини юксак баҳолаган ва улар ҳақида «Мажолисун-нафоис»да: «Ва санъат ва ҳирфа аҳли учун ҳам кўп латофатлиғ назм қилибтур ва ул тариқда муҳтареъдур»,— деб ёзган ва уни шу соҳанинг, яъни меҳнат кишилари ҳақидаги шеъриятнинг (ҳозирги тил билан айтгашида, ... ишлаб чиқариш мавзунинг) «мухтаръеи»

(асосчиси, ижодкори) деб атаган эди. Навоий ижодининг бундай жиҳатларига аниқликлар киритиш, унинг замонавий манбаларини ҳам очиш муҳим вазифа део қаралинши керак.

✓ Ва ниҳоят, Навоий ижодининг яна бир муҳим манбани диний ва сўфий адабиётлардир. Навоийнинг сўфий адабиётга муносабати унинг Фариидддин Аттор, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдулла Ансорий, Саййид Ҳасан Ардашер ва бошқалар билан яқинлигини ўрганиш мисолида маълум даражада тадқиқ этилмоқда. Аммо Навоийнинг диний адабиётга муносабати, диний адабиётлар, хусусан, Қуръон ва ҳадислар унинг ижодида доимий ва муҳим манбалар бўлгани, ўз даври ижтимоий-сийёсий ва маданий-маънавий масалаларини улуғ шонр кўп вақт шу асарларга суюниб ҳал этганилиги шу пайтгача ўрганилмади, ҳатто бундан кўз юниб келинди. Навоий ўзининг «Назмул-жавоҳир» асаридаги рубоийларидан бирида Қуръон, уни ўқишининг фойдаси ҳақида қўйидағи ҳаяжонли сатрларни битган эди:

*«Қуръон»ки эрур муждаи жони ўқумоқ.
Иўқ, йўқки, ҳаёти жовидоний ўқумоқ.
Бил кўнгулга истасанг шифони ўқумоқ,
Ким, келди кўнгул шифоси они ўқумоқ.*

Бизнингча, бу ўринда Ибн Синонинг «Шифо» асарига ишора ҳам йўқ эмас. Яъни, Навоий фикрича, инсон ҳақиқий шифони биринчи галда Қуръондан топиши мумкин.

Навоийнинг «Хамса» достонларидағи инсонни улуғлаш билан боғлиқ кўп фикрлари, аввало, Қуръондан олинган. Чунки Қуръонда ёзилишича, Худо инсоннинг мартабасини шундай улуғ қилиб яратганки, ҳамма фаришталар унга сажда қилган. Фақат шайтонгина бундан бўйин товлаган. «Хамса» достонларининг кириш қисмларида Навоий ўзи ҳам ўз гапларининг Қуръон сўзлари билан боғлиқ эканига кўп ишоралар қилган, Қуръондан иқтибослар келтирган. Навоий Қуръонга инсониятнинг улуғ китобларидан бири сифатида қаралган. Навоий ўз ғазалларининг бирида ҳазил йўли билан: «Қўлум олиб келар, оғзим ичар—менда не гунаҳ!», деб ёзар экан, бунда ҳам у, Қуръонда ҳамма диний китобларда бўлганидек, худодан амрсиз тикон ҳам кирмайди, инсоннинг ҳамма яхши ва ёмон ҳаракатлари Оллоҳнинг иродаси билан юз беради,— деган фикр ут-

казилган. Бу ғоя «Ҳайратул-аброр»да: «Не қадаме амрсиз олиб, не дам», — деб ифодаланган. Ҳар қандай бўлганда ҳам Навоийнинг Қуръонга, Ислом динига садоқати тарихий жиҳатдан асослидир.

Масалан, Навоий «Ҳайратул-аброр» достонида ахлоқ масалалари юзасидан атрофлича фикр юритар экан, бу масалалар талқинида Қуръонга мурожаат қиласди. У инсон ҳаётида қаноат қилиш катта фазилат эканини тушунтиromoқчи бўлар экан, Қуръондан «Азза ман қанаъ»—«Ким қаноатли бўлса, иззатли бўлади» ибораси келтирилган. Бундай мисоллар жуда кўп. Шоир «Насойимул-муҳаббат» асарини яратар экан, кўп сўфийларнинг меҳнат аҳлидан келиб чиққани, ҳалол яшаганини таъкидлаш учун ҳадисдаги «Косиб оллоҳнинг дўсти» деган иборани келтиради. Шу мисолларнинг ўзи ҳам биз ўзимизнинг Қуръонга нисбатан қарашларимизни ўзгартириб, унда кишилар тарбияси учун яхши фикрлар борлигини тан олишимиз, Навоий каби даҳоларимиз асарларининг диний қарашлар билан боғлиқ қисмлари талқинида ғаразгўйликка, сохталашибтиришга энди йўл қўймаслигимизни тақозо этади.

Утмишда Шарқ мусулмон мамлакатларида халқни, давлатни, жамиятни қонуний бошқариб туриши керак бўлган мусулмон ҳуқуқшунослиги — фиқҳ ҳам бошидан охиригача Қуръон ва ҳадисларга асосланган эди. Навоий фиқҳни ўрганиш шарафли иш эканини таъкидлаб, «Назмул-жавоҳир»да куйндаги рубоийни ёзган ва факиҳларни умматларнинг сарвари деб улуғлаган:

*Колғон киши касби илмдин заҳмат аро,
Фиқҳ ўргансун саъӣ ила ул меҳнат аро.
Илм ичра шараф фиқҳда бил нисбат аро,
Ким, сарвар эрур факиҳ бу уммат аро.*

Факиҳ бўлиш, фиқҳни ўрганиш эса осон иш эмас эди. Бунинг учун араб тилини яхши билиш, диний китобларни пухта, ипидан игнасигача ўрганиш, бошқа фақҳларнинг асарларини, Қуръон шарҳларини билиш талаб этилар эди. Фиқҳни Навоий, маълумки, Самарқандда буюк арабшунос ва фиқҳшунос Фазлуллоҳ Абулайсдан ўрганган эди.

Биз бу ўринда Навоий ижодининг бир қанча манбалари ҳақида мулоҳаза юритдик. Навоий ижодининг бундан бошқа манбалари ҳам йўқ эмас. Масалан, Навоий қадим юонон маданиятни, араб адабиётини, Ҳин-

дистонни жуда яхши билган. «Фарҳод ва Ширин» достонидаги Юон мамлакатига оид таъриф ва тавсифларни кўздан кечирар эканмиз, унда шундай сатрларга дуч келамиз:

*Ки Юон мулки ул фархунда кишвар,
Ки ҳикмат бирла топти зебу зевар.
Ҳакимекам, топиб ашколи афлок,
Бу кишвар туфроғидин бир овуч хок.
Тоши ҳикмат элининг дурри тожи,
Гиёҳи борча иллатлар иложи.*

Бу ўринда Навоий Юон мамлакатини қадимий маданиятининг бешиги, барча фанлар ривожланган, табиати ҳам бой бир баҳтиёр («фарҳунда») ўлка сифатида мадҳ этмоқда. Бироқ шоир бу ўринда умумий гаилар ва мавҳум таърифлар билан чекланиб қолмоқчи эмас. Қадим Юон шуҳрати ҳақида гап борар экан, иккинчи байтда осмонининг тузилиш сирларини биринчи марта ҳал қилиб берган бир юон олимини эслатиб, ўшандай буюк инсон ҳам шу мамлакатиниг табаррук бир сиқим («овуч») туфроғидан дунёга келганини айтмоқда. Бу олим ким? Бу эрамизшинг 90-йилларида туғилиб, 160-йилларида вафот этган, машҳур «Альмагест» («Алмажасти») асарининг муаллифи Клавдий Птолемей бўлиб, у Шарқда Батлимус номи билан шуҳрат топган, асарлари араб тилига таржима ҳам қилинган. Навоий унинг илмий фаолиятидан яхши хабардор эди. Навоий Батлимус (Птолемей) ҳақида бошқа достонларида ҳам сўзлаган.

Биз Навоий ижодининг манбаларини қанча яхши билсак, уларни ўрганиш, тадқиқ этиш усулларимизни қанча такомиллаштиrsак, улуғ шоир асарларига берган баҳомиз ҳам шунча ҳаққоний ва асосли бўлади.

НАВОИЙ ЗАМОНДОШЛАРИ ВА МАЪНАВИЯТ

Маълумки, Алишер Навоий ўз асарларида, хусусан, «Хамса» таркибиغا кирган достонларида ўз қаҳрамонларининг ёрқин тимсолларини чизар экан, уларни маънавий жиҳатдан ниҳоятда етук ва бой кишилар сифатида тасвирлаган. Масалац, Фарҳод жисмоний жиҳатдан ғоят бақувват булиши билан бирга болалик чоғидаёқ Қуръонни ёд олган, ун ёшга етганда:

*Жаҳонда қолмади ул етмаган илм,
Билиб таҳқиқни касб этмаган илм,—*

деб ёзади Навоий. Худди шунингдек, Ширин ва бошқалар ҳам Меҳинбону саройида, Фарҳод шарафига машҳур ариқ қазиб бўлингач уютирилган базмда Ширин ва унинг дугоналарининг барча фан ва санъатлардан огоҳлиги яхши тасвирланган. «Хамса»нинг сўнгги дostonи «Садди Искандарий»да Искандарнинг шоҳ ва лашкарбоши бўла туриб, кўп фанлардан ҳам хабардорлиги, унинг ҳарбий сафарларида Афлотун, Арасту, Сукрот, Балинос, Аршимидус, Фисофурс, Жолинус, Фарфунюс каби олимларнинг иштирок этгани, ойнаи жаҳоннамони ихтиро этгани, ер юзидағи ишларини тамомлаб бўлгач, океапларни ўрганиб, «бир кема» тўла ноёб маълуматлар йиққани қизиқарли ҳикоя қилинган.

Навоий тасвирлаган қаҳрамонлар маънавий жиҳатдаш шу қадар бой экан, XV аср, хусусан, ўша асрнинг иккичи ярмида Мовароуннаҳр ва Хурсоңда маънавиятнинг аҳволи қандай эди? деган савол туғилади.

Бу тўғрида гап борар экан, аввало шуни таъкидлаш керакки, соҳибқирон Амир Темур вафотидан (1405) кейин Шоҳруҳ салтанати (1409—1447), Улуғбек салтанати (1447—1449) даврида қўшини мамлакатлар билан тинч, қўшничилик муносабатлари ўрнатилди. Асосий диққат-эътибор мамлакат ичкарисидаги иқтисодий, маданий аҳволни яхшилашга, ривожлантиришга қаратилди. Бу соҳада бошқаларга ўрнак бўларли маданий анъаналарни бошлаб бериб кетган Амир Темурнинг роли катта бўлганини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Масалаи, Амир Темур улуғ давлат арбоби ва саркарда бўлиши билан бирга, санъат, адабиёт ишларига ҳам ҳурмат билан қараган, Бибихоним масжиди, Оқсарой, Аҳмад Яссавий мақбараси каби улкан меъморчилик намуналарини қуриш ғоясини ўзи уртага ташлаган ва ўзи бош бўлиб амалга ҳам оширган, айrim ҳолларда ўз пжодий таклифлари билан бу маданий ёдгорликларнинг мукаммал бўлишига ўз ҳиссасини қўшган эди.

Алишер Навоий эса «Мажолисун-нафонс»да Амир Темурнинг шунча фазилатлари билан бир қаторда уни бадиий адабиётга, хусусан, шеъриятга жуда яқин бўлган улуғ шахс сифатида ҳам таъриф-тавсиф қиласиди. Унинг ёзишича, Амир Темур гарчи шеър ёзиш билан шуғулланмаса ҳам, лекин жуда кўп шеърий ва насрый асарларни ёд билган ҳамда «андоқ хўб маҳал ва мавқеда», яъни ўз вақтида ва ўрида шундай жойига қўйиб ўқирканки, бунга ҳамма қойил қолар экан.

Шоҳруҳ ҳам, гарчи шеър ёзмаса-да, адабиётга ҳомийлик қилган, дин ишларига кенг йўл очган. Айниқса, Улуғбек Мирзо астрономия, математика қатори тарих фани, шеърият билан қаттиқ шуғулланган. Унинг диний илмларни нақадар пухта билгани шундан кўринадики, у «зиж» битиш, «расад» боғлаш билан бирга, Навоий «Мажолисун-нафоис» да хабар беришича, «етти қироат била Қуръони мажид»ни ўқий билган. Айни вақтда, Саккокий ўз қасидаларидан бирида таъриф этишича, у илми бадсъни жуда яхши тушунган. Шоирнинг ёзишича, бу соҳада дунёда унга тенг келадиган олим бўлмаган.

Темурий ҳукмдорлар орасида Амир Темур каби қилич чопган Ҳусайн Бойқаро (1469—1506 йилларда ҳукмронлик қилган) эса ўз даврининг энг истеъодди шоирларидан бири бўлган. Унинг ўз шеърларидан маҳсус девон тузгани маълум. У адабий мажлисларда ёддан пайдарпай шеърлар ўқир ва ўзидағи бу хусусият унга катта бобоси — Амир Темурдан ўтганини фахр билан қайд этар экан. Навоий бу тўғрида «Мажолисун-нафоис»нинг еттинчи мажлисида шундай дейди: «То олам аҳли билғайларким, Султон соҳибқиронгаким, мажолисда пайдарпай ҳўб абъёт ва яхши сўзлар дар маҳал воқеъ бўлур, даги маврусийдурким, нисбатин ул жадди бузургвор (яъни Амир Темур — A. X.) — фа тузотурким, ул бирининг макони равзан жинон ва бу бири жаҳон мулкида жовидон бўлсун...» (Алишер Навоий. Асаллар, 12- жилд, Тошкент, 1966, 169-бет. Бундан кейин: «Мажолисун-нафоис», ...-бет).

Навоий ўзининг «Бадоеъул-васат» девонидаги бир ғазалида Ҳусайн Бойқаро билан курган суҳбатлари нақадар мазмунли ва чиройли бўлганини, шоҳ тамбур чалиб, ўзи қўшиқ айтганини шундай тасвиirlайди:

*Хуш улки, базмда ойлар тегарда аргуштак,
Шаҳ анда тамбура чолиб, Навоий деса қўшиқ.*

Комил Ёрматов яратган «Навоий» фильмида эса Ҳусайн Бойқаро умумий маданиятдан йироқ, суюкхўр, бадавий бир ҳукмдор сифатида тасвиirlanganки, бу тарихий ҳақиқатдан узоқдир. Навоий ўзининг бир неча минг шеърдан ташкил топган «Хазойинул-маоний» девонини тузар экан, Ҳусайн Бойқаро бу мураккаб ишда масъул муҳаррир вазифасини бажарган. «Дебоча»да хабар қилинишича, Навоий ҳар гал учрашганларида

50—60, гоҳо 100 та шеър олиб борар, шоҳ-шоир эса синчковлик билан уларни ўқир ва муҳим тузатишлар киритар экан. Замондошларидан бири Ҳусайн Бойқарога:

— Мабодо подшолик сизга насиб бўлмай қолганда нима иш қилган бўлар эдингиз?— деб савол берганда, у ҳеч иккиманмай:

— Нажмиддин Кубро мақбарасида жорубкашлик қилган бўлур эдим,—деб жавоб берган экан. Булар ҳаммаси шуни кўрсатадики, Ҳусайн Бойқаро ўз даврининг маънавий юксак кишиларидан бири бўлган ва шу юксакликда Хурросон давлатини бошқарган.

Албатта, Навоий замондошлари орасида Абдураҳмон Жомий алоҳида ажралиб турган. Гап шундаки, бу даврда инсоннинг маънавий бой ва юксак бўлиши бир томондан, диний илмларни, иккинчи томондан, дунёвий илмларни эгаллаши, адабиёт ва санъат соҳаларини барча нозикликлари билан билиш ва тушунишни тақозо этар эди. Бошқача айтганда, тасаввуфда бундай одамларни «комил инсон» деб атар эдилар. Бу даражага етишмоқ учун инсон тасаввуф оламига қадам қўйиб, аввало Оллоҳни таниши, ботиний илмларни эгаллаши, унга Худо назар қилган бўлиши лозим. Шундан кейин эса у зоҳирий билимларни ҳам ўрганиши, дунёда қандай илм бўлса, уни эгаллашга интилиши зарур бўлган.

Абдураҳмон Жомий шундай буюк инсонлардан эди. Алишер Навоий «Ҳайратул-аброр» достонида уни шундай илоҳий нурлардан баҳраманд бўлган, ҳатто илоҳий спрларни кашф этган улуғ аллома сифатида таърифлайди:

*Улки бу кун қутби тариқатдур ул,
Кошифи асрори ҳақиқатдур ул.
Қўкси ҳақойиқ дури ганжинаси,
Қўнгли маони юзи оинаси.
Олий анга етти фалакдин маҳал,
Етти фалак мушкили олида ҳал.*

Бу таърифларнинг қанчалик ҳақиқатга яқинлигини Жомийнинг сеҳрли қалами билан битилган «Ҳафт авранг» туркумига оид достонлари, улардаги Иймон ва ислом, тасаввуф ва инсон ҳақидаги, борлиқ ва ҳаёт ҳақидаги муҳокама ва мулоҳазалари тўла исботлайди. Масалан, «Лайли ва Мажнун» достонида Навоий Жомийнинг «Субҳатул-аброр» достонини мадҳ этиб, бу

асар кўкдаги фаришталарни ҳам тасбех ўғиришга, шу йул билан Оллоҳ зикрини бундан ҳам ортиқ қилишга чорлади!— дейди:

*Чун «Субҳа»ни килкинг этти тавзих,
Солдинг малак ичра зикри тасбиҳ.*

«Сабъаи сайёр»да эса Навоий Жомийнинг фазилатлар кони ва илмлар дарёси эканини таърифлаб, уни:

Фазл конию илм дарёси...—

деса, қўйироқда у илоҳий фанлар билан бир қаторда табиий фанларни ҳам мукаммал эгаллаганини уқтиради:

*Кашфи ҳикмат иши камоҳи анга,
Ҳам табишю ҳам илоҳий анга.*

Чиндан ҳам Жомийнинг Илоҳиётга, тасаввуфга доир асарларидан ташқари араб тилини ўрганиш бўйича Ибн Ҳожибнинг «Кофия»сига ёзган «Шарҳи «Кофия» асари, мусиқа пазариясига доир «Рисолай мусиқий»си, аruzga oид «Рисолай аруз»и ва қофия ҳақидаги рисоласи, форс тили грамматикаси ва бошқалар унинг дунёвий илмларни нақадар пухта ўзлаштирганини кўрсатади. Навоий ўзи шундай одамнинг муриди эканидан фахрланиб бундай дейди:

*Навоийким муриду бандасидур,
Иродат йўлида афгандасидур.*

(«Фарҳод ва Ширин».)

Навоийга энг яқин турган замондошларидан яна бири Сайид Ҳасан Ардашер бўлиб, унга шоир «ота масобасида» бўлгаи. Навоий унинг зоҳирий илмларни ҳам, тасаввуфни ҳам чуқур эгаллагани, ўз замонасининг энг истеъодли, билимли кишиси бўлганини «Мажолисун-нафоис»да шундай таъриф қиласи: «Бу фақир турк ва сорт орасида андин тамомроқ киши кўрмайдурмен. Йигитликда зоҳир улумин касб қилиб эрди. Аммо факт жониби (яъни тасаввуф — A. X.) голиб эрди. Тасаввуфда табъи хўб эрди... Иккаласи тил била гоҳи назм айтур эрди» («Мажолисун-нафоис», 68- бет.)

Сайид Ҳасаннинг энг катта хизматларидан бири Навоийдек буюк инсоннинг тарбиясида фаол иштирок этганидир. Маълумки, Навоий унинг тўғрисида кейин-

чалик «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер» деган рисола ёзган. Шоирнинг Самарқанддан Саййид Ҳасанга йўллаган шеърий мактуби ҳам машҳур.

Навоий ўзининг бошқа бир устози — Ҳожа Юсуф Бурҳон ҳақида ҳам шунга яқин гапларни ёзган: «Ҳожа Юсуф Бурҳон... фақр ва фано тариқида сулук қилур эрди... мусиқий илмни ҳам яхши билур эрди ва фақир мусиқий фанида аниг шогирдимен. Қўпрак ўз шеърлари га мусиқий боғлар эдри» («Мажолисун-нафонс», 50-бет.)

XV асрнинг иккинчи ярмидаги Хуросонда машҳур кишилардан яна бири Ҳусайн Вонз Кошифий бўлган. «Оз фан бўлгайким, дахли бўлмағай», — деб ёзади Навоий унинг тўғрисида «Мажолисун-нафонс»да. — Ҳусусан, «ваъз, иншо ва нужумки, аниг ҳаққидур ва ҳар қайсида мутааййин ва машҳур ишлари бор ва мусаннафотидин бири «Жавоҳирут-тафсир»дурким, «Ал-бақара» сурасини бир мужаллад (яъни маҳсус бир жилд — А. Ҳ.) битибдурким, мунсифи қатъ била юз жуз бўлғай...» Маълумки, унинг тасаввуф тарихи ва назариясига оид «Футувватномаи Султоний» асари Н. Комилов томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, «Шарқ юлдузи» журналининг 1993 йил 1 ва 3—4-сонларида босилиб чиқди. Бу асар билан танишган одам муаллифининг тасаввуф соҳасида нақадар катта билимга эга эканига ҳайратланмай иложи йўқ. Кошифий айни вақтда йирик адаб ҳам бўлиб, «Калила ва Димна»ни «Анвору Суҳайли» номи билан қайтадан ёзган. Ўз даврида унинг шеърлари ҳам машҳур бўлган.

Навоийнинг яна бир замондоши Мавлоно Риёзий бўлиб, шоир у билан Самарқандда танишган. Бу тўғрида «Мажолисун-нафонс»нинг иккинчи мажлисида қўйида-гиларни ўқиймиз: «Мавлоно Риёзий самарқандлиғур. Мутакаббир ва муъжиб киши эрди. Ғазалии бағоят хўб айтур эрди. Жомеъул-фазойил ва муқавиуддалойил киши эрди ва етти қалам билан хатни хўб битир эрди ва ҳам мулло ва ҳам ҳофизки, «Қуръони мажид»ни етти қироат билан билур ва ўқур эрди ва ҳам котиб ва ҳам шоир ва ҳам маолий эрди. Улум фанида ҳеч нимарса анга мажҳул қолмас эрди. Бу маъниға тахаллуси далилдурким, ҳар нимарсаким, хаёл қилса эрди, айтур эрди ва дер эрди ва боғлар эрди ва хўб тасниф қилур эрди. Илми мусиқий ва адвор ва нужум ва истикрохи

рамал ва ғайри золика ҳеч нимарсадиң бенасиб эмас эрди». («Мажолисун-нафоис», 59-бет.)

Бундай таъриф ва тавсифлар фақат Мавлоно Риёзний шаънига бўлмай, шундай одамларни тарбиялаб стказган замон, тарихий шароитга ҳам тегишилди. Чунки бундай қомусий фазилатларни бир инсонда шакллантириш тарбия, ўқув ишларининг ниҳоятда йўлга қўйилгани билан боғлиқ, деб ўйлайман.

Илмга, маърифатга ўзининг бутун борлигини бағишлаган бундай зотлар дунё бойликларига, шоҳлариниң инъомларига, давлат мансабларига учмаганлар. Масалан, Навоийнинг ёзишича, Мир Камолиддин Ҳусайн деган киши Ироқ подшоси Султон Ёкубининг юз минг олтишидан воз кечиб, Хурросонда Абдураҳмон Жомийнинг хизматида бўлишни «матбуъ ва мақбул» ҳисоблаган. Навоий ёзади: «Мир Камолиддин Ҳусайн Мир Рафендин Ҳусайнга хоҳарзода бўлур. Хурросонда улум таҳсили қилди ва Ироққа тушиб. Султон Яъқуб яхши эъзоз ва эҳтиром қилиб, Биёбонгни суюргол бердиким, юз минг олтинига яқин ҳар йил тегар эрди. Онча ганиматка ҳиммат этагин силкиб, яна Хурросонға келиб, дарвешлик ихтиёр қилди ва ҳазрат иршод маобий Нураи (Жомий.—Л. Ҳ.) хизматида матбуъ ва мақбулдири ва тассаввуф илмида табъи бағоят қобил ва алар истилоҳотидан соҳиби вукуф. Ҳазрат Ҳожа Аисорий...нинг «Манозилус-сойирин»иға шарҳ битибдур...» («Мажолисун-нафоис», 126-бет.)

Навоийнинг ёзишича, Ҳожа Абдуллоҳ Садр ҳам вазирлик девонини ўз ихтиёри билан истиғфор қилиб, офият кунжи ихтиёри қилган, «адвор ва мусиқий илмида ва ҳутут фанида беназир» бўлган. «Ва қонунни, маълум эмаским, ҳарғиз киши андоқ чолмиш бўлғай»,— деб ёzáди Навоий.

Хурросонда бу даврда маънавият ишлари Ироқдагига нисбатан анча юқори, кўп томонлама бўлганига «Мажолисун-нафоис»дан яна бир мисол келтириш мумкин. Навоий Мавлоно Солимий деган шоир ҳақида бундай деб ёзади: «Мавлоно Солимий — Ироқ мулкиниғ одамзодалариnidур. Хурросонда фазлиётдин кўп нима касб қилди. Аввал таҳсилға машғул бўлди. Аидин сўнгра шеър ва муаммо ва хатқа қўшиш қилди. Яна созлардин уд ва танбур ҳам ўрганди ва мусиқийда ҳам таснифлар боғлади. Ҳам нафсида саломат бор ва ҳам табъида истиқомат» («Мажолисун-нафоис», 82-бет.) Навоийнинг

ёзишича, «Бадоेъус-саноеъ» китобининг муаллифи Мир Атоуллоҳ ҳам катта адабиётшунос олим сифатида Нишопурда эмас, балки Ҳиротда шаклланган.

Куринадики, бу даврда кишилар бир касб, бир ҳунар ёки илмнинг, санъатининг бир соҳаси билан чегараланиб қодмасдан, бошқа соҳаларни ҳам эгаллашга ҳаракат қилғанлар ва бунга эришгацлар ҳам. Бу умумий бир меъёр даражасида бўлган. Масалан, Биной шу даврнинг кўзга кўринган шоир ва хаттотларидан бўла туриб, мусиқадан узоқ бўлган. Аммо унинг бу камчилигини курсатгандаридан, бу таңқидни у тўғри қабул қилиб, оз фурсатда мусиқани ўрганиган, ҳатто бу соҳа бўйича рисола ҳам ёзган. Навоий ёзади: «Андин сўнг илми мусиқийға майл кўргузди. Адвор илми билан бот ўрганиб, хилли ишлар тасниф қилиб, адворда дағи рисола битиди». («Мажолисун-нафоис», 74- бет.)

Ҳусайн Бойқаро подшоҳлик қилған ва давлат, санъат, адабиёт, илм-фан шизларига Навоий ҳомийлик қилған бу замонининг энг муҳим ютуги шундаки, мамлакатда уларнинг ёрдамлари билан илм, фан, санъат, адабиёт беқиёс ривожланиб, бу соҳаларда кишиларнинг кўзини қамаштирадиган порлоқ истеъдолд соҳиблари етишиди. Абдуқодир Ноий, Ҳусайн Удий, Шоҳкули Фижжакий, Дарвеш Аҳмад Қонуний каби мусиқа арбоблари, Султон Али Машҳалий, Абдулжамил Котиб, Султон Али Коиний, Дарвеш Муҳаммад Тоқиий, Абдулло Марварид каби хаттотлар, Беҳзод, Мирак Наққош, Шоҳ Музаффар, Маҳмуд Музаҳҳиб, Қосим Али Чеҳракушо, Муҳаммад Наққош каби рассом ва наққошлар маънавият оламининг сўнмас юлдузлари бўлиб тарихдан ўрини олдилар.

Лекин помлари дунёга машҳур бу истеъдолд эгалари ислом тарбиясини олган мўмин-мусулмон, камтар шахслар бўлиб, уларнинг ҳар бири ўз қиёфасига, кўникмасига, инсоний фазилатлари билан бирга баъзи бир хусусият ва одатларга ҳам эга эдилар. Масалан, Мир Муртоз яхши шоир ва олим бўлиші билан бирга шахмат ўйнашга ортиқ даражада ишқибоз бўлган. Лекин Навоий буни унинг катта иуқсони деб қарамаган. Навоий унинг ҳақида бундай деб ёзади: «...шатранжға андоғ мағлубурким, бир ҳариф илгига тушса, халос бўла олмас. Бу жиҳатдин ҳарифлар (яъни ўйинчилар.— А. Х.) андин қочарлар. Машҳурдурким, агар икки ҳариф илгига тушса, бири била ўйнаб, яна бирин этагин берк тутуб ўлтурким, бири қочса, бори бири илгига бўлғай. Ба ҳар

тақдир андоқ беназир киши оз бўлғай». («Мажолисун-нафонс», 123- бет.)

Улуғ тарихчи Мирхонд эса ишлаб чарчаган вақтларида оз-оз май ичиб, чарчоини тарқатиб турган. У нард ўйнашга ҳам берилган одам экан. Навоий бундай деб ёзди: «Вусъати машраб била одами таайюи жиҳатидин тоҳи бирор оёқ ичарда дафъи малолат ё касрати нишот учун нард ўйнарға ҳам ташазул қилурлар». («Мажолисун-нафонс», 125- бет.)

Шу давр маданий ҳаракатчилигининг яна бир ажойиб намояндаси Паҳлавон Муҳаммад эди. Паҳлавон Муҳаммад ҳам Навоий тарбиясида муҳим ўрин тутган. Навоий даври маданий, илмий ва адабий муҳитини бу улуғ иносиз тасаввур этиш қийин. Расман у подшоҳ саройида паҳлавонларнинг бошлиғи, устози бўлган. 40 йил давомида унинг елкаси курашларда ерга тегмаган экан. Лекин Паҳлавон Муҳаммад айни вақтда ўз даврининг «Сегоҳ», «Чоҳаргоҳ» каби куйларини яратган катта бастикори, ашулачи ва раққос, шоир ва фикҳ олими сифатида ҳам ном чиқарган бўлган. Шунча фазилатлари устига у яна яхши табиб ва ошпаз ҳам экан. Қачон подшоҳнинг таъмлик овқат егиси келса, у маҳсус одам юбориб, Паҳлавон Муҳаммад пиширган таомдан олиб келтирас экан. Бу сифатлари билан Паҳлавон Муҳаммад бутун Ҳиротга танилган, мусулмонлар орасидагина эмас, яҳудийлар ва насронийлар орасида ҳам ҳурматга сазовор бўлган. Навоий уни «Мажолисун-нафонс»да қайд этиш билан чекланмай, у вафот этганидан кейин унинг тўғрисида маҳсус рисола ҳам ёзган. Паҳлавон Муҳаммаднинг буюклиги шундаки, у Навоийнинг ёзишича, ўзининг жисмоний кучи билан ҳеч ғуурурланмас, беқиёс полvonлигини эса ўзида мавжуд фазилатларнинг энг қуйиси («дун») деб ҳисоблар экан: «Ўзга фазойилиға кура дун мартабасидур» («Мажолисун-нафонс», 118- бет). Буни биз маънавиятга бўлган муносабатнинг энг олий кўринишларидан бири десак хато бўлмаса керак.

Навоий даврида яна шундай кишилар ҳам бўлганки, улар моддий бойликлар яратиш билан боғлиқ касб ва ҳунарларни унча тан олмаганлар. Бу, албатта, тўғри эмас. Чунки маънавий ҳаёт моддий ҳаёт билан чамбарчас боғланган булиб, уларнинг бири иккинчисизи ривожлана олмайди. Масалан, ўша вақтларда Мавлоно Моний деган йигит косагарнинг ўғли бўлиб, отаси шундай чиройли, нафис косалар ясаганки, буни Навоийнинг

ёзишича, «Чин ва Хитода қила маслар». Унинг амаки-си эса бу косаларга маҳорат билан гул солган. Лекин Моний уларнинг бундай касблашни менсимай, очиқдан-очиқ камситиб, шонрлигини юқори кўрган: «Ул бу иков ҳирфасидин оғ қилиб, бирин қути, бирин чуҳрасича кур-мас», — деб ёзади Навоий ва унинг бу камчилигини ёшлигига йўяди. («Мажолисун-нафонис», 84- бет.)

Шу билан бирга, бу даврда ҳамма бир хил савияда бўлган, дейиш ҳам тўғри эмас. Маънавият масалаларида гап кўпроқ истеъодли кишишлар ҳақидагина бориши мумкин. Маслан, Абдураҳмон Жомийнинг Хожа Мұхаммад Таёбидий деган бир мәлозими бўлган. Унинг билим савияси, тушунчасиниша нақадар саёзлиги ҳақида Навоий «Мажолисун-нафонис» тазкирасида таас-суф билан қўйидагиларни ёзган эди:

«...Хожа Мұхаммад Таёбодайким, бир қарн ул ҳазрат (Жомий — А. Ҳ.) нинг маҳсус мулозими эди, назмларидан бир байт билмас ва бисса ҳам, назм ва насрларидин бир цукта фаҳм қилмас да қилса ҳам мақсулқа мувофиқ демас. Боракаллоҳ, камоли қобилият мунча — ўқ бўлғай! Ул ҳазрат йиллар аниг бадхўйлигин кўриб ўзларига ктурмайдурлар... «Мажолисун-нафонис», 71- бет).

Хуллас, темурий ҳукмдорлардан султон Ҳусайн Бой-қаро замони, Заҳириддин Мұхаммад Бобур «Бобурнома» да айтганидек, «чиндан ҳам ажаб замоне» эди. Аҳли фазл ва беназир элдин Хуросон, батажиси Ҳири мамлуэди» («Бобурнома», Тошкент, 1960, 239- бет). Жаҳон адабиётига буюк ҳисса бўлиб ўшилган Жомий ва Навоий ижодиётини ҳам шу тарихи мухит меваси, маънавияти жавҳаридир. Холоса қилуб шуни айтиш керакки, Навоий ўз адабий ва илмий астрларида тасаввуфий қарашларидан, эстетик идеалидан келиб чиқиб, комил инсон назариясини олға сурар ўзган, бу мавжуд ҳаётдан узилган, қуруқ гаплар эмас эд. Бунинг илдизлари XV асрдаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётда бор эди. Яъни улуғ шоир ўз асарларидан инсон ва унинг фаолияти билан боғлиқ, амалга ошиши мумкин бўлган орзу-ларни куйлаған ва шу йўналашдаги ғояларни илгари сурган эди. Навоий ва унинг замондошлари ижоди ва фаолиятини тўғри англаб етиш учун бу даврни янада чуқурроқ ва ғенгроқ илмий тадқиқ этишимиз зарур.

ШЕЪРИЯТНИНГ НУРАФШОН ЧУҚКИСИ¹

1483 йили улуғ ўзбек шоири Алишер Навоий ижодида буюк бурилиш юз берди. Шу вақтга қадар лирик шеърлар, хусусан газал ёзиб ном чиқарган, девонлар тузган шоир достончиликка юз ўгирди. Шоир ўз қалбидаги улуғ ғоя ва ҳис-туйғуларини атрофлича кенг ва чуқур ифодалашга лирик жанр торлик қилаётганини эътироф этишга мажбур бўлди:

*Ғаразким, чу назм ўлди түхмат манга,
Ёйилди жаҳон ичра шуҳрат манга...
Вале қонеъ ўлмай ушоқ ишга ҳеч,
Димоғимда эрди улуғ печ-печ.*

Буюк санъаткорнинг бу пайтдаги ижодий режаларини амалга ошириш учун энг қулай жанр «Хамса» эди. Шунинг учун Навоий яна бир бор бу соҳада ундан аввал қалам тебратган улуғ озарбайжон шоири Низомий Ганжавий (1141—1206), унинг ҳиндистонлик издоши Амир Хусрав Деҳлавий (1252—1325) «Хамса»ларини қайта мутолаа қилишга, уларининг энг яхши ижодий тажрибалари асосида ўз «Хамса» сини яратишга киришди.

*Бу андешадин эрди кўнглумда шайн,
Ки бўлди кўнгул мойили «хамсатайн».*

«Хамсатайн»— Низомий ва Хусрав Деҳлавий «Хамса»лари демак. Навоий жадал иш бошлади. «Хамса» ёзиш бу даврда Хуросон, Мовароуннаҳр ва бошқа мамлакатларда кенг тарқалган достончиликдаги етакчи анъана булиб, Низомий, Хусрав Деҳлавий «Хамса»лари каби беш достондан ташкил топиши, унда биринчи хамсанависларга татаббуъ унсурлари бўлиши керак эди. Навоий ўз «Хамса»сининг сўнгги достонида бу икки ижодкорга мурожаат қилиб, «кичик эрканимдан келиб қошима, улуғ муддао солдингиз бошшма» дер экан, бундан шоирда «Хамса» ёзиш ҳаваси ёшлигидан бошлаб доим бўлган, деган холосани чиқарса бўлади. Лекин бу ғоянинг муайян юзага чиқа бошлаши шу 1483 йилга тўғри келди.

Бу вақтда Алишер Навоий Ҳусайн Бойқаро давлатининг бош вазири, мамлакатни бошқариш, асосан, унинг

¹ Алишер Навоий «Хамса»сининг 1986 йил нашрига ёзилган сўзбоши.— А. X.

зиммасида эди. Шунинг учун Навоий бу даврда «Йўқ эди бош қошиғали фурсатим» деб, ижодий ишга фурсати камлигидан шикоят қилиб, ижод билан асосан кечалари, уйқу ҳисобига шугулланганини («Ки айлаб яrim тунлар уйқу ҳаром») хабар қилар экан, буни ўз маъносида тўғри тушуниш керак.

Лекин шунга қарамай, иш ниҳоятда тез борди. 1485 йили «Хамса» ёзиб тугалланди. Бу туркий тилдаги биринчи «Хамса» эди. Уни ёзишга ҳаммаси бўлиб икки йил сарфланган. Навоий бу улуғ асарнинг икки йил ичida ёзилганини таъкидлаб, агар бошқа ишлар халақит бермаганида уни б ойда ёзиши ҳам мумкинлигига, аслида ҳам бу беш достонни ёзишга кетган муддат, «йиғиштирса», б ойдан ошмаяжагига ишора қилади:

*Бу меҳнатлар ичра чекиб сўзга тил,
Замондин каму беш ўтуб икки йил.
Чекиб хома бу нома итномиға,
Етургайсен оғозин анжомиға,
Ки аҳли муҳосиб шитоб айласа,
Дейилган замонин ҳисоб айласа,
Йиғиштирса бўлмас бори олти ой...*

Бу — инсон ақл-заковати ва истеъдодининг буюк тантанаси, мислсиз ютуқларидан бири эди. Бу хил воқеа жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам содир бўлган.

Навоий «Хамса»си беш достон — «Ҳайратул-аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъай сайёр», «Садди Искандарий»дан иборат бўлиб, 25620 байтга яқин шеърдан ташкил топган. Навоий давридаги, яъни XV асрнинг иккинчи ярмидаги Хуросон ва Мовароуннаҳрда мавжуд адабий ва маданий йўналишларни яхши ўрганган ва билган Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483—1530) «Бобурнома»да бундай деб ёзади: «Султон Ҳусайн Мирзонинг замони ажаб замоне эди, аҳли фазл ва беназир элдин Хуросон, батахсис Ҳири шаҳри мамлӯ эди. Хар киши пингким, бир ишга машғуллиги бор эди, ҳиммати ва гарази ул эдиким, ул ишни камолға тегургай».

Бир ишни охирига олиб бориш, камолға етказиш ўша соҳада йирик асарлар ёзишни ҳам ўз ичига олади. Бу даврда тарих бўйича Мирхонд «Равзатус-сафо» номи билан улкан асар ёздики, ҳеч ким бундан катта китоб ёза олмади. Беҳзод тасвирий санъатни, Султонали Маш-

ҳадий ҳуснихатни ўз даврида олий нуқтага олиб чиқдилар. Мусиқа ҳам бекиёс даражада ривожланди. Абдураҳмон Жомий эса форсий тилда янги «Хамса» ёзиб, унинг таркибидаги достонлар миқдорини бешдан еттига олиб чиқди. Мир Атоуллоҳ Ҳусайнин эса шеъриятдаги бадиий санъат қоидалари ҳақида «Бадоеъ-ус-саноеъ» номи билан шундай мукаммал қўлланма яратдики, бу ҳақда Навоий «Мажолисун-нафоис»да: «..маълум эмаским, бу фанда ҳаргиз ҳеч киши мунча жомеъ ва муфид китоб битимиш бўлғай», — деб ёзган эди.

Навоийнинг «Хамса»си шу давр адабий ҳаётидаги маҳобатлиликка бўлган интилишнинг муваффақиятли ва ёрқин кўринишларидан биридир. Бу асари билан Навоий ўзбек шеърияти тараққиётига алоҳида ҳисса қўшиш ниятини амалга оширди. «Хамса» Навоий ижодида, унинг ижодидагина эмас, балки барча туркий халқлар шеъриятида тоғ тепасига жойлашган, катта хандақлар билан ўралган, деворлари одам қараса бош кийими ерга тушиб кетадиган даражада баланд, пўлатдек мустаҳкам қўргонга ўхшиши керак эди:

*Кулла чу ҳам олий эди, ҳам васеъ,
Устига қўйдум бу бинои рафеб.
Сувғача хоро била бунёд этиб,
Кўкка дегин пораи пўлод этиб.
Хандақини ваҳм анингдек қозиб,
Кимки боқиб қаърига-ақли озиб.
Не тубига нақб бўлуб судманд,
Не етибон кунгирасиға каманд...*

Навоий «Хамса»си ўз ҳажми билангина эмас, мазмуни, бадиияти билан ҳам аср талабларига, жамиятнинг адабиёт олдига қўйган талабларига тўла жавоб бериши зарур эди. Шунинг учун шоир бу асарни кўзда тутиб:

*Шаҳ олса доғи қилсун тожи торак,
Қул олса ҳам анга бўлсун муборак —*

дер экан, бунда маъно бор эди. Асар давр талабига жавоб бериши учун ўткир ижтимоий мазмунга эга бўлиши, шоир шу жамиятдаги зиддиятларни чуқур тушуниб, уни барча қирралари билан ўз асарида рўй-рост акс эттириши керак эди. Буни яхши тушунган Навоий «Хамса»га кирган достонларнинг гулга, лолага, сарвга,

дурга ёки лаълга эмас, одамлар учун қувват манбани — ўтиңга, ўтиңни ёқадигаң чақмоқтошга ўхшашини истайди:

*Агарчи йўқ турур дурлуқ талоши,
Этур тош ўлса ҳам чақмоқ тоши,
Нечаким ўтлуқ ўлса лаъл пора,
Қачон бу тошдек бергай шарора.*

Бу мақсадга эришиш учун Навоий аввало биринчи «Хамса» муаллифи — Низомий Ганжавийга эргашди. Айни вақтда Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асари, Амир Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий «Хамса»лари ҳам унга маҳорат мактаби бўлди. Шу билан бирга у қадим турк достончилиги, ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналари билан ҳам атрофлича таниш эди. Шу асосда унинг ўз эпик услуби, услубининг ранг-бараиг хусусиятлари юзага келди.

«Хамса»да Навоийнинг фалсафий, ижтимоний-сиёсий, адабий, илмий қарашлари ўзининг тўла аксинни топган бўлиб, шоир борлиқни, табиат ва ҳаёт ҳодисаларини ўз даври учун илғор дунёқараш — тасаввуф нуқтани назаридан изоҳлаган, машҳур мутасаввиф — Баҳоуддин Нақшбанд (1318—1389) таълимотини ёқлаган эди. Ўрта аср муҳитида у одамларни ҳаётни қадрлашга, бир-бири билан ўзаро аҳил бўлишга, бир-бирини севишга, меҳнатга чақирди, зулмини, текинхўрликни қоралади. Феодал шаронтда инсон боласи хор-зор бўлиб, таҳқирли, оч, юпун турмуш кечирад экан, Навоий бундан порози бўлиб, инсонни табиат ва жамиятдаги энг улуғ мавжудот деб билди. Навоийча, худонинг бутун борлиқ чаманини яратишдан кузатган бош мақсади: инсон бўлган:

*Бу чаман ўлмоғида мавжуд анга,
Бор эди инсон гули мақсуд анга.*

Бинобарин, инсонни эзиш, хўрлаш, таҳқирлаш, унинг хоҳини-продасини камситиш, ҳисобга олмаслик ғайри қонуний ва ғайри ахлоқий ишдир. Одам одамга озор-етказмаслиги, бир-бири ҳақида қайғуриши, бир-биридан жонини ҳам аямаслиги, меҳнат билан ҳалол кун кечириши лозим:

*Асра ўзунгни бирор озоридин.
Кимсага озурдалиқ изҳоридин.*

Элни ўзунг жонибидин эмин эт,
Ўзни тараб масканида сокин эт.
Қилма улус ирзу иёлиға қасд,
Айлама эл жонию молиға қасд...

«Хамса» достонларининг бош ғояси адолатни ҳимоя қилиш, кишиларда одамгарчилик ҳиссини уйғотишга интилиш эди.

Навоий ўзининг инсонпарварлик концепциялари ва идеалларидан келиб чиқиб, «Хамса» достонларида Фарҳод, Ширин, Лайли, Мажнун, Фарруҳ, Искандар, Шопур, Дилором каби ўнлаб адолат, маърифат, эзгулик, инсонийлик, бахт-саодат, дўстлик, биродарлик, ишқ, вафо, гўзаллик учун фаол курашувчи, зулм ва адолатсизликнинг, феодал жаҳолатнинг ҳамма кўринишларига қарши жанг қилиб, ўз ҳаётини шу олижаноб мақсадлар тантанасига бағишлигар мард ва қаҳрамон, покният ва оқкўнгил, халқпарвар ва ватанпарвар кишиларнинг ёрқин образлари галерейсини яратди. Фарҳод ҳақида шоир:

Бирорким зор йиғлаб, йиғлаб ул зор,
Топиб кўнгли эл озоридин озор.
Бўлуб эл андуҳидин кўнгли ғамнок,
Ёқо чокин кўруб, кўксин қилиб чок —

дер экан, Фарҳоддаги бундай раҳмдиллик, одамгарчилик унинг қон-қонига сингиб кетган. Фарҳод фаолиятидаги барча хусусиятлар упинг ана шу элпарварлиги, инсонпарварлиги билан боғланади.

«Хамса»нинг биринчи достони — «Ҳайратул-аброр»да Навоий зулм ва қабоҷат, жаҳолат билан тўла феодал жамиятни, ундаги турли ижтимоий табақаларнинг хатти-ҳаракатларини ҳаққоний тасвирлайди, таҳлил қиласди, уларни ўзгартиш, тарбиялаш, етук даражага олиб чиқиш масалаларини қўяди. Шу томонлари билан бу достон маълум даражада Т. Кампанелла (1568—1639) нинг «Қуёш шаҳри», Т. Мор (1478—1535) нинг «Утопия» асарларини эслатади. Фалсафий-таълимий характердаги бу асар Низомийнинг «Маҳзанул-асрор» достони таъсира ида ёзилган бўлиб, Навоий дунёқараши бунда ўзининг энг тўлиқ, бадиий содда ифодасини топган.

«Фарҳод ва Ширин»да икки ёшнинг ўзаро юксак ва самимий севгиларини, уларниг бу йўлдаги фожиаларини тасвирлаш жараёнida Навоий китобхон дикқатини

яна бир қанча ҳаётий муаммоларга тортади. Навоий достоннинг биринчи қисмida халқ хаёлий эртаклари услубида қалам тебратиб, Фарҳоднинг ҳозирги телеплаталарнинг оддий макетларини эслатувчи оннайи жаҳоннамони қўлга киритиш йўлидаги қаҳрамонликларини тасвирласа, иккинчи қисмida Фарҳоднинг оннайи жаҳоннамода кўрган севгилиси — Ширинга етишиш билан боғлиқ романтик саргузаштларидан ҳикоя қилади. Достоннинг энг мароқли томонларидан бири — унда Фарҳод учун тўрт қаср қурилиши, Ширин учун Арманистоннинг тоғли-тошли ерида канал қазилиши жараёнларидир. Навоийга қадар бутун Шарқ адабиётида меҳнат жараёнини тасвирлашга бу қадар кенг ўрин берилмаган эди. Фарҳод бу ўринларда ўзининг тинч меҳнат билан боғлиқ чинакам қаҳрамонлигини кўрсатади, бутун халқ бир неча йилда ҳам бажара олмайдиган ишларни бир неча кунда бир ўзи бажаради ва шу йўл билан Шприннинг муҳаббатига сазовор бўлади. Учинчи қисмда Фарҳод гўзал Ширинни зўрлик билан ўз чангалига киритмоқчи бўлган Эрон шоҳи Хусравга қарши севгилиси юртини ҳимоя қилиб, мардларча курашади. Фарҳод ва Ширин ёвузликнинг, турли ҳийла ва нағрангларнинг, адолатсизлик ва жаҳолатнинг қурбони бўладилар.

Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достони анъанавий сюжет асосида ёзилган бўлса ҳам, аммо унда шахс эрки, қадр-қиммати масалалари янада кучлироқ ва таъсирироқ тасвирланган. Бир-бирини бутун вужуди билан севган икки ёш жаҳолатнинг қурбони бўладилар. Уз даврини лаънатлаб, Лайли бундай дейди:

*Соврулғасиз, эй раванда афлок!
Қўзғолғасиз, эй нужуми бобок!
Жисмимни қатил қилдингизло!
Жонимни залил қилдингизло!*

Навоий ушбу достонини қайғу ва мотам достони деб атаб, уни йиғлаб-йиғлаб ёзганини айтади («Йиғлаб-йиғлаб туғаттим охир»).

Тўртинчи достон Баҳром ва унинг севиклиси Дибором ҳақида бўлса ҳам, лекин шоир бу достоннинг асосини етти ҳикоя ташкил этишини таъкидлайди («Фараз аммо етти ҳикоятдур...») Қолиплаш санъати билан ёзилган бу асарда Навоий турли воқеа ва характерлар тўғрисида сўзлаб, адолатнинг зулм ва жаҳолат устидан,

яхшиликниң ёмонлик устидан ғалаба қозонишини халқ ҳикоялари услубида тасвирлайди.

«Хамса»ниң энг катта достони «Сади Искандарий» бўлиб, Навоий бунда қадим Юнон фотиҳи Искандарни тарихда қандай бўлган бўлса шундай эмас, балки буртириб, уз идеалига мослаб, одил, маърифатпарвар ҳукмдор сифатида гавдалантиради. Унинг ҳарбий юришларини эса яхши инятдаги юришлар сифатида талқин этади. Бунда инсониарвар шоирниң ер юзида охир-оқибатadolat, маърифат тантана қилиши билан боғлиқ орзу ва хаёллари ўзининг кеңг шеърий ифодасини топган.

Ҳар бир достонини Навоий катта билим, катта ҳаёттый мушоҳадалар, катта шеърий эҳтирос билан яратган эди. Унинг «Фарҳод ва Ширин»даги узоқни кўрсатувчи ойна, тош одам (робот), мўъжизакор теша, «Сабъзи сайёр»да ўзи юрар тахт (ҳозирги автомобиль), «Сади Искандарий»да океан тубига олиб тушадиган аппаратлар ҳақида ёзганлари ҳамон қизиқарлидир. Шу билан бирга, Навоий табиатни чексиз севган. Унинг табиат манзараларига оид шеърий сатрлари кишиларни ҳётни севишга, уни ҳимоя қилишга чорлайди. Мана, шоир «Лайли ва Мажнун»да юлдузлар чамани ила безангани кечанинг тонг билан алмашишини, тонгда табиатниң яшнаб кетганини қандай гўзал ва содда тасвирлаган:

*Кўк гулшани гуллари тўкулди,
Гулларки тўкулди — ғунча кулди.
Кўк боғида гуллар ўлди нобуд,
Ер боғида гуллар ўлди мавжуд.
Ул боғда ҳар неким сочилди,
Гўёки бу боғ аро очилди.*

«Хамса»да XV аср адабий анъаналарига кўра назира унсурлари бўлса ҳам, моҳият эътибори ила у том маънода ўзига хос янги асардир. Навоий ҳар бир достониниң ғоясини ўз даври ижтимоий-сиёсий ва маънавий талабларидан келиб чиқиб белгилаган. Бу достонлар ташқаридан қараганда, маълум даражада, анъанавий сюжет ва образлар асосида ёзилгандай кўринса ҳам, кўн масалалариниң ғоявий-бадиий талқинида Навоий тамомила янги йўл тутган.

Навоий «Хамса»ниң халқимиз тарихидаги энг катта фазилатларидан яна бирин унинг ўзбек тилида ёзилганидир. Бу асари билан Навоий ўзбек тилида ҳам буюк

асарлар ёзиш мумкин эканини ўз тажрибасида кўрсатиб, бу тил тараққиётига мислсиз янги ҳисса қўшди. Бу томони билан Навоий «Хамса»си барча туркӣ халқлар адабиётининг кейинги ривожида ҳам муҳим роль ўйнади.

Алишер Навоий «Хамса» достонларини кўзда тутиб:

*Шуҳратин олам ичра пайдо қил,
Олам аҳлин аларға шайдо қил!—*

дегани эди. Чиндан ҳам «Хамса» ёзилиши биланоқ Марказий Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатларида тез шуҳрат топиб, уни ўша замонлардан бошлабоқ ҳар бир халқ, ҳар бир авлод севиб ўқий бошлади. XX асрда бу достонлар қайта-қайта нашр этилиб, шарқшунос олимларининг янги-янги авлодлари уларни илмий асосларда ўрганимоқдалар ва тарғиб этмоқдалар.

«Хамса» достонлари ҳозирги вақтда рус, украин, озарбайжон, тожик, қирғиз, грузин, арман, немис, венгр ва бошқа тилларга таржима қилинган.

«Хамса» фақат Навоий ижодининг эмас, бутун ўзбек адабиётининг энг юксак чўққиси бўлиб, ҳамма авлодлар учун табаррук, абадий барҳаёт шеърий ёдгорликдир. Ватанпарварлик инсонпарварлик рухи билан суғорилган «Хамса» достонлари ер юзидағи кишиларни, халқларни тинчликка, ўзаро тотувликка даъват этишда, халқлар ўртасидаги дустлик алоқаларини мустаҳкамлашда давом этмоқда.

ТУРКИСТОН ВА ХУРОСОН УСЛУБЛАРИ (Ёки «Навоий услуби» масаласи)

Ўзбек адабиётшунослигида энг кам ўрганилган масала услубдир. Адабий услуб деганда биз бир томондан, ижодкорининг шахсияти билан унинг ўзигагина хос бадиий ифода усулларини, иккинчи томондан, адабиёт тараққиётининг маълум бир даврига ёки маълум адабий гуруҳларга хос адабий анъана ва услубий йуналишларни тушунамиз.

Умуман, услуб масаласи, бизнингча, биринчи навбатда тил ва бадиий ифода шакллари билан боғланган. Адабиёт тарихи услублар йиғинидисидан иборат бўлганидек, ҳар бир шахсий услуб адабий истеъдод ифодасидир.

Алишер Навоий ўз шеъриятида, хусусан, лирик шеърларида ўзбек шоирларининг «туркона» ёзиш анъаналага-

рига амал қилиб, содда ва услубаш равон шеърлар ёзишга, ўз салафлари шеърларидаги туркона хусусиятларни сақлашга, шу йўл билан мазмунни ифодалаш ва ўқувчиға етказишга ҳаракат қилди:

*Кечакелгумидур дебон, ул сарви гулрў келмади,
Кўзларимга кеча тонг отқунча уйку келмади...*

*Ўтқа солғил сарвни, ул қадди мавзун бўлмаса,
Елга бергил гулни, ул рухсори гулгун бўлмаса...*

*Эй насими субҳ, аҳволим дилоромимга айт,
Зулфи сунбул, юзи гул, сарви гуландомимга айт...*

Бироқ Навонийшинг ҳамма асарлари ҳам шу услубда ёзилган, деб бўлмайди. Масалан, улуғ шоирининг достонлари услубида масаланинг анча мураккаб эканилиги кўзга ташланади. Бадиий асар услубининг халқчиллиги, соддалиги унинг китобхонлар оммасининг кўпчилик қисмига ҳар жиҳатдан тушуниарли бўлишини ҳам тақого этади. Шу маънода, масалан, «Ҳамса» достонларидан «Лайли ва Мажнун»да Мажнунинг болалигини, ажойиб инсоний фазилатларни касб этгани билан боғлиқ тасвиirlарни кўздан кечирсак, бу ўринда кўлгина сўзлар ўзбек тилида, хусусан, ҳозирги жопли халқ тилида ҳам қўлланадиган, ҳатто қўлланмайдиган сўз ва иборалар бўлиб, ўқувчи ҳар қадамда тушунимаган сўзларининг маъносини билиш учун турли лугатларга мурожаат этишига мажбур:

*Рухсорида ламъаи малоҳат.
Гуфторида нашъаи фасоҳат,
Ҳар нуктаким, ул ривоят айлаб,
Эл кўнгли аро сироят айлаб.
Не қилса баён, хирадга маъқул,
Бошдин аёғи назарда маъқул.
Ҳар сори хабар тониб қабойил,
Кўрмаклигига тилаб васойил.
Атрофдин эл кетиб талоша.
Ул нодирани қилиб тамоша.*

Бунда ламъа (шуъла, нур), гуфтор (сўз, сўзлаш), нукта (нозик ва чуқур маъноли сўз ёки ибора), сироят (ўтиш, таъсир, юқиши), хирад (ақл), қабойил (қабилалар), васойил (васллар, учрашувлар), нодира (якка, ягона, ёлғиз) сўзлари улуғ шоир асарларини тушунишни доим қийинлаштириб келган.

Үнинг насрий ва илмий асарларида эса бундай холат баъзан ортигиг билан кузатилади. Масалан, «Маҳбубул-қулуб»даги «Дабиринстон аҳли зикрида» фаслида Навоий муаллимларининг ўз ўқувчиларига ўта талабчаник кўрсатиб, уларга бирон гуноҳ қилса, бехосдан тан жазоси берниши, қўполлиги, таъмагирлиги ҳақида шундай деган: «Мактабдор бегуноҳ маъсумларга жафокор. Атфол азобиға роғиб ва алар таъдибиға муртакиб. Зоти bemадоро, димоги пўлод ва кўнгли хоро. Газабдин қошида чин, гунаҳсизлар била ойини хашму кин. Кўпрагида табъ гилзати ва тамаъ иллати падидор ва ақл қиллатига гирифткор. Аммо тавсанни атфол табынини жафо била ром қилгувчи, ноҳамвор сиғор таврига сиёсат била андом берувчи. Агарчи хўйлари дуруштлуқда намоёндур, аммо атфол ноҳамворлиғи ислоҳиға ирик сунхондур. Анинг иши одамдин келмас, қайси одамки, девқила олмас».

Бу жумлаларни маълум бир тайёргарликка эга булмаган китобхонининг дабдурустдан уқиб олишини тасаввур этиб бўлмайди. Бир нашрда у ҳозирги замон ўзбек ўқувчиси эҳтиёжидан келиб чиқиб, бугунги тилимизга қўйидагича ўгирилган: «Мактабдор домла гуноҳсиз бечораларга жафо қилувчиликдир. У ёш болаларни азоблаш ва калтаклашга ўрганиш; ўзи раҳмсиз, мияси пўлатдан, кўнгли эса тош кабидур. Газабдан қоши чимирилган, гуноҳсизлар билан аччиқлашишга одатланган. Уларнинг кўпчилигида кўнгил қаттиқлиги ва таъма хасталиги ошкор. Бунинг устига, улар ақл камлигига ҳам гирифткор. Улар қийнаш йўли билан болалар кўнглини ўзларига ром қилмоқчи ва кичкинтойларининг бекарор табиатини дўқ-пўписа билан тартибга солмоқчи бўладилар. Улардаги кўришиб турган қўполлик ёш болалардаги келишмаган хатти-ҳаракатни силлиқлашга йирик эговдир. Уларнинг иши одам тугул ҳатто девининг ҳам қўлидан келмайди».

Услубининг мураккаблиги натижасида шоирининг кўп олижаноб ғоялари китобхонларга тез ва тўла стиб бормайди. Навоий асарларига қизиқини эса йилдан-йилга ортмоқда. Бинобарини, бу муаммонинг сабабларини аниқлаш, ўрганиш, шоир адабий меросини кенг китобхонлар оммасига яхши етказа олиш йўлларини қидириб топиш керак.

Умуман, ўтмиш адабиёт услуби масалаларига ҳам

тариҳий тараққиёт ва шарт-шаронтлар нуқтаи назаридан қараш зарурати сезилади. Назаримда, ўзбек адабиёти тариҳида бир адабий тил доирасида шартли равишда икки услубий йўналиши бўлган. Булардан бири XII асрда Аҳмад Яссавий асос соглан ва кўпроқ Мовароуннаҳр доирасида ривожланган Туркистон услуги, иккинчиси эса Навоий асослаган ва XV асрнинг иккинчи ярмида юзага келган Хуросон услугидир. «Мажолисунафоис»да Навоий Саккокийга Мовароуннаҳр, Лутфийга эса Хуросон шоири деб қараганилиги сезилади. Бинобарин, бу шоирлар иккни адабий мактаб вакиллари бўлиб, биз уларнинг услугини маълум даражада бирбиридан фарқ қилишимиз лозим. Чунки улар яшаган шароит, ижодий муҳит маълум даражада бир-биридан ажралиб турганилиги табиий. Адабий услугбларни жойлар иоми билан аташ тажрибаси эса кўпдан буён мавжуд. Масалан, Эрон олимлари форс-тожик адабиётида Ироқ услуги («сабки ироқий»), Ҳинд услуги («сабки ҳиндий»), Туркистон услуги («сабки туркистоний») каби услугблар бўлганини ёзадилар.

Ўзбек шеърияти соҳасида Туркистон услуги Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Бобур, Машраб, Сўфи Оллоёр, Турди, Ҳувайдо, Муқимий, Завқий ижодларида бугун ҳам фаол истеъмолда бўлган жонли халқ тилига яқин турса, яъни «туркона»ликка интилишда кўринса, Хуросон услуги Навоий, Нишотий, Мунис, Оғаҳий, Комил, Аваз каби шоирлар шеъриятида анъанавий мавзуларга, тимсолларга кенг ўрпн беришда, уларга форсий адабиёт ва форсий тил таъсирининг ниҳоятда кучлилигига намоён бўлади.

Ўзбек адабиётида Хуросон услугининг баъзи хусусиятлари Навоийдан бурун Лутфий, Гадоий, Ҳайдар Хоразмий, Ҳофиз Хоразмий, Юсуф Амирий кабиларнинг шеър ва достонларида, насрый асарларнда ҳам кузатилади.

Хуросон услуги Навоий ижодида барча мукаммаллиги билан намоён бўлди, шаклланди. У ўзининг инсонларварлик ва халқпарварлик, адолат ва маърифатпарварлик, ахлоқий поклик ва маънавий етуклик ғоялари, Фазилатлари билан сугорилган «Хамса» таркибидаги достонлари, «Ҳазойинул-маоний»даги шеърлари, «Махбубул-қулуб» каби насрый асарлари, дин ва тасаввуф тарихига, тарих ва адабиётшуносликка доир асарлари

Билан ўзбек адабиётини жаҳон миқёсига олиб чиқди. Бинобарин, ўзбек адабиётида Хуросон услубининг салмоғи, уларни тушунишга қизиқиши ҳам ортди. Шунинг учун Навоий вафотидан кўп вақт ўтмаёқ унинг асарларига маҳсус луғатлар тузила бошлади. Толеъ Имоний Ҳиравийнинг «Бадосъул-луғат», номаълум муаллифнинг «Абушқа», Мирзо Меҳдиҳонининг «Санглоҳ» каби луғатлари бунишг ёрқин далилларидир.

Навоий ижодининг ғоявий ва бадиий салмоғи, ҳаёттийлиги унинг асарларининг Мовароунаҳрда ҳам ўша даврлардаёқ кенг тарқалишинга олиб келди.

Шунинг учун ҳам Мовароунаҳрдаги кўпгинча ижодкорларининг XV—XVI асрларда Навоий услугига яқин туриб, ижод қила бошлаганлари табиий бир ҳол эди. Ҳусусан, аҳолининг зиёли қисми учун Навоийнинг шеърий асарлари ҳам, насрый асарлари ҳам тушунарли булиб, тез вақт ичида бадииятнинг энг юксак намуналарига айланди.

Ўзбек адабиётидаги адабий услубларни бундай иккига бўлиши, албатта, яна бир бор таъкидлаймиз, ўта шартли. Чунки ўзи Мовароунаҳрда яшаса ҳам Навоий таъсирида Хуросон услугига издош бўлган Нодира, Увайсий, Ҳоразмда Нишотий, Мунис, Оғаҳий каби ижодкорлар кўп бўлган. Баъзан бунишг аксиюз бериб, Мовароунаҳдан чиққан Машираб каби ўзбек шонрлари Хуросон шонрларига ўз таъсирини кўрсатган.

Биз ўзбек мумтоз адабиётидаги услуг масаласининг тил билан боғлиқ айрим томонларигагина тўхталиб, ўз шахсий мулоҳазаларимизни билдиридик. Мақсад сўз бораётган масалани тўғри тушуниш, адабий услуг масаласининг муаллиф ва унинг истеъдоди билан боғлиқ томонларинингни эмас, тарихий холис томонларини ҳам ўрганиш зарурлигини уқтиришдир. Биз ўтмишда яшаб ижод қилган, услугни тушуниш учун маълум даражада оғир шонр ва адилларимиз асарларини замонавий китобхон яхши ва осон тушуниши учун илмий изоҳларни кўпайтириш, шеърий асарларининг насрый баёнларини яратиш, маҳсус луғатлар тузиш билан қаттиқроқ шуғулланмоғимиз керак. Токи Навоий ва бошқа мумтоз шонрларимиз асарларнда кенг китобхонлар оммаси тушунмаган бирон байт, бирон сатр қолмасин.

«НАВОДИРУН-НИҲОЯ»НИНГ ТЕҲРОН НУСХАСИ

Маълумки, адабиётшуносликнинг, хусусан, адабий меросни пухта ўрганишинг кўпгина жиҳатлари манба-шунослик ва матншуносликка боғлиқ. Ҳар бир янги манба адабиётшуносликни кўтариб турган бир устун бўлиб, шундай устунлар қанча кўп бўлса, текширувчи, тадқиқотчи ўзини шунча довюрак ҳис этади. Шунинг учун ҳам 1991 йили, яъни Навоий йилида улуғ шоир таваллудининг 550 йиллигига бағишлиб, шу вақтга қадар Техрондаги «Коҳи Гулистон» музейи хазинасида 1799-рақами билан сақланиб келинган «Наводирун-ниҳоя» девони қўллэзмаси фотонусхасининг «Фан» нашриёти томонидан эълон этилиши навоийшуносликда ижобий ҳодисадир*.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўллэзмалар хазинасида ҳам Алишер Навоийнинг «Бадоеъул-бидоя»дан кейин тузган иккинчи девони — «Наводирун-ниҳоя»нинг ниҳоятда мўътабар икки қўллэзма нусхаси бор. Уларнинг бирини 1487 йили Навоийнинг шахсий котиби Абдулжамил кўчириган бўлиб, 11675-рақами билан сақланимоқда. Иккинчиси машхур котиб Султонали Машҳадий томонидан кўчирилган бўлиб, 1995-рақами билан сақланимоқда. Ҳар икки қўллэзма ҳам машҳур девоннинг қадимий нусхалари эканига шубҳа йўқ. Навоий асарларининг 20 жилдлик нашрида «Наводирун-ниҳоя»ни ташкил этувчи иккипчи жилд шу икки қўллэзма асосида тайёрланган.

«Наводирун-ниҳоя»нинг Техрон нусхаси ҳам қадимий нусхалардан бири бўлиб, уни XV асрнинг 90-йиллари бошларида кўчирилган деб тахмин қилиш мумкин. Лекин бу қўллэзманинг бошқа қўллэзмалардан афзал бир томони бор. Унинг биринчи саҳифасига Навоий ўз қўли билан қўйидаги байтни ёзиб қўйган.

Зиё-ул-ҳақ ва д-дунё ва-д-дин
Берид иккинчи девонимга тазийин,
Савёд узра савод ор қилди мастиур,
Вале матниدادур нурин ало нур.

* Навоий дастхати («Наводирун-ниҳоя»). Тошкент, 1991. Нашрия тайёрловчи, сўз боши муаллифи навоийшунос олима Суйима Фаниева.

Бу шеърнинг остида эса Навоий номидан арабча «Катабаҳу ал-абд ал-фақир Алишер би-н-Навоийи гафара зунунбиҳи» («Битувчи ёки китобат қилувчи») банда ва фақир Навоий номи билан машҳур Алишер, (токим, унинг гуноҳлари кечирилгай), деб ёзиб қўйилган. Шу билан бирга, шу ўринда улуғ шоир ўз гапларини яна бир бор тасдиқлаш учун ўз шахсий муҳрини ҳам босиб қўйган. Муҳрда эса арабча бир неча сўзлар ёзилган булиб, уларни шарқшунос И. Бекжонов тұла ва түғри ўқишига апча ҳаракат қилган. («Сирли олам» журнали, 1991, 10-сон). Бизнингча эса, бундаги сўзлар қўйида-гича ўқилса, янада түғри бўлур эди: «Кун фи-д-дуиё кайиннака ғарибуи ав обириу сабилии. Алишер-ул фақир». Узбек тилига эса бу матнинг «Бу дунёда худди ғарибдек ёки йўлдаги йўловчидек бўл. Фақир Алишер», деб таржима қилиниши маъқул.

Булар ҳаммаси мазкур қўлёзманинг Навоий муҳитида юзага келганини, унинг яратилишида Навоий ўзи иштирок этганини билдиради. Мен бу омиллардан келиб чиқиб, ушбу изоҳ ва таъкидларнинг, хусусан, ушбу хатларнинг шахсан Навоийга тегишли эканига заррача бўлса ҳам шубҳалашмайман. Аввало, ушбу хатлар мисолида Навоийга тегишли ёзувнинг топилиши ва эълон қилиниши маданий ҳаётимизда муҳим бир янгиликdir:

«Наводиун-ниҳоя» девонининг ушбу қўлёзмасида «к» ҳарфигача бўлган ғазаллар ва «к» ҳарфидан олти ғазал мавжуд. Яъни, девон охиригача кўчирилмаган, ча-ла. Бинобарин, колофон¹ ҳам йўқ. Ҳаммаси бўлиб, унда тахминан 561 ғазал бор. Мазкур фотонашри биз «Наводиун-ниҳоя» ва «Хазойнул-маоний»нинг Алишер Навоийнинг 20 жилдлик асарлари тўпламидаги нашрлари-га қиёслаганимизда, 561 ғазалдан 404 таси иккинчи жилд — «Наводиун-ниҳоя»да, 23 таси «Фаройибус-си-ғар»да, 69 таси «Наводиун-шабоб»да, 35 таси «Бадоеъ-ул-васат»да, 30 таси «Фавойидул-кибар»да мавжудлиги аниқланди. Унда шу пайтгача номаълум бўлган бирон янги ғазални учратмадик. Шу билан бирга, бу «Наводиун-ниҳоя» қўлёзмаларидан биронтасининг айнан так-рори ҳам эмас. Масалан, «Наводиун-ниҳоя» нашридаги 256-ғазалда 6-байт тушиб қолган бўлиб, буни Техрон қўлёзмаси қўйидаги байт билан тўлдиради:

¹ Колофон — қўлёзмаларнинг охирида хаттот томонидан ушбу китобнинг кўчирилиши тарихи ҳақида берилган маълумот.

*Қадаҳни давридин тиндурма бир дам.
Күнгүлни даҳрдин топсанг ғамандуз.*

Лекин бу байт «Хазойшул-маоний» нашридаги ғазал матнида бор (Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами, 4- жилд, 154- бет).

Навоий девонларининг 20 жилдлик нашрларини «Наводиун-ниҳоя»нинг мазкур қўллэзмасига қиёслаб ўрганиш шуни кўрсатадики, бу нашрларимиздагига шисбатан бу қўллэзмадаги бир қашча сўз ва иборалар бизга мақбулроқ кўринди. Масалан, 20 жилдликнинг иккинчи жилдида «бу галатларни дафъ этгай магар огоҳлар» (130-бет) ибораси Техрои қўллэзмаси асосида «бу гафлатларни дафъ этгай магар огоҳлар» деб, «Чангининг сочиқ топиб» (131- бет) ибораси «Чангининг сочи ёйиб» деб, «Гадо маҳрамда, ит маҳрум» (155- бет) ибораси «Гадо маҳруму ит маҳрам» деб, «Не таҳаммулки, киргасен ёлғуз» (189- бет) «Не таҳаммулки, кезгасен ёлғуз» деб, «Ҳусни қовмоққа насими бас» ибораси (216- бет) «Ҳасни қовмоққа насиме бас» (203- бет) ва ҳоказо деб ўқулса, матн маъноси яхшироқ ва тўғрироқ чиқади.

Худди шунингдек, «Наводиун-ниҳоя» нашридаги (2-жилд) «Оҳим сайлидин» (10- бет) ибораси «Оҳим тушидип» деб, «ғами жомидин» (73- бет) ибораси «ғами шомидин» деб, «келибон қора, сайд» (101- бет) ибораси «книйибон қора, сайд» деб, «гуноҳ зотинг» (115- бет) ибораси «кунхи (маъноси: асл, моҳият — А. Ҳ.) зотинг» деб, «ҳумоюн холи бор» (122- бет) ибораси «ҳумоюн фоли бор» деб, «шуъла васфи аро тағийир» (169- бет) ибораси «шуъла вазъи аро тағийир» деб, «Бузди олам хилқатин» (189- бет) ибораси «Бузди олам ҳалқин...» деб, «Зоҳид... ичинг» (214- бет) ибораси «Зоҳид... ичдик» (ичени!—деган маънода.— А. Ҳ.) деб, «аёғи ўпмагин» (242- бет) ибораси «аёғи туфроғин» деб, «муқаррар ҳат» ибораси (247- бет) «мудаввар ҳат» деб (ва ҳоказо) ўқидса, матн мазмунига тўғрп келади.

Мазкур қўллэзманинг яна бир қимматли томони шундаки, унда бошқа қўллэзмалардаги жуда кўп сўз ва ибораларнинг бошқача муқобиллари (вариантлари) берилган. Масалан, «Наводиун-ниҳоя» нашридаги «юзи васли» (18- бет) ибораси бунда «пари васли! деб, «ашқдин ишди қаро су» (19- бет) ибораси «ашқдек оқди қаро су» деб, «билигил» (19- бет) «англа» деб, «тийра кўнглум» (20- бет) «тийра кулбам» деб, «туганлар» (22- бет) «бу-

ғунлар» деб, «булғондим» (26- бет) «тўлғондим» деб, «даврон ичинда» (172- бет) «ҳижрон ичинда» (ва ҳоказо) деб ифодаланган. Ушбу қўлёзма «Наводиун-ниҳоя» нинг бошқа қўлёзма нусхаси билан чоғиштириб ўрганилганда, бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Бундай далиллар эса Навоий ўз шеърларига кейинчалик сайқал беришдан чарчамаганини, бундан завқ олганини курсатади. Шунинг ўзи ҳам мазкур қўлёзма, унинг ушбу факсимиле¹ нашри «Наводиун-ниҳоя» девонини ўрганишда, бу девоннинг илмий-танқидий матнини тузишда муҳим манбалардан бири деб саналишга лойиқ.

«Наводиун-ниҳоя» девони қўлёзмасининг ушбу факсимиле нашри билан танишар ва уни ўрганар эканмиз, бунда девонни чиндан ҳам Навоийнинг ўзи кўчирганими ёки у бошқа бирор котибнинг хатими, деган масалага ҳам эътибор беришга тўғри келади. 1976 йили Эронда нашр этилган «Феҳрести девонҳои хаттий» («Қўлёзма девонлар каталоги») китобидаги ушбу қўлёзма тавсифида уни кўчирган котибнинг исми «Амир Алишер Навоий» деб ёзилган. Ушбу нашрни амалга оширган С. Ганиева ҳам сўзбоши ўриидаги мақоласида, бу фикрга тўла қўшилган ҳолда, мазкур қўлёзмага Навоийнинг дастхати, автографи сифатида қараган. Ҳали бу қўлёзманинг микрофильми бизга тўла етиб келмаган бир вактда Эрон олимларининг фикрига ишониб, мен ҳам С. Ганиева билан ҳамкорликда ёзган «Табаррук дастхат» номи билан эълои этилган («Совет Ўзбекистони» газетаси, 1980 йил, 8 февраль) мақоламда шу фикрни қувватлаган эдим.

Бироқ энди ушбу девоннинг Техрон қўлёзмаси фотографи туфайли унинг биринчи саҳифасидаги Навоий дастхати маълум бўлиб, бундан буён девон хатини Навоий хати билан таққослаш имкониятига эгамиз. Навоий дастхати билан девон хатини қиёсий ўрганиш эса шуни кўрсатяпти, бу икки хил хат. Навоий хати бир қадар қия ва чиройли, текис ёзилган. Уни хаттотлик нуқтаи назаридан ўша даврнинг энг яхши хатлари қаторига қўшиш мумкин. Девон хати эса тикроқ ёзилган, оддий касбий (профессионал) хаттотлар хатидан узок, айrim ҳолларда ҳарфлар бир-бирига қўшилмаслиги керак бўл-

¹ Факсимиле — бирон кимсаннинг хати ёки имзосининг айни нусхаси ва шунингдек, улардан олинган клише.

ган ўринларда ўзаро жуда яқин ёзилган. Навоий хати-га китобининг 181—185 ва 261-бетларидағи хатлар яқин келгандек бўлади. Чунки бу бетлардаги хатлар бошқа саҳифалардаги хатлардан бироз фарқ қиласди. Девон хатининг касбий котиб хати эмаслигини, қоралама хат эканлигини С. Фаниева ҳам сўзбошида уқтириб ўтган.

Мазкур қўлёzmанинг бошқа хусусиятлари, тўғрироғи, нуқсонлари ҳам йўқ эмас. 171-бетдаги «Чун қўярмен...» деб бошланган ғазалининг 3-байтида «бор» сўзи, 170-бетдаги бир ғазалда «Муғ дайри азмидин» иборасида «дайри» сўзи, 173-бетдаги «Мотам ўз ҳолимға» деб бошланган ғазалининг 3-байтидаги 1-мисра охирида «раф-мимға менинг» деган ибора ёзилмай, бу сўзларининг ўрии бўш, очиқ қолдирилган. 229-бетдаги «Ишқ кўнглумға» деб бошланган ғазалнинг 2-байтининг иккинчи мисраси ҳам ёзилмай, жой бўш қолдирилган. Бу ўринда ёзиладиган «Мани кўр, наргиси масти неча гирён этмиш» мисраи ҳошиядада берилган. Бу мисра 20 жилдликнинг 5-жилдида: «Ани бир шўх кўзи ишваси гирён этмиш» шаклида берилган.

Шу нашрнинг 56-бетидаги «деб» радифли иккинчи ғазалининг 6-байтига оид иккичи мисра ҳам ўз ўринда ёзилмасдан, жой очиқ қолдирилиб, бу мисра ҳошиядада берилган. 251-бетдаги «Бирорга мусаллам...» деб бошланган ғазал мақтаъининг биринчи мисраи—«Қилиб ҳақ вужудида маҳв ўз вужудин» умуман ёзилмай, очиқ қолдирилган. Бизнинг назаримизда, котиб бу сўзларни ўқий олмаган. Еки бу сўзларининг мавжуд шаклларига шубҳа билан қараб, уларни ёзмасликни афзал кўрган. Бу ғазалларни муаллифининг ўзи кўчирса, бундай ҳоллар рўй бермаган бўлур эди.

184-бетдаги «офиз» радифли ғазалнинг мақтаъи қуидагида бўлиб, бу қўлёzmада тушиб қолган:

*Эй Навоий, ёрнинг кўнгли тугулди ноладин,
Кош ҳаргиз очмағай эрдим мен афгор оғиз.*

210-бетдаги «Неча урсам оҳ...» деб бошланган ғазалининг мақтаъи шу бетда иккى марта ёзилган. Агар чиндан ҳам мазкур девонни шоир ўзи кўчирган бўлганда, бу хил шуқсонларнинг юз беришига йўл қўйилмаган бўлур эди. Ахир шоир ўзининг шеърини, ундаги ҳар бир сўзни билади-ку ва ич-ичидац туюди-ку!

Девонни тартибга келтиришда ва, ниҳоят, фото йўли

билаи мазкур нашни амалга оширишда ҳам қатор камчиликларга йўл қўйилган.

Умуман, олганда, бу нашр фойдадан холи эмас. Лекин бу қўлёзмани нашр этишдан олдин уни синчиклаб ўрганилганда, ундан айтиб ўтилган нуқсоилар илмий жиҳатдан изоҳланганда, айни муддаодаги иш бўлур эди. Фикримизча, «Наводиун-ниҳоя» девонининг ушбу Төхрон қўлёзмасини дастхат дейишга ҳали асослар етарли эмас. Бизнингча, бу соҳадаги излапишларни бундан буён яна давом эттириш керак. Қўлёзманинг биринчи бетидаги Навоийнинг «катабаҳу» деган сўзини эса «ёздим», «кўчирдим» маъносида эмас, ушбу девонни «туздим», «китобат қилдим» деган маънода тушуниш керак. Луғатларда бу сўзининг шу маъноси ҳам бор. Яъни бу девонга шеърларни шахсан Навоийнинг ўзи таплаб, тайёрлаб берган. Бошқа одам кўчирган. Бу котибининг номи эса бизга номаълум. Чунки қўлёзма чала.

УГИТЛАР ОЛЛАМИ

*Бу дамни тут ғаниматким, келур дамдин асар йўқтур,
Не дамким ўтти, худ андин киши топмас нишон ҳаргиз.*

Шу мазмундаги байтлар, байтларгина эмас, шу мавзудаги махсус ғазаллар, қитъалар, рубонилар, фардлар ва муаммолар Навоий девонларида шунчалик кўпки, уларнинг ўзидан махсус девон тартиб берса бўлади.

Бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди. Хоразмнинг Хонқа туманиндағи Навоий номли мактабда улуғ шоир хотира-сига бағишлиланган адабий кеча ташкил этилган эди. Кечча Навоийнинг ҳикматли сўзлари билан бошланган, йиғирмага яқин ўқувчи залнинг ҳар томонидан шонрининг одоб-ахлоқ ҳақидаги бир-биридан гўзал байтларини завқ-шавқ билан ўқир экан, мажлис иштирокчилари уларнинг ҳар бирини қарсаклар билан олқишлиар эдилар. Чунки Навоийнинг турли асарларидан танлаб олинган бу ҳикматли сўзлар худди шу бугун ёзилгандай, инсон ҳаётининг, одоб ва ахлоқнинг энг нозик жиҳатларига алоқадор эди. Масалан, шоир «Ҳайратул-аброр»да ота ва онани эъзозлаш ҳақида:

*Бошни фидо айла ато қошиға,
Жисмнинг қил садқа ано бошига...
Тун-кунунга айлагали нур пош,
Бирисин ой айла, бирисин қуёш —*

деб ёзган экан, ёки киши бир ишни амалга оширмоқчи бўлса, буни у шошмасдан, пухта ўйлаб қилиши лозимлиги тўгрисида «Маҳбубул-қулуб»да:

*Ҳар кимсаки айламас оишқомғни хаёл,
Яфроғни ипак қилур, чечак баргини бол.—*

деб уқтирад экан, бу гапларин эскириб қолган дейиш мумкинми?!

Алишер Навоий одоб-ахлоқ соҳасида шундай бой адабий мерос қолдирди, у ўзбек адабиётидагина эмас, жаҳон адабиётида ҳам камдан-кам ижодкорга мусассар бўлган. «Ҳамса»нинг биринчи достони «Ҳайратул-аброр» тўла равишда шу одоб-ахлоқ масалаларига бағишиланган. «Садди Искандарий» достонининг катта бир қисми ҳам панд-насиҳат ва тарбиявий аҳамиятга молик ҳикоятлардан иборат. Шонрининг «Арбайн» асари Абдураҳмон Жомийининг шу номдаги асарига назира сифатида яратилган. Худди шунингдек, 266 рубонийни ўз ичига олган «Назмул-жавоҳир» асари Ҳазрат Алиниңг «Насрул-луоли» асаридаги ҳикматли гаплар асосида назм инига тизилган.

Навоий бадиин адабиётни панд-насиҳатларсиз, ҳикматли сўзларсиз тасаввур эта олмас эди. У ҳатто ўзи нинг мунис шеърларини ҳам шундай ўгитлардан холи булишини истамас, ишқий ғазал ва руబийларига инсон ҳаёти, юриш-туриши учун зарур бўлган ҳикматли гапларни қистириб кетишни шарт деб билар эди. «Бадоевул-бидоя» деб аталган биринчи достони сўзбошиси («Дебоча») да улуғ шоир бу тўгрисида муҳокама ва мулоҳаза юритар экан, шеър ёзиш ва девон тузишдан мақсад фақат «мажозий ҳусну жамол тавсифи», «хатту холтаърифи» бўлмаслиги керак, дейди. Унингча, ўз шеъриятидан девон тартиб қилган ҳар қандай шоир буни яхши билади ва «маърифатомуз бир ғазал»дан ёки «мавъизатангиз» байтлардан холи бўлган девонни топиш қийин. «Мундоқ девон битилса», яъни панд-насиҳатлари бўлмаган девон тузилса,— дейди шоир,— у вақтда «беҳуда заҳмат ва зоеъ машаққат» тортган бўлади, унинг меҳнатлари бекор кетади. Чунки бундай девонининг ҳеч кимга кераги йўқ. Навоий ўзи «Бадоевул-бидоя» девонини тузар экан, ундаги шеърлар таркибига «бирор-иккирор насиҳаторо ва мавъзитосо байт иртикоқ қилинди...»,— деб алоҳида таъкидлайди. Бунга шу де-

вонинг ўзидан ҳам юзлаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, шоирнинг анъанавий ишқий мавзуда ёзилган ва «Телба кўнглум, ваҳки, ҳар соат бирор сори борур...» деб бошланган ғазали мақтаъидан олдинги байтда иккιюзламачилик қораланади ва бу тўгрида шундай дейлади:

*Икки юзлик бўлмаким, бу боғнинг раъно гулӣ,
Гар қизорур бир юзи, лекин яна бир сорғорур.*

Хусусан у ўз қитъалари ва рубоийларидан, айрим муаммо ва фардларидан, форсий ижодининг шу шеър турларида олам-олам маъноларни катта шоирлик маҳорати билан ифодалай олди. Масалан, унинг иккى мисрадаигина иборат қўйидаги фардида тасаввуфнинг муруват ва футувват билан боғлиқ катта ғояси ўзининг ёрқин бадиий ифодасини топган дейиш мумкин:

*Муруват барча бермакдур — емак йўқ,
Футувват барча қилмоқдур — демак йўқ.*

Шоир Фикрича, тасаввуфга ҳақиқий қадам қўйган киши ниҳоятда муруватли, ишони покиза бўлиши, ўзи емай, бошқаларга бериши, бу йўлда жонини фидо қилиши, курашмоги, жасоратлар кўрсатмоги, лекин бу ҳақда мақтаниб, бир сўз ҳам гапирмаслиги даркор. Буни Навоий фалсафий ва ахлоқий қарашларининг қаймоги дейиш мумкин.

Навоий ўғитларининг мавзулар доираси шунчалик кенгки, бунда ишон ҳаёті ва фаолиятининг, маънавий дунёсининг, хулқ-атворининг бирон томони тушиб қолмагандек. Бу мерос бир томондан Қуръон ва ҳадислар билан боғланса, иккичи томондан ҳалқ донишмандлиги билан, учинчи жиҳатдан эса туркий, форсий ва арабий тиллардаги бой ёзма адабиёт билан туташган. Унинг бир ёшида Аҳмад Яссавий, адаб Аҳмад Юғиакий, Сулаймон Боқирғоний, Лутфий, Ҳайдар Хоразмий турган бўлса, иккичи ёшида Фирдавсий, Низомий, Саъдий, Хайём, Амир Ҳусрав Деҳлавий, Ҳофиз, Жомий тургандай.

Ісломда, тасаввуфда, қолаверса, Шарқ мумтоз адабиётидаги «ҳаёти» масаласи ва тушунчасига катта ўрия ва маъно берилган. Ҳаёли бўлиш ишонийликнинг, одобахлоқининг тамал тошларидаи бирин ҳисобланган. Навоий «Назмулжавоҳир» асарида рубонийларининг биринда ҳаёни, ҳаёли бўлишини қўйидагича улуглайди:

*Авжи шараф узра офтоб ўлди ҳаё,
Бўстони саодатқа саҳоб* ўлди ҳаё.
Мазмум хасоилга ҳижоб ўлди ҳаё**
Эл айнига*** гўёки ниқоб ўлди ҳаё.*

«Ҳаё» ҳозирги тушунчада юксак маданиятлиликни, камтарилиликини, босиқликини англатади. Навоийча, ҳаё ииссон обрў-эътиборини офтобдек ёритиб, гўзаллаштириб туради. Ҳаё саодат боғини офтоб тафтидан сақловчи булутидир. Шу билан бирга, ҳаё ииссондаги ёмои хислатларни яширгувчи парда, одамларнинг кўзини тўсиб турувчи ниқобдир. Яъни шонр фикрича, ҳаё ииссоннинг заиф томонларини беркитади. Бу фикрларни Навоий оддийгина айтуб қўя қолмасдан, бу шеърда қофия бўлиб келган офтоб, саҳоб (булут), ҳижоб (парда), ниқоб образлари орқали аниқ ифодалаши ҳам таъсирилди. Демак, ҳаёни бўлиш ҳар қандай одам учун — шоҳга ҳам, гадога ҳам, олимга ҳам, оддий ишчига ҳам зарур бир фазилатдир.

Навоий ўзининг «Ҳайратул-аброр», «Садди Искандарий», «Лисонут-таир» достопларида одоб-ахлоқ масалаларини кенг кўламда ёритган ва таҳлил этган. Улардан айниқса «Садди Искандарий» достони ҳали бу шуқтан назардан етарли ўрганилгани йўқ. Гарчи бу достонда асосий гап Искандарнинг ҳарбий юришлари, унинг номи билан боғлиқ девор қурилиши («Садди Искандарий») ҳамда деигиз саёҳатлари хусусида борса ҳам, лекин шонр йўл-йўлакай мунтазам равишда шу воқсалар билан боғлиқ ҳолда ўз ахлоқий-тарбиявий ғояларини ҳам ранг-баранг шаклларда, киши қалбини тўлқинлантирадиган, онгини, ақлини ҳаётнинг туб масалаларига йуналтирадиган, чуқур ўйлатиб қўядиган даражада, муқаддас китоблар услубида баён этади. Буни биз шонрнинг қуйидаги ўз ўқувчиларига қаратилган ойнадек ти-ниқ, тонгдек шаффоф ва мусиқий байтларида сезишимиз қийин эмас:

*Чу охир бўлурбиэ адам, эй рафиқ,
Ғанимат тутоли бу дам, эй рафиқ,
Бу бир дамки, хушвақтлиғ берди даст,*

* Саҳоб — булут. Бў ўринда булут иссиқ кунда саодат боғини қўёни тафтидан асраб турувчи нарса сифатида таърифланган.

** Маэмуми: ёмои хислатларни тўсиб турувчи ҳам ҳаёдир.

*** Эл айнига — эл кўзига.

*Тараб жомидин айлагил ўзни масть...
Чу охир борурсен, шитобинг недур?
Борурдин бурун изтиробинг недур?
Тарааддудин тарк айлаб, ором тут.
Тузуб базм, аҳбоб ила жом тут...
Эрурлар ғанимат бори бу замон,
Ки бир-бирга сиз борингиз меҳмон...
Олинг айшдин умрнинг комини,
Тутунг хуш йигитликнинг аёмини...
Ва гар бермаса даст кому тараб,
Тараб йўқ дебон ўзга солманг тааб.
Ўзунгизни меҳнат куни овутинг,
Не ғам келса даврондин, осон тутунг.*

Бундай сатрларни ўз халқига, инсониятга чексиз меҳрибон, у билан бир жон, бир тан кишигиша ёзиши, изҳори дил қилиши мумкин. Нақшбандия тариқатига амал қилган Навоий шундай мулоҳазалар орасида Ватанини севиш ҳақида:

*Ватан таркини бир нафас айлама,
Яна ранжи ғурбат ҳавас айлама!..*

дегани сўзларни ҳам айтган. Бу мисоллар Навоийнинг ахлоқий-тарбиявий қарашларига нақшбандия таълимоти жуда катта ижобий таъсири кўрсатганидан далолат беради.

Навоий ўғитларининг якунловчи қисмиши «Маҳбуул-қулуб» ташкил этади. Бу насрин асар ҳижрий 906 (мелодий 1500—1501) йили, яъни шоир вафотидан сал бурун ёзилган. Шуннинг учун уни шонрининг сўнгги насиҳатномаси деб атаса ҳам бўлади. Уни Навоий ўзининг бой ҳаётий тажрибасидан, кузатишларидан келиб чиқиб яратган ва буни асар бошида алоҳида таъкидлаб кўрсатган. Бу асарининг қиммати аввало шундадир. Қолаверса, бу бошқа адиллар ва шонрларининг насрин пандномаларига жавоб ҳам эди.

Навоийнинг достонлари ва лирик шеърлари ушинг фалсафий мазмундор ўғитлари рухи билан суғорилган. Унинг Фарҳод, Ширин, Лайли, Мажнун, Искандар, Дибором ва бошқа қаҳрамонлари қиёфасида ҳақиқий одамгарчиллик, халқ ишига фидойи, дили адолат, саховат, маърифат нури билан ярқираб турган кишилар — «комил инсон»ларни кўрамиз. Бу омилларининг ҳаммаси

Навоийнинг ҳаётий мазмун билан сүфорилган ўгитларини унинг бутуи ижоди билан қўшиб ўрганишимизни ва тарғиб этишимизни тақозо этади.

АЛИШЕР НАВОИЙ ПАНДНОМАЛАРИ БАДИИЯТИ

Шарқ халқлари орасида қадим-қадимдан тўғри сўзлаш ва фикрни чиройли ифодалаш масалаларига катта эътибор берилган. Тил қондаларига тўла амал қилган ҳолда сўзлаш, ёзиш билан боғлиқ фан «иљми балогат» деб, чиройли, ёқимли сўзлаш ва ёзишин ўрганувчи фан соҳаси эса «иљми фасоҳат» деб аталган. Алишер Навоий пайғамбаримиз Мұҳаммад алайҳиссаломнинг энг гўзал фазилатларидаи бири сифатида у кишининг чиройли ганиришини, одамлар билан сұхбатда қондали, худди шеърий қилиб сўзлашганини курсатади. Шунинг учун у киши билан мулоқотда бўлган одамлар унинг ганиришини бамисоли бир мўъжиза деб қабул қилганлар, узоқ вақтгача бушнинг таъсирида юрганлар. «Ҳайратул-аброр» достонида Навоий бу аҳволни тасвиirlаб, пайғамбаримиз ҳақида қўйидаги сатрларни битган:

Эй нафасинг мояи эъжоз ўлуб,
Руҳи қудус¹ нутқунга ҳамроz² ўлуб.
Гоҳи тақаллум³ сенга мўъжиз калом⁴,
Назми каломинг бори мўъжиз низом.
Нутқа фасоҳатда мунакқаҳ⁵ санга,
Шоҳиди даъво: «ана афсаҳ»⁶ санга.
Сиҳнати ҳукм ичра ҳадисинг саҳиҳ,
Арзи фасоҳатда каломинг фасиҳ.
Нутқ аро чун зоҳир ўлуб мўъжизинг,
Аҳли фасоҳат бўлубон ожизинг.

Навоий бу ўринда ёзишича, ҳар қандай гапга чечан, яъни «аҳли фасоҳат» одам Мұҳаммад алайҳиссаломга тенг келолмаган, у кишига таи берган. Биз ҳадислар мисолида Навоий гапларининг мутлақ тўғри эканига ишонамиз.

Пайғамбар ҳадислари мусулмон мамлакатларида адабиёт тараққиётига, хусусан панд-насиҳат жаҳрининг ривожига катта ижобий таъсир кўрсатди. Бадиий ада-

¹ Руҳи қудус — муқаддас руҳлар; ² Ҳамроz — сирдош; ³ Тақаллум — сўзлаш; ⁴ Мўъжиз калом — мўъжизакор сўз; ⁵ Мунакқаҳ — соф, юза; ⁶ Ана афсаҳ — мен энг яхши потиқман;

биётнинг панд-насиҳат билан боғлиқ жаңрларига онд асарларида Қуръон ва ҳадислардагидек бевосита инсонга мурожаат қилинади, инсон масаласи, унинг хулқ-ахлоқи масаласи диққат марказида туради. Яъни чиройли, фасоҳатли сўзлаш билан боғлиқ тушунчаларинги ҳаммаси адабиётга ҳам тўла тааллуқли бўлиб, фақат бу тушунчалар бу ўринда бадиият ҳақидаги тушунчалар орқали ифодаланади. Бирон фикрни оддий сўзлар билан жўнгина айтиб қўя қолиш билан уни бадиий таққослашлар, ўхшатишлар, образлар орқали, баъзи ҳолларда шеърга солиб, ёқимли қофия ва вазн воситалари билан ифодалаш ўртасида катта фарқ бор. Шарқ адабиётларида Рудакий, Абулқосим Фирдавсий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Шайх Саъдий, Алишер Навоийдан бошлаб то бизнинг кунларимизгача шонр ва адиблар ўз ижодларида панд ва насиҳатга катта ўрин берганлар. Улар инсон тарбияси, хулқ, ахлоқ билан боғлиқ ҳамма гапларини образли, чиройли, ёқимли ифодалашга интилганлар. Улар асарларининг агадийлик сири, бизнинг давримизда ҳам севиб ўқилаётганлигининг бош сабаби кўпроқ шунда. Масалан, Алишер Навоийнинг «Саъд» пемига ёзган кўйидаги ажойиб муаммосини эслайлик:

*Бу гулшан иҷраки йўқтур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур яхшилик била чиқса от.*

Бир қараганда, Навоий бу ўринда ҳаётдаги эзгулик билан боғлиқ оддий бир фикрни ифодаламоқда. Шонр айтмоқчики, инсон агадий яшамайди, ұлым ҳақ. Шундай экан, одамларга яхшилик қил, ҳаётда шу қолади. Лекин Навоий шу бир байт шеърнинг ўзида ҳаётни гулшанга таққослаб, бу ғояни жуда жопли ва гўзал ифодалашга эришган. Унингча, ҳар бир инсон, у ким бўлмасин, бир кун келиб шундай гўзал ҳаётни, юрагига яқин кишиларни, боғ-рогларини ташлаб, у дунёга кетишга мажбурдир. Бинобарин, уни онгли равишда чиройли тарк этиш керак. Ҳаётни, яъни бу гулшани чиройли тарк этишининг бирдан-бир йўли эса, унингча, одамларга яхшилик қилиш, шу йўл билан яхши ном қолдириш, яъни «яхшилик била от» чиқаришдир. Бу ерда бақо, боқийлик тушунчасига нисбатан «гул» сўзининг қўлланishi, яъни боқийликнинг «бақо гули», «боқийлик гули» деб таърифланиши ҳам иборани гўзаллаштирга. Албатта, боқийлик, агадийлик ёқимли тушунча. Лекин ҳаётда

биз боқий булиб қолишини истаган кўп нарсалар охири-оқибатда боқий эмас, гул каби ўткинчи, гул каби тез сў-ладиган, қурийдиган, ўз тароватини йўқотадиган нарса-лардир. Шу жумладан, инсон умри ҳам ўша гулдай тез ўтадиган, тез сўлийдиган бир нарса. Шундан келиб чи-қиб, Навоий ўз китобхонини ҳаёт воқеаларини фалсафий жиҳатдан чуқур идрок этишга, нарса ва ҳодисаларниг моҳиятини, бақолик гули жуда инсабий тушунча эканини тўғри тушуниб, шунга қараб яшашга даъват этмоқда. Бунинг устига Навоий ўз фикрини шеър тили билан, яъни маълум бир шеърий вази ва қофия билан ифода-ламоқдаки, булар ҳаммаси бу байти ёқимли ва таъ-сири этган. Қолаверса, бунда «саодат» сўзидан, шонр айтганидек ва муаммо қондаси бўйича «о» ва «т» ҳарф-лари чиқариб ташланса, («чиқса «о», «т»), «Саъд» деган чиройли ном чиқади.

Маълум бўладники, шу бир байтда бадиийликниг бир қанча белгилари бор. Гуё Навоий шу бир байтда инсон боласига ўз санъаткорлиги билан ҳаётиниг маъносини, ажойиб саодатиниг эшигини очиб бераётгандай! Бу гул-шанда, яъни ҳаётда, демак, саодатнинг калити одамлар-га яхшилик қилишда экан! «Саъд» исми эса ижобий маънодаги сўз бўлиб, баҳт, баҳтиёр деган маъноларни билдиради.

Алишер Навоий ўз ижодида панд-насиҳат мавзуниг жуда катта ўрин бергац. Маълумки, Навоий «Хамса» сининг «Ҳайратул-аброр» достони, «Садди Искандарий» достоининг катта қисми, «Маҳбубул-қулуб», «Назмул жавоҳир», «Арбани» каби бир қанча асарлари шу йўна-лишда. Бу асарларниг ҳаммасини Навоий оддий гап-лар билан эмас, санъаткорлик билан, сўзларни маҳорат билан қўллашга катта аҳамият бериб яратгац. Навоий сўз тўғрисида гап кетганда, битта сўз одамии ўлимдан олиб қолиши, битта сўз билан ўлгац одам тирилиши, бир неча сўздан ташкил тоғсан калимаи шаҳодат орқали эса кофири мусулмон бўлиши, ўз сўзлаш қобилияти билан инсон ҳайвондан фарқ қилиши мумкин, дейди:

*Ҳам сўз ила элга ўлумдин најот,
Ҳам сўз ила топиб ўлук тан ҳаёт,
Сўз била куфр аҳли мусулмон бўлуб,
Сўз била ҳайвон деган инсон бўлуб.*

Сўзни шундай юксак таърифлагач Навоий бадиий сўзни бундан ҳам ортиқ баҳолаган, қадрлаган ва ундан

панд-насиҳат мавзундаги асарларида қимматбаҳо жа-воҳирлардан фойдалангандек истифода этган.

Шу пуктаи назардан биз улуғ шоирнинг «Ҳайратул-аброр» достонига назар ташлар эканмиз, маънолар ола-мигагина эмас, ўзимизни бадиий шеърий санъатлар ола-мига кириб қолгандай ҳис этамиз. Достонни шоир ҳус-ни ибтидо санъати билан йўғилган қўйидаги гўзал байт билан бошлаган:

*Бисмиллоҳир-раҳмонир-раҳим,
Риштаға чекти неча дурри ятим¹.*

Бу ўринда Навоий ислом оламида машҳур «Бисмиллоҳир-раҳмонир-раҳим» деган иборани достон вазнига — муфтаилун, муфтаилуи фоилун вазнига маҳорат билан сола билган. Достон бошланшишинг биринчи гўзаллиги («ҳусни») шунда. Иккинчи мисрада эса бу ибора ўз ичига жуда кўп қимматбаҳо маъно гавҳарларини қамраб олгани ва улар назм или («ришта»)га усталик билан тўплангани таъкидланади. Бу бошланғич байтнинг яна бир ҳуснидир. Достонда умуман бирон байт йўқки, унда фикрлар жўнгина ифодаланган, таъсирсиз бўлсин.

Достоннииг пайднома қисми 20 мақолотдан ташкил топган бўлиб, улар турли мавзуларга багишлиланган шеърий сұхбатлар шаклидадир. Бу мақолотларда Навоий турли ижтимоий табака вакилларининг хулқ-ахлоқи билан боғлиқ масалалар юзасидан мулоҳаза юритар экан, маълум кишиларни мақтаса, баъзи бирорларни ташқид қиласди, баъзи ўринларда таъриф-тавсифга беришса, бошқа бир ўринларда Шарқ бадииятининг қоидаларига амал қилиб, қизиқ ҳикоялар келтиради ёки баъзи тоифа одамлар ҳақида сўзлаб, уларнинг образларини чизади. Масалан, Навоий дину иймондан, инсоф ва адолатдан узоклашган золим подшоҳларнинг саройида ишратпарастлик, ичкиликбозлик, безорилик авж олганини тасвирлар экан, у бадиий тасвирнинг ташбеҳ усулидан фойдаланади ва шоҳ амалдорларини телба итга, йириқич қоплонга қиёслайди, тоғ нафс итининг қўлига тушган маҳлуққа таққослади:

*Базмдағи қорию гар худ йигит
Майдин ўлуб ҳар бирни бир телба ит,*

¹ Дурри ятим — энг тоза, асл дур.

*Шайнда¹ қолондин агарчи фузун²,
Нафс итининг илгида лекин забун.*

Ўзбек адабиётида ҳеч ким подшоҳ саройидаги бема-загарчиликларни ҳажв йўли билан бу хилда кучли фош этолмаган. Шу ўхшатишлар бўлмаса, шоир гаплари оддий бир гаплар бўлиб қолар эди.

Навоий «Ҳайратул-аброр» достонининг бешинчи мақолотида ўз бойлигини бошқалар билан баҳам кўрадиган сахий одамларни мадҳ этар экан, уларниң пашжасини қўёшга, кафтини нур сочиб, ҳамма ёқни ёритган барқ — яшин, чақмоққа, бош кийимини карам гавҳари қадалган саховат афсари, яъни саховат тожига ташбек қилган:

*Панжанг ўлуб сиймфиишонлиққа³ фош,
Машриқу мағрибда нечукким қўёши...
Чун кафинг олтун сочиб, андоқки барқ,
Барқ ҳаёдин бўлубон терга гарқ.
Бошинг уза жуду сахо афсари⁴,
Афсаринг устида карам гавҳари.*

Сахийлик инсонга хос олий фазилатлардан бўлиб, Навоий бундай муруватли одамларни ғоят қадрлаган. Қуръон ва ҳадисларда ҳам бундай олижаноб кишилар шаънига кўп яхши гаплар айтилган. Навоий ўзи ҳам шу тоифадаги одамлардан эди. У сахий одамларни таърифлашда давом этар экан, айтилганлар билан қаноатланмайди. Гап давомида уларни дунёдаги энг сахий инсонлар сифатида ном чиқарган ва бу мавзудаги кўнгина ривоятларининг қаҳрамонларига айланган Хотам Тойи ва Бармакка ҳам қиёслайди:

*Кафларинг ойини чу бермак бўлуб,
Қўл мунга Хотам, анга Бармак бўлуб.*

Бу байтда Навоий талмех санъатини қўллаган бўлиб, бу билан шоир сахий одамлариниг умумлашган образини янада ёрқинроқ очиб беришга эришган. Ушбу бадиий санъат туридан шоир достониниг бошқа ўринларида ҳам муваффақият билан фойдаланган. Достоннинг қаноат ҳақидаги бобида бундан бошқа ҳам бир неча

¹ Шайн — айб, шуқсон. ² Фузун — олтии. ³ Сиймфиишон — кумуш пулни сочувчи, аямовчи.

⁴ Афсар — тож, бош кийим.

хил бадинй санъатлар құлланған. Навоий сабр-қаноатни улуғлаб, бир байтда ҳар қандай тож кийган одам шоҳ бўлавермайди, ҳатто шоҳликни ҳам назарга илмайдигац, тамагирликдан мутлақо узок одам ҳақиқий шоҳдир!— дейди.

*Шоҳ ул эмаским, бошиға қўйди тож,
Шоҳ ани билким, йўқ анга эҳтиёж.*

Навоий бу ўринда ўз қадрини шоҳликдан ҳам юқори кўрган, мағрур ҳаёт кечирадиган кишиларни мансабпрастларга қарама-қарши қўймоқда ва бунинг учун Шарқ шеъриятида кўп қўлланадиган тазод санъатини истифода этган. Шоҳ билан шоҳликка эҳтиёж сезмайдиган одамни бир-бирига зид қўйиб таърифлаш билан шоир ўз фикрини тасаввуф руҳида ёрқин ифодалашга эришган.

Худди шу мақолотда Навоий яна бир сўз санъатидан маҳорат билан фойдаланган. Навоий асарида «тож» сўзи салтанат ва бойлиknинг рамзи бўлиб, «муҳтоҷ» сўзи эса камбағаллик, баъзи ўринларда тамагирлик, очкўзлик, суллоҳликни билдиради. Навоий қўйидаги беш байтда бу икки сўзни ҳам бир-бирига қофия қилиб, ҳам бир-бирига қарама-қарши қўйиб, тамагирликни қоралаб, қаноатли кишиларни эса шоҳлар даражасига кўтариб ёзади:

*Тўъмаға¹ ҳудҳуд² неки муҳтоҷ эрур,
Пайк³ бил, арчи бошида тож эрур.
Ҳиндуви лоиб⁴ бошида тож кўр,
Они қаро пул сори муҳтоҷ кўр...
Шоҳ бошининг шарафи тож эмас,
Англа ани шоҳки, муҳтоҷ эмас.
Шоҳ агар ул бўлсаки, муҳтождир,
Ҳарф ила муҳтоҷда ҳам тождур.
Шоҳ десанг кимда кўруб тожни,
Шоҳ дейли бу важҳ ила муҳтоҷни.*

Бу байтларда Навоий овқат ейишдан ўзини тия олмаган сассиқпопишак бошида тож бўлса ҳам элчилик Қилиши мумкин, лекин подиоҳ бўлолмайди; ҳиндуда йигит бошига тож кийиб, шоҳга ўхшаб ўйин тушса ҳам,

¹ Тўъма — овқат. ² Ҳудҳуд — сассиқпопишак. ³ Пайк — хабарчи, элчи. ⁴ Лоиб — ўйинчи.

лекин унинг дарди шоҳ бўлиш эмас, пул ишлашдир; шоҳ бошига шараф унинг тожидан келмайди; муҳтоҗлигини билдиրмайдиган одам ҳақиқий шоҳдир; кимнинг бошида тож кўриб шоҳ деявериш мумкин бўлса, у вақтда муҳтоҷларни ҳам шоҳ деявериш мумкин бўлади; чунки «муҳтоҷ» сўзининг таркибида ҳам «тож» сўзи бор-ку!— дейди. Бу байтларда бир-бирига шаклан яқин «тож» ва «муҳтоҷ» сўzlари турли маъноларда қофияланган бўлиб, бундай сўз ўйинлари мумтоз шеъриятимизда тажнис деб аталган. Навоий шу жинисдан, оҳангдош сўзларни қарама-қарши қўйиб, такрор санъати бўйича такрор-такрор фойдаланиш орқали ўзининг юксак ахлеский фикрларини олға сурган, ноёб усул билан ифодалаган ва эсда қоладиган шеърий байтларни яратадиган.

Навоий ўп учинчи мақолотида ўз мағфаатидан кўра бошқалар нафини кўпроқ ўйлаб иш қиладиган, зарур бўлса бошқалар учун, эл-халқ учун ўз жонидан ҳам воз кечишга тайёр одамларни мадҳ этиб, уларни гоҳ хеч кимга ўз нурини аямайдиган қуёшга, гоҳ одамлар бошида меҳрибонлик билан айланувчи осмон—чархга, гоҳ кўқдан тош ёғса ҳам миқ этмай чидаб турадиган тоққа, гоҳ кишилар кўзини ёритиш учун ёниб тамом бўладиган шамга ўхшатади. Бу ғоят ёқимли, гўзал ташбеҳлардир. Шоир ота-онани ҳурмат қилиш ҳақида гапириб, олтичи мақолатда ажойиб истиора санъатини қўллагани, яъни отани қуёш, онани ой деб атагани ҳам беҳад гўзал:

*Тун кунунга айлагали нур пош,
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.*

Навоий ташбеҳлари ва истиоралари қанчалик гўзал бўлса, унинг муболага санъатидан фойдаланиши ҳам шунчалик юқори. Масалан, шоир тўққизинчи мақолотда ишқни, ишқнинг нималигини таърифлар экан, уни ўтга қиёслайди. Шоир фикрича, ишқ ўти шунчалик кучлики, у ақлни хашакдек куйдириши, қайси бир кўнгилдан жой олса, унинг чўғларидаи кўнгулда лаъл конини вужудга келтириши мумкин:

*Кайдаки ишқ ўти бўлуб шуълакаш,
Ақл ўлуб ул ўт ўза хошокваш...
Кайси кўнгулники макон этти ишқ,
Ўтдин ани лаълға кон этти ишқ.*

Навоийча, шундай куйдирадигаи, ёндирадигаи ишқ ҳақиқий ишқ. Кишилар шундай ишқ билан яшашларни

керак. Шундай ишқ одамларнинг фаолиятини бошқариши, жаҳонни ўз шурлари билан ёртиши зарур. Ҳусн ўткеничи, ишқ эса доимий. Ишқ бўлмаса, дунёниг ҳам, ҳаётниг ҳам маъноси йўқ. Навоий ёзади:

*Бўлмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасун,
Икки жаҳон демаки, жон бўлмасун.
Ишқсиз ул танки, анинг жони йўқ,
Ҳуснни нетсун кишиким, они йўқ.*

Ишқ билан бир қаторда кўтарикин услубда Навоий вафони, вафодорликни ҳам улуғлайди, уларни меҳригиёга, энг қимматбаҳо дур ва жавоҳирларга, ҳатто му болага қилиб, афсонавий анқо қушига таққослади:

*Бу дури ноёб вафому экин?
Гар ул эмас, меҳригиёму экин?
Меҳригиё демаки анқодур ул,
Жавҳари фарду¹ дури яктодур² ул.*

Баъзи ўринларда Навоий бадиий санъатларни ҳар байтда кетма-кет қўллайди. Бундай ўринларни шоир санъаткорлигининг олий нуқталари дейиш мумкин. Массалан, Навоий қуйидаги байтларда ёлғизлик, кимсасизликни қоралар экан, ёрсиз кишини шоир гоҳ дурсиз садафга ўхшатса, гоҳ уни ёлғиз тутаб ёнаётган дараҳт деб таърифлайди, гоҳ уни одам сонидан чиққан деса, гоҳ бир қаноти синиб, парвоз қила олмай қолган уқоб — бургут деб атайди. Бунда биз ёрқин ўхшатишларга ҳам, таъсирилни истиораларга ҳам, ажойиб муболагаларга ҳам дуч келамиз:

*Ҳар киши оламда эрур ёрсиз,
Бир садафедур дури шаҳворсиз³,
Йўқ ҳунари ёлғуз эса ўз киши,
Қайда киши сонида ёлғуз киши.
Фард киши даврда топмас наво,
Ёлғуз овучдин ким эшитмиш садо?
Ёрсиз эл оҳи ғам андуд эрур;
Енса ишғоч ёлғуз, иши дуд эрур.
Тоқ киши айши уйин бик нигун.
Уйга қачон ҳомил⁴ ўлур бир сутун?
Синса уқоб⁵ эгни уза бир қанот,
Тез учар, лек анга бир дам ҳаёт.*

¹ Фард — ягона, якка. ² Дури якто — якка-ягона, тенги йўқ дур.

³ Дури шаҳвор — шоҳона дур. ⁴ Ҳомил — кўтариб турувчи.

⁵ Уқоб — бургут.

Навоий достон давомида ўз сўзининг устидан чиққан. Чиндан ҳам «Ҳайратул-аброр» достонидаги мингларча байтлар, Навоийнинг ёлғизлиқ ҳақидаги байтларида кўрганимиздай, шеър ипига ноёб дуру жавоҳирлардай терилган, ўз бадиияти билан ўзидан нур таратиб тургаандайдир.

«Ҳайратул-аброр» достонида ружуъ санъатининг қўлланиши ҳам диққатга сазовордир. Масалан, ушбу достонинг қалам таърифига бағишланған ўн иккинчи мақолатида шоир аввал қаламни оғзидан ҳар лаҳзада нуқралар сочиб турдиган қушга ўхшатади, унинг овқати зулмат, яъни қоронғилик бўлса ҳам Ватани нур бўлиб, лекин қуш бўлса ҳам учишга қаноти йўқ, дейди. Кейинги байтда эса шоир бу фикрларидан қайтади, уни рангли, қўл-оёги яширин, тили фусунгар илонга ўхшатади. Бу ҳам шонрга ёқмайди. Бундан кейинги сатрларда олдинги гапларидан қайтиб, шоир уни оддий илон эмас, оғзидан гоҳ дуд, гоҳ гавҳар чиқариб турдиган аждарга қиёслайди. Охирида бу ҳам ёқмасдан, қаламии Мусо алайҳиссаломининг сеҳргар ҳассасига ўхшатади. Чунки қалам туфайли не-не яхши фикрлар қофозга тушади, не-не ажойиб туйғулар ифодаланади, у ёзган ёзувлардан иносон ва жамият не-не аҳволларга тушмайди дейсиз. Навоий ёзади:

Қушдек ўлуб вазъу намудор¹ анга,
Нукта² сочиб ҳар сори минқор³ анга.
Туъмаси зулмат, ватани нур уза,
Мушк сочиб сафҳаи кофур уза.
Чобуку⁴ мавзун ҳаракоти аниңг.
Учқоли йўқ лек қаноти аниңг.
Қуш демагил, айт муанбар⁵ иilon,
Дема муанбарки, фусунгар иilon.
Шоҳид⁶ анга жилвада парронлиги⁷,
Илиг, аёгнинг доги пинҳонлиги.
Тил узотиб, фош ўлуб ондин фусун⁸,
Даҳрда ким кўрди иilonдин фусун?
Дема иilon, аждар эрур нақд санж⁹,

¹ Вазъу намудор — тузилиш ва кўришиш. ² Нукта — маъноли сўз, гап. ³ Минқор — тумшук. ⁴ Чобук — тез, чаққон. ⁵ Муанбар — хушбўй. ⁶ Шоҳид — гувоҳ. ⁷ Парронлиг — учишлик. ⁸ Фусун — сеҳр. ⁹ Санж — бойлик, тиллани ўзига тортувчи, жамловчи.

*Музмар¹ аниң жавфида² юз турфа ганж.
Дуд чиқиб оғзидин аждар киби,
Дуди аро ҳар шаба³ гавҳар киби.
Аждар эмаским, эмас аждар салим⁴,
Балки дегил они асойи калим⁵.
Пүкса недин ютти жаҳон сеҳрини.
Балки маонию баён сеҳрини.*

Бир нарсаны иккинчи бир нарсага үхшатиш, кейин ундан қайтиб учинчи нарсага, бундан ҳам қайтиб түртинчисига (ва ҳоказо) үхшатиш, яъни бир предметининг тасвирини чуқурлаштира бориш, шу жараёнда унинг япги қирраларини очиш мумтоз адабиётимизда ружуъ санъати деб аталган. Бундай санъат турлари жуда кўп бўлиб, Навоий уларнинг ҳаммасидан ҳам яхши фойдаланган. Ўтмиш адабиётимизда эса шонрларнинг шеърий маҳоратига шу санъатлардан қандай унумли ва маҳорат билан истифода этганиларига қараб баҳо берганлар.

Навоий эса бу бадний санъатларни болалигидан бошлаб синчковлик билан ўрганган ва уларни ўзлаштирган. Шунинг учун ҳам у йигитлик даврида ёзган манзумаларидан бирида шу санъатларнинг энг қийин турлари ҳисоблашимиш хосса маъни ёки эҳом усулидан ҳар байтда фойдаланган ҳолда бир кунда юз байт шеър ёзиш менга ҳолва сийиш билан баробар деган эди:

*Агар хосса маъни, гар эҳом эрур,
Аниң кунда юз байти ҳалвом эрур.*

Навоий бир санъатдан фойдаланиб туриб, шу байтнинг ўзида бошқа санъатлардан ҳам фойдалана олган. Масалан, қалам тасвири билан боғлиқ юқорида ташниб ўтилган шеърий сатрларда Навоий ружуъ санъатидан истифода этиш билан бирга шу ўршида қаламни қушга, илонга, аждарга үхшатиш билан у Шарқ поэтикасининг ташхис санъатидан ҳам фойдаланган. Ташхис санъати табиатдаги жонсиз нарсаларни жонлига айлантиришни англатади. Шу йўл билан Навоий қаламининг жамият ва ишони хаётидаги, тафаккур ва маданият тараққиётидаги катта ижобий ролини анча тўла ва жопли қилиб оча билган.

¹ Музмар — яширилган, беркитилган. ² Жавф — қорин. ³ Шаба — кеча, тун. ⁴ Салим — тўгри. ⁵ Асойи калим — Исо ҳассаси.

Навоийнинг ирсолул-масал деб номланган шеърий санъатни қўллаши ҳам ибратли. Улуғ шоир минглаб халқ мақоллари ва маталларини билган ва улардан ўрни-ўрни билан фойдаланган. Шеър, ҳикоя давомида, гай орасида мақол келтириш санъати деб аталган. Бу эса Навоий шеъриятига мазмун жиҳатидан ҳам, бадиийлик нуқтаи назаридан ҳам халқчиллик руҳини бағишлаган. Масалан, ўн учинчи мақолат охиридаги Айюб пайғамбар билан боғлиқ ҳикояда Айюбнинг уйига уйнинг тагидан йўл кавлаб бир ёш йигит ўғирликка киради. Айюб пайғамбар эса кўп йиллардан буён хаста бўлиб ётар эди. У ўзини ухлаганга солиб, ўғри йигитнинг ҳамма хатти-ҳаракатларини кузатиб турди. Ўғри қўлига илингандар нарсани орқасига ортиб, келган тешигидан чиқиб кетай деса, у тешикка ўзи сифса ҳам юки сифмайди-да, нима қилишини билмай, ҳайрон бўлиб қолади. Шу ҳолат тасвири муносабати билан Навоий халқимизнинг «Сичқон сифмас инига, ғалвир боғлар думига» деган мақолини эслайди ва ҳикоясига уни қуидагича қистириб кетади:

*Тор ини сичқонға солиб эрди ғам,
Қўйруғига боғлади ғарбол ҳам.*

Айюб пайғамбарининг болага раҳми келиб, унга эшикни кўрсатади ва: Эшикдан чиқиб кетақол,— дейди. Айюбнинг бундай одамгарчилиги болани ҳанг-манг қилиб қўяди ва шу кундан бошлаб ўғирликни ташлаб, Айюбнинг йўлига, яъни факр (тасаввуф) йўлига киради.

Шундай санъатлардан яна бири киноя бўлиб, Навоий шеърияти бу санъатдан ҳам бебаҳра эмас. Лутфу карам масаласига бағишлиган бобда шоир мумсик, ғарзгўй бойларни тасвирлар экан, уларнинг совфа ва туҳфаларини оч ва яланғочларга бермасдан, отни юзта оти борга, пулни юз йиллик бойлиги борга беришини танқид қилиб, Шарқда машҳур бўлган kinoя мақолни келтиради ва улар устидан кулади:

*Ҳам йиборур лаъл Бадахшон сари,
Ҳам келтирур зирани Кирмон сари.*

Маълумки, лаълининг кони Бадахшонда ва зиранинг яхшиси Кирмонда бўлади. Бадахшонга лаъл, Кирмонга зирани туҳфа қилиб олиб бориш, юмшоқ қилиб айтган-

да, донолик аломати эмас, аксинча. Буни киностудии там-
сил деб аташ ҳам мумкин.

Навоий ўз асарларида, шу жумладан, панд-насиҳат-
га онд асарларида Шарқ шеъриятининг бадиий шеърий
санъатларидан фойдаланмагани йўқ, дейиш мумкин.
Шонринг бу асарларида биз бадиий санъатининг тас-
дир, иттифоқ, лаф ва нашр, мутобақа, ҳусни таълил ка-
бии ўнлаб юксак намуналарини учратамиз. Масалан,
шеърии, унинг услубини энг гўзаллаштирадиган, ёқимли
қиладиган томонларидан бири қофия ва радиф масала-
ларидир. Шонр ўи бешинчи мақолотда мастилинг расво-
ликларини тасвиirlар экан, унга мурожаат этиб дейди:

*Неча сенинг мастилинг ою йил?
Ой ила йил мастилингдин ойил!*

Бу ўринда шонр «ою йил» иборасидан ва унга оҳанг-
дош «айрил» деган маънодаги «ойил» сўзидан қофия си-
фатида жуда яхши фойдаланган.

Навоий «Назмул жавоҳир» асарида эса рубоийнинг
«рубоний тарона» шаклида қалам тебратиб, 266 рубоий-
нинг ҳар тўрт мисрасини бир-бирига қофиялаган ва
бунда юксак маҳорат намуналарини кўрсатган эди.
Кўйидаги рубоийда Навоий қўли эгри ва ёлгончи одам-
ларининг ярамаслигини, бундай одамларни тарбия қи-
либ тузатиб бўлмаслигини, уларининг топгани ҳаромли-
гини, бундай кишиларининг ҳатто сояси ҳам эгри эканини
чиройли қофиялар билан бадиий изоҳлаган дейиш мум-
кин:

*Ким эгри эса, тузлук эмас пояси ҳам,
Бор ўзидек эгри суду сармояси ҳам.
Тузлук эрмас шифосиу вояси ҳам,
Ким эгри кишининг эгридир сояси ҳам.*

Хондамир «Макоримул ахлоқ» асарида қофия маса-
ласида Навоийнинг шу «Назмул жавоҳир» асарини ми-
сол келтириб, унинг маҳоратига қойил қолган эди. Чин-
дан ҳам бу Навоийнинг буюк сўз устаси бўлганини
курсатувчи ёрқин далилдир.

Навоийнинг насрини асарлари, шу жумладан, «Мах-
буул қулуб» сажъ санъатининг ранг-баранг кўриниш-
ларida ёзилган. Унда, масалан, шундай бир жумла бор:
«Сиҳат тиласанг кўп ема, иззат тиласанг кўп дема».
Бу гап наср билан ифодаланган бўлса ҳам, лекин шеъ-

рийликдан ҳам узоқ әмас. Үнда шеърий санъатиниг тарсөй түри аломатлари ҳам бор, яъни биринчи гап ёки мисра иккинчи гап ёки мисра билан бошдан охиригача тұла қофиядош. Шу билан бирга иккى жумла бир-бири-га грамматик жиҳатдан ҳам тұла мувозий (параллел). Буни эса бадиий санъат билимдонлари мутобақа санъатига йўйғанлар.

Хуллас, Навоий асарларини, унинг шеъриятини, панд-насиҳат асарларини шу хил санъатларсиз, шу хилдаги санъаткорликларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Навоий ўгитлари шундай бадиийлик билан ҳамон ўз тароватини сақламоқда ва ҳамма авлодларга тарбия масалаларида ажойиб мактаб бўлиб хизмат қилмоқда.

БОЛАЛИКНИНГ НАВОИЙОНА ТАЪРИФ ВА ТАЛҚИНЛАРИ

Ҳаётниң гули, жамиятниң кўрки, оиласиңг қувончи — бола. Биз оилани, жамиятни болаларсиз тасаввур қилолмаймиз. Лекин Алишер Навоий табиатни ҳам болаларсиз кўз олдига келтира-олмайди. У, масалаи, «Ҳайратул-аброр» достонида баҳор шабадаси эсиб, ёмғир ёғиб, ариқдаги сувлар шарқираб, чақмоқ чақиб, табиат ўйғона бошлаганини тасвиirlар экан, юлдузлардек чаман бўлиб яшнаган ҳар бир гулу ҳар бир райҳонни «тифл»га, яъни болага ўхшатади:

*Бўлди чу фаррош насими шамол,
Септи булут ҳам сувни саққо¹ мисол,
Сув юкидин қад қуийи мойил анга,
Барқи биринжина² ҳамойил анга.
Чун супурудио сув сепилди боғ,
Бўлди раёҳинға³ маҳалли фарог,
Бош чиқара бошладилар боғдин;
Боғ демаким, қаро туфроғдин.
Айладилар ер юзи үзра ҳужум,
Гулшани чарх үзра нечукким нужум.
Ҳар бири бир тифли сұманбўйдек:
Тифл дема, шоҳиди гулрўйдек.*

Навоий болалар тасвирига, хусусан, уларниң табиати, феъл-атвори масалаларига шеърларида кўя тўхталади. Лекин ҳамма ўринда Навоий «бола» сўзини «тифл» деб ифодалайди. «Тифл» арабча сўз бўлиб, «ча-

¹ Саққо — сув ташувчи, сув сепувчи. ² Барқи биринжина — мис рангли чақмоқ, яшин.

³ Раёҳин — райҳонлар.

қалоқ, гұдак, ёш бола» деган маңноларни билдиради. «Тифл» ишіг күплиги «атфол». Навоий давридаги адабий тилда, хусусан, форсий тил кеңистеъмолда бұлған. Хуросон шароитида бу сұз ўзбеклар орасыда тез-тез ишлатылған. Албатта, бу Навоий асарларыда «бола» сүзи ишлатылмаган, деган гап әмас. Масалан, қуйндаги байтда «қүш» сүзінга боғлаб құлланған:

*Ердин бұлмас жудо жонға бало бұлған күнгүл:
Қүш боласидекки, айрилмас кишидан ұрганиб.*

Навоийнінг фикрича, болашынг болалығы шундаки, у табиатта, жамият ҳодисаларига доим катта қизиқиши билан қарайди, уларни яқындан билишга иштилади. Бироқ Навоий газалларыда бу ҳол бевосита әмас, балқи билвосита, яғни аңғанавиіт ишқ мавзуи, ошиқ ва маңшуқа образлари, уларниң ички кечинмелари орқали тасвиrlапади. Масалан, шоирнінг ёзишича, ошиқ не қылсынки, унніг нигөхи күптарнінг бирида севгилисіннінг сеңр тұла, наргисдан чиройли күзларына тушади, шу ондағы шүрликнінг күзларидан севинч ёшлары оқа бошлайди. Айни манзараны янада яққолроқ, таъсирчанроқ ифодалаш учун шоир унга бошқа бир манзараны қиёслайди. Бу ҳолат ёш болашынг сақрода бирдан кийікни күриб қолиб, уни тутаман деб орқасидан ҳар тарафта чопа бошлаганини эслатади:

*Күз ёшил бұлди равон бир наргиси жоду күрүб —
Тифл яңғышқым, юғургай ҳар тараф оху күрүб.*

Навоий ёш болаларнінг үтнін яхши күрнешларини, үт үйнашга қизықишлиарини ҳам неча үрніда тасвиrlайди:

*Хазал этар күнглум била ул шұх, күнглім тортар
ох —
Тифлдекким, дуд этар үт бирла ҳар дам үйнамоқ.*

Бу срда маңшуқаннінг ошиқ билан қаттық ҳазил қишиши ёш болашынг ҳадеб үтни кавлаши, үт билан үйнашишига ўхшатылади. Күйндаги байт ҳам деярлы шумазмұнда:

*Қылди айшим субхини ул шұх лаъби¹ тийра түн,—
Тифл үйнаб үт, үчирғандан сүнг ұлғондек тұтүн.*

¹ *Лаъби* — үйнін, рақс.

Улуғ устод болаларнинг рангдор капалакни суюб, орқасидан қувиб юриш одатларини маъшуқанинг турли сиёҳларда ёзган хатини ошиқнинг кўз ёши билан ўқишига таққослади:

*Қалағай сафҳада руқъанғни¹ кўруб оқти ёшим,—
Тифлдекким, югурур — кўрса мулавван² кўпалак.*

Шоир қонилни кўз ёшдан сарғайган ошиқ юзининг ранги билан ўз кўнглини овутишни болаларнинг ярқироқ бүёқларни, хусусан, сариқ ва қизил рангдаги ашёларни севишига ўхшатади:

*Кўнгулни қон ёшу гоҳи юзум била овутурмен,
Сориғ-қизил била андоқки ҳалқ тифлин овутмиш.*

Навоий девонларнда кичкинитойлар ўз болаликлари-га бориб, тушунмай, гоҳо ноўрни ишларга қўл уришлари ҳақида ҳам айрим байтларни ўқиши мумкин. Масалан, баъзан улар бирон дараҳт мевасини оламан деб, унинг шохини синдириб қўядилар. Буни Навоий маъшуқанинг ошиқ кўнглини ўғирлайман деб, унинг вужудига шикаст етказган ҳолатига қиёслайди:

*Ул шұх кўнглим олди, солиб жисмима шикаст,—
Бир тифлдекки, шохин ушотқай самар била.*

«Хазойинул-маоций» девонидан болалар ҳақидағи бундай тимсолларни кўплаб келтириш мумкин.

Болалар мавзунга «Хамса» достонларининг ҳам ак-сариятида тўхтаб ўтилган. Масалан, «Ҳайратул-аброр» достонининг олтинчи мақолоти адаб ҳақида бўлиб, шоир унда ёшларни тарбиялашнинг муҳим масалаларни гоят чуқур таҳлил этади. «Фарҳод ва Ширин» достонида эса Фарҳоднинг туғилиши, тарбияси тасвирида бу мавзу ўз бадиий ифодасини топади. Хоқон ўғил кўриши муносабати билан мамлакат шодликка юз ўғириб, ҳамма бирбирини муборакбод қилади, бисёр тухфалар улашила-ди. Ўз фарзанди тарбиясининг етуқ бўлиши учун хоқон ҳамма чораларни кўради. Уч ёшидан бошлаб моҳир муаллимлар болага турли фанлардан таълим бера бошлийдилар. Натижада Фарҳод тез орада жисман ҳам, ақлан ҳам гоят комил инсон бўлиб етишади.

Навоий «Лайли ва Мажнун» достонида гўдакликдаги туғма хусусиятларни алоҳида эътибор билан таъкидлайди. Чунончи, гўдак табиатида ўзига хос икки хусусият

¹ Руқъа — хат, мактуб. ² Мулавван — рангли, ранг-бараанг.

бўлиб, улар кейинчалик ривожланиб, Қайсни жамнит билан тўқнашувга, фожиага, охир-оқибатда Мажнун (телба) деб аталишига олиб келади. Бу иккни хусусиятдан бири шу эдикни, Қайс доим ўтга талшинар, ўтда қандайдир сирли маъно анлагандек бўларди. Иккни чидаи, у бешикдалигида кўп йиғлар ва йиғисида қандайдир ўзгача чуқур дард бор эди. Навоий бу ҳақда шундай деб ёзади:

*Ўт кўрсаки майл этиб ниҳони,
Ишқ ўти тасаввур айлаб они.
Бўлмай гофил дами ғаму дард,
Улғайтибон они дард парвард.
Мадҳ иҷраки тортибон фигонлар,
Афғонида дардин нишонлар.*

Қисқаси, Мажнун фожиасини Навоий тасодифий бир ҳол демай, унинг болаликдаги интилишлари билан ҳам боғлаганини яққол кўришимиз мумкин.

Фарзандга нисбатан меҳр-шафқатли бўлиш масаласи «Садди Искандарий» достонида алоҳида ўрин эгаллайди. Навоий талқинича, Искандар бефарзанд Юон подшоси Файлақусининг йўлдан топиб олган боласи бўлади. Бироқ, Файлақус уни ўз жигарбандидек билиб, шоҳона тарбия қила бошлайди. Навоий фикрича, подшоҳ унга саройдан эмас, кўнглидан, балки жонидан ўрин берган эди:

*Мулукона тартибу ойин била,
Ёрутти кўзин ул жаҳонбин била.
Қилиб ҳифзига кечакундуз қиём,
Фузунроқ этиб дам-бадам эҳтимом.
Берив парваришқа муносиб хурии,
Муносиб хуришдан топиб парвариш.
Ани асрмай коҳу айвон аро,
Ясаб ер кўнгул ичра, бал жон аро.*

Файлақусининг ана шундай юксак одамгарчилиги ва тарбияси туфайлигина Искандар келажакда одил подшоҳ, буюк лашкарбоши ва олим бўлиб етишади.

Шунингдек, «Лисонут-тайр» достонидаги қушлар ҳаётни билан боғлиқ эртакнамо сюжетлар, ранг-баранг ҳаётний ҳикоятлар ҳам болалар дунёсига жуда ҳамоҳанг. Хуллас, Навоий, хоҳ лирика борасида бўлсин, гоҳ достонларда бўлсин, гўдаклар оламини четълаб ўтмаган. Аксинча, шонир жуда кўп асарларида халқимизнинг бо-

лајонлик анъаналарини давом эттириб, доим фарзанд тарбияси масалаларнга кишилар диққатини тортиб келгани. Шунинг учун Навоийнинг ҳам адабий, ҳам илмий мероси фарзандларимиз тарбиячилари учун доимо катта мактаб ва ноёб ҳазина бўлиб қолади.

БЕХИСОБ МУЛҚ ВА ОЛИЖАНОБ ҲУЛҚ ЭГАСИ

Ўтмишда жамият иқтисадий ҳаётининг асоси мулк бўлиб, ҳалқ турмушининг яхши ёки ёмон булиши кўп жиҳатдан мулкдорларга боғлиқ эди. «Мулқ» деганда, биринчи навбатда, кўчмас мулк — ер, ишлаб чиқариш корхоналари, воситалари, тегирмои, абжувоз, дўкон, боғ ва ҳоказолар тушунилади. Кайси мамлакатда ердан юкори ҳосил олиниса, одамларга керакли кийим-кечаклар, озиқ-овқат кўп ва сифатли ишлаб чиқарилса, ўша мамлакат ривожланган мамлакат ҳисобланади. Бу ишлар яхши йулга қўйилмаган, ҳамма нарса ташқаридан келтириладиган мамлакатлар эса қолоқ, очлик ва яланғочликка маҳкум мамлакатлар деб қаралади. Олимларнинг пухта илмий асарлар яратини, шонрларнинг яхши шеърлар ёзиши ҳам маълум даражада шунга боғлиқ. «Маҳбубул-қулуб» асариде Алишер Навоийнинг ер ва унга буғдоӣ экиб, мўл-кўл дои ҳосили олган ер эгаси — деҳқонлар ҳақида: «Оlam маъмурлиги алардии, олам аҳли масрурлиги алардии. Ҳар қаён қилсалар ҳаракот, элга ҳам қут еткуур, ҳам баракот», деб ёзиши бежиз эмас эди.

Бу ўринда: «Навоийнинг ўзи-чи?» деган савол туғилади. Навоийнинг ўзи ҳам катта мулқ эгаси бўлган. У даврда энг муҳим мулк аввало ер эди. Давлат олдида хизмат курсатган одамларга, амалдорларга, шоҳ атрофида қариндошлиқ, туғинингланлик даражасида, шайхлик, домлалик, олимлик мавқенда бўлган кишиларга бериладиган, ажратиладиган ерларнинг мулки хосса ва холиса, мулки ушрий, суюрғол, вақф қаби турлари мавжуд эди. Бу ерларга солиқ солинимас, солиниса ҳам кам солиниар эди. Оддий деҳқонларнинг ерлари хирож солиги солинадиган ерлар ҳисобланарди.

Навоийнинг ота-боболари ҳам темурийларга кўп хизматлар қилган, бишобарин, уларнинг катта мол-мулклари ҳам бўлган ва уларнинг бир қисми Навоийга мерос сифатида ўтган булиши мумкин. Лекин Навоий асосан Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврида «Ҳазрат овози

давлатида» катта бойликка, мол-мулкка эришди. Бу вақтда, хусусан, Ҳирот ва унинг атрофидаги талайгина ғаллакор ерлар, бошқа оддий экинзорлар, дўконлар, боғ-роғлар, коризлар подшоҳ томонидан унга кўп кишилар гувоҳлигида ҳужжатлаштириб берилган, уларнинг баъзиларини Навоий ўзи сотиб олган эди. Навоий бу ерлардан тирикчиликка етиб ортадиган даражада катта ҳосил оларди. Бу ерларнинг бир қисмини ўзи қурган «Ихлосия» мадрасасига кейинроқ вақф қилиб бергани ҳақида Навоий «Вақфия» асаридан бизга қуйидагиларни маълум қилади: «Ҳирот дорус-салтанасида ва теграсида ҳарна мустағал ва даконин ва боғ ва ер коризким, ул Ҳазрат (Ҳусайн Бойқаро—А. Ҳ.) овони давлатида бу фақирнинг мулки эрди ва аларнинг байъ ва широсида шаръ қавоидин кўп маръий тутулуб эрди ва баҳоларидин бир дирам мавқуф қолмайдур эрди. Андоқким, бу маъниға аимман ислом, балки ҳавос ва авомдин кўни воқифдурлар ва бу бобда таҳсинлар қилиб, инсофлар берурлар ва муддатлар бу фақир (Навоий — А. Ҳ.)нинг тасарруф қабзасида ва тамаллукни илгина эрди, бу бинқоъға вақфи саҳиҳи шаръий қилдимким, бу икки буқъанинг иморати ва саканасининг вазойифи билан борча маунати андин ҳосил бўлуб, шарт қилғон дастур билан сарф бўлғай». (Алишер Навоий, Асрлар, 13-жилд, Тошкент, 1966, 172-бет.)

Матнинг ҳозирги ифодаси: «Салтанат маркази Ҳиротда ва унинг атрофига бир қанча ғалазор ва дўконлар ҳамда боғ ва ер ҳамда кориз у Ҳазрат давлати замонасида бу фақирга мулк бўлган эди. Уларнинг олди-соттисида шариат қондаларига кўп риоя қилинар ва тушган даромадларидан бир дирҳам ҳам ушланиб қолмас эди. Бу ишлардан ислом бошлиқлари, балки хослар ва оддий одамлардан кўплари хабардордирлар ва бу борада таҳсинлар қилиб, инсоф билан тан берадилар. Ана шу мулк қанча фурсат фақирнинг ихтиёр дастасида ва эгалик қўлида эди. Ана шу жойларни шариат қондасига биноан тоза вақф қилдим. Бу икки буқъанинг иморати ва унда яшовчиларнинг вазифалари билан барча озиқ-овқати ва тирикчилиги үшандан келиб чиқади ва шарт қилинган қўлланма билан сарф этилади» (Алишер Навоий. Вақфия. Тошкент, 1991, 62-бет. Матнининг замонавий ифодаси А. Қаюмов томонидан амалга оширилган).

Навоийнинг мол-мулклари фақат Ҳирот атрофида-гина эмас эди. Хондамир «Макоримул-ахлоқ» асарида Навоийнинг мамлакатдаги 40 работни таъмир этганини ёзади ва бу работларниң номини ҳам келтиради. Биз-нинг фикримизча, Навоий хонадонига шу работлардан ҳам маълум бир даромад келиб турган. Заҳириддин Мұхаммад Бобур «Бобурнома»да Навоийнинг қоғоз ишлаб чиқариш корхонаси («қоғоз жувози») бўлганини, Ҳиротда эканида уни маҳсус бориб кўрганини ёзади. Ишлаб чиқарилган қоғознинг ортиқча қисмини у сотгац ва бундан ҳам даромад қилган бўлиши табинй. Навоийнинг бир күплик ўртача даромади, Эрон олимлари ҳисобича, минглаб тиллани ташкил этган.

Навоий ўзига тегиншли ерларда экин экиб, ҳосил олувчилар, ўзининг чорва молларини, қўйларини боқувчи чорвадорлар, дўкондорлар, бөгбонлар ва бошқа касб эгалари, уларнинг шибошилари билан тез-тез куришиб, маслаҳатлашиб, уларга йул-йўриқ кўрсатиб турган. Унинг «Вақфия»даги қўйидаги сўзларидан бу ҳақда кўп нарсани уқса бўлади: «Шуни айтмоқ керакки, улус ичидаги улуғлардан бошқа оддий одамларгача ҳарбий хизматчилар ичидаги амирлик ўринидаги базм тузганлардан хорлик жун тўшини кийиб, ожиз ўлтирганларгача, халқ ичидаги дала ва даштини омон экинзори сингари кўкартириб, бойлик маҳсулларини ҳосил қилгандаги осмондек иккита букилиб, хуша (машоқ) териб, кечгача тириклигига етгудек, Ҳулкар юлдузидек бир ҳовуч доирига тузганларгача, ёсоғлиқ (чорвадорлар) ичидаги бойлик дала-сидаги ҳар сурук қўйдан йилда ҳамалдек (қўй шаклидаги осмон буржи) минг қўзи олиб, унга қаноат қилмагандардан тортиб йўқсанзлик дараларида қўй боқиб, йилда жадидек (тоғ эчкини шаклидаги осмон буржи) беш эчки ҳақ олганидан шукр қилгандаргача бу нотавонига иши тушмаган одам оз толилади. Бу ишлар учун ҳақ тилаб, миннат қилмадим, балки миннатдорлик қилиб, иш ҳақи учун бирор нарса тутганларидаги қабул қилмадим» (Алишер Навоий, Вақфия, 57- бет).

Навоий ўз ерларидаги ишловчиларга умумий кўрсатмалар бериш билангина чекланмасдан, хусусан, деҳқончилик масалалари билан яқиндан, ишнинг кўзини билиб шуғулланган. Унинг бундай ишларини подшоҳ Ҳусайн Бойқаро ҳам маъқуллаган. Бу тўғрида Навоий «Вақфия»да яна бундай деб ёзади: «Яна шунин айтмоқ

керакки, у Ҳазрат (Ҳусайн Бойқаро)нинг буйруғи билан ва таклифи сабабли маош (тирикчилик, кундалик таъминот) экинзори қуруқ қолмасин, деб бироз деҳқончилик билан шугулландим. Ва ишим, шарнат томони риоя этилгани ва инсоғ тарағи лозим кўрганича бўлгани учун, Таңгри инояти билан кўп маҳсуллар ҳосил бўлди ва ғанимат (бойликлар) қўлга кирди» (Алишер Навоий, Вақфия, 57-бет).

Навоийнинг саховати, олижапоблиги шундаки, бу етиширилган ҳосиллардан, барча мулклардан келган даромадлардан «оддий бир одамининг тирикчилиги ўтмоғига старли» қисмнингина олиб қолиб, қолган қисмини халқ ва мамлакат эҳтиёжларига, «қуёш янглиғ бир кулча билан тирикчилик ўтказувчиларга», эртаю кеч тоат-ибодатда бўлганларга, қолаверса, плм-фан, санъат, маданият ривожи учун зарур бўлган харажатларга, бинойи хайрнилар қуришга, хайру эҳсонга баҳшида қилган. Навоий Хуросонда қурган масжид, мадраса, хона-қоҳ, ҳаммом, работ, хиёбон, кўприк, у ўтказган ариқ, у кавлатгани ҳовуз ва бошқаларнинг миқдори беҳисоб бўлган. Баъзи маинбаларда уларнинг сони 300 дан ортиқ дейилади. Шунинг учун ҳам Заҳириддин Муҳаммад Бобурий Навоий қурилишлари тўгрисида: «Мунча бинойи хайрким, ул қилди, кам кишин мундоққа муваффақ бўлмиш бўлгай»,— деб ёзганида катта ҳақиқат бор эди.

Навоийга тегишли бўлган мулкларнинг аниқ рўйхати бизга маълум эмас. Аммо ҳамма мулкларнинг Навоийда аниқ ҳисоб-китоби бўлган. Унинг, масалан, Астрободда ҳам мулклари бўлганига Хондамир шундай бир мисол келтиради: Кунларнинг бирида Бадиуззамон Мирзо сайр қилиб юрганда Хайробод деган қишлоққа келиб қолади. Бу қишлоқ ниҳоятда чиройли, кўкаламзор бўлиб, у ерда яшовчи одамларнинг феъл-автори ҳам шаҳзодага жуда маъқул келади. Шунда шаҳзода ҳамроҳларига: «Ёраб, шоҳимиз (Султон Ҳусайн Бойқаро) нинг яқин дўстларидан бирин воситачи бўлиб, шу қишлоқни бизга олиб берса, қандай яхши бўларди!» деган истакни билдирган.

Бу қишлоқ Навоийнинг мулки бўлиб, уни бошқарувчи киши — Ҳожа Фиёсиддин Муҳаммад Дехдор деган шахс бу гапни эшитгач, дарҳол шаҳзодага:— Валинеъматим ва маҳдумим (Навоий)га менинг яқинлик ва ионблигим шу қадарки, ул ҳазратнинг мол-ашёсига ис-

таганимча хўжайинлик қилишим мумкин. Ҳозироқ у киши (Навоий) номидан бу қишлоғни шаҳзодага тортиқ қилдим!— дейди. Ҳиротда туриб бу гапни эшитган Навоий ўз ионбиининг жавобидан хурсанд бўлади ва унга катта совға-саломлар юборади.

Навоийнинг ўз мулкларидан олган даромадлари шу даражада кўп эдикни, кимгадир ёрдам қўлини чўзиши, кимнидир бирон тухфа билан қўллаб-қувватлаш учун оддий гап эди. Унинг «Ихлосия» мадрасасида мударрислик қилаётган Бурҳониддин Атоуллоҳга уч мингдан ортиқ динорга мадраса яқинидан ҳовли сотиб олиб бериши, Мавлоно Шаҳобиддин Мудаввинга эгар-жабдуғи билан бир от инъом этиши унга ортиқча қийинчилик туғдирмаган.

Навоий қайси ерини кўлга киритса, уни обод этишга ҳаракат қилган, яхши уйлар қурган, дараҳтлар ўтқазган, гулзорлар яратган. Унгача бойқушларининг уяси бўлган жойларда гуллар очилиб, булбуллар сайраган. Масалан, подшоҳ унга 1476—77 йилларда Ҳиротининг шимол томонидан ҳовли-жой қилиш учун ер ажратиб берганда, шаҳзодалар уриниб обод қилолмаган бу маскандан 30 жериб ёрга девор тортиб, ўзининг туриши учун сарой қурган: «Хулоса, мен у ерда ўттиз жериб ёрга девор тортиб, сарой қурдим. Боғчасига турли дараҳтлардан сафо ва равиақ бердим, ҳар чаманини гулурайхонлар билан безадим» (Алишер Навоий. Вақфия, 58-бет).

Навоий сўзларининг тўғрилигини шундан ҳам билса бўладики, шоҳ ва унинг аъёнлари бу ерда кўп марта меҳмон бўлиб, яхши дам олиб, ҳар гал хурсанд бўлиб кетганлар.

Улуғ шоир ва давлат арбоби Навоий биз учун факат ўлмас шеърлари ва насрин асарлари билангина эмас, балки ўз мазмундор фаолияти, тадбиркорлиги билан ҳам ҳамиша ўриак бўла олади. Ҳозирги вақтда уй қураман, деб бошлиб, қурилишини эса ўн йиллаб ташлаб қўйган, шаҳар ташқарисидан оромгоҳ учун жой олиб, лоақал иккни туп мевали дараҳт ўтқазишга ҳафсала қилмайдиган, ҳовлинида экиладиган ери бўла туриб, бир туп гул ўстирмаган, бола-чақаси мева-чесвага, тўртта помидорга зор бўлатуриб, ҳамма нарсанни бозордан сотиб оладиган, очган фирмаси юлдуз кўрмай жон берган кишилар оз эмас. Чин кўнгилдан мен уларининг

улуг Навоий бобомиздан ибрат олиб, ўз мол-мулклари-га чинакам эгалик ҳисси билан ёнишларини орзу қила-ман.

Чунки Навоий бобомиз ер экканда бундан табнат-нинг ажойиб рангларга бурканишинигина эмас, инсон-ларнинг қорни ноңга, бошқа овқат-озиқларга тўйишини ҳам режалаштирган, кўчат ўтқазганда унинг барг ёзиши, чиройли гуллашинигина эмас, шириин-шакар мева-лар беришини ҳам кўзда тутган, ҳатто гул экканда ҳам бу гулларнинг муаттар ҳидлар тарқатишинигина эмас, унинг ҳар бир гулбаргида шакар унишини ҳам орзу қилган. «Наводирул-шабоб» девошида буюк шоир бундай деган эди:

*Оғиз ичра тилингдек гунчада гул барги тар бўлғай,
Вале бу шарт илаким, барги гул ичра шакар бўлғай.*

НАВОИЙ ВА ТАБИИЙ ФАНЛАР

Алишер Навоий улуғ шоир бўлигиниа қолмасдан, ўз даврининг улуғ олимни ва мутафаккири ҳам эди. У дунёга ва ундаги барча воқса ва ҳодисаларга фақат шоир кўзи билан эмас, айни вақтда олим кўзи билан, файласуф кўзи билан ҳам қарап, шунинг учун ҳам унинг шеърияти алоҳида ғоявий теранлик касб этган эди. У ўз даври фани даражасида туриб, воқса ва ҳодисаларнинг ички моҳиятни, уларнинг ўзига хос муайян хусусиятларини билишга иштилар эди. Бу жиҳатдан унинг йигитлик йилларида ёзган таржеъбандидаги қўйидаги байтлар жуда характерлинир:

*Назар айла бу коргоҳ вазъига,
Ки ортар тамошосида ҳайратим.
Қуёш йўқки, бир зарра моҳиятин —
Тона олмади саъӣ ила фикратим.
Не келмак аён бўлди, не кетмагим,
Не мабдаъ яқин бўлди, не ражъатим...*

Шоир дунёни улуғ бир коргоҳ (ишхона) деб атайди ва унинг қурилишини, ундаги ранг-бараңг ҳаракатларни, курашларни кўздан кечирар экан, ҳайратга тушади. Ундаги бор нарсаларнинг моҳиятини билмоқчи бўлади, лекин ҳар бир зарранинг ҳам олам-олам сирларга эга эканини тушунади. Унинг на боши бор, на охири. Киши ўзининг на қачон дунёга келишини билади, на қачон кетишини.

Шундай бўлса ҳам, улуғ мутафаккир зўр бериб оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг умумий қонуниятларини англашга ҳаракат қиласди. Умуман унинг дунёни қуръоний асосда тушуниши ва тушунтириши тўғри бўлиб, унинг моддийлигини (яъни тўрт унсур — ўт, тўпроқ, сув, ҳаводан тузилганини), сўнгра унинг маълум бир фазода жойлашганини идрок этади:

*Тўрт унсур, етти кўк, олти жиҳот
Нодиру олий асоси коинот.*

(«Лисонут-тайр».)

Бора-бора у ушбу оламинг агадийлигини, «бу коргоҳда» инсон ўз ихтиёрида эмаслигини, унинг ҳаётини маълум шарт-шаронтларга боғлиқ эканини («кимсага чун йўқ турур бу коргоҳда ихтиёр»), бундаги бир ҳодиса иккинчи бир ҳодисага, бир нарса иккинчи бир парсага асло ўхшамаслигини, яъни унда доимий сифат ўзгаришлари юз бериб туришини, хуллас, диалектика нинг айрим белгиларини сеза бошлайди. Бу жиҳатдан шоирнинг «Аввалгиларга ўхшамас» радифли газалининг қўйидаги байтлари таҳсина газалининг қўйидаги байтлари таҳсина лойик:

*Кўнглум ичра дарду ғам аввалгиларга ўхшамас,
Ким ул ойнинг ҳажри ҳам аввалгиларга ўхшамас.
Не ситамким қилса, захми маҳфий эрмас зимнида,
Эмди қилса ҳар ситам, аввалгиларга ўхшамас.
Демангиэ Ширину Лайли онча бор ҳусн ичраким,
Хўблукқа ул санам аввалгиларга ўхшамас...
Ишқ аро Фарҳод ила Мажнунга ўхшатманг мени,
Ким бу расвойи дажам аввалгиларга ўхшамас...*

(«Наводируш-шабоб».)

Алишер Навоийнинг табиий фанларга қизиқиши, дунёни тушунишда уларнинг ютуқларидан фойдаланиши қонуний бир ҳол эди. Навоий яшаган даврда фаннинг энг ривожланган соҳаларидан бири астрономия эди. У XV асрда астрономия соҳасида Марказий Осиёда яшаган олимлар, хусусан, Улуғбек эришган ютуқлар билан фахрланди ва олимнинг Зичи ҳақида «Фарҳод ва Ширин» достонида қўйидаги машҳур сатрларни ёзди:

*Расадким боғламиши — зеби жаҳондир,
Жаҳон ичра яна бир осмондир.*

*Билиб бу навъ илми осмоний,
Ки андин ёзди «Зичи Кўрагоний».
Қиёматқа дегинча аҳли айём
Ёзарлар онинг аҳкомидин аҳком.*

Навоий астрономия соҳасида ўз даври эришган ютуқларни синчиклаб ўрганиб, бу соҳада ўзи ҳам гоҳо қизиқ фикрларга келди. Ўрта аср кишиси тушунчасига кўра бир ер ва бир осмон бор эди. Навоий эса бир ғазали матлаъида биз кўриб турган осмондан ҳам бошқа осмонлар борлигига — фазонинг чексизлигига ишора қилади:

*Кайси бир кўкнинг юзунгдек меҳри олам тоби бор?..
Астрономик атама ва тушунчаларни Навоий ўз шеърларида жуда муваффақият билан қўллаб, ажойиб сўз ўйинлари қилади. Буининг учун ушинг ишқий шеърларидан қуйидаги байтларни кўздан кечириш кифоя:*

*То тушубмен ул узору икки гесу ҳажрига,
Эй қуёш, раҳм айлаким, бўлмиш бир ою икки йил.*

*Янги ой, балки тўлин ой демайн, балки қуёш
Тўлун ою қуёшинг узра ҳилолингга фидо.*

*Юз била ашким аритти ёр, шод ўлсам не тонг,
Ким тулуъ этти саодат матлаидин ахтарим.*

Шоирнинг астрономия соҳасидаги билимлари нақадар кенг ва аниқ эканини «Фарҳод ва Ширин» достонида Фарҳоднинг Салосил қўрғонида ётиб, осмон жисмлари — ой, сайёра ва юлдузлар билан гаплашганида ҳам кўришимиз мумкин.

Навоий фақат бир фан доираси билан қаноатланиб қолмасдан, барча фанларни ўрганиш зарурлигини айтади:

*Ва гар илм ичра бўлмай бирга қонеъ,
Баридин баҳравар бўлсанг — не монеъ?!*

(«Фарҳод ва Ширин».)

Шунга кўра у тасвирлаган Фарҳод илоҳиёт билан бир қаторда табиат фанларини, математикани ҳам «алифбе»дек ўзлаштирган:

*Табии-ю риёзи-ю илоҳий
«Алиф», «бе», «те» дек олинда камоҳи.*

Тарихчи Хондамир «Макорим ул-ахлоқ» китобида Навоийнинг яхши математик бўлгани ва унинг ёрдами билан бу фан ривожлангани ҳақида ёзади («Фикри ту зад сўйи риёзий рой, шуд риёзий хулд орої»—«Сенинг фикринг риёзий (математика) илми томонга майл қилиши билан у илм жашнатдай яшнаб кетди»).

Риёзий илми ҳандаса (геометрия), адад (ҳисоб), мусиқий ва нужум (юлдузларга онд) илмларига булинар эди. Булар орасида XV асрда ҳандасанинг аҳамияти ҳам катта эди. Уша даврда Самарқандда, Ҳиротда қурилган буюк-буюк масжид, мадраса ва мақбараларниң лойиҳасини шу илмни яхши эгаллаган муҳандислар тузар эдилар. Шонр «Ғаройиб ус-сигар»даги ғазалларининг биринча қуёш юқорига кутарилиши билан соянинг қисқариши ҳодисасига муҳандис назари билан қараб ёзади:

*Зулфи саркашлиқ қилур ҳар неча ул ой чекса қад,—
Соя гарчи қисқарур доим бийик бўлгоч қуёш.*

Шундай билимлари асосида шонр макон билан замон бирлиги ҳақидаги тушунчаларини бундай ифодалайди:

*Макон бирла замондин сўрмаким, йўқлуқта бор эрди —
Замон янглиғ макон анда, макон янглиғ замон анда.*

Навоий яшаган даврда физика биз тушунган маънода тараққий этмаган эди. Лекин шунга қарамай, Навоий нарса ва табиий ҳодисаларниң жисмий хусусиятларини билишга қизиқар эди. У, масадаи, қоронғида юлдузларниң ёруғроқ чақиашларини таъкидлаб, бир ғазалида («Фавонд ул-кибар») бундай дейди:

Хушроқ кўрунур юлдуз чун тун бўлур қаронгу.

Тонгда уфқининг кулранг товланиши ҳақида шонр бундай деб ёзади:

*Кулга булғониб, яқосин чок этар ҳар субҳ ҷарх,
Бир қуёш ишқида гүё мен киби девонадур.*

XV асрда Шарқ фашининг энг аянчли, шу билан бирга, энг кулгили соҳаси кимё эди. Кимёгарларниң кўплари мисдан тилла олишга уриниб, бунинг уддасидан чиқа олмай, элга мазах бўлар эдилар. Шу билан бирга, фойдали ишларниң кетидан тушган кимёгарлар ҳам кўп бўлган. Бу даврда Шарқда пороҳ кашф этиб бўлинган эди. Ҳирот ва бошқа шаҳарларда шиша ишлар технологияси ҳам аинча яхши ўзлаштирилган эди. Навоий «Ғаройиб ус-сигар» девонидаги бир ғазалида:

*Бода ҳажридин оқармии кўзларим, эй пири дайр!—
Айлагил май шишасидин синдириб айнак манга!—*

дер экан, бу беҳуда гап эмас эди. Навоий «Мажолис уннафоис»да Мавлоно Муҳаммад Олим, Султон Маҳмуд, Мавлоно Қавқабий, Ҳожа Авҳад Муставфий каби астрономлар билан бир қаторда Ҳожа Абул Бафоий Хоразмий, Ҳожа Аҳмад Муставфий, Мавлоно Абдулқаҳор каби кимёгарларни, яъни улуми ғариба вакилларини ҳам эслаб ўтади. Навоий Абдулқаҳор ҳақида ачиниш билан: «Мавлононинг ҳаёти кимёгарликка тушиб, кўп нима зоеъ қилиб, ҳеч нима ҳосил қила олмади. Кўп ўт пувлагандии модда қулоги сари ишиб, кар бўлиб эрди», деб ёзади. Фан билан шугулланиш у даврларда кишиларининг шахсий иши бўлгани, давлатдан уларга ҳеч қандай ёрдам бўлмагани учун улар кўп вақт меҳнатга куяр, қашноқ ҳолда яшар эдилар. Навоий ўз даври кимёгарлари ишларидаи ҳам доим хабардор эди. У масалан, кумушининг ўтда симобдек эриб, шамолдан титрашиши гўзалларнинг жисмига ўхшатиб:

*Сийм ўтдин сув бўлур, елдин ажойибдур буким,
Титрамақдин сиймбарлар жисми чун сиймоб эрур,—*

деб ёзар экан, бу ҳолатни у кимёгарларнинг лабораториясида ўз кўзи билан кўрганига ҳеч шубҳа қилмаса бўлади. Ўша давр кимёгарлари қоғозга хино суви билан ранг беришини ҳам кашф этган эдилар. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ёзишича, Навоийнинг қоғоз ишлайдиган ўз жувози бўлиб, қоғозга хино сувидан ранг бериш ишининг ҳам у кўп марта гувоҳи бўлган бўлиши керакки, у «Фаройиб ус-сиғар»да ўз юзининг сариғлиғини «Қоғазедурким, хино суйи била рангин эрур», деб таърифлайди.

Навоий «Садди Искандарий» достошида Маллудек ҳийлагар душманнинг истеҳкомини эгаллашда портловчи моддалардан фойдаланиш катта иш бергани, телевизорга ўхшаш аппаратларни яратишда шишанинг аҳамияти ҳақида ёзар экан, бу билан у ушбу кимёвий кашфиётларнинг истиқболи катта эканига ишора қилган эди.

Кимёга яқин соҳалардан бири фармакология бўлиб, дори тайёрлаш билан кимёгарларгина эмас, табиблар ҳам шуғулланар эдилар. Турли кўкатлардан ва мева сувларидаи хилма-хил дорилар, шарбатлар ва малҳам-

лар тайёрланган. Шу билан бирга, дори тайёрлашда айрим минераллардан, ҳатто қаттиқ жисмлардан фойдаланиш ҳоллари бўлган. Масалан, кишининг раингини очиш, қонини тозалаш учун лаъли ҳавончада туйиб, унинг талқонидан бошқа безарар кимёвий моддалар билан қоришириб, касалга юттирганлар. Бу дори беморга ёқкан тақдирда, унинг чеҳраси очилиб, ранг кирган. Бундай даволаш усулидан хабардор Навоий «Фавойдул-кибар»даги бир ғазалида бундай деб ёзади:

*Лаби шавқи ичимда, юзда қон ёшим, ажаб эрмас:
Юзинда лаъл ютқоннинг бўлур дерлар асар пайдо.*

Навоий ўз шеър ва достонларида кофур (камфара) нинг хусусиятлари ҳақида ҳам кун ёзади. Навоий киши баданининг ўтда куймаслигини таъминлайдиган кимёвий воситалар ихтиро қилинишини ҳам орзу қилган эди. «Фарҳод ва Ширин»да Фарҳодга Сукрот ҳаким ўтда куймаслик учун самандарнинг ёғини беради. Шу туфайли Фарҳод аждарнинг оғиздан чиққан ўтга бардош беради. Лекин бу афсона эди. Навоий Шарқда баъзи қабила кишиларининг қизиқ тош ва чўғ устида бемалол юриш ҳодисаларини эшитган бўлиши мумкин.

Навоий ўз даври тиббиётiga ҳам ҳурмат билан қараган. У «Мажолис ун-иафонс»да ўз даврининг машҳур табибларидан Мавлоно Ҳаким билан Мир Ислом Фаззолий кабиларни тилга олади. Мир Ислом Фаззолий ҳақида улуғ шоир «тиб ва ҳикматда маҳорати бор эрди», деб ёзади. Ўрта аср Шарқ тиббиётининг қуёши Абу Али ибн Синони эса «Ҳайрат ул-аброр»да ақл рамзи —«Бу — Алийн фикрат» деб атайди, улуғлайди. «Фарҳод ва Ширин»да шоир тиб ва ҳикмат ҳақида:

*Ва лекин тиббу ҳикмат ҳам эрур хўб,
Ки сиҳҳатдур киши жисмида матлуб,—*

деб ёзар экан, у ҳаммани тиббиёт қоидаларига амал қилишга чақиради. Үнинг фикрича, кишининг бир хилда соғ юриши овқатни меъёрида истеъмол қилиши билан боғлиқ. Иштача бор деб олдидаги бор овқатдан беўлчов еб-ичиш одобдан ҳам эмас, танга ҳам зарар. У «Маҳбуб ул-қулуб»да бундай дейди:

*Кўп демак бирла бўлмагил нодон,
Кўп емак бирла бўлмагил ҳайвон.*

Шу жумладан, Навоий фикрича, суюқликни, хусусан, сувни кўп ичиш ҳам сиҳат учун бефойда. У бир шеърида: «Замзам ўлсунким, кўп ичса, еткуур озор сув!»— дейди. «Фарҳод ва Ширин»да уқтирилишича, меъда қабул қилмаса, умрни чўзадиган сув («ҳайвон сүйи»— оби ҳаёт) деб мақтасалар ҳам ундан воз кечиш керак:

*Агар ҳайвон сүйидур ғайри мақдур,
Эрур, гар меъда қилмас ҳазм, маъзур.*

Навоий ўз даврида заифлашиб кетган беморни доғлаб тузатишлигини («Доғ эмиш дарди шалойин хастага охир даво»), яраларни эса кигиз куйдириб босиш, малҳам билан даволаганинни хабар қиласди. У бир қанча касалликларнинг аломатларини тўғри белгилайди. Унингча, кўзга хол тушса, кўз кўрмайдиган бўлиб қолади («холдин кўз тийра бўлмоқ расм эрур...»), киши бир нарсадан қаттиқ таъсиранса, уйқуда тишини ғижирлатади («рашқдин ҳар лаҳзада тиш қирчилдотурмен уйқуда...»), ақлдан озган киши оғзиға келган нарсани ганиради, ўт билан сувни яхши кўради ва ҳоказо.

Навоийда үсимликлар ва ҳайвонот оламига қизиқиши ҳам кучли эди. Унинг апельсини (норунж), беҳи, апор ҳақида ёзган шеърлари foят гўзал. У меваларнинг ҳосилдорлигини ошириш ва сифатини яхшилашда пайванднинг аҳамиятига катта баҳо берар эди. Унинг «Наводир уш-шабоб»даги қуйидаги байтидан ҳам буни сезиш қийин эмас:

*Новакнинг жисмимга сончилгоч, етишти юз бало,
Шоҳ уза қайванд қилгоч, мунчаким топмии самар.*

Шоирнинг ранг-баранг ҳайвонлар, қушлар, ҳашаротлар ҳақида ёзганинни ўқиб, уни ўз даврининг буюк зоологи деб ҳисоблаш мумкин. У ҳайвон ва қушларнинг хусусиятларини, номларини foят чуқур билган. Масалан, «Мұхокамат ул-луғатайш»да у турклар кийикнинг эркагини «хұна», ургочисини «қылчоқчи», суйқун (кийикка ўхшаш ҳайвон) нинг эркагини «буғи», ургочисини «марал», тұңғизнинг эркагини «қобон», ургочисини «мегажи», кичкиналарини «чұрпа», ўрдакнинг эркагини «сұпа», ургочисини «бүрчин» деб аташларини айтади. Туркларда, Навоий хабар беринича, ўрдак хилларининг журка, эрка, сұқтур, олмабош, чоқирқанот», темирқапот, алдалдага, олапука, боғчал каби етмишдан ортиқ

номи бўлган. Ёш отцииг ҳам той, ғўнаи, дўнан, тўлон, чирға, ланға каби бир қанча номлари бўлган. «Лисон-ут-тайр»да ҳам Навоий ўнлаб қуш ва ҳайвонларининг номини тилга олади ва уларниң образини чизади.

Навоий ҳайвои ва қушлариниң биологик хусусиятларини, уларниң нима билан озиқланишини, қандай шаронтда яшашини, руҳиятини ҳам яхши билади. Уининг ёзишича, қушлар илонни кўриш билан қичқириша бошлайди («... қушлар қичқиришқайлар йилои кўргач»), чунки илон — қушларга ўч; кўршапалакниң кузи йўқ, шунинг учун у қуёшини кўра олмайди; ит инсонга шунчалик яқинки, у ҳатто эгаси ўлса, йиглаб нолали хуриши мумкин ва ҳоказо. Навоий «Ҳамсат ул-мутаҳайирии» асарида Абдураҳмон Жомийниң товуслар ҳақидаги потўғри фикрини юксак одоб билан рад этгани ва ажойиб тасодиф билан ўз гапи тўғрилиги исбот бўлганини ҳикоя қилади.

Биз Навоийда ҳайвонот ва наборот оламига муҳаббат қанча зўрлигини, бу соҳада унинг билимлари нақадар кўплигини унинг «Лайли ва Мажиун»да чўл ва тоғ жониворлари, айниқса, «Садди Искандарий»да Ҳиндистоннинг табиат манзаралари тасвирида янада яққол кўришимиз мумкин.

Навоийниң географик маълумотлари ҳам кенг бўлган. У Осиё, Африка ва Овруподаги кўп халқларни, кўп мамлакатларни ва шаҳарларни билар, уларниң номларини ўз асарларида қайд этар эди. У «Садди Искандарий»да ёввойи қабилаларни тасвиrlайдики, бундай қабилалар дунёниң айрим ерларида ҳамон учраб туради.

Улуғ шоирниң океанографияга қизиқиши ҳам характерли. У дengiz ва океанларда саёҳат қилмаган ҳолда (шоир Астрободда эканлигига Каспий дengизида саёҳат қилган бўлиши мумкин), Фарҳод, Искандар, Мөҳр ва Суҳайлиниң дарё ва дengиз саёҳатларини ғоят ишонарли ва мароқли қилиб тасвиrlаган. Унинг шўр дengиз ва океан сувлари ичида гоҳо чучук сув ҳам учраши ҳақида «Наводир уш-шабоб»даги байти ҳам ҳақиқатдан узоқ эмас:

*Фурқат ичра шарбати лаълинг висоли кам бўлур,—
Гарчи дерлар талҳ дарёда чучук сув ҳам бўлур.*

Булар ҳаммаси Навоийниң табиий фанларни яхши ўрганганини, дунёни билишда уларниң аҳамиятини түғ-

ри тушунганини кўрсатади. Хондамир «Макорим ул-ахлоқ» асарида Навоий катта давлат арбоби бўлиб турган вақтларида ҳам, «донмий одатига кўра ўзининг бутун қутлуг кунларини китоблардаги сўзларни тузатиш ва маъноларини текшириш, далилларни тартибга келтириш ва масалаларни аниқлаш, нақлий илм сирларини очиш ва ақлий фанларниң нозик иуқталарини топишга сарф этди», деб ёзган эди. Бунда Навоийнинг «далилларни тартибга келтириш» билан шуғулланган диққатни ўзига тортади. «Далил» (кўилиги: «далойил») деб маълумотнома характеристидаги асарга айтилади. Демак, Навоийнинг қўл остида доим турли фанларга оид китоблар бўлган.

Навоий дунёдаги энг улуғ нарса одам ва унинг ақлидир, деб ҳисоблар эди. Унинг фикрича, оламдаги энг қийин масалаларни фақат инсон ақлигини ҳал қила олади. Ў бу ҳақда «Маҳбубул-қулуб»да очиқ ёзади:

*Кишига неча келса мушкул ҳол,
Ҳикмату ақл анга эрур ҳалол!*

Шунинг учун инсон доим ўқиши, ўрганиши, олдига қўйган мақсадига эришиши учун астойдил уриниши, интилиши керак. Навоий ўз ноёб қобилияти, ўз устида қаттиқ ишлаши, ижодий ишга бутун вужуди билан берилгани, ўз халқига улкан муҳаббати ва садоқати туфайли мудҳиш ва мураккаб ўрта аср Шарқи шаронтида шеърий ижодининг, илм-фаннинг энг юксак чўққиларига кутарила олди.

АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ХАЁЛОТ

Ўз даврининг буюк ижодкори Алишер Навоий ўзбек адабиётини турли жанр ва шакллар билан бойитди, уни жаҳон адабиёти даражасига кўтарди. Унинг поэзиясиша шеърий шаклнинг ранг-баранглиги, чуқур мазмун, фикр ва хаёлот (фантастика)нинг баланд романтик парвози, XV асрда Хуросондаги феодал турмушнинг реалистик тасвири хосдир.

Илмий-хаёлий тусда тасвирланган манзара ва воқеалар Навоий асарларида айрима ўрин олади. Бу энг аввало ўрта аср Шарқи шаронтида шоирнинг фан, техника тараққиёти соҳасидаги жасоратли ғоя ва орзулари билан боғлиқдир. Навоий 20—25 ёшларнда ўз қитъаларидан бирида иймон ва эътиқоди юксак инсоннинг сув юзида эркин юриши ва ҳавода учиши ҳақида:

Хиромон сувда сойир бўлмоқу учмоқ ҳаво узра,
Ажаб эрмас — қачонким ростравлиқ қилса озода,—

деб ёзган эди.

Навоий мулҳазасича, фақат мардонавор кишилар ўзининг соғ вижданни, садоқати туфайли бундай мақсаднинг уддасидан чиқа олади. Шонр маънавий омиллар аҳамиятини юксак қўяди.

35—45 ёшларида ёзган ишқий газалларининг бирида Навоий инсоннинг ҳавода қушдек учиши ҳақидаги истакларини шундай тасвирлаган эди:

*Муҳандисе топаю эгнума қанот ясатай,
Учуб ҳавосида, қушлар аро ўзумни қотай.*

Навоий инсоннинг парвози ҳақидаги фикрларини юзага чиқаришни муҳандис фаолияти билан боғлайди. Учиш учун инсонга муҳандисгина қанот бера олади дейди. Бу ҳақиқатга яқин хаёлотдир.

Шонрнинг бутун умри давомида бу муаммо ушинг фикри-энкридан чиқмас эди. Кексайгани чоғларида газалларидан бирида у яна бундай деб ёzádi:

*Суст ҳимматлиғ била учмоқ не мумкин, эй ҳаким,
Ҳикмат авроқи ики энгнинг уза пар бўлди — тут.*

Бу мисраларда Навоий инсоннинг фазога учиши ҳам ахлоқий омиллар, ҳам инсоннинг донолиги билан шартланган, яъни инсон ўз елкасига донолик варақларини қанот қилиб боғлагандагина уча олади, дейди. Инсон парвози тўғрисидаги Навоий орзулари бу ҳақдаги бой халқ фантазиясига ҳамоҳанг бўлиб кетади.

Илмий-хаёлий унсурлар «Хамса» достонларида, айниқса «Фарҳод ва Ширин», «Сабъаи сайёр» ва «Садди Искандарий»да ўз тараққийсини топди. Буларда шонрнинг илмий хаёлот мавзуи хилма-хилдир. Биз учун биринчи ўринда Навоийнинг киши меҳнатини, халқ меҳнатини енгиллаштирувчи, такомиллашган ишлаб чиқариш қуроллари ҳақидаги орзуси қизиқарли кўришади. Бу жиҳатдан «Фарҳод ва Ширин» достонида Фарҳоднинг фароғат топиши учун солниаётган тўртта улкан сарой қурилиши жараёни жуда характерлидир. Бу саройлар машҳур усталар томонидан ғоят тез суръатда қурила бошлайди. Бундай суръат учун энг кераги ғоят такомиллашган иш асбобидир. Масалан, бу саройлар-

нинг бош бинокор устаси ва унинг итоатидагилар қаттиқ төғ жинсларини шундай үткір тешалар билан сипдириб ишлайдики, гүё улар тош әмас, худди пичоқ билан сариғе кесгандай:

*Итиқ тешаларига ҳар қаро төғ,
Пичоқ олинда андоқким сариф ёғ.*

Қурилишинг ҳамма жараёнларини діңқат билан кузатиб турған Фарҳод бу ажойиб асбоб билан қызықади ва бош бинокор уста Қорандан унинг сирини сұзлаб беришни илтимос қиласы. Қоран асбобнинг бенихоят үткір ва чидамлилигининг ҳамма сири пұлатнинг махсус усулда тобланишида, деб жавоб беради.

*«... Ания сув бермагида ҳолати бор,
Ки андин айламасбиз элга ихбор.
Су берса үйла афзориға үстод.
Юз ил хоро дейманким йұнса пұлод,
Синардин тешавар осуда бұлғай,
Тугангай баски ишдин суда бұлғай...»*

Фарҳод пұлатни бу хилда тоблашни құнт билан үрганди, ҳавосини олди, бу санъатнинг камолига етгунча, тажриба учун унинг раҳбарлигига үзи ишлай бошлади. Пироварди, иият қылғани — бу ишнинг устаси бұлди. Бу ҳақда Навоий бундай деб ёзади:

*Қилиб бир дамда онча иш ниҳони,
Ки қылғай ұзгалар бир ойда они.*

Маълумки, кейинчалик бу санъат Арманистанда канал қазиша Фарҳодга жуда асқотди. Навоийнинг энг юксак орзуларини ифодаловчи Фарҳод санъат ва илм халққа хизмат қилиши, унинг мушкулини осон қилиши керак, дейди. Шоирнинг Фарҳод тилидан:

*Хұнарни асрабон неткүмдир охир,
Олиб туфроққаму кеткүмдүр охир,*

деган ҳикматли сұзлари жуда ибратлидир.

Фарҳод Арманистанда төгни кесиб үтган канални қазиша мислсиз машаққат чекаётган кишиларни күради. Улар Фарҳодга бундай дейди:

*Бу хоро теша бирла бұлмас ағфор,
Нечукким теша, метин айламас кор,*

*Эрур уч иилки жон тортиб ҳамеша,
Ушолмай қолмади метину теша.
Машаққатдин йигитни эл қари дер,
Ки қозилмиш ики-уч юз қари ер...*

Куриб турибмизки, улар энг аввало ўзларининг жуда мұрт, ўтmas, содда қуроллари метиндең төр жинслирига кор қылмаётганидан, шу туфайли төр қазиш илгари босмаётганидан шикоят қыладилар. Фарҳод уларга күмаклашиш учун дастлаб пишиқ шўлатдан ўзига теша ясайди, уни Қоран усулида тоблайди. Бу қурол шарофати билан у канал қурувчиларга катта ёрдам беради ва Ширин муҳаббатига сазовор бўлади.

Навоийнинг бу ўринда ишлаб чиқариш қуролларини такомиллаштириш ҳақидаги орзуси сугориш, қурилиш ишлари ҳали жуда оддий усулда олиб борилаётган ўрта аср Шарқ муҳитида шоирнинг жамият тараққиёти ҳақида чуқур фикр юритганидан далолат беради.

«Фарҳод ва Ширин» достонининг бир ерида қадимги юнон донишманди Суқрот ўз горида Фарҳод ва унинг ҳамроҳларини назокат ва шод-хуррамлик билан қабул қилиб, Фарҳоднинг отасига ичиде сирли суюқлик бор бир шишача (муҳра) совға қиласди, у сув жамики қасалликларга шифо бўладиган, кишига куч-қувват бериб, қарини ёшартирадиган дори экан. Шоирнинг бундай орзу-хаёллари ўз замонаси учунгина эмас, бизнинг кунларда ҳам зўр эътиборга эга.

«Сабъаи сайёр» достонида тасвиirlанган иккинчи сайёҳ ҳикоясидаги бир воқеа ҳам характерли. Заргарлик ишининг моҳир устаси Зайд Рум мамлакатида подшоҳга атаб мисли кўрилмаган, қулоқ эшитмаган, истаган тарафга юрадиган, саккиз фидиракли тахт ясаган. Тахтнинг саккиз зинаси бўлиб, киши биринчи зинапояга чиқса, унинг ўзи кишини юқори кўтаради. Кўришиб турибдики, Навоий тасвиirlаган тахтнинг ҳозирги автомобиль ва эскалатор тузилишидан тафовути кам.

Маълумки, кўп илмий-техника кашфиётларини амалда рўёбга чиқаришдан аввал инсон уни хаёл қилган. Шу йўсинда Жюль Верн ва бошқа хаёлнарастлар маълум вақтларда фан ва техникага йўл кўрсатишган. Бу жиҳатдан Навоийнинг илмий хаёлоти ҳам диққатга сазовордир. У фақат ижтимоий фанлар бўйичагина зўр билимдон бўлмай, ўз даврининг жами фанларидан боҳабар эди. У фақат шоир ва санъат кишиларига эмас, балки

ҳамма соҳадаги олимларга — табиб, математик, астроном, қурувчи-муҳандис ва бошқаларга ҳам ҳомийлик қилди. Гарчи унинг ўзи илмнинг ҳамма соҳаларидағи қийин масалалар билан бевосита шуғулланмаса ҳам, ҳар қайси фанни аниқ тасаввур қиласиди. Навоийни яқиндан билган тарихчи Хондамир ўзининг машҳур «Макорим ул-ахлоқ» китобида уни «излаган киши муродига етади» қабилида иш күрувчи дейди, унинг юрагини конпот маркази, зеҳнини эса ёлғиз срдаги эмас, ҳатто осмондаги мушкул масалаларни ечишга қодир деб тасвирлайди. Хондамир таърифлари бир қаша дабдабали бўлса ҳам, унда маълум даражада ҳақиқат бор. Масалац, унинг қўйндаги фикрлари диққатга сазовор:

*Фикри ту зад сўйи риёзий рой,
Шуд риёзий риёз худ орой.*

Таржимаси: Сенинг фикриниг риёзий илм томонга майл қилди. Риёзий илм эса сен туфайли гулзорга айланди.

Бу сатрларнинг маъноси шуки, Навоий математиклар билан алоқа қила бошлаши ва уларни ўз ҳимоясига олиши билан бу фан анча ривоҷланган ва бу соҳада купгина янги илмий асарлар ёзилган.

Бундан эса Навоийнинг илмий хаёлоти маълум даражада унинг аниқ фанлар соҳасида эришган билимларига асосланган деб холоса чиқариш мумкин.

«Фарҳод ва Ширин»даги ойнаи жаҳон қиссаси бир бутун мустақил қиссадир. Фарҳод подшоҳ ҳазинасида сеҳрли ойнани куриб, орқасидаги уни эгаллаш сирларини ўқингач, отасининг норозилингига қарамай, у сирни излаб толиш йўлига тушади. Мана, отасига у нима дейди:

*Деди: «Ҳар иши қилмиш одамизод,
Тафаккур бирла билмиш одамизод.
Улум ичра манга то бўлди мадхал,
Топилмас мушкиле мен қилмагон ҳал.
Мунинг ҳам билмагунча аслу будин,
Муайян қилмагунча тору пудин,
Не имконким қарор ўлгай кўнгулга,
Тасалли ошкор ўлгай кўнгулга».*

Фарҳод бу ерда кашфиётчи эмас, балки фан сирини очувчи сифатида намоён бўлади. У ўз аскарлари билан

Юнонга боради, йўлда оғзидан ўт сочиб турган аждаҳони енгади, яккама-якка курашда Ахраман девини үлдиради. Тоғ ичида атрофи девор билан ўралган, ўртасида ҳар тарафга нур сочиб турган бир иморатга эсономон етиб келади. Иморат тахмонида Фарҳод Жамшед жомидек нурафшон, юмалоқ ойна кўради, ойнанинг юзи ердаги, орқаси эса осмондаги ҳодисаларни акс эттиради. Ойна тасвири шундай:

*Эшик очиб анга чун қўйди жоми,
Кўрунди тоқида рахшанда жоми.
Сафоу тоб аро андоқки хуршед,
Дема хуршед, балким жоми Жамшед.
Бўлуб гети аро меҳри само ул,
Ҳамул ойинаи гетинамо ул.
Бори маҳфий умур изҳори анда,
Жаҳон ҳолоти равшан бори анда.
Ташида жилва айлаб маркази хок,
Ичинда лек тўққуз даври афлок.*

Хозирги замон тили билан айтганда, Фарҳод худди телевизион марказни қўлга киритадики, отаси хазинасидаги сеҳрли ойнанинг мўъжизаси ҳам шу марказ билан боғланган. Фарҳод бу аппаратни эгаллагач, Юнон сафаридан кузатган ўз ниятига етади ва тезда доно Сукрот билан учрашгандан кейин, уйига қайтади, отаси хазинасидаги ойнадан узоқ Арманистондаги канал қурилишини ва гўзал Ширинни кўриш имкониятига муяс-сар бўлади.

Сеҳрли ойнани кашф этиш жараёни «Садди Искандарий» достонида тасвирланган. Хитой хоқони Искандар билан ярашгандан кейин унинг шарафига катта базм қуради. Базмда Искандарга у бошқа қимматбаҳо буюм ва канизаклар билан бирга икки қисмга эга бўлган ажойиб ойна совға қилади. Ойнанинг бир қисми кишилар орасидаги жанжалларни бартараф қилишга хизмат қилар экан. Агар одам чиң сўзласа, унинг юзи бу ойнада кўринади, ёлғон сўзлаганинг юзи эса кўринмайди. Шундай қилиб, подшоҳ ҳеч қандай гувоҳсиз, ким ҳақ, ким ноҳақ, ўз ҳукмини чиқаради.

Ойнанинг иккичи қисмидан шоҳ базмida фойдаланилар экан. Месъёрида май ичган кишининг юзини у тўғри кўрсатса, бадмаст юзини бузиб, ё узун, ё ялпоқ, ё кичик, ё катта қилиб кўрсатади. Ойнада ўз аксини

бундай кўрган кишилар базмдан кетиш йўлини қилишлари керак.

Бу ўринда шуни қайд этиш керакки, Навоий ўз пломий хаёлотиниң ўзининг инсонпарварлик идеалларига итоат эттиради. Унинг фикрича, фан-техниканинг ривожи ижтимоий ва маънавий масалаларни бартараф қилишга ёрдам бериши керак. Бу шунинг учун ҳам муҳимки, жаҳон илмий хаёлотида бугун биринчи ўринга техник масалалар эмас, ижтимоий-руҳий, этик, фалсафий муаммолар сурилмоқда.

Буюк саркарда ва подшоҳ, олим ва донишманд Искандарни бу ойналар дарҳол қизиқтириди, унга ёқиб қолди. Узок ўйга чўмгандан кейин у бундан ҳам ажойиб, миқёси ва моҳияти жиҳатидан бу хитой ойнасидан афзалроқ ойнани ихтиро этишга қарор қилди. Ҳамма сафарларида ўзига ҳамроҳ бўлувчи жами 400 олим ва донишмандларни йигди. Улар орасида Афлотун ва Арасту, Суқрот ва Гиппократ ҳамда Архимед, фаннинг ҳар қайси соҳасидан вакиллар — файласуф, астроном, математик ва муҳандис-ихтирочилар бор. Улар Искандар раҳбарлигига биргаликда ишлайди. Металл турлари — пулат, мис, қўроғин ва қалайн аралашмаси, айниқса шишадан яхши фойдаланадилар ва зўр бериб ишлашлари натижасида иккита қизиқ аппарат яратишиади; улардан бири осмондаги, иккинчиси ердаги барча ҳодисаларни ўзида акс эттиради:

*Биридин аён бўлди афлок иши,
Яна биридин арсаи хок иши.
Бирида тўқуз чарх тақсим ўлуб,
Бирида аён етти иқлим ўлуб.*

Бу аппаратга унинг ташаббускори Искандар номини беришиб, «Ойнаи Искандарий» деб аташади. Бироқ, юқорида айтганимиздек, аппарат жамоа меҳнатининг самараси бўлиб, Навоий бу мураккаб аппаратни бир кишининг ўйлаб топиши мумкин деб ўйламас эди. Дарҳақиқат, маълумки, телевизон аппарат тарихда биринчи марта 1927—1928 йилларда Тошкент олимлари жамоасининг гайрати билан лойиҳалаштирилган.

Айтилганлардан шу хулоса келиб чиқадики, Искандар фақат адолатли подшоҳ ва саркарда бўлиб қолмай, файласуф, кашфиётчи, ҳар нарсага эҳтирос билан қарорчи ва табиат тадқиқотчisi ҳамdir. Достоннинг схирида у

денигиз чуқурларини ва унинг сирларини текширишга жазм қиласи. Мана, унинг даъвоси:

«... Наботию конию гар жонвар,
Фаройиб мисолу ажойиб сувар,
Сипеҳр этти олида ифшосини,
Ки қилдим борининг тамошосини.
Некем арз сатҳида топмиш вужуд,
Манга бўлди манзур буду набуд.
Ва жкин тенгиз сайрини қилмадим,
Не эрконин ул пардада билмадим...»

Искандар ҳар бирни бир шаҳарга тенг бир неча минг кемалар қуришга буйруқ беради. Ўзига бош маслаҳатчи сифатида денигиз, дарёлар масаласини хийла яхши билувчи доинишмайд Суқротин тайинлади. Дарё, денигизларда кемада кеза бошлаганди, ҳамма кўрганларини, дарёларниң эзи ва узулигини ёзиб бориш ва сўнг жамлаб чиқишини бўюради. Пироварди, ўзи ниҳояти бир неча кишилар билак бирга тезсузар кемада очиқ денигизда сафар қиласи, маҳсус ясалган шиша қурилмада якка ўзи текшириш учун океан остига тушади.

Е. Э. Бертельс «Навоий» китобида бу шиша яшик ҳақида: «Бу ўрнида яна Навоий унинг замонасида фақат орзу-хаёл бўлиб, бизнинг куилардагина рўёбга чиқарилган техника қарилши ҳақида башорат қиласи», деб ёзган эди.

Искандар океан остида юз кун бўлади. У ерда бетобланиб, кема сўфаридан қайтгач, вафот қиласи. Буларниң ҳаммаси ўшонр қизиқарли ва мазмунли равишда тасвиrlаган.

Зикр этилгилардан шундай холосага келиш мумкини, Алишер Навоий ижодида илмий хаёлот алматлари шонр шеъриянинг энг муҳим томонларидаи бирини ташкил этади. Навоийга қадар ўзбек адабиётида ҳеч бир санъаткор ўз ижодида илмий хаёлотга бунчалик аҳамият бермаган. Ўз соҳадаги Навоий анъаналарини давом эттириш шонр ва ёзувчиларимизнинг бу кундаги олижаноб бурнидир.

ҒАЗАЛДАН ҒАЗАЛГА

(Навоий ғазалларига бағишиланған мақолалар
туркүмидан)

«Хұблар тиғи етишмастин бурун бу зор ұлар,
Чин эмишким, бұлса күп қассоб, қүй мурдор ұлар».

Навоийнинг ўрта ёшларда ёзган ва биринчи марта «Наводир ун-ниҳоя» девонига киритилған ғазали матлаи шудир. Арузниң рамали мусаммани маңзұф вазнида, 7 байт.

Мазкур ғазал Навоийнинг аңъанавий-ишқий мавзууда ёзган ва шу мавзу билан боғлиқ ғоя ҳамда образларни куйловчи лирик асаридир. Навоий девонларида бу хил ғазаллар күп бұлыб, уларнинг юзага келиши үша давр адабий анъаналари билан боғлиқ. Катта истеъдоддаға әга бұлған шоирларнинг шундай анъанавий характердаги ғазалларыда ҳар бир қатор асл (оригинал) байтлар борлигини кузатиши мүмкін. Масалан, шоир матлада «хұблар тиғи» деганда маъшуқаннинг киприкларини күзда тутади. Шарқ лирикасида ва бу үринде у ошиқни үлдирувчи тиғни англатади. Маъшуқаннинг тиғи — киприклари әса битта әмас, күп. Маъшуқаннинг тиғсімін киприклари ошиққа яқинлашар әкац, ҳали уларнинг биронтаси ошиқнинг баданига санчилмаек у үз жони билан хайрлашади. Навоий бунинг бадий ифодаси учун ирсоли масал шеърий санъатини құллаб, «қассоб күп бұлса, қүй мурдор (ҳаром) ұлар» мақолини келтирған. Бу мақол ҳозир бизда: «Қүйчибон күп бўлса, қүй ҳаром ұлар» шаклида ишлатилади.

Бу анъанавий ғазал байтларини үлем масаласи билан боғлиқ гаплар, мулоҳазалар үзаро бирлаштириб туради. Шу орқали ғазал қурилиши якпоралик касб этган. Үлемни шоир ҳар байтда турлича талқин этишга уринган. Ғазалнинг түртінчи байтида халқ орасыда машҳур: «Дард бошқа, ажал бошқа» мақоли Навоий талқинида қуидагича изоҳланған:

Дарддин үлмон, танимдин чексалар пайконини,
Жонни ҳар кимнинг танидин чексалар, ночор ұлар.

Яъни лирик қаҳрамон — ошиқ фикрича, у баданига қадалған үқларни суғуриб олиш учун уни қанча қийна-

салар ҳам ўлмаяжак, лекин унинг танидан жонини ол-салар, ўша соати ҳалок бўлиши аниқ.

Навоий ғазалга якун ясаб, матлада бундай деб ёзади:

*Бенаволар оллида умри абаддин яхшироқ,
Ҳажр кишиким фақр йўлида навоийвор ўлар.*

Демак, шоир фикрича, тасаввуфий маънодаги фақирликни, ўлимни Навоий сингари бўйнига олиб яашумидсиз, имконсиз одамлар олдида абадий яшагандан аъло. Шу тарзда Навоий кишиларни ҳаётга, ўлим масалаларига онгли, мағрур қараш сари ундаган.

*

* *

*«Оқара бошлади бошу тўкула бошлади тиш,
Сафар яроғини қилғилки, тушти бошинга иш».*

Навоийнинг кексалик даврида ёзилган ва биринчи марта «Хазойин ул-маоний» девонига киритилган ғазали матлаи шундай. Арузининг мужтасси мусаммани маҳбуни маҳфуз (Мафоилун фаилотун мафоилун фаилун) вазнида, 9 байт.

Мазкур ғазалда шоир инсон ҳаётининг қарилик даврини ўз ҳаёти ва кечинмаларига боғлаб, фалсафий ва бадний жиҳатдан атрофлича талқин этишга, унинг ички маъносини образли қилиб гавдалантиришга ҳаракат қилган ва бунга тўла муваффақ бўлган. Навоийча, қарилик бу сочнинг оқариши, тишлигининг бирин-кетин тўкила бошлаши. Инсонда шундай ҳолат юз бердими, у буни қонуний бир нарса деб тушуниб, тиригида бажариши керак бўлган ишларни тезроқ бажариши ва ҳаётдан кетишга ҳозирланиши зарур. Ҳаёт шундай қурилганки, у шундай қилишга мажбур («тушти бошинга иш»).

Шоирнинг ҳазин таърифича, қариликнинг келгани йигитликнинг кетгани. Тасаввуфдаги фано назариясини тўғри тушунмоқчи бўлган киши, демак, ҳаётни қўйидаги икки сўздан иборат деб билмоғи керак: бориш ва қелиш.

*Йигитлигим борибон келди бошима қарилиғ,
Фано йўлида бу янглиғ эмиш боришу келиш.*

Навоий бу ғазални ёзаётганда, қирқдан ўтиб, эллик томон қадам қўйган эди. У қариликка юз ўгирадар экан, босиб ўтган ўз ҳаёт йўлидан олган биринчи таассуроти

одамларининг феълу атворида бир-бирига муруватнинг етишмаслиги, бирорга мингта яхшилик қилсанг, ўзиннга буниш биттаси қайтиши ҳам қийнилиги эди. Шоир таасуф билан бу ҳақда дейди:

*Юз улки қирқдин элликка қўйди, юз қилса,
Минг ишидин бирига яхшилиқ муҳол эриш.*

Навоий ўз турмуш тажрибаси асосида ҳаётнинг ўқдек тез утишини қариликда букилган инсон қаддини ёйга ўхшатиш, унинг ёшлиги билан кексалиги орасидаги масофани эса унинг қўлидаги ҳассани шу ёйнинг ипикеришига қиёслаш орқали ифодалаган:

*Эрур ҳаётнинг ўқ янглиғ ўтмакига далил,
Кишики ё киби қадға асадин этти кериш.*

Мазкур ғазалда шеърий санъатларнинг бир қанчаси муваффақият билан қўлланган. Масалан, шонр:

*Адуудур олти жиҳатдин манга чу етти фалак,
Не суд ёшим агар олтмиш ва гар етмиш,—*
деб ёзар экан, бунда биринчи мисрадаги «олти жиҳатдин», «етти фалак» иборалари билан, иккинчи мисрадаги «олтмиш», «етмиш» сўзлари ўртасида ҳамоҳанглик, тажинс унсурлари бўлиши билан бирга бу иккни мисра орасида яна мутобақа ва лафу нашр санъатлари унсурлари ҳам мавжуд.

Навоий учун қарилик ҳамма халқлардаги каби инсон умрининг умуман сўниш, сарғайиш даври. Шунинг учун шонр йигитликни баҳорга, қариликни (куҳулатни) куз (хазон фасли)га ўхшатишни энг яхши ташбех деб топиб, бу ташбех эгасини доноларнинг бири деб ҳисоблаган:

*«Йигитлик ўлди баҳору куҳулат ўлди хазон»,—
Деган бу сўзни қарилиғни қишиқа ўхшатмиш.*

Шоир ўз умрининг энг яхши қисмларини яшаб бўлганини чуқур андуҳ билан эслайди ва бундан сўнг унинг учун ҳеч бир фаслнинг илгариги таровати йўқлигини қайд этади:

*Не қиши нашоти манга қолди, не хазон, не баҳор,
Баҳорима чу хазон қўйди юз, хазонима қиши.*

Мактадан олдинги қуйидаги байтни эса ғазалнинг якуни деб тушуниш мумкин. Навоий фикрича, умри

қийинчилклар билан ўтган одамни «Умринг узун бўлсин!» деб дуо қилиш уни қарғаш билан баравар:

*Не турфа ишки, бирон чун тариқати умридин,
Деса:—«Узун ёша!», қарғишдур анга бу олқиши.*

Шу тахлитда Навоий кексаликни бу шеърида жамиятнинг катта, ҳал бўлмаган муаммоси сифатида тушиуниш билан бирга унинг муҳим хусусиятларини ўз истеъдодининг энг юксак чўққисидан туриб таъсирили ва ҳаққоний ёрита олган. Қарилик масаласининг бизнинг жамиятимизда ҳам тұла ва түғри ҳал қилинмаганини кўзда тутсак, бу ғазал ҳозир ҳам ғоят аҳамиятли ва Навоий ипсонпарварлигининг муҳим бир қиррасига диққатни тортади. Лекин мазкур ғазал нашрларида матний хатолар кўп.

*«Ёғлигин, эйким, тикарсен, игна мужгонимни қил,
Нақш этарда тори онинг риштаси жонимни қил».*

Навоийнинг ёшлигида ёзилган ва биринчи марта «Илк девон»дан ўрин олган ғазали матлаи шундай. Арузнинг рамали мусаммани маҳзуф вазнида, 7 байт.

Ушбу якпора ғазал қийиқ (ёки рўмол) тикаётган аёл (ёки қиз)га бағишлилангаи бўлиб, Навоий даврида ҳунар ва қасб әгалари ҳақида бундай шеърлар жуда кўп бўлмаса ҳам, умумап учраб туради. Хондамир «Макорим ул-ахлоқ»да Навоийнинг Бобир исмли йигитга яхши тўнтикиб бергани учун муаммо бағишилаганини ҳикоя қиласди. Сайфий Бухорий деган форс-тоҷик шоири эса мусиқачиларга, косибларга, ашулачиларга атаб бир қапча ғазаллар ёзган. Унинг таъсирида Абдураҳмон Жомийнинг ҳам ўз даври ғижжакчиси Сайид Аҳмад Ғижжакийга бағишилаб ёзган ғазали маълум. (Аълоҳон Афсаҳзод. Лирика Абдураҳмана Джами. М., 1988, 125-бет.)

Анъанавий ишқий ғазаллардан тубдан фарқ қилувчи мазкур ғазалда Навоий одамларнинг ҳожатини чиқариб, уларга кийим-кечак тикувчилар ишини улуғлаган. Бу шеърида XV асрда қийиқ тикиш билан боғлиқ иш жараёни деярли мукаммал тасвиrlанган. Шоир тикувчига мурожаат қилиб, унга кипригини игна қилишни, ип ўрнига унинг жон ипларидан фойдаланишни, ипларга турли ранглар бериш учун эса қонини қўзининг қораси билан аралаштиришпи илтимос қиласди. Бунда киприкни и gnaga, қизил рангни қонга ўхшатиш мантиқан ўринли.

Бунда тикувчи ҳам қандайдир мавҳум шахс эмас, мавжуд шахс. Навоий бу тикувчидан қийиққа гул нусхаларини унинг кўксидаги доғлардан, юрагидан олишини, қийиққа гузалларнинг расмини чизмоқчи бўлса, унинг севгилиси («манзур жононим») расмини чизишши, қийиқ четларига байт ёзмоқчи бўлса, у (Навоийнинг) паришон байтларидан олишини ёлвориб сўрайди:

*Гар десанг ҳар ён пари шаклин намудор айлайн,
Ваҳ, не навъ айтай, васе манзур жононимни қил.
Килсанг ул ёғлиғ аро шеъри ҳам ёзмоқ ҳавас,
Анда ҳар ён нақш бу назми парионимни қил.*

Навоий ўз ғазалини тикувчи меҳнатини кўкларга кўтарувчи байт билан якунлаган:

*Эй Навоий, кимки бир ёғлиқни тикса ёр учун,
Музди жоним жавҳарию нақди имонимни қил.*

Яъни шоир ўз севгилиси учун битта қийиқ тиккан кишига ўз қимматли жони ва имонини бағишлишга тайёр. Ҳар жиҳатдан ўхشاши йўқ бу ғазали билан Навоий ўз даври ҳунармандлари ва қосиблари меҳнатига гузал бир шеърий ҳайкал қўйган. Бу ғазали мусалсал булиб, ҳар байт ўзаро бир-бири билан жопли ҳужайралардек боғланиб кетган.

*
* *

*«Ваҳки, бу бедил ғаминедин ўлди, эй дилҳоҳ, кел.
Эй кўнгул, сен доги ул дилҳоҳ ила ҳамроҳ кел».*

Навоийнинг қарилик чоғларида ёзган ва бириичи марта «Хазойин ул-маоний» девонига киритилган ғазалини матлаи шундай. Арузниг рамали мусаммапи маҳзуф вазнида, 7 байт.

Навоийнинг анъанавий ишқ мавзууда ёзган ушбу ғазалида ошиқ ўз севгилисига мурожаат қилиб, ўзидан хабар олиб туришини, унинг ғамида қийналиб, ӯлар ҳолатга етганини тушунтиromoқчи. Ошиқ ёрининг унга иисбатал бепарволигини, «Кел!» деган билан келиб қўя қолмаслигини билади. Лекин ёрини кўрганда «Кел!» дейиш одати. Худди шунингдек, ошиқ касал булиб қолса, унинг даво қилмаслигини, қарамаслигини ҳам билади. Унинг ёридан илтимоси шуки, у келмаса ҳам, бироқ буниг ахволидан лоақал огоҳ булиб турса:

*Мумкин эрмас оғзин ичра «Кел!» демакдин үзга сўз:
Гарчи ёр оллида тенгдур хоҳи «Тур!» де, хоҳ «Кел!».
Гарчи дардимға даво қилғунг йўқ, аммо ҳажр аро
Осру қаттиқ ҳолатимдин бўлғали огоҳ кел.*

Бунда муҳаббатнинг ўзига хос бадиий талқини юзга ташланади. Ошиқнинг дардли чақириқ ва илтижолари кейинги байтларда ҳам давом этиб, ғазал охири — мақтада лирик қаҳрамон Навоийнинг ўзига айланади. Ошиқ — Навоий шеър якунида ўз ёлворишларнга фожиавий бир тус бериб дейди:

*Гарчи келмай-келмай ұлтурдунг Навоийни, валек,—
Эй масиҳ, онинг мазори бошиға гоҳ-гоҳ кел.*

Бу ғазалда «кел» радифи қофпя билан қушилиб, ҳар байтда янги оҳанг ва товланишлар, бир-биридан ҳазин маънолар касб этган.

*
* *

*«Шарҳи дардим ёрға ёздим, жавобе топмадим,
Номадек ул шарҳдин жуз печу тобе топмадим».*

Навоийнинг ёшлиқ даврида ёзган ва «Илк девон»га киритилган ғазали матлаи шундай. Арузининг рамали мусаммани маҳзуф вазнида, 7 байт.

Ушбу ғазалда лирик қаҳрамон — ошиқ ўзининг севгилисига мактуб ёзгани, мактубида ўзининг дардли кечинималарини баён этгани, лекин бу мактубига жавоб ололмагани, унга хат ёзиб, жавоб олмагач, аҳволи яна да ёмоплашгани, юраги ўрташгани ҳақида сўзлаган. Ошиқ хат ёзаётганди, бу хатимга у жавоб ёзармикан ёки ёзмасмикан? — деб кўп ўйлаган. Жавоб олмагач, унинг изтиробига изтироб қўшилган. Хат ёзаётганди унда ёри билан учрашиш умиди бўлган. Хатни ҳам шу мақсадда ёзган. Лекин оқибатда дўзах азобига дучор бўлган. Ошиқ висол умидида умрининг нақадар тез («шитоб») ўтиб кетаётганидан армонда. Ошиқ ўз мактубига жавобни бутун вужуди билан, яъни танаси билан ҳам, юраги билан ҳам кутган. Унинг озиб-тўзиб («тани фарсуда», «жони хароб») кетаётганининг сабаби ҳам ёрнинг хат ёзмай, хатларга ҳеч қандай жавоб бермай қўйганида.

Навоий бу воқеъбанд ғазалида ошиқнинг ўз мактубига жавоб ололмагани ҳодисаси орқали унинг бутун

ички дунёсини, ички ўй ва кечинмаларини ҳаққоний очиб берган. Бунда ошиқнинг ўз севгисига садоқати лирик шеър доирасида тўла ва чуқур намоён этилган. Улуғ шонрдаги руҳий тасвири маҳорати ҳар байтда ўзининг табний ёрқин ва образли ифодасини топган. Ғазалининг бош ғояси вафодорлик бўлиб, мақтада Навоий ўз фикрларини анъанавий усулда бўлса ҳам, ғоят таъсирли йўсинда шундай баён этган:

*Эй Навоий, ёр лутфу қаҳрининг хоҳонимен,
Ҳам эрурмен хуш, гар андин жуз итобе томадим.*

Яъни ошиқ шонрга мурожаат этиб:— Мен ўткинчи ошиқ эмасмен, ҳақиқий ошиқмен. Мен учун ёрининг лутфу марҳамати қанчалик ёқимли бўлса, унинг қаҳри ҳам кўнгилли бир нарса. Шунинг учун мен севгилимининг қаҳр-ғазабини кўриб хурсанд эканман, бунинг ажабланадиган жойи йўқ!— дейди. Ошиқдаги бундай тантилик (рицарлик) унинг характеридаги ижобий хусусият дебгинна баҳоланиши мумкин. Бинобарин, мазкур ғазал Навоийнинг мавзу жиҳатдан ҳам, ғоявий томондан ҳам ноёб асарларидан биридир.

*

* *

*«Эрур сероб андоқ оташин гулдан юзунг боғи,
Ки қилмиш жилва ўт бирла судин бир тоза яфроғи».*

Навоийнинг қарилик даврида ёзган ва «Хазойинулмаоний»дан жой олган ғазали матлан шундай. Арузниң ҳазажи мусаммани солим вазнида, 11 байт.

Навоий бу ғазалида гапни анъанавий маъшуқа гузаллигини мадҳ этиш билан бошлаб, унинг юзини қипқизил гуллар очилган боққа қиёслайди ва гуллардаги ҳар бир яфроқда ўт ва сувнинг қўшилишидан пайдо бўлган бир ажиб жилвани кўради. Хаёл билан ёрнинг нозик билагидан тортсам, унинг кумуш (сийм) билагидан томган терлар гўё қўлбоғидан узилиб тушган инжудай ерга тўкилади, дейди ошиқ шонр. «Одамлар Каъбанинг туфрогини қофозга ўраб келтиргандек ва сақлагандек, мен ҳам севгилим кўчасининг кесагиши яичиб, майдалаб, кўзимнинг пардаси ичилда эъзозлаб сакляпман!»— дейди яна ғазалнинг лирик қаҳрамони ошиқ.

Шу хил анъанавий руҳдаги тасвиirlар билан бир қаторда шонр ўз лирик қаҳрамони орқали ўзининг табнат бўйича поёб кузатишларини ҳам баён этган. Навоий

таърифича, гул бутасидаги очилишга бел боғлаган ғунча ва унинг ёнидаги эгри тикан худди шу шохга қўниб, сўнг учиб кетган булбулнинг гул шохидা илиниб қолган қизил тумшуғи ва тирноғини эслатади:

*Эмас гулбунда наврас ғунча ё ҳамлиқ тикан ҳар ён,
Ки булбулнинг қолибтур анда тумшуғ бирла тирноғи.*

Бу шубҳасиз, ғоят янги ташбеҳ. Бундан кейинги байтда ошиқ менинг изтиробли кўнглимда севгилиминг гўзал рухсоридан бошқа нарса йўқ. Уни (яъни: кўнгилни) қорни (қурсоғи) дан қимматбаҳо гавҳарга ўрин бергани балиққа муқояса әтиш мумкин, дейди:

*Хўйи рухсори ёди бирла бўлмиш музтариб кўнглум,
Балиғ янглиғки, гавҳарнинг мақоми бўлди қурсоғи.*

Бунда ҳам шоирнинг юксак ижодий хаёлоти билан боғлиқ мураккаб ўхшатиш мавжуд. Кейинги байтларда эса Навоий ҳаёт ва инсон турмуши ҳақидаги фалсафий мулоҳазаларга берилади. Шоир одамлар ўртасидаги келишмовчилик, ҳижрон деган нарсалар ғоят ноҳуш оқибатларга, ҳатто ўлимга олиб бориши мумкин дейди ва қўйидаги байтда ана шу мазмунда ҳажр (айрилиқ)ни ажалнинг ўртоғи, ундан ҳам ёмон деб ҳисоблайди:

*Ажал олурда жонимни эрур ҳажринг шарик, аммо—
Агар ул раҳм ҳам кўргузса, бўлмас рози ўртоғи.*

Бу ўхшатишда улуғ шоирнинг кишилар ўртасидаги ноиттифоқликнинг маъноси ва жамиятга зарарини ниҳоятда чуқур англаганини сезиш қийин эмас.

Қўйидаги байтдан бу ғазал чиндан ҳам Навоийнинг кексалик даврида ёзилганини, бу даврда шоир ҳаётга, ўз умрига якун ясаш кайфиятлари билан яшаганини, сўфиёна ўй ва хаёлларга берилиб қалам тебратганини яққол англаш мумкин:

*Кориб, эй муғбача, зуннор ила бел боғладим, май тут,
Нединким бўлди бу дайри фанодин аэм этар чоғи.*

Бу ғазал ҳар жиҳатдан шоирнинг шу даврда яратган энг баркамол шеърларидан биридир.

*

* *

*«Кеча бадмаст ўлғонимдин инфиолим бордур,
Майни эмди оғзи ма олмас хаёлим бордур».*

Навоийннинг ўрта ёшларида ёзган ва биринчи марта «Наводир уп-ниҳоя»га жойлаштирилган ғазали матлан шундай. Арузининг рамали мусаммани мақсур вазнида, 7 байт.

Ушбу ғазал Навоийннинг расмий давлат мансабларида — гоҳ муҳрдор, гоҳ бош вазир бўлиб ишлаб турган чоғларида ёзилган деб ҳисоблаш мумкин. Навоий ўз ғазалини «Кеча қаттиқ маст бўлиб қолганимдан ҳозир уятдаман; энди менда майни бутунлай оғзимга олмаслик хаёли бор», — деб бошлар экан, бунинг муайян сабаби бор. Гап шундаки, подшоҳ саройидаги барча амалдорлар Ҳусайн Бойқаро раҳбарлигида гоҳо ичкилик мажлислари ўтказиб турганлар. Бундай йиғинларда гоҳо Навоийни ҳам ичишга мажбур этганлар. Навоий ўзининг «Муншаот»даги бир мактубида май ичиб, мазаси қочиб қолгани ҳақида: «... бу занф (Навоий)нинг мизожи ичаш кун май ўти иштиолига муштаил...» деб, шу мактубининг яна қўйирогида: «Бода ўти жисемимга тутоншиб, ул ўт дуди, балки шуъласи бошимдин ошқон...» деб ёзган. (А. Навоий. Асарлар, 13- жилд, 89—90- бетлар.) Маълум бўладики, Навоий шаронт тақозоси билан ичган бўлса ҳам, аммо ичиш унга ёқмаган, уни хасталикка, ўзини ёмон ҳис этишга олиб келган. Шу билан бирга ичиш тақозоси билан кишида юз берадиган мастилик ҳолатини ўзига эп кўрмаган ва ўзини шу ҳолатда бошқаларга кўрсатишни ҳам ўз шахсига нолойиқ ҳисоблаган.

Бу ғазалда Навоийннинг ичкилик билан боғлиқ ҳолати, унга муносабати, бу ҳақдаги чуқур ва соғлом мулоҳазалари акс этган. Иккинчи байтда Навоий: — Мени «Ич!» деб зўрлаётган одам ичиш орқасида ўзининг қайси аҳволга тушганини билмайди, билса, менинг ҳам унинг аҳволига тушинимни истамасди,— дейди:

*Улки дер: «Май ич!» — уяттин билмагай ўз ҳолини,
Билсаким, базм аҳли оллинда не ҳолим бордур.*

Учинчи байтда шонр: «Одамлар май чарчоқни ёзади, дейишади. Бу тўғри эмас. Мен уни ичсан, аксинча, юз ҳисса чарчоғим ортиб кетади!» дейди. Кейинги сатрларда Навоий унга майни ёр берган тақдирда ҳам узр айтажагини, ринвлар билан муносабатини май орқали мустаҳкамлашдан ҳам қайтажагини, майнинг фойдаси қанча бўлган тақдирда ҳам уни қўлга олмаяжагини баён қилган. Навоий шаҳар шайхул исломига: «Зуҳду истиғному яхши, йўқса исёйму ишёз?» — деб мурожаат этар

экан, у дин олимидан бу масалаларга аниқроқ, түғрироқ жавоб беришни талаб қиласи. Шу билан бирга шоир мажозий маънодаги майни ичиш, ўз ёрининг «майхора»лиги билан фахрланишда давом этган. Бу унинг тасаввуфий қарашлари билан боғлиқ эди.

Хуллас, Навоийнинг бу ғазали ўзининг XV аср ҳаёти, урф-одатлари билан боғланиши, шоирнинг мавжуд маънодаги май ва майпарастликни кескин қоралashi, аўвало ўз шахсияти билан боғлаб изоҳлаши билан ғоят кимматлидир. Катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган бу шеър ҳозир ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган.

*

* *

*«Гар бўлмади бир лаҳза манга ёр мусоҳиб,
Не бўлғай эди бўлмаса ағёр мусоҳиб».*

Навоийнинг ёшлик вақтларида ёзган ва «Илк девон» дан ўрин олган ғазали матлаи ана шундай. Арузнинг ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи мақсур (Мафъулу мафонийлу мафонийл) вазнида, 9 байт.

Ушбу ғазалда ошиқ шоир севгилиси билан ҳамсуҳбат (мусоҳиб) бўлишга эриша олмаганидан куюнади. Лекин уни бундан ҳам ортиқ куйдурган нарса ёрининг ағёр билан, яъни ошиқнинг душманлари билан суҳбатлар қуриши. Ошиқ ёри билан суҳбатдош бўлиш учун дили ва динини ҳадя қилиб юборишга тайёр:

*Розиман агар нақди дилу диним ўғурлар,
Гар бўлса манга ул бути айёр мусоҳиб.*

Навоийнинг кўп ғазаллари каби бу ғазал ҳам якпора тарзда бўлиб, матлада ўртага ташланган фикр кейинги байтларда изчил ривожлантирилади ва чуқурлаштирилади. Бунда Навоий ҳикоя қилишича, ёри илгарилари анча ҳаёли, одамлардан ўзини тортиб юрадиган (маҳжуб) бўлган. Кейинчалик у май ичншга ўргангандан кейин ҳар ким билан ҳам улфатчилик қиладиган бетайин бўлиб қолибди:

*Маҳжуб эди ул шўх улустин, чу май ичи,
Ҳар хайл била бўлди баякбар мусоҳиб.*

Май ичиш Навоий яшаган замонларда кўпроқ эркакларга хос хусусият бўлган. У даврда аёл кишиларнинг май ичиши ҳақида маълумот жуда кам учрайди. Бинобарин, бу ўринда ичкилик ичишга ўрганган ва ўз ҳақи-

қий дўстларининг назаридан қола бошлаган «ёр» аёл киши эмас, эркак киши булиши ҳам мумкин. Яъни бу ўршида «ёр», «дўст», «ўртоқ» деган маъноларни билдиради. Навоий ўз ўқувчисига мурожаат қилиб, ғазал якунида: «Агар сен ўзингдаги яхши хусусиятларни ёмон хусусиятлар билан алмаштиришни истамассанг, дунёда асло бундай одамлар билан ҳамсуҳбат бўлма!»— дейди:

*Яхшингни ямонлиғ била фош ор тиламассен,
Оlam элидин айлама зинҳор мусоҳиб.*

Бу ғазал яратилганда Навоий ҳали ёш, ҳаётга энди кириб кела бошлаган, турмуш мураккабликларини, умуман жамиятда оқ-қорани эндиғина таний бошлаган эди. Лекин шунга қарамай у, ушбу ғазалдан кўринишича, атрофга, одамларга жуда зийраклик билан назар ташлай бошлаган, шу даврдаёқ турмушдан жиддий хулосалар чиқара олган. У ҳаётдан ҳақиқий дўст қидириб гоҳ топган, гоҳ топа олмаган. Уни қуршаган ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий муҳитдан ҳам шонр кўнгли жуда эрта совий бошлаб, бу ҳатто унинг лирик шеъриятида ҳам ўз аксинни топа борган.

*
* *

*«Шаҳру кишвардин илик юб, хонумондин кечкамен,
Хонумондин ким десун, икки жаҳондин кечкамен».*

Навоийнинг ўрта ёшларида ёзган ва биринчи марта «Наводир уп-ниҳоя» девонига киритилган ғазали матлаи ана шундай. Арузнинг рамали мусаммани маҳзуф вазнида, 7 байт.

Анъанавий ишқ мавзууда ёзилган ушбу ғазалда Навоий бадиий-эстетик тасвиринг уйғунлаштириш ва зидлаштириш шаклларига асосланган. Лирик қаҳрамон — ошиқ ўзининг ҳижрондаги оғир кайфиятидан келиб чиқиб, ҳаётдаги ҳамма нарсадан воз кечишга қарор қиласди. У жонидан ҳам, мамлакатидан ҳам, барча орзу-ҳавасларидан, ҳатто Искандар давлатию Ҳизр умридан ҳам юз ўгириб, дейди:

*Шаҳру кишвар, хонумон, икки жаҳону умру жон,
Худ не бўлғай, мунча юз ком ўлса, ондин кечкамен.
Гар Скандар мулки била Ҳизр умри берсалар,
Ўйла мулку бўйла умри жовидондин кечкамен.*

Бу байтлар ҳаммаси бир фикрнинг турлича ифодасига бағишенгап бўлиб, бир-бирига ўзаро оҳангдош, уйғун. Лекин ғазал холосасидә Навоий бу фикрларнинг, бу байтларнинг ҳаммасига мазмунаш ҳам, шаклан ҳам қўйидаги байти қарама-қарши қўйган:

Мумкин эрмастур валек, эй меҳрибонларким,
дема —
Қилса юз бедод, ул номеҳрибондин кечкамен.

Яъни ошиқ душёдаги ҳамма парсалардан воз кечиши, ҳаётни бутуслай тарқ этиши мумкин, аммо у тириқ экан, ҳеч қачон ўз севгилисидан, у қанчалик номеҳрибон бўлмасин, кечмоқчи эмас. Унинг ҳаётининг мазмуни, барча интилишларининг маъноси ўз севгисига садоқатида. Бу ўринда севги кўпроқ тасаввуфий маънода бўлиб, севгили эса Худодир. Бунда бир-бирига уйғун, соқин сатрларни кутилмагандан шундай исёнкор, мавжуд фикрларни кескин рад этувчи байтга зид қўйиш яхши бадиий самара берган. Шу томонлари билан ушбу ғазал Навоийнинг шеърий маҳоратини намойиш этиш билан бирга унинг энг яхши ишқий ғазалларидан бири деб ҳисобланишга лойик.

*

* *

*«Томида эрмас кабутар хайли бу журъат била,
Ким парилар келди ошиқлиққа ул сурат била».*

Навоийнинг қарилик чоғларида ёзилган ва «Хазойин ул-маоний» девонига киритилган ғазали матлаи ана шундай. Арузнинг рамали мусаммаш маҳзуф вазнида, 7 байт.

Бу ғазалда тасвир бошидан охирига қадар кабутар образи билан боғланган. Лирик қаҳрамон — ошиқ ўта шартли маънодаги маъшуқанинг томида бир тўда кантарларининг айланиб, учиб юрганини кўриб, ўзича уларни гоҳ кабутар шаклида севги изҳор қилгани келган парилар деб, гоҳ малаклар деб, гоҳ унинг сонсиз-саноқсиз ошиқларининг кўнгул қушлари деб, гоҳ унга ошиқлардан хат ташувчи кабутарлар деб таъриф ва тавсиф этади:

*Ё малойик хайлидур томида парвоз айлаган,
Эврулур бошиға ҳар кун юз туман ҳайрат била.*

*Е кўнгуллар қушлари дур, кўйини қилғон ватан,
Ким қўнарлар саъи этиб, қовғон сойи шиддат била.
Е кабутарлар кетирмиш омалар ушишоқдин,
Они кўргач, кўйини айлаб ватан улфат била.*

Бу ўринда гап фақат капитар ҳақида эмас, маълум даражада капитарбоз ҳақида ҳам. Каптарбоз деганда шоир кимни кўзда тутмоқда? Навоий даврида, ундан кейин ҳам ҳеч қайси бир халқда ва мамлакатда аёлларнинг капитарбозлик билан шуғуллангани, кўнгул очгани характерли эмас. Бу саволга жавобни биз Заҳиридин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асаридан топамиз. Бобур Султон Ҳусайн Бойқаронинг шахсий сифатлари ҳақида гапирганда, унинг ёш болаларга ўхшаб капитарбозлик билан шуғуллангани, қўчкор сақлагани, хўроуз уриштиргани ҳақида: «...ҳам ёш ва ҳам салтанат била улуғ подшоҳ эди, кичиклардек қўчкор сахлаб, кабутар сахлаб, кабутар ўйнар эди, товуқ ҳам урушқа солур эди», деб ёзади (Заҳиридин Муҳаммад Бобур. «Бобурнома», Тошкент, 1960, 222—223-бетлар).

Шу далил асосида тахмин этиш мумкини, бу ўринда Навоий ўз даври подшоси Султон Ҳусайн Бойқаронинг капитар ўйнаш билан боғлиқ ишларига ишора қилмоқда. Шу билан бирга, бу ғазалда табиат мўъжизаси бўлган капитарларнинг шўх хатти-ҳаракатлари ва қилиқлари тасвири ҳам гўзал ва жозибали чиққан. Ғазал мавзу жиҳатдан ўзига хос бўлиши билан бирга бу ўринда улуғ шоир маълум даражада қушларни табиат мўъжизоти сифатида севиш гоясини ҳам илгари сурмоқда. Яъни шоирнинг бу капитарларни малак ва париларга ташбеҳ этиши асло бежиз эмас.

*
* *

*«Кўнгулни хайли ғамини қилди йўл убур била,
Нечукки мур сафи йўл ясар мурур била».*

Навоийнинг қариган чоғларида ёзган ва «Хазойн улмаоний»га киритилган ғазали матлаи ана шундай. Арузининг мужтасси мусаммани маҳбуни маҳзуф (мафоилун фоилотун мафоилун файлун) вазнида, 9 байт.

Мазкур ғазалда шоир ғам хайлиниң унинг кўнгул мамлакатига қатнаб, зиёрат қилишини, чумолиларнинг саф тортиб, маълум бир ерга бориб келишига таққосла-

моқда. Бу мавҳум бир ғояпинг ғоят образли, муайян ифодаси!

Иккинчи байтда шоир ўз севгилисига мурожаат қилиб, унинг кўчаси (кўйи) олдида жаннат (учмоқ) ҳеч гап эмаслиги, уни кўриш билан жаннат уялганидан, қусурлари кўплигидан ерга кириб кетгани ҳақида сўзлаган:

*Гар учмоқ итти сенинг кўюнг олдида, эй ҳур,
Анга не навъ кўрунгай ўкуш қусур била.*

Учинчи байтда ёрниинг чексиз гўзал юзи олдида қуёш қанча тўлишган ҳолда намоён бўлмасин, кичик, кўзга зўрға кўриниб турган бир зарра экани таъкидланади:

*Куёш қошида эрур заррадек басе маҳфий,
Юзунг қошида қуёш ғояти зуҳур била.*

Бу байтлардан шу нарса маълум бўладики, бу ўринда гап ер гўзали ҳақида эмас, балки Худо ҳақида, худонинг гўзаллиги ҳақида бормоқда. Кейинги байтларда ушбу тасаввуфий ғоя ўзининг хилма-хил бадий поэтик ифодаларини топган. Ҳақиқий ишқдан бебаҳра шайх устидан шоир кулиб, ёшлиқ (шабоб), ишқ ва баҳорни ҳар қандай зуҳд ва ибодатдан ортиқ кўради. Бу ғазалнинг тасаввуф мазмунида эканини қўйидаги байт ҳам тасдиқлайди:

*Йўлида мен киби юз хаста ўлса, қайдар ғами,
Саманди ҳуснки, жавлон берур ғурур била.*

Ғазалнинг лирик қаҳрамони — ошиқ, шоирга ўхшаганлардан юзтасининг ўлими, қийналиши унинг учун ҳеч гап эмас! У — ким? У — Яратганинг ўзи. Худонинг ўз ошиқларини қийнаши эса ҳақиқий ошиқлар учун эркалашдек, ноз-истиғнодек бир гап.

Бу ғазал шоирнинг сўфиёна ғазалларидан бўлиб, уни орифона шеърлар сирасига киритиш мақбул. Лекин Навоий ўзининг бу ғазалида маълум бир ғоявий-бадий тарқоқлик борлигини сезган. Шунинг учун уни қўйидаги матла билан тугаллаган ва бунда замонасида юз бераттган нохуш ҳодисалар таъсири борлигига ишора қилган:

*Навоий, истама назмингда рабту жамъият,
Ки кўнглунг ӯлди замондин ўкуш футур била.*

Айни вақтда ғазалдаги убур, муур, қусур, зуҳур, ғурур каби қофиядош сўзлар Қуръоннинг «Мулк сураси» даги оҳангдош сўзларни эслатади.

*
* *

*«Тушта кўрдум ёрни хандон рақибим ўтруда,
Рашқдин ҳар лаҳза тиш қирчилдатурмен уйқуда».*

Навоийнинг ўрта ёшларида ёзилиб, илк бор «Наводириун-ниҳоя» девошига киритилган, «Хазойин ул-маоний»да эса «Бадоеъ ул-васат»дан ўрин олган ғазали матлаи ана шундай. Рамали мусаммани маҳзуф вазнида, 7 байт.

Ғазал якпора тарзда бўлиб, унда қаҳрамон — ошиқнинг ички кечинмалари ноёб кўринишларда тасвирланган. Ошиқ ўнгидагина эмас, уйқусида ҳам севгилиснин ўйлаб ётади. Шунинг учун ёр унинг тушларига кирса ҳам буниш ажабланадиган жойи йўқ. Лекин бу кеча тушида севгилиси ошиқнинг рақиби билан рўпарамарўнара кулишиб ўлтирган эмиш. Ошиқ бу ҳолатин кўриб, уйқусида рашқдан, аламдан тишларини ғижирлатган ва дам-бадам безовта бўлган эмиш. Бир байтнинг ўзида Навоий бу ўринда инсон ҳаётидаги муҳим бир руҳий ҳолатни реалистик тарзда гавдалантириб бергани равшан кўриниб турибди.

Иккинчи байтда Навоий ошиқнинг яна бир ғаройиб ҳолати ҳақида сўзлайди. Ошиқ ўз ёри васлига эришиб, шод-хуррам бўлиб турганда унинг ҳижронда кечган аҳволи эсига тушиб қолса, телба одамдек кулиб туриб, кўз ёши ҳам тўка беради. Инсонда юз беринши мумкин бўлган бундай мураккаб, зиддиятли ҳолатни шонир бир байтда қўйндагича тасвирлаган:

*Ул пари васли аро ёдимға кирса фурқати,
Телбалар янглиғ тўкармен ашқ айни кулгуда.*

Навоий шеърнитида, хусусан, ғазалларида аёл гўзалигини ойнасиз, атири, упа, машшотасиз тасаввур этиши қийини. Бу ўша давр маданиятининг муҳим белгиларидан бирш. Ушбу ғазалнинг учинчи байтида Навоий пардоз вақтида маъшуқа қўлида ушлаб турган кўзгуни жанинат туйнугига қиёслайди. Шоирча, ёр қўлида ушлаб турган кўзгуда акс этган ёрнинг ўзининг акси эмас, бал-

ки жаннат туйнугидан унинг бекиёс ҳусини завқ билан томоша қилиб турган ҳур эмиш:

*Күзгү жаннат равзанидурким, тамошо қилғали
Хур келмииш гүйиё, аксинг эмастур күзгуда.*

Ғазал бошидан охирига қадар иssonнинг ички ҳаётти билан боғлиқ сирли, гүзал ҳолатларни бадий кашф этишга бағишенгандын. Худди шунингдек, шоир олтинчи байтда бу ғазални ёзаётгандаги ўз ҳолатини ҳам таъсири, мана шундай руҳий йұналишда намоён этган:

*Ұзлукумни ашк әлтиб, ұздин андоқ ётмеч,
Ким ұзумни тонимон, аксилни ҳам күрсам*

су(в)да.

Яъни шоир бу вақтда ўзи ҳам ушбу ғазалда тасвирланған ошиқ сингари бутун вужуди күз ёшига айланиб, оқиб кетғап ва шундай ўзини танимас бир ҳолга келганды, агар сувда аксии күрса, унинг ўз акси эканини била олишдан ожиз. Бинобарин, мазкур ғазал маълум дара жада шоирнинг ўз шахсий қайфияти тасвирига ҳам дахлдор.

Шоир ушбу ғазалда нохуш кечинмалар ҳақида сұзласа ҳам, аммо уни қайғулы тарзда тугаллашни истамаган. Ғазал матлаида ошиқ — Навоий яна бир бор ўз ёрига юзланар экан, унинг қуёшдек ҳусни ошиқдаги ғам-андуҳларни бир зумда ювіб ташлагандек, қайғу, аламлар орқада қолгандек бўлади. Шоир сояга эмас, яна қуёшга қараб талпинишда, ҳаётни, ишқни улуғлашда давом этишга бел боғлайди:

*Чун Навоий ёр сори юзланур, қайғу қолур,
Соя қолғондек кейин, хуршид бўлғоч ўтруда.*

* *

*

*«Беки рангидек ўлмиш дарди ҳажрингдин манга
сиймо,
Димогим ичра ҳар бир тухми янглиғ донайи савдо».*

Навоийнинг Султон Ҳусайн Бойқаро саройига хизматга келгандан кейин ёзган ва биринчи марта «Бадоеъ ул-бидоя» девонига киритилган ғазалининг матлаи. «Ҳазойин ул-маоний»да «Бадоеъ ул-васат»га жойлаштирилган. Арузниң ҳазажи мусаммани солим вазнида, 7 байт.

Мазкур ғазал анъанавий ишқ мавзууда булиб, бу ишқни дунёвий маънода ҳам, диний-мистик маънода ҳам тушуниш мумкин. Лекин бу ғазалда Навоий ошиқ сиймосида кўпроқ ўзи ҳақида, ўз аҳволи ҳақида гапириб, ҳар гапида, ҳар байтда беҳини, беҳининг турли хусусиятларини тилга олади ва беҳи билан ўзи ўртасида жуда кўл үхашликлар кўради: ҳижрои туфайли унинг ранги беҳидек сарғайиб кетган; димоғидаги савдоийлик уруғлари ҳам беҳи ичидаги дона-дона уруғларни эслатади; хорлик туфроғининг унинг юзига қўнгани чанглари ҳам беҳи тукларининг ўзи; ошиқ — шоир ўзининг оқарган сочини эса беҳини ўраб, беркитиб қўйиладиган пахта (момик) га қиёслаган:

*Оқартиб ишқ бошимни, ниҳон бўлди сариф чехрам,
Момуғ ичра беҳини чирмоғон янглиғ киши умдо.*

«Юзумда сенинг тифиндан қўпгина чизиқлар, ажинлар бор. Агар сен беҳини тӯғри истеъмол этиш қоидасига амал қиласанг, менга тиф урмаслигинг керак эди. Чунки беҳини пичоқ билан кесиб ейиш, арчиш мумкин эмас. Жисмим қуриб, қаддим эгилиб, юзим ерга — туфроққа тегиб турнибди. Бу ҳам шохининг занфлигидан месваси ерга тегиб турган беҳини эслатади», — дейди шоир кейинги байтларда.

Бу ғазалда шоир асосий эътиборни ошиқ аҳволи ва беҳи таърифига қаратган. Навоий беҳини улуғлаб, кимки бу дунёда яхшилик истаса, беҳи каби сўфийларга хос оддий жун тўн («пашмина») кийиши, кўпроқ тоат-иботатни ўйлаши керак! — дейди:

*Бу гулшан ичра беҳбуд истаган доим беҳи янглиғ
Кийиб пашмина, тоатқа қадин ҳам асрамоқ авло.*

Матлада эса шоир ушбу ғазалнинг ёзилишига нима сабаб бўлганини таърифлаган:

*Навоий, гар қуёш норанжидин беҳрак кўтар, тонг
йўқ,
Беҳиким, лутф қилмиш маҳди улъё исматуд — дунё.*

Маълум бўладики, куплариниң бирнда маҳди ульё, исматуд — дунё» — Хадиҷа бегим (подшоҳнинг хотини) Навоийга беҳи тухфа қилган. Навоий эса бу совғани қуёш апельсини («Қуёш норанжи») дан ҳам ортиқ кўриб қабул қилган ва бу воқеа шарафиға ушбу ғазални ёзган.

*«Неча ҳижрондин бузуғ күнглумда бўлғай дам-бадам,
Ғам уза ғам, дард уза дарду алам узра алам».*

Навоийнинг ёшлигидаги порлоқ истеъоди меваларидан бўлмиш мазкур ғазал матлаи ана шундай. Биринчи марта «Илк девон»дан жой олган. Арузнинг рамали мусаммани маҳзуф (Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун) вазнида битилган, 7 байт.

Ушбу ғазалида Навоий ўзининг қадрдонларидан, севгани кишиларидан узоқда, «ғам уза ғам, дард уза дарду алам» чекиб, мусофирчиликнинг барча азоб-уқубатларипи тортиб яшаётганидан ўз норозилигини баён этмоқда. Буни ғазалнинг иккинчи, учинчи байтлари ҳам тасдиқлайди:

*Ёр ҳижрони, ватан таркию ғурбат шиддати,
Чарх бедодию даврон меҳнати, эл жаври ҳам.
Сабр озидин азоб, андуҳ кўпидин изтироб,
Ашкдин сели бало, оҳ ўтидин ҳар дам алам.*

Бу сатрлардан маълум бўладики, Навоийнинг йигитлик йиллари ўз она шаҳри — Ҳиротни ташлаб, бошқа юртларда, хусусан, Машҳадда ўқиб юрган йиллари унинг ҳаётидаги энг қийин йиллардан бири бўлган. У бу даврда оддий мадраса талабаси бўлгани учун унга одамларнинг муносабати ҳам унча яхши бўлмаган бўлса керакки, «эл жаври»дан ҳам шикоят қилмоқда. Лекин ғазалнинг ёзилишига бу айтиб ўтилган аҳвол эмас, балки бошқа нарса сабабчи бўлган. Шу пайт кунларнинг биррида Навоийга узоқ (аникроғи: Ҳирот)да яшовчи севгилиси хаста («заяф») бўлиб қолгани тўғрисида хабар келади. Буни эшитган Навоий ўзининг шахсий аҳволини бутунлай эсдан чиқариб, унинг тўғрисида ўйлай бошлайди. имкони бўлса, севгилисининг бутун дардини ўзига олишга тайёр эканини билдиради:

*Барча бир сори манга — у ёр зазъфи бир сори,
Кош анга сиҳҳат бўлуб, бўлғай манга юз мунча ҳам.*

Бунда яхши кўрган кишисига фидойиликнинг ажойиб ифодаси берилган, дейиш мумкин. Навоий ўз севгилисими у касал бўлиб ётган бир вақтда бирор туҳфа юбориб йўқламоқчи, кўнглини кўтармоқчи бўлади. Лекин фақирина ҳаёт кечираётган Навоийда бунинг ҳам иложи

бўлмайди. Ноилож ошиқ — шоир хабар келтирган киши («пайк»)га ўз маҳбубаси учун энг лойиқ совға жони эканини айтади:

*Садқа айларга анга лойиқ манга йўқ тухфае,
Хаста жоним нақди бордур, элт, эй пайки ҳарам!*

Бу ғазал мазмунига кўра ҳасби ҳол (автобиографик) характерга эга бўлиб, унда улуғ шоир ҳаётининг маълум бир даврдаги аҳволи руҳиятини муболағалар билан бўлса-да, анча аниқ, жоили, айрим байтларда руҳий тарзда ифодалаган. «Ғам уза ғам», «дард уза дарду алам», «Ёр ҳижрони, ватан таркию ғурбат шиддати, чарх бедодиу даврон меҳнати, эл жаври» каби сатрларда сўзлардаги товушлар бир-бирига ҳамоҳанг (яқин музора санъати!) бўлиб, фикрлар бир-бирига уланиб, бир-бирини тўлдириб, шахснинг мушғли кайфияти тўғрисида-гина эмас, балки у яшаётган муҳит ҳақида ҳам тасаввур пайдо қиласди. Шунинг учун бу ғазални шоир илк лирикасининг шоҳона намуналаридан бири дейиш мумкин. Ғазалнинг тили, ёзилиш услуби ҳам мураккаб эмас.

*
* *

*«Истамон май бўлса хуршиди жаҳоноро қадаҳ,
Тутмаса базм ичра ул шўхи қадаҳпаймо қадаҳ».*

Навоийнинг 13 байтдан иборат энг катта ғазалларидан бирининг матлаи аса шундай. Рамали мусаммани маҳзуф вазнида. Бу ғазал шоирнинг кексалик йилларида ёзилган бўлиб, «Ҳазойинул-маоний»нинг учинчи девонидагина учрайди.

Ғазал тантанавор руҳда ёзилган. Бунда ёр билан тотув бўлиб, хурсандчиликдан май ичиш, ҳижрон юз берганда эса қадаҳларни янада тўлатиб ичиш ҳақида гап бораётган бўлса ҳам, лекин майга турли ўринларда турлича маънолар берилган. 1—5 байтларда шоир май инсон хурсандчилигининг муҳим омилларидан бири бўлса ҳам, лекин уни ўз яқинларинг, севган кишиларинг билан биргаликда ичмасанг, бундан ҳақиқий хуррамлик юз бериши қийин, деб инсонпарварлик ғоясини илгари суради. Ишқ табиби номидан Навоий ҳижрон азобларидан ошиқ аввало ёрнинг висолига эришиши, ёки ўлим ёки май ичиб, ўзини унутиш орқалигина қутулиши мумкин, дейди:

*Ҳажр дафъин чун табиби ишқдин сўрдум, деди,
Ким эрур ё васл, ё жон тарки қилмоқ, ё қадаҳ.*

Бундан кейинги байтда эса май тасаввуф маъносида бўлиб, илоҳиёт туйғулари ва тушунчалари билан бирлашишни, бундан ором ва лаззат олишни англатади:

*Бу фано дайрида зоҳир бўлди анфоси Масиҳ,
Ким ичиб тутти манга ул дилбари тарсо қадаҳ.*

Бу байт маъносини харобот, майфуруш ва риндлар, уларнинг ичиб олиб, ўзларини билмас даражага тушиб, ғавғо кутаришлари ҳақидаги, яъни уларнинг ўзларини уптиш даражасида худо ишқига берилишлари тўғрисидаги байт тўлдиради:

*Чун харобот ичра маст ўлдум ичиб, эй майфуруши,
Риндлар бирла солиб гавғо мени расво қадаҳ.*

Бу ғазалда лирик қаҳрамон — ринд ўрнида шоир ўзини тасвирламоқда. Навоийнинг ўзини бу кўйга солиб тасвирлаши сабаби нимада? Бу саволга жавобни ғазалнинг сўнгги байтларидан олиш мумкин. Навоий бу ўринда хабар беришича, темурий амалдорлар Ҳусайн Бойқаро («Хисрави Фоязий» бошлигигида Боги Жаҳоноро ва бошқа жойларда вақт-вақти билан катта май базмлари тузгаплар. Бундай базмларда шоҳнинг ўзи («Мирзо») Навоийга шахсан қадаҳ тутган чоғлари ҳам бўлган. Одоб юзасидан Навоий ҳам бундай йиғинларда қатнашган. Улуғ шоир бу базм иштирокчиларини дунёвий хурсандчиликлардан бутунлай маҳрум этмоқчи эмас, балки улар дилларида худони, диёнатни упутмасликларини, майни оддий май деб эмас, балки киши ҳушёрлигини синовчи рамзий бир иҷимлик деб ҳисоблашларини, шунга қараб иш тутишларини истаган:

*Чексалар тонгла тутуб Боги Жаҳоноро сари,
Дайр аро топиб суроҳи, айлабон пайдо қадаҳ.
Ваҳ, не ҳол ўлғай аларғаким, «Навоийдур!» дебон,
Тонибон, чорлаб, манга лутф айласа Мирзо қадаҳ.
Хисрави Гозийки, жоми Жам анга бўлсун насиб,
То қуёштин кўргузур бу торами аъло қадаҳ.*

Бинобарин, Навоийнинг бошқа асарларида бўлгани каби бу ўринда ҳам май табиий маъносида ва мажозий-сүфиёна маънода изоҳланган. Май образи орқали шоир одамларни ашёвний тубанликка эмас, маънавий юксакликка чорлаган.

ҚОМУСИЙ МАЪЛУМОТЛАР

ҚАДИМГИ ТУРКИЙ АДАБИЁТ

ҚАДИМГИ ТУРКИЙ АДАБИЁТ атамаси туркий халқларнинг қадимги адабиётига нисбатан шартли равиша қўлланади. Чунки туркий халқларнинг қадимги ёзма ва оғзаки ёдгорликларининг катта қисми йўқолган, бизгача етиб келмаган.

Марказий Осиёдаги туркий халқлар қадимий маданиятга, оғзаки ва ёзма адабиётига эга бўлиб, уининг бизгача етиб келган намуналарига ўзбек халқи ҳам дахлдордир. Яъни қадимги туркий адабиёт намуналари аввалио тил хусусиятлари шуқтаи назаридан умумтуркий характерга эга бўлиб, уларда барча туркий халқлар тилларининг унсурлари мавжуд. Ҳамма адабиётлар сингари туркий адабиёт ҳам қадимда оғзаки адабиётдан бошланган. Бу адабиётга оид айрим намуналарниг мазмуни бизга қадим юнон тарихчиларидаи Геродот, Ктезий, Полиэн, Харес ва Митиленскийларниг китоблари орқали маълум. Булар — Тўмарис, Широқ, Зарина ва Стриангия, Зориадр ва Одатида ҳақидаги қаҳрамонлик, ватанпарварлик ва ишқий-романтик тарздаги афсоналардир.

Иккинчи бир гуруҳ афсоналар ўрта аср тарихчилари ва олимларидан Ҳамза Исфаҳоний, Табарий, Мастьудий, Беруний, Саолибий, Бальамий, Маҳмуд Кошғарий каби-ларнинг асарларидан бизга маълум. Масалан, Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғотит турк» асарини гарчи XI асрда яратган бўлса ҳам, аммо у туркий сўзлар изоҳи учун келтирган қўшиқ, мақол ва афсоналар анча олдинги даврларда, араблар Ўрта Осиёни забт этгунга қадар бўлган даврларда яратилган. Шунинг учун Афросиёб, Искандар ҳақидаги афсоналарга, қўшиқларга биз қадимги туркий адабиёт намуналари сифатида қараймиз.

Қадимда туркий халқлар орасида форс-тожик адабиётига дахлдор бўлган ва қадимги диний тушунчалар асосида юзага келган Митра ва Анахита, Каюмарс ва Жамшид, Гершасб ва бошқалар ҳақидаги афсоналар ҳам кенг ўрин эгаллаган. Масалан, ўзбек халқи орасида одамларга кўп яхшилик қилган, турмушини яхшила-

ған, Ахриман каби девларнинг додини берган, мард ватанти подшоҳ ва қаҳрамон Жамшид ҳақидаги афсоналарнинг кенг тарқалиши, ҳамон яшаётганинг илдизлари шунда. Қадимги туркий адабиётнинг гўзал намуналаридан бири 1902 йили Қашқадарёдан топилган «Чистони Эликбек» афсонасиdir. Эликбек жин кўринишидаги ёвуз махлуқларга қарши мардонавор курашади, у халқини даҳшатли юқумли касал тарқатмоқчи бўлган душманлардан сақлаб қолади.

Маҳмуд Кошғарий ўз асарида баъзи қўшиқларга оғзаки халқ ижоди намунаси сифатида эмас, хусусий ижод намунаси сифатида қарайди ва «...шоир шундай дейди», «шоир бир кишига хитоб» қиласи, «шоир севгилисининг юзини ойга, бўйини санубар шохига ўхшатиб сифатлайди» каби ибораларни қўллайди. У ҳатто Чучу, Аъша деган шоирлар номини ҳам келтиради. Туркшуносликда VII асрда Ўрхун ва Энасой дарёлари атрофида хотира сифатида тошга битилган, қабр устига ўрнатилган ва биринчи марта Дания олимни Вильгельм Томсон, рус шарқшунослари В. В. Радлов, Н. М. Ядринцев ва бошқалар томонидан (XIX аср) ўқилган Ўрхун-Энасой ёдгорликлари ҳам туркий халқларнинг илк ёзма адабиёти намуналари ҳисобланади. Ўрхун-Энасой ёдгорликлари улуг турк хоқонлиги даври (VI—VIII асрлар) да ҳукм сурған Мофилён, Билка-Қоон, Кул-Тигин сингари хон ва уларга яқин кишиларнинг ҳаёти, ҳарбий юришлари, подшоҳлиги даврида қилган ишлари, ҳарбий фалабалари ҳақида ҳикоя қиласи. Масалан, Билка-Қоон бу тошда ўз ҳукмдорлик фаолияти ҳақида гапириб: «Мен ҳалок бўлган қашшоқ халқни бутунлай (оёққа) турғиздим (йиғдим), қашшоқ халқни бой қилдим, оз сонли халқни кўп сонли халққа айлантирдим. Менинг сўзларимнинг бирон ёлғони бўлмас», дейди. У ўз иниси Кул-Тигин, унинг жасоратлари, айниқса ўлими (732 йил) ҳақида куюниб, улуг инсоний дард билан гапиради: «Менинг иним Кул-Тигин ўлди, мен қаттиқ қайғурдим. Кўрар кўзларим ожиз бўлди, ақл-фаҳмим ўтмас бўлиб қолди, ўзим қайғурдим». Бу парчалар қадим туркий тилнинг бойлигидан, бадииятининг анча юксаклигидан далолат беради. Бу ёдгорликлар катта тарихий аҳамиятга ҳам эга бўлиб, уларда ғоят қимматли маълумотлар бор. Бу хил туркий ёдгорликлар кейинчалик Талас, Онгин, Селенга дарёлари атрофида, Шарқий Туркистонда ҳам топилди.

Езма туркий адабиёт тараққиётида X—XII асрлар мұхым давр ҳисобланады. Бу даврда Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луготит түрк» (1067—77 йилларда ёзиб тугалланған) тильтупослик асари, Юсуф Хос Ҳожибининг «Қутадғу билиг» (1069—70 йилларда ёзиб тугалланған) достони юзага келди. Маҳмуд Кошғарий үз асарида үнларча туркий халқлар, қабилалар, уларнинг ёзма ва оғзаки бойлыги ҳақида ноёб ва күп маълумотлар беріш билан бирга бу халқларнинг урф-одатлари, яшаган жойларнинг табнати ва бошқалар ҳақида гүзәл ва таъсирли бадиий тил билан ҳикоя қиласы, сөз ва иборалар изоҳини мумкин қадар аниқ, бадиий ифодали беришга интилади. Бу эса ушбу асарнинг илмий қимматинигина әмас, бадиий қимматини ҳам оширган. Масалаи, үз фикрини и себотлаш учун унинг «Сабанда сандириш бұлса, үртучунда ирташ бўлмас» («Ер ҳайдаш вақтида пухталик бўлса, хирмонда англашилмовчилик бўлмайди»), «Кўп сукутга қуш қўнар, кўрклук кишига сўз келур» («Шохи кўп дарахтга қуш қунади, яхши одамга мақтov (сўзи) ёғилади»), «Ардам боши тил» («Адабининг боши тил») каби мақолларнинг ишлатиши бу асарни халқчил, ўқимишли ва бадиий кўркам қиласы.

XI аср шоири, боласоғуилик Юсуф Хос Ҳожиб үзининг панднома туридаги «Қутадғу билиг» достони билан туркий халқлар ёзма адабиётини янги тараққиёт поғонасиға күтарди. Бу асар фақат туркий халқлар шеъриятты анъанаалари асосида әмас, Марказий Осиёга қўшни бошқа халқлар, аввало форс-тожик адабиёті тажрибаларини ҳам ҳисобга олган ҳолда яратилған эди. Достон 6500 байт ва 73 фасл (боб)дан ташкил топған. Достонда одил подшоҳ Кунтуғди билан унинг вазири Ойтұлди, вазирнинг ўғли Үгдүлмиш, донишманд Үзғурмиш ўрталарида бўлиб ўтган воқеа ва доно сұхбатлар тасвирланған. Юсуф Хос Ҳожиб үз достонида билим ва одобининг инсон ва жамият учун аҳамиятини кўкларга кўтариб мадҳ этади, мамлакатни адолат ва маърифат асосида бошқариш гояларини илгари суради, подшоҳ саройнда юз берадиган ишратпарастликни, ўзаро феодал иизоларни қоралайди. Шоир үз тажрибасидан ва билимидан келиб чиқиб, мамлакатни бошқариш ҳамда мустаҳкамлаш юзасидан подшоҳга яхши маслаҳатлар беради, ўгитлар қиласы.

Достон Қашқардаги Қорахоний ҳукмдорларидан Тавғоч Буғрахонга бағишлиланған бўлиб, у шоири үзинга «Хос Ҳожиб» (эшик оғаси) қилиб олади.

Бу достон туркий халқлар адабиёти тарихидаги биринчи йирик асар эди.

Қадим туркий адабиётнинг иккинчи йирик намунаси Адіб Аҳмад Юғнаййнинг 14 бобдан иборат «Ҳибатул-хақойиқ» достонидир. Бу асар таҳминан XII аср охири, XIII аср бошларида ёзилган. Достоннинг бош ғояси илм-маърифат ва яхши хулқ-одоб масалаларини тарғиб этишдан иборат. Шоир туғма кўр бўлишига қарамай, Бағдодда ўқиган ва ўз даврининг энг билимли кишилари даражасига кутарилган. Навоий «Насойимул-муҳаббат» асарида Адіб Аҳмад шахсига юксак баҳо берган.

Қадими туркий адабиётнинг сўнгги даври Адіб Аҳмад Юғнайй, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний асарлари билан тавсифланади. Ўз даврининг етук тасаввуф олимлари қўлида ўқиган, сўфиёна ҳаёт кечирган, кейинчалик Туркистонда ўз сулукини яратган Аҳмад Яссавий (XII аср) панд-насиҳат мазмунидаги шеърлари билан шуҳрат топган эди. Унинг «Девони ҳикмат» деб аталган шеърий тўплами Марказий Осиё, Волга бўйи, Туркия ва бошқа мамлакатларда кенг тарқалган. Яссавий ҳикматларининг тили содда, услуби равон бўлиб, у ҳукмдорларни ўз қўл остидаги фуқарога нисбатан раҳм-шафқатга,adolatga, кишиларни тўғриликка, ҳалол бўлишга, дин ва диёнатни унутмасликка, охиратни ўйлашга даъват этган. У ўғирликни, алдамчиликни, муттаҳамликни, иккюзламачиликни, текинхўрликни кескин қоралаган, бу масалаларда ҳукмдорларга, диндорларга қаттиқ тил теккизган:

*Дунё менинг деганлар, жаҳон молин олганлар,
Каркас қушдек бўлубон ул ҳаромга ботмишлар.
Мулло, муфти бўлғонлар, ёлғон даъво қилғонлар,
Оқни қора қилғонлар ул тамуғга кирмишлар.
Кози, имом бўлғонлар, ноҳақ даъво қилғонлар.
Ҳимор янглиғ бўлубон юқ остида қолмишлар.
Ҳаром еган ҳокимлар, ришва олиб еганлар
Ўз бармоғин тишлабон, қўрқуб кўруб қолмишлар.*

Сулаймон Боқирғоний (XII аср) Аҳмад Яссавий шеъриятига жўр бўлиб, унинг услубидаги мазмунидаги хусусиятларни янада чуқурлаштириди. диний адабиётнинг таъсир зопрасини кенгайтириди. «Ўғузнома», «Китоби Дада Кўрқут» каби асарлар ҳам умумтуркий адабиётнинг қадимдаги олтин намуналариdir.

Қадим туркий адабиётнинг намуналари бизга узуқ-

юлуқ ҳолда стиб келгап бұлса ҳам, унда яғона қараашлар бұлмаса-да, дүнёвийлик билан диний мавзулар ёнма-ён ривожлапиши, туркй халқтарының бирлигини, үзаро яқинлигини, қадимий илдизларның тұғри тушупшишга ёрдам беради.

Адабиётлар: А. Фитрат. Ұзбек адабиети наималари, 1- китоб, Самарқанд-Тошкент, 1928; Н. М. Маллаев. Ұзбек адабиети тарихи, 1- китоб, Тошкент, 1976; Ұзбек адабиети тарихи, 1- жилд, Тошкент, 1977; Маҳмуд Кошғарий. «Девону луготит турк», 1—2—3- жилдар. Тошкент, 1960—63; И. В. Стеблева. Развитие тюркских поэтических форм в XI веке. Москва, 1971; И. В. Стеблева. Поэтика древнетюркской литературы и ее трансформация в раннеклассический период. Москва, 1976; А. Хайтметов. О древней поэзии тюрков. Статья журнала «Советская тюркология», 1972, № 1; «Үлмас обидалар», Тошкент, 1989; Насимхон Раҳмон. Турк хоқонлиги. Тошкент, 1993.

МАНБАШУНОСЛИК

МАНБАШУНОСЛИК — турлы фанлар ва адабиётлар тарихига онд құләзма китоб, түплам, ҳужжат, хат (ва ҳоказо)ларни топиш, аниқлаш, үрганиш, тасиғ этиш билан шугулланувчи соқадир. Манбашунослик фан, адабиёт ва санъатининг илмий тарихини яратышда муҳим аҳамиятта молик. Манбашунос үзи шугулланаётгап фан тарихини, эски ёзувларни, турлы тилларни яхши билиши лозим. Фанда бирор яиги манбаниң топилиши кашфиёт билан тенг. XX аср бошларида Истамбулда (Турция) Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луготит турк» асари құләзмасининг аниқланиши туркшуносликда катта воқеа бўлган.

Маҳмуд Кошғарий, Алишер Навоий, Давлатшоҳ Самарқандий каби олимлар ўтмиш илмимиз ва адабиётимизниң улуғ манбашуносларидирлар. Улар мавжуд илмий ва адабий манбаларни қадрлаш, үрганиш билан бирга яиги манбаларни қидириб топишга катта аҳамият берганлар. Масалан, Навоий «Сабъан сайёр» достонини ёзар экан, қадимги Эрон подшоси Баҳром тарихи билан боғлиқ кўп асарларни қайтадан кўриб чиққап ва яиги манбаларни ҳам қидирган. У ўзига мурожаат қилиб: «Эски дафтар басе кўп ахтардинг...»,— дейинши бежиз эмас. Навоий ўзидан аввал ўтган шонрларининг девонларини ҳам кўп излаган. Жумладан, у темурий шоир Халил

Бу дос
чи йир
Қад
Адиб /
хақоин
XIII ас
маъри
этишд:
Бағдо
дараж
асарид

Қа.
мад Қ
асарла
вуф о.
кейин
Яссаві
билан
аталга
Турки
вий ҳі
хукмд
шафқа
лишга
даъва
ни, иғ
ган, б
тил тे

Су
рият
сусия
таъси
Дада
нинг
Қа

Султон девони ҳақида: «...аммо тилаб топилмади»

ўйбек, Ҳ. Олимжон, Ф. Ғулом, Усмон Носир каби сўз дейди.

Кейинги вақтларда баъзи илмий ташкилотлар ва мазейлар қошида қўлёзма фондларнинг ташкил этилишадабиёт тарихига доир қўлёзма манбаларни йиғиш, ўрганиш, тасниф этиш, уларнинг каталогларини тузиш катта аҳамиятга эга. Узбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди иодир бойикларга эга. Шунингдек, Қўлёзмалини институтида ўзбек адабиёти ва тил тарихига оид кўп қимматли қўлёзмалар жамланган. Бундай фонdlар Самарқанд, Хива, Бухоро, Қўқон, Андижон ва бошқа шаҳарлардаги ўқув юртлари ва музейларда ҳам бор.

Ўзбек адабиёти тарихига оид манбаларни йиғиш ва ўрганиш ишига А. Фитрат, А. Семёнов, О. Шарафуддинов, Ҳоди Зарипов, Ҳ. Сулаймонов каби алломалар ўзла-

жидий томонидан 20-йилларда Турди Фарғий шеъри

тўпламишининг, А. Қаюмов томонидан Махмур шеърий деўлса, қолғанлари мустақил, асл асарлардир. Форобий-

вонининг, М. Қодирова томонидан Нодиранинг «Макнунинг «Илмларнинг келиб чиқиши ва таснифи», «Идеал на» тахаллуси билан ёзган форс тилидаги шеърий дево-

ниш, Э. Шодиев томонидан Нозим Хўжандий, О. Қоўуллари ҳақида рисола», «Инсон аъзолари ҳақида ки-

симхўжаева томонидан шоир Роқим девонларининг тобоб», «Илм ва санъатнинг фазилатлари», «Физика асос-

пилиши манбашуносликда ҳодиса бўлди. Бу кашфиётларни ҳақида китоб», «Мусиқа ҳақида катта китоб» каби

туфайли бир қанча янги шоирлар адабиёт тарихидан ўзарлари ғоят машҳур бўлиб, фан ва тафаккур тарихида

ўрнини эгаллади, баъзи шоирларнинг ижоди тўлдирилмиҳум босқични ташкил этади. Масалан, Форобийнинг

ди. Республика манбашунослик тараққиётига Ҳамид Мусиқа ҳақида катта китоб» XI асрда лотин тилига

Сулаймонов ўзига хос муҳим ҳисса қўшди. 60-йилларга таржима қилинган. Форобий асарлари кўпроқ назарий

қадар Алишер Навоийнинг форсий девони —«Девони характерда бўлиб, у аввало ўз давридаги кўп ижтимоий

Фоний»нинг асл нусхасига эга эмас эдик. Ҳамид Сулаймонов Франция, Туркия, Эрон ва бошқа мамлакатларда шунтиришга ва ривожлантиришга катта аҳамият берган.

Шарқ қўлёзмалари фондларини ўрганиб, «Девони

Фоний»нинг қўлёзма нусхалари мавжудлигини аниқлади. Ҳаттотлик масалалари билан ҳам фаол шуғулланиб, бу

ва улар асосида шоирнинг форсий шеърлари девонини соҳада ўзининг «Шеър ва қофиялар ҳақида сўз», «Рито-

шунингдек, форсий қасидалари тўплами —«Ситтай заруртика ҳақида китоб», «Луғатлар ҳақида китоб», «Хаттот-

рия»нинг қўлёзмаларини ҳам нашр эттириди. Олим ўзининг ҳақида китоб», «Шеър китоби», «Шоирлар санъати

нинг Ҳиндистонга қилган сафарлари давомида XIV—XV ғонунлари ҳақида» каби асарларини яратган. Бу билан

асрлар ўзбек шоирларидан Ҳофиз Хоразмий девони ва Саййид Қосимий достонлари қўлёзмаларини ҳам аниқ-

лаб, уларни чоп эттириди. Мазкур топилмалар, шубҳасиз ўзбек адабиётини бойитди.

XX аср ўзбек адабиёти тарихига оид манбаларни

ўрганиш борасида ҳам манбашунослик муайян ютуқларга эришди. Шу билан бирга Ҳамза, Чўлпон, А. Қодирини

анъаткорларининг эълон қилинмаган асарлари қўлёзмаларини топиш, эълон қилиш манбашуносликнинг ва-ифасидир.

АБУ НАСР ФОРОБИЙ

АБУ НАСР ФОРОБИЙ 873 йили Сирдарё бўйидаги фороб (ҳозирги Чимкент вилояти ҳудуди)да туғилган. 60 йили Дамашқда вафот этган. Форобий Шарқда «Муслими соний», яъни Арастудан кейинги иккинчи муалим номи билан машҳур. У Яқин ва Ўрта Шарқ мамлаларида таълим олган, илмий фаолияти ҳам ўша ерда бечган. Форобий табний ва ижтимоий билимлар бўйича 60 дан ортиқ асар яратган бўлиб, уларнинг катта қиси бизгача етиб келган.

Форобий асарларининг бир қисми қадимги юони фаррининг катта ҳиссаларини қўшдилар. Абдулҳамид Масуфларидан Афлотун, Арасту, Эвклид, Птолемей, Порфирий кабиларнинг асарларнинг шарҳлардан иборат тўпламишининг, А. Қаюмов томонидан Махмур шеърий деўлса, қолғанлари мустақил, асл асарлардир. Форобий-вонининг «Илмларнинг келиб чиқиши ва таснифи», «Идеал на» тахаллуси билан ёзган форс тилидаги шеърий дево-наҳар аҳолисининг маслаги», «Бахт-саодатга эришув нининг, Э. Шодиев томонидан Нозим Хўжандий, О. Қоўуллари ҳақида рисола», «Инсон аъзолари ҳақида ки-симхўжаева томонидан шоир Роқим девонларининг тобоб», «Илм ва санъатнинг фазилатлари», «Физика асос-пилиши манбашуносликда ҳодиса бўлди. Бу кашфиётларни ҳақида китоб», «Мусиқа ҳақида катта китоб» каби туфайли бир қанча янги шоирлар адабиёт тарихидан ўзарлари ғоят машҳур бўлиб, фан ва тафаккур тарихида ўрнини эгаллади, баъзи шоирларнинг ижоди тўлдирилмиҳум босқични ташкил этади. Масалан, Форобийнинг диди. Республика манбашунослик тараққиётига Ҳамид Мусиқа ҳақида катта китоб» XI асрда лотин тилига Сулаймонов ўзига хос муҳим ҳисса қўшди. 60-йилларга таржима қилинган. Форобий асарлари кўпроқ назарий қадар Алишер Навоийнинг форсий девони —«Девони характерда бўлиб, у аввало ўз давридаги кўп ижтимоий Фоний»нинг асл нусхасига эга эмас эдик. Ҳамид Сулаймонов Франция, Туркия, Эрон ва бошқа мамлакатларда шунтиришга ва ривожлантиришга катта аҳамият берган. ги Шарқ қўлёзмалари фондларини ўрганиб, «Девони

Форобий тилшунослик, адабиётшунослик, потиқлик, Фоний»нинг қўлёзма нусхалари мавжудлигини аниқлади. Ҳаттотлик масалалари билан ҳам фаол шуғулланиб, бу ва улар асосида шоирнинг форсий шеърлари девонини соҳада ўзининг «Шеър ва қофиялар ҳақида сўз», «Рито-шунингдек, форсий қасидалари тўплами —«Ситтай заруртика ҳақида китоб», «Луғатлар ҳақида китоб», «Хаттот-рия»нинг қўлёзмаларини ҳам нашр эттириди. Олим ўзининг ҳақида китоб», «Шеър китоби», «Шоирлар санъати нинг Ҳиндистонга қилган сафарлари давомида XIV—XV ғонунлари ҳақида» каби асарларини яратган. Бу билан асрлар ўзбек шоирларидан Ҳофиз Хоразмий девони ва Саййид Қосимий достонлари қўлёзмаларини ҳам аниқ-лаб, уларни чоп эттириди. Мазкур топилмалар, шубҳасиз ўзбек адабиётини бойитди.

Форобий кўп соҳада Арастуни ўзига устоз деб билса-да, аммо у ҳамма масалага ижодий ёндошган. У, маса-лан, шеър ҳақида махсус рисола ёзар экан, Арастунинг бу соҳадаги меросига суюнишга ҳаракат қилади. «Шеър китоби»да у: «Шеър бирор нарсага тақлид қилинган

сўзлардан ташкил топиши керак»,— деб ёзар экан, бунда унинг Арастудаги мимезис назариясига амал қилгани, шонр (ёзувчи) ўз асарида ҳаёт воқеаларини, характерларни ўз асарига кўчиради, тасвирлаш жараёнида мавжуд борлиққа тақлид этади, деб қарагани маълум бўлади. Шу билан бирга, у Арасту шеър санъати ҳақидаги асари —«Поэтика»ни охирнгача ёзиб, ўз «мулоҳазаларини ҳам мукаммал баён қилиб улгурмаган»ни таъкидлайди. Форобий бадний асарда ҳаёт воқеалари ва нарсалар гўё · кўзгуда акс этгандаи тасвирланишини уқтиради. Унингча, шеър «ё вазиларга қараб турларга бўлинади ё бўлмаса маъноларга қараб бўлинади». Форобий араб ва форс шоирлари ҳақида мулоҳаза юритиб, бундай дейди: «Улар шеърларни турли навларга, чунончи, ҳажвия (сатира), мадҳия, муфоҳара, луғз (топишмоқли шеър), кулгили (комик), газалиёт, васфий шеър ҳамда китобларда топилиши қийин бўлмаган бошқа навларга бўладилар» (Абу Наср Форобий, Шеър санъати, Тошкент, 1979).

Форобий юони шеърнияти ҳақида гапирав экан, унинг жанрий хусусиятлари ҳақида бундай дейди: «Улар шулардан иборат: трагедия (трағүзия), дифирамби (дисирамби), комедия (қумузия), ёмбк (иёмбу), драма (драмото), эйший, диарамма (дикрамма), сатира (сатура), поэма, эпос, риторика (риторий), эфижоносоус ва акустика» («Ўша китоб, 32- бет). Масалан, трагедияни Форобий шундай таърифлайди: «Трагедияларда бирорлар га мисол (урнак) бўла оладиган яхшиликлар ва мақтаниладиган феъл-атворлар фикр қилинади; бу вазнда шаҳарни бошқарувчи ҳукмдорлар мадҳланади. Мусиқачилар подшоҳлар олдида шу трагедия вазнида куйлайдилар» (32- бет). Форобийча, юонларнинг мадҳия вазни ҳажвиялар вазнидан, ҳажвия вазни комедия вазнидан фарқ қиласди. Форобий араб, форс адабиёти қатори юони адабиётини ҳам яхши билар ва тушунар эди. Чунончи, у Ҳомер асарлари билан ҳам яхши таниш бўлиб, «Шеър китоби»да унинг «ўз шеърлари охирларининг баробар келишига риоя қилмагани» айтилади (15- бет). Форобий истеъдод масаласига тўхталиб: «...шоирнинг энг яхшиси туғма шоир бўлгани саналади»,— дейди. Бу билан олим бадний ижоднинг хусусий иш эканини, истеъдодин қадрлаш ғоясини илгари суради. Форобий шеър санъатида орқада бўлгани шоир ҳам «баъзан ажойиб шеър яратишни мумкин»,— дейди. Унингча, бу ишнинг муваффақия-

ти кўп жиҳатдан маҳоратга боғлиқ. Форобийнинг шонр шеърий санъатини уйга «нақш берувчи рассом санъати»га қиёслаши ҳам эътиборга лойинқдир.

Бу айтилганларнинг ҳаммаси шуни кўрсатадики, Форобий бадний ижод, бадний асар моҳиятини тӯғри тушунган ва ўз даврида адабиётшуносликни касбий юксакликка кутарган.

Адабиётлар: Абу Наср Форобий. Шеър санъати, Тошкент, 1979. Арабчадан таржима, изоҳ ва муқаддима муаллифи Абдусодиқ Ирисов; М. М. Хайруллаев. Абу Наср ал-Форобий. Москва, 1982.

АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ

АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ — 973 йилда Хоразмнинг қадимги пойтахти Кот (Кат) шаҳрида туғилган, 1048 йилда Фазнада вафот этган. Беруний ўз даврининг буюк табиатшунос олимни бўлиб, астрономия соҳасида ўзини жуда эрта курсата бошлаган. Феодал низолар туфайли унинг илмий фаолиятининг бошланиши маълум йиллар Хоразмдан ташқарида — Рай ва Журжон шаҳарларида кечган. У Хоразм ҳукмдори Абу Аббос Маъмун II даврида Урганчда «Маъмун академияси»ни ташкил этишда фаол қатнашди. Хоразм 1017 йили Маҳмуд Фазнавий томонидан босиб олингач, у Фазнага олиб кетилади. Бу ерда унинг илмий фаолияти янада юксалади. Беруний фанининг астрономия, математика, геодезия, маъданшунослик, география, картография, метеорология, иқлимшунослик, тарих, этнография, дин тарихи, фалсафа, адабиёт каби соҳалари бўйича 152 дан ортиқ китоб ва рисолалар муаллифидир. Унинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», «Ҳиндистон», «Геодезия», «Маъданшунослик», «Масъуд қонуни» каби асарлари жаҳон фанининг ноёб намуналари ҳисобланади.

Беруний табиий фанлар билан бир қаторда тарих, тил, адабиёт, санъат соҳаларини ҳам чуқур ўрганган, тадқиқ этган, бу соҳада ажойиб кузатишлар олиб борган, асл фикрлар айтиган қомусий олимдир. Беруний ўз давридаги илм ва адабиёт аҳллари билан яқин мулоқотда бўлган. Ўзи шеърий шжод билан шугулланмаган бўлса ҳам, аммо араб, форс, ҳинд ва юнон адабиётидан яхши хабардор олим эди. Беруний юнон тилини ёшлигидан яхши ўрганган бўлиб, «Ҳиндистон» асарининг VIII боби охирида қадим юнон шонри Ҳомерининг «Илиада» достонидан XIX бобга онд 357- мисра: «Зевсдан гўё қор

парчалари қалин учиб чиққандай» сатрини келтирганки, бу бежиз эмас. Узининг турли фанларга ва масалаларга оид фикрларини исботлаш ёки яхши ифодалаш учун юзларча араб, форс, ҳинд, юон шоирларининг асарларидан мисоллар келтириши Берунийдаги юксак адабий-бадиий истеъдоддан дарак беради.

Беруний «Ҳиндистон» асарини ёзишдан олдин бу мамлакат тарихи, тили, урф-одатлари, фан ва географик мавқсини, санскрит тилини, дин ҳамда фольклорини кўп йиллар давомида синчиклаб ўрганди. Шу билан бирга, у Ҳиндистонни, унинг бой ва қадимий маданиятини севиб қолди. Бу асарида у қайси масалани ёритмасин, далиллар асосида иш кўради. Хусусан, олим бу асарида ҳинд тили, адабиёти, халқ оғзаки ижодига оид шунча кўп материал йиққанки, унга бир сўз билан баҳо бериш қийин. «Ҳиндистон»даги юзларча ҳикоя ва афсоналар гоҳ чин, гоҳ хаёлий мазмунга эга бўлиб, ҳинд халқидаги бадиий хаёлот бойлигидан дарак беради. Масалан, ушбу китобнинг қирқ олтинчи бобида бузуқлик ва ёмонликларни йўқ қияувчи, тузатишини бузилишдан афзал кўрувчи плоҳий куч — Нарайна ҳақида ҳикоя қилинади. Унинг дунёга ҳар бир келиши бир ёмонликнинг олдини олишга, йўқотилишига хизмат қиласи. Бундай ҳикоя ва ривоятлар олимнинг «Минерология», «Фармакогнозия» асарларида ҳам кўп.

Беруний «Ҳиндистон» асарининг VIII бобида ҳинлшеърияти, унинг вазн хусусиятлари ҳақида ёзар экан, унинг ўзига хос хусусиятларини Халил ибн Аҳмад асос солган аruz илмига, юон шеър тузилишига қиёслаб текширган, қатор қимматли тизилмалар берган. Булар ҳаммаси Берунийнинг ғоят зукко шеършунос ва адабиётшунос бўлганидан гувоҳлик беради. Замондошлари хабар беришича, Берунийнинг маҳсус адабиёт масалаларига бағишлиланган «Китоб-ат-таалул ба иҳолат ал-ваҳм фимоини назм ав лил-фаэл» («Фаэл аҳлининг шеърларида айтилган фикрларни баён қилиш китоби»), «Шарҳу девони Абу Нувос», «Шарҳу девону Абу Таммом» ва «Китобу муҳтор ал-ашъор ва ал-осор» («Танланган шеърлар ва асарлар китоби») асарлари ҳам бўлган. Лекин улар бизгача етиб келмаган.

Берунийнинг илмий ва адабиётшунослик мероси катта замонавий аҳамиятга эга. Масалан, олимнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асари унинг 27 ёшида ёзилган бўлишига қарамай, Хоразмнинг, сўғд

халқарининг қадимий маданияти, ривоят ва афсоналари, урф-одатлари ҳақида тушунча, кўп маълумотлар берадики, уларни бошқа манбалардан топиш қийин. Масалан, Наврӯз байрамини Беруний бу асарида Ўрта Осиё ва Эрон халқарининг қадимий байрами эканини айтади. Шу билан бирга тарих билан, йил тақвими муносабати билан кўп афсона ва ҳикоялар ҳам келтирилади. Беруний илмий меросининг топилмаган қисмини излаб топиш, бор асарларини синчиклаб ўрганиш адабиётшуносликнинг долзарб масаласидир.

Адабиётлар: «Беруний — ўрта асрнинг буюк олими». Мақолалар тўплами. Тошкент, 1950; Абу Райҳон Беруний. Таъланган асарлар. I, II жиллар. Тошкент, 1965, 1968; П. Г. Булгаков. Жизнь и труды Беруни. Тошкент, 1972; А. Қаюмов. Беруний ва адабиёт. Тошкент, 1974; Исматулла Абдуллаев. Берунийга замондош шоирлар. Тошкент, 1975.

АБУ АЛИ ИБН СИНО

АБУ АЛИ ИБН СИНО — 980 йили Бухорога яқин Афшонада туғилган. 1037 йилда Исфаҳонда вафот этган. Ибн Сино Марказий Осиёда етишган, ўз давридаги илmlарни тўла эгаллаган, айни вақтда фаннинг ҳамма соҳалари тараққиётiga ўз ҳиссасини қўшган буюк алломалардан бири бўлиб, унинг ҳаёти Бухорода, сўнг Хоразм, Эрон (Журжон, Рай, Қазвин, Ҳамадон, Исфаҳон) да кечган. Ибн Сино үзидан олдин ўтган Шарқ мутафаккирларидан Абу Наср Форобий, Абу Абдулло Нотилий, Ҳасан Нуҳ ал-Қумрий кабиларнинг фалсафа ва табиатшуносликка оид асарларини мукаммал ўрганиш билан бирга Қадимги Юноннинг машҳур Арасту, Эвклид, Птолемей, Гален, Гиппократ, Пифагор, Порфирий сингари олимлари илмий меросини ҳам чуқур ўзлаштирган эди. Ибн Сино жуда ёшлигидан табиб сифатида ташилган. У ўз ҳаётида замонасиининг Абу Райҳон Беруний, Ибн Мисқавийх, Абу Саҳл Масиҳий, Абулхайр Ҳаммор, Абу Наср Аррон каби буюк олим ва фозиллари билан яқиндан мулоқотда бўлган, фаннинг турли мавзуларида баҳслар олиб борган. Ибн Сино кўп қиррали ўз илмий фаолиятида, хусусан, тиббиёт соҳасида Марказий Осиё, Ҳиндистон, Юнонда тўпланган бой тажрибаларни умумлаштирган ва унга янгидаи равнақ берган эди. Ибн Сино табобат, мантиқ, физика, математика, фалсафа, мусиқа ва бошқа соҳалар бўйича 280 дан ортиқ асар ёзган.

уларнинг бир қанчалари бизгача етиб келган ва илмий қимматини ҳамон йўқотмаган. Ўнинг «Асос ул-балоға» («Сўзга чечанлик пойдевори»), «Ал-фоник фи гарифил-ҳадис» («Ҳадисдаги иотаниш сўзларни ўзлаштирувчи»), «Муқаддимат ул-адаб» («Адабиёт муқаддимаси»), «Ал-муфассал», «Ал-Кашшоф» асарлари араб тили ва лексикасини, умуман тилшунослик масалаларини ўрганиш ва ечишда муҳим илмий манбалар ҳисобланади. Айни вақтда, Замаҳшарий ўз даврининг йирик адабиётшуносин бўлиб, у «Ал-мастақсо фи амсолил-араб» («Араб мақолларини ниҳоясига етказувчи») асарида 3500 дан ортиқ араб мақолини тўплаган ва изоҳлаган. Шу билан бирга, унинг «Навобиг ул-калим» («Ҳикматли сўзлар»), «Аннасойиҳус-сигар вал-баволигун-нибар», («Кичиклар ихлоси ва улуғлар етуклиги»), «Атвокуз-заҳаб фи-л маво из вал-ҳутаб» («Ўгит ва насиҳатларнинг олтин мунҷоқлари»), «Мақомоти Замаҳшарий» деб аталган асарлари ҳам бўлиб, олим мақол, ҳикматли сўзларни йигиш ва ўрганишга катта эътибор берган.

Замаҳшарий ўз асарларида услубшунослик ва шеършунослик масалаларига ҳам тўхталиб, улар юзасидан қимматли назарий фикрларни билдирган. Хусусан, унинг бадний санъатлар бўйича юритган мулоҳазалари, араб адабиёти тарихининг турли даврлари, турли намояндлари ҳақидаги мулоҳазалари ҳам эътиборлидир. Масалан, у бадний санъатлар ҳақида гапирав экан, ҳар қандай бадний восита тил қондаларига зид бўлмаслиги, маънони бузмаслиги керак, деган ғояни илгари сурадики, бунда катта ҳақиқат бор. Замаҳшарийнинг тил ва лексика бўйича яратган асарлари адабиётшунослик аҳамиятига ҳам эга. Унинг «Муқаддимат ул-адаб» асарида эса сўзлар арабча, форсча ва туркий тилларда изоҳланган.

Адабиётлар: А. Рустамов. Маҳмуд Замаҳшарий, Тошкент, 1971.

МАҲМУД КОШФАРИЙ

МАҲМУД КОШФАРИЙ (XI аср)нинг бобоси кошфарлик бўлиб, ўзи Боласогунида туғилган. Маҳмуд Кошфарий ёшлигидан тил ва адабиёт илмига қизиқкан. У дастлаб Кошгарда, сўнг Самарқанд, Бухоро, Марв, Нишопур ва Бағдод шаҳарларида таҳсил кўрган. Шу билан бирга, у Хитойдан тортиб Ўрта Ер денизигача бўлган ҳудуддаги мамлакатларни кезиб, узоқ йиллар давомида туркий

халқлар тарихи, тили, оғзаки ижоди, ёзма адабиёти, урф-одатлари, яшаш тарзи, майший ҳаёти, маданиятини синчиклаб ўрганган, олимлар, шоирлар билан танишган. Бунда у айниқса туркий сўзларни тұплаш, туркий тилларни, лаҳжаларни бир-биридан фарқлаш, уларни тартибга солишга катта аҳамият берган. Ўзининг бу ишлари ҳақида олим бундай деб ёзади:

«Мен түрклар, туркманлар, ўғизлар, чигиллар, яғмалар, қирқиз (қирғиз)ларнинг шаҳарларини, қишлоқ ва яйловларини күп йиллар кезиб чиқдим, луғатларини тұпладим, турли хил сўз хусусиятларини ўрганиб, аниқлаб чиқдим. Мен бу ишларни тил билмаганligim учун эмас, балки бу тиллардаги ҳар бир кичик фарқларни аниқлаш учун ҳам қиалдым. Уларни ҳар томонлама пухта бир асосда тартибга солдим». (Маҳмуд Кошғарий. «Девону луғотит турк». 1- жилд, Тошкент, 1960, 44-бет.)

Маҳмуд Кошғарий ўз илмий кузатишлиарининг якуни сифатида умрининг етук даврида «Жавоҳиран наҳв фи луғотит турк» («Туркий тилларнинг наҳв (синтаксис) дурдоналари (қоидалари)») ва «Девону луғотит турк» («Туркий сўзлар девони») асарларини яратди. Бу асарларниң биринчиси бизгача етиб келмаган. Олимнинг «Девону луғотит турк» асари эса эндиликда барча туркий тиллар, шу жумладан, узбек тили тарихини ўрганишда бекіёт ёдгорликдир. Маҳмуд Кошғарий бу асарини 1076—1077 йилларда тугаллаб, халифа Абулқосим Абдуллоҳ бини Муҳаммад ал-Муқтадога туҳфа қилган. Бинобарин, олим умрининг сўнгги бир қанча даври Да-машқ ва Бағдод атрофида кечган. Асарларидан кўринишича, у ўз давридаги тилшунослик соҳасида Марказий Осиё ва араб мамлакатларида мавжуд ютуқ ва анъана-лардан тұла хабардор бўлган ва ўз асарини шу ютуқлар асосида, араб тилида яратган. «Девону луғотит турк»да 6 мингдан ортиқ туркий сўзга атрофлича изоҳ берилган. Бу сўзларни изоҳлашда Маҳмуд Кошғарий фақат улуғ тилшунос сифатидагина эмас, улуғ адабиётшунос сифатида ҳам намоён бўлди. Олим күп сўзларни тұғри ва гўзал изоҳлаш учун юзлаб халқ қўшиқлари ва мақолла-ридан мисоллар келтиради. Бу мисоллар турли одам-ларнинг, турли халқларнинг оғзидан ёзив олинган ёки ишончли манбалардан ёзив олинган бўлиб, берилаётган изоҳнинг тұғрилигига шубҳа қолдирмайди. Масалан, «улуғ» сўзини «улуғ», «ҳар нарсанинг улуғи, каттаси»·

улғ

кан, бунинг исботи учун олим қўйидаги
елтиради:

*Зулуғлуқуғ бўлса сен эзгу қилин,
Бўлғил кишиг Беглар кетин яхши улан.*

Мазмуни: Даража ёки мартаба топсанг хулқингни чиройли қил; амирлар олдида яхшилик етказувчи, халқнинг ишларини яхши қабул қилувчи бўл.

«Кўб» сўзи изоҳи учун: «Кўб сукутга қуш қўнар; кўрикли кишига келир»,— деган мақолни келтиради. Мақол мазмуни: Шоҳи кўп, шохлари уралиб кетган дарахтга қуш қўпади; яхши кишига сўз (мақтов) келади». Маҳмуд Кошгарий ўз асарида кўпгина халқ ривоятларини, Афросиёб, Искандар ва бошқалар ҳақидаги афсоналарни ҳам келтиради. Булар ҳаммаси олимни ўз даврининг, ҳамма замонларнинг буюк адабиётшунос олими деб аташга ҳуқуқ беради. «Девону луготит турк» асари туфайли биз туркий халқларнинг қадимги давр адабиёти билан анча кеңг танишиш имконига эгамиз.

Адабиётлар: Маҳмуд Кошгарий. «Девону луготит турк», «Тошкент, 1960—61, 1963. Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. М. Муталибов.

Азиз Каюмов. «Қадимият обидалари», Тошкент, 1971; Н. М. Маллаев. Узбек адабиёти тарихи. Биринчи китоб. Тошкент, 1976.

ДАВЛАТШОҲ САМАРҚАНДИЙ

ДАВЛАТШОҲ САМАРҚАНДИЙнинг тўлиқ исми Давлатшоҳ ибн Алоуддавла Бахтишоҳ ал-Фозий ас-Самарқандий. Тахминан 1436—37 йилда туғилган. 1495 йилда вафот этган. Давлатшоҳнинг ота-боболари, амакиси темурийларга хизмат қилган катта амалдорлардан бўлиб, ўзи ҳам авваллари ҳарб иши билан шуғулланган. Султон Маҳмудга қарши Чакмансарой деган жойдаги урушда (1471) Ҳусайн Бойқаро томонида туриб жанг қилгани маълум. Маълум вақтдан сўнг у барча ҳарб ва амалдорлик ишларини тарқ этиб, адабиётга, адабиёт тарихини ўрганишга берилади. Навоийнинг ёзишича, «Обо ва аждоди тариқидинким, аморот ва зоҳир азамат ва тажаммули бўлғай, кечиб, гўшае иҳтиёр қилиб, факр ва даҳқанат (дехқончилик) била қаноат қилди ва фазойил ва камолот иқтисоби била умр ўткарди».

Давлатшоҳ Самарқандий 1487 йили «Тазкиратуш-шуаро» номли тазкира тузди. Навоий Давлатшоҳни олим ва адабиётчи сифатида қандай улуғ одам санаганинг унинг асаридан билса бўлади. («... ҳар киши ани мутолаа қилса, мусаннифининг истеъдод ва камолин маълум қилур»),—деган эди. Давлатшоҳ тазкираси форс-тожик адабиёти тарихига бағишлиланган йирик ва мукаммал тазкирадир. «Газкиратуш-шуаро» етти қисм (табақа) даш иборат булиб, унда X—XV асрлар давомида Марказий Осиё ва Эронда ўтган 100 дан ортиқ шонрларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида қимматли маълумотлар бор. Тазкирада шонрлар қайси хукмрон сулолалар даврида (хоразмшоҳлар, элхонийлар, музafferийлар, темурнийлар ва ҳоказо) яшаганига қараб жойлаштирилган. Форс-тожик адабиёти тарихини, унинг Фирдавсий, Анварий, Хусрав Деҳлавий, Камол Хўжандий каби вакиллари ҳаётини ёритишда бу асар энг муҳим манба вазифасини ўтайди. Давлатшоҳ ғоят билимдон киши булиб, у адабиёт тарихини, ижодкорлар ҳаётини ўз давридаги ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаёт билан боғлаб ёритишга ҳаракат қилган. Унинг тазкирасида баъзи шонрлар ҳақида бошқа манбаларда учрамайдиган ноёб маълумотлар бор. Асарда XIV аср ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим аҳамият касб этган сарбардорлар ҳаракатига кенг ва маҳсус ўрин берилгани ҳам унинг фазилатидир. «Тазкиратуш-шуаро» форс-тожик адабиёти тарихига бағишлиланган ва форс тилида ёзилган бўлса ҳам, унда XV аср адабиёти намояндлари ҳақида гап кетар экан, Навоий ва унинг шжоди, Амир Шайхим Суҳайлий каби зуллисонайти шонрлар ижоди ҳақида ҳам муҳим фикрлар билдирилган. Давлатшоҳ биринчилардан булиб Навоийнинг зуллисонайнингини, унинг «Хамса»сининг бекиёс улуғворлигини, туркий халқлар учун аҳамиятини, туркий девонининг фазилатларини унинг нодир санъаткорлиги билан боғлаб тўғри баҳолаган. «Лайли ва Мажнун» достонида Навоийнинг марз (эгат) бўйлаб себарганинг совут кийгандек, савсаннинг шашпар кўтаргандек қилиб тасвирлаши, лола яфроининг шамолда бағриқора (қуш) дес учади, лейиши тазкира муаллифи томонидан бадиийликнинг юксак намуналари сифатида қарабланган:

*Марз уэра кияр себарга жавшан,
Шашпар кўтарур бошиға савсан.
Лола варақин бериб сабоға,
Бағриқорадек учар ҳавога.*

Давлатшоҳ ўзбек тили ва ўзбек адабиётини ҳам яхши билган. Давлатшоҳ ўз тазкирасида Навоийнинг шахсияти, отаси ҳақида, улуг шонирниг давлат фаолияти, илм-фани кишиларига ҳомийлиги, кўп бинои хайриялар курганига ҳам тухталиб ўтган. Бу эса мазкур асарнинг ўзбек адабиёти тарихи учун ҳам катта қиммати борлигини кўрсатади.

Адабиёт: Алишер Навоий. Асарлар, 12- жилд, Тошкент, 1966; Б. Аҳмедов. Давлатшоҳ Самарқандий. Тошкент, 1967.

Давлатшоҳ Самарқандий. «Тазкиратуш-шуаро». ЎзРФАНИНГ Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондидаги инв. № 7016 да сақланмоқда.

АТОУЛЛОҲ ҲУСАЙНИЙ

АТОУЛЛОҲ ҲУСАЙНИЙ XV асрнинг иккинчи ярмида Ҳирот адабий мұхитида етишган адабиётшунос олимлардан ғири. Нишопурда туғилган. 1513 йилда Машҳадда вафот этган. Атоуллоҳ Ҳусайнин ўз даврининг йирик адабиётшуноси бўлиши билан бирга Шарқ шеърияти масалалари билан изчил шугуулланган ва бу соҳадаги бой билими билан Алишер Навоийнинг таҳсина газовор бўлган. «Ихлосия» мадрасасида шеърий санъатлар бўйича дарс берган. Тарихчи Хондамир (1475—1535) нинг ҳикоя қилишича, Атоуллоҳ турар жой масаласида қийналиб қолганида Навоий бу масалада ҳам унга ёрдам кўрсатиб, мадрасага яқин жойдан ҳовли олиб беъдан. Атоуллоҳ Ҳусайнин ўзигача бадий санъатлар бўйича яратилган Маҳмуд Замаҳшарийнинг «Кашшоф», Сирожиддин Саккокийнинг «Мифтоҳул-улум», Саъдиддин Тафтазонийнинг «Талҳис», «Мутаввал», Шамс Қайс Розийнинг «Ал-муъжам», Рашид Ватвотининг «Хадойиқ ус-сехр», Амир Саййид Шарифнинг «Хошия», Муҳаммад Шерозийнинг «Изоҳ», Насриддин Тусиининг «Меъёр ул-ашъор», Абдураҳмон Жомийнинг «Аруз» каби асарларидаги фикрларни умумлаштиришга, ривожлантиришга, XV аср адабий ҳаёти билан боғлашта ҳаракат қилиб, «Бадоеъус-саноеъ» деган асар яратган. Бу асар ҳақида Навоий ўзининг «Мажолисун-нафоис» тазкирасида: «Маълум эмаским, бу фанда ҳаргиз ҳеч киши онча жамъ ва муфид китоб битмиш бўлғай» даб ғоят юксак баҳо берган.

Атоуллоҳ Ҳусайнинг форсчадан ўзбек тилига таржима этилиши ўзбек мумтоз адабиёти асарлари поэтикасини янада чуқурроқ үрганиш ва тадқиқ этиш имконини яратди. Масалан, Атоуллоҳ ўз асарида муболаганинг бир ича тури мавжудлигини қайд этади. Унингча, муболаға бир нарса ёки бирон кишининг «кучлилиги ёки кучсизлигининг ортиқлигини», у ортиқлик одатдан ташқари ёки таърифни эшитувчига бу мақтов, таъриф етарли эмас, деган хаёлга бормайдиган даражада бўлишлигини ифодалайди. Агар муболаға «ақлу одатга мувофиқ бўлса», бундай муболаға «таблиғ», муболаға одатдан ташқари бўлиб «ақлга сифас даражада бўлса, «ғулувв» деб аталади ва ҳоказо. Шундай ғулувв туридаги муболагага Атоуллоҳ Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» достонидан жаңг тасвирига оид қуйидаги байти мисол келтирган:

*Зи сумми сутурон дар он паҳн дашт—
Замин шаш шуда, осмон гашт хашт.*

Маэмуни: «У кенг даштда отларнинг туёқлари зарбидан (етти қават ер) олтитага айланиб, (етти қават) осмон саккизта бўлиб қолди» (яъни, ернинг бир қавати осмонга чаңг бўлиб кўтарилиб кетди.—демоқчи шоир.) «Талмих» санъатини изоҳлар экан, Атоуллоҳ бундай деб ёзади: «Талмих каломда машҳур қисса ё машҳур нодир шеър ёки машҳур мақолга ишорат этмакдин иборатдир». «Ирсолул-масал» санъати эса Атоуллоҳча, «бир байтқа бир масал киритмакдур». Атоуллоҳ «масал» деганда «мақол» (халқ мақоли)ни кўзда тутади. Унингча, шеърда масалдан фойдаланиш икки йўл билан юз беради: «Биринчи ва афзали улдурким, масалнинг сўз ва тартибин ўзгартирмай бергайлар». «Иккинчи йўли улдирким, масалда (сўз тартибини сақлашда) ўзгариш юз берур». Худди шу тарзда Атоуллоҳ форс-тожик, ўзбек ва бошқа халқларнинг ўрта аср ва ҳозирги замон шеъриятида мавжуд ўнларча бадиий санъатларни мисоллар билан изоҳлаган, тартибга солган. Бу билан Атоуллоҳ Ҳусайнин адабиётшукослик тараққиётига катта ҳисса қўшди.

Адабиёт: Атоуллоҳ Ҳусайнин. «Бадоеъус-саноеъ» (форсчадан таржима ва изоҳлар муаллифи Алибек Рустамов). Тошкент, 1981.

МУҲАММАД ФУЗУЛИЙ

Муҳаммад Сулаймон ўғли Фузулий улуғ озарбайжон шоири. Фузулий ўзбек адабиёти ривожида ҳам муҳим аҳамият касб этган. Чунки XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб XX асрнинг бошларига қадар бирон ўзбек шоири йўқки, Фузулий шеъриятига татаббуъ, ғазалларига мухаммас боғламаган, унинг илҳомбахш ижодиётидан баҳра олмаган бўлсин. Мунис, Оғаҳий, Роқим, Увайсий, Муқимий, Фурқат, Аваз — бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Фузулий асарларининг тили ўзбек тилига шу қадар яқинки, ўзбек китобхонлари уларни таржимасиз, ўз она тилидаги асарлар қаторида ўқиидилар.

Фузулий 1498 йили Ироқнинг Карбало шаҳрида зиёли оиласида туғилган. 1556 йили вафот этган. Ривоятларга қараганда, унинг ота-боболари Озарбайжоннинг ҳозирги Оғжобади туманидаги Бўят қишлоғидан бўлгандар. Форсий девонининг муқаддимасида Фузулий туғилган ери — Карбалонинг бениҳоя нообод бир жой бўлганини, подшоҳларнинг назаридан мутлақо четда қолганини қайд этади. Лекин ёшлигидан илмга ва шеърга ҳавас қўйган шоир Шарқнинг энг ирик маданият ва илм марказларидан бўлмиш Бағдодда таҳсил қурди, она тилидан ташқари, форс, араб тилларини мукаммал эгаллайди. У талабалик йилларидаёқ шеърлари билан шуҳрат топа бошлайди.

Шоир озарбайжонча девони «Дебоча»сида «илмсиз шеър асоси йўқ девор ўлур ва асоссиз девор ғоятда бе-эътибор ўлур», — деб ёзган эди. Шу эътиқоддан келиб чиқиб, у ўз даврининг фалсафа, математика, ҳандаса каби илмларини пухта ўрганади. Йиллар ўтиши билан у уч тилда баравар ижод эта оловчич улуғ истеъдод сифатида танилади.

Фузулийнинг қисқа муддат Ироқнинг Ҳилла, Нажаф шаҳарларида ҳам истиқомат қилғанилиги маълум. Бироқ у умрининг кўп қисмини ўз ватанида тинч ижод билан ўтказди. Фузулий 1556 йили Карбалода вафот этади. У уч тилдаги газалларидан ташқари, «Лайли ва Мажнун» достонини, «Анисул-қалб», «Соқийнома», «Ҳалиқатус-суадо», «Бангубода», «Суҳбатул-асмор», «Ҳафтжом» сингари шеърий, «Матлаул-эътиқод», «Шикоятнома», «Ринд ва Зоҳид», «Сиҳнат ва Мараз» каби насрый асарларини ҳам ёзган бўлиб, уларнинг ҳар бири фақат

озарбайжон адабиёти тараққиёттіда әмас, бутун Шарқ ижтимоий, фалсафий, илмий, ахлоқий тафаккури тарихида ҳам мұхым ақамнитға әга.

Умуман олғанда, Фузулий Шарқ халқлари орасыда аввало лирик шоир сифатидан машхур. Хусусан, уннинг озарбайжон тилидаги «Девон»и лирик ижод соҳасидаги ҳайратомуз ҳодисалардан дир. Уч юзга яқин ғазал, 75 рубоній, 40 дан ортиқ қитъа, бир неча таржеъбанд, таркиббанд, мухаммас ва мураббаъларни ўз ичиға олған ушбу девон Фузулийнинг шеърнің даҳосини мукаммал ва ғоят ёрқин акс эттирувчи буюк бир шеърній обидадир. Бу ерда гап миқдорда әмас, сифатда, ундаги ҳар бир шеърнинг китобхон қалбига тоx нозли, тоx ўтли, тоx чақмоқ бўлиб таъсири этишида, уни тоx қувонтириб, тоx изтироблар денгизида чўмдириши хусусида бораётир.

Фузулий ижодининг юзага келишида XVI асрда Бағдод ва уннинг атрофларида яшаган Калойи, Зоеъий, Зехний, Илмий, Фазлий каби озарбайжон тилида ёзувчи шоирларнинг таъсири бўлган. Лекин уннинг шеърнининг ғоявий-бадиий шаклланиши ва юксалишида буюк озарбайжон шоирларидан Низомий Ганжавий, Ҳоқоний Ширвоний, Имодиддин Насимий, Ҳабибий, араб шоирларидан Абунуввос, Ҳассон, форс-тоҷик сўз санъаткорларидан Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Камол Ҳужандий, турк шоирларидан Тожиддин Аҳмадий, Юсуф Шайхийларнинг таъсири каттадир. Уннинг бир қанча ғазаллари Алишер Навоий ғазаллари йўлида ёзилган бўлиб, у Навоийни ўзининг асосий устозларидан бири деб билади. Навоийнинг «Наводируш-шабоб» девонидаги:

*Қайси тўби жилваси сарви хиромонингча бор?
Қайси гулбун үзра ғунча лаъли хандонингча бор?*—

матлаи билан бошланган ғазалини Фузулийнинг:

*Қайси гулишан гулбуни сарви хиромонингча вор?
Қайси кавсарнинг зулоли обиҳайвонингча вор?*—

Ғазалига қиёслаб кўрилса, икки улуғ шоир шеърниндағи ўзаро яқинликни яққол кўриш қийин әмас. Яхши кўрган шонрининг шеърларига ўхшатмалар ёзиш Шарқ шеърнинди анъаналаридан бўлиб, Фузулий ҳам бундан четда қолмади.

Фузулий девонида татаббүй характеридаги шеърлар кам. Унинг асосини ҳар томонлама асл шеърлар ташкил этади. У ўз ижодида ўша давр адабий ҳаётида мавжуд барча шеър турларида ижод қилса-да, аммо ғазалга алоҳида эътибор билан қарайди. Шарқ ғазалчилигида ҳукмрон бўлган анъаналарга у ҳам риоя қилиб, ишқий ғазаллар ёзишга катта ўрин берди. Инсоннинг барча инсоний фазилатларини, дунёга, ижтимоий ҳаётга муносабатини шу мавзу орқали ёритишга жидду жаҳд этди. Фузулий ғазалларида ошиқ ўз маҳбубасини ошкор ва ҳалол севади ҳамда ўз туйғулари, ўз ички ҳолати ҳақида, хурсандчилиги борасида, хафачилиги тўғрисида ҳам ҳеч тортинмасдан сўзлайди, севгилиси билан фахрланади, лекин ўз эътибори камлигидан нола қиласи, бағрини тилиб, такрор-такрор ёрга садоқатини баён этади.

Фузулийнинг тасаввуфий ва дунёвий маънодаги ишқий ғазаллари Шарқ классикларининг шу мавзудаги энг яхши шеърлари билан ҳамоҳангдир. Бироқ ҳар бир катта шоирнинг истеъоди ҳар қандай мавзуни ўзига хос тарзда, ўзига хос услубда ёритишни тақозо этганидек, Фузулий ҳам ҳамма қаламга олган, ҳар бир инсон қалбига тушунарли бўлган муҳаббат мавзунин ўз қарашларидан келиб чиқиб, ўз дилидан ўтказиб, ўз юрагининг тафти билан, ўз истеъододига хос шоирлик эҳтироси билан ёритишга, куйлашга, талқин этишга интилди ва бунга эриша олди ҳам. Фузулий ўз ғазалларида кўпроқ лирик қаҳрамон—oshiқнинг ички изтиробларини, ҳақсизликдан, адолатсизликдан, шахс эркиннинг топталганидан норозилигини, инсонга хос ҳис-туйғуларнинг камситилишидан, ҳақоратланишидан дили озор чекишини гоҳ дард, гоҳ таассуф, гоҳ ғазаб билан ифодалади:

*Азал котиблари ушшок баҳтин қора ёзмишлар,
Бу мазмун ила хат ул саҳфаи руҳсора ёзмишлар—*

яъни тақдирни хатга туширувчи котиблар азалдан ошиқларнинг баҳтини қора ҳарфлар билан ёзганларки, буни уларнинг юзларидан ҳам куриш ва ўқиш мумкин,— дейди шоир чуқур алам ва ҳасрат билан. Фузулийнинг кўпгина ғазаллари шу фикрнинг бадиий суратланиши сифатида кўзга ташланади. Улуғ шоирнинг «Керакмазму сан-

га» радифли машҳур ғазалини кўздан кечирадиган бўлсак, унинг ҳар байтида ошиқ гоҳ ўз кўнглига, гоҳ боғбонга, гоҳ бошқа нарса ва жисмларга мурожаат қилиб, уларни ишиқ балосидан ўзини сақлашга, унинг ўтларида бевақт ёниб кетмасликка, сув бўлиб оқиб битмасликка, фожеанинг олдини олишга чақиради. Бир қараганда, бу ғазални ўқиётган китобхонни шоир бундай севгидан қайтармоқчидай туюлиши мумкин. Аслида бундай эмас. У тасвирлаган севги илоҳий маънога эга бўлиб, ошиқ-шоир ўзини азоб-уқубатга қўйиш, кўз ёши тўкиш йўли билан орзусига эришмоқчи бўлганини бор мураккаблиги билан ифодалашга интилади. Шоирнинг лирик қаҳрамони некбин, бир сўзли, ўз севгисига, севгилисига вафодор, фидойи инсон. У ўзини даврининг Мажнуни, Фарҳоди, Вомиқи деб ҳисоблайди.

Фузулий шеърлари, хусусан, ғазаллари китобхонни ҳаётнинг, борлиқнинг, ҳодисаларнинг, зарра ва зарражаларнинг ташқи томонига эмас, кўпроқ ички томонига, ички моҳиятига назар ташлашга, табиат ва ҳаёт ҳодисаларини юзаки эмас, чуқур билишга, бунинг учун ҳаётда ўрганувчи, текширувчи, фаол кузатувчи бўлишга даъват этади. Шу маънода Фузулийнинг лирик қаҳрамони — бу мутафаккир-файласуф, мушоҳадакор-табиатшуносдир. У ўз ички кечинмаларини борлиқдаги табнат ҳодисалари, уларнинг ички моҳияти билан боялаб изоҳлашга интилади, атрофга ҳамиша маърифат кўзи билан қарайди, одамларни ҳушёрликка, билимга, камолотга чорлайди, китобхон кўз ўнгидан ажойиб-ғаройиб бир руҳшунос, қалбшунос сифатида намоён бўлади. Буни биз Фузулийнинг «Ўландан сўр» радифли ғазалида бутун тўлалиги билан кўрамиз. Бу шеър қаҳрамони фикрича, висолининг қадрини висолга тўйганлар эмас, ҳижрон азобни чекканлар билади; ёр лабининг қадрига ҳам ёрнинг дийдорига ташна бўлганлар этади; унинг ширик лабидан тўқилган сўзлар маъносини жоҳил одамлар чақа олмагани каби, кўчалардаги оч, юпун, бева-бечоралар, кўзидан ёши билан турган ошиқларнинг руҳий ҳолатини ҳам ҳамма бир хилда тўғри тушуна олмайди, чунки осмонда сайр этган юлдузлар аҳволини уйқудаги ғофиллар эмас, балки тунлари бедор ошиқлар, мунахжим олимларгина яхши билиши мумкин; бу ҳақдаги саволни ҳам уларгагина бериш керак; мастларнинг

тундаги безорилигини ҳам уларнинг ўзидан эмас, ҳуш-
срлардан сўраш ўрили...

Шу хилда Фузулий лирика доирасида кишилар ички
ҳолатини жамият аҳволи билан қиёслаб, ўзича таҳ-
лил қилади, муҳим холосаларга келади ва унинг шеър-
лари оддий ишқийликдан теран фалсафийлик, ижтимо-
ийлик, илоҳий сирлилик даражасига кўтарилади. Бун-
дай ғазаллар оддий шеър сифатида ўқилмайди, балки
китобхонни ҳаёт ҳақида, одамлар ҳақида, уларнинг
муносабатлари ҳақида ўйлашга, инсонийликка даъват
қилади. Шунингдек, шоир «Фигонким, бағрининг ул ло-
ларух қон ўлдини билмаз» деб бошланадиган ғазали-
нинг ҳар байтида гоҳ ўз даври ижтимоий-сиёсий ҳаёти-
га, гоҳ ундаги айрим ижтимоий табақаларга қарата, гоҳ
ўз давридаги жамиятда мавжуд маънавий турмушнинг
ижтимоий-ахлоқий иллатларига, ўз даври зиддиятларига
чукур истеҳзо билан муносабат билдиради.

Ошиқнинг ички дунёсини, орзу-истагини, дарду ҳас-
ратини, самимий илтижоларини шунга мос оҳанг ва
рангларда ифодалаш жараённида Фузулийнинг поэтик
маҳорати шеърдан шеърга бетиним юксала йоради.
Унинг баъзи шеърларида ҳазиломуз кулги билан суғо-
рилган шўх байтлар тез-тез учраб туради. Бу хил байт-
лар шоир шеъриятига маънавий ва бадиий ранг-баранг-
лик бағишлайди.

Фузулий лирикасида шахс билан замон ўртасидаги
зиддият, бизнинг фикримизча, муҳим масалалардан би-
ридир. Шоир ўз лирик қаҳрамони қиёфасида халқ омма-
сининг энг яхши фазилатларини, орзу-умидларини, ин-
тилишларини яхши акс эттира билди. Фузулийнинг ли-
рик қаҳрамони — бу кўл вақт шоирнинг ўзи. Шоирнинг
байтлари орасида шайх, носиҳ, воизлар ҳақидаги, улар-
нинг иккюзламачилкларини, калтабинликларини, но-
самимийликларини қоралаб, улар устидан кулиб, масха-
ралаб ёзган сатрлари ҳам муҳим ва характерли.

Фузулийнинг шеърий меросидаги мухаммас, мураб-
баъ ва руబийлар кўп жиҳатдан унинг ғазалларига яқин
туради. Лекин унинг қитъалари тўғрисида бу гапни ай-
тиш қийин. Унинг озарбайжонча 42 қитъаси маълум бў-
либ, уларда анъанавийлик хусусиятлари йўқ даражада.
Уларнинг ҳар бирида буюк шоир ўз даврининг муҳим
бир масаласига кўл урган ёки ҳаётий муҳим бир маса-
лани, ҳодисани, ижтимоий шахс қиёфасини шеърий ифо-

далайди. Бир қитъасида шоир ўзича бошқа мамлакатни босиб олиб, уни талашин қаеб қилиб олган урушқоқ подшоҳ билан тинч меҳнат соҳиби — шоирни қарама-қарши қўяди ва шоирни, унинг меҳнатини шоҳникига нисбатан ижобий баҳолайди, улуғ кўради. Бундай дейиш Фузулий яшаган даврларда жасурлик эди!

Хуллас, Муҳаммад Сулаймон ўғли Фузулий ўз бара-кали шеърий ижоди билан фақат озарбайжон адабиёти тараққиётига эмас, балки барча туркӣ халқлар ада-биёти тараққиётига ҳисса қўшди. Унинг асарлари ўзбек китобхонлари орасида ҳамон севиб ўқилмоқда. Фузулий форсий қитъаларининг бирида ўзини ўз шеърияти билан «олам аҳли»га, яъни бутун инсониятга тўкин дастурхон ёзган мезбонга ўхшатган эди. Ўша дастурхон бугун ҳам очиқ. Ҳамма ундан баҳраманд ва баҳраманд бўлишда давом этаверади.

ДЕБОЧА

ДЕБОЧА — форсий «дебо» сўзидан бўлиб, ҳарир ипак матони, «ча» қўшимчаси қўшилиши билан шу ма-тодан зар ва дурлар қадаб тикилган ипак кийим маъ-носини билдиради. Ўзбек адабиётида дебоча илмий ва бадиий прозанинг ўзига хос туридир. Бадиий адабиётда дебоча китобларга, хусусан, шоирларнинг девонларига ёзилган «сўзбоши», «кириш» тушунчасини англаради.

Дебоча муаллифнинг ижоди ва ҳаёти, девонининг қачон ва қандай шаронтда, кимнинг ёки кимларнинг илтимоси, таклифи билан тузилгани, қандай ғоявий-ба-дий мезонларга асослангани ҳақида қимматли маълу-мотлар беради.

Дебоча куллиёт, баёз ва тазкираларга ҳам ёзилиши мумкин.

Ўзбек адабиётида ўз шеърий девонига биринчи бўлиб мукаммал дебоча ёзган шоир Алишер Навоийдир. Бизга улуғ шоирнинг икки дебочаси маълум. XV асрнинг 70-йиллари ўрталарида Алишер Навоий ўзининг биринчи девони «Бадоेъул-бидоя»ни тузади ва унга мазкур де-воннинг яратилиши тарихини кенг баён қилувчи дебоча ҳам ёзади. Алишер Навоий дебочада Худо ва пайгам-бар мадҳларидан сўнг асосий муддаога кўчар экан, ўзини китобхонларга «Навоий» деб шундай таништира-ди: «Бу паришон ажзонинг варақнигори ва бу ошуфта авроқнинг қисса гузори, меҳнат паймонасининг журъача-

ши ва маломат хумхонасининг сабукаши, шайдолик ма-
ҳалласининг расвоси ва расволиқ кўчасининг шайдоси:

*Вафо бўстонининг достон саройи,
Маломат булбули, яъни Навоий...»*

Мазкур дебочада хабар берилишича, Алишер Навоий
бу даврда шоир сифатида кенг шухрат қозонган булиб,
кўнглига келган ҳар қандай фикрини ҳеч қийналмай назм
ипига тиза олар, халқ эса унинг шеърияти дурдонала-
рига жонини фидо қиласар эди:

*Кўнглумда не маъни ўлса эрди пайдо,
Тил айлар эди назм либосида адо.
Ул назмға жонини қилибон халқ фидо,
Солурлар эди гунбази гардунға садо.*

Лекин шоир ижодда шундай катта салоҳиятга эга
бўлган ўз шеърларидан девон тузишга шошилмас, буни
ҳали эрта деб ҳисоблар, унинг мухлислари эса «кўп қат-
ла бу иш иртиқобига илтимос ва таклиф қилур эрди-
лар...». Алишер Навоий дебочада ҳикоя қилишича, кун-
ларнинг бирида подшоҳ Ҳусайн Бойқаро Алишер Наво-
ийга мурожаат этиб, дарҳол девон тузишга киришишни
буоради ва ҳеч қандай узр қабул этилмаслигини таъ-
кидлайди:

*«...— Тиларбиз бу паришин бўлса мажнүъ.
Равон бўлким, эмастур узр масмүъ».*

Одатда, ўз дили ами билан иш тутадиган шоир учун
халқига бундай «амр» бериш малол келиши, кулгули
туюлиши табиий. Бу аҳволни изоҳлаб, Навоий «Бадоевъ-
ул-бидоя» дебочасида қўйидагиларни ёзди:

«Бу вожибул-итбоз амр вуқуъидин ва бу ясиҳҳус-
сукут ҳукм судуридин дуд бошимға ошти ва ўт думо-
гима тутошли, хомам тили лол ва тилим хомаси шикаст-
тамақол бўлди. Не шуруъ қилурға қувват ва не узр
айтурға мувофиқ тилим бу байтқа мутакаллим ва кўнг-
лум бу навога мутараннум эрдиким:

*Навоий ғамға қолди ўз каломи жонфизосидин,—
Анингдекким, етар булбулға меҳнат ўз навосидин».*

Алишер Навоий ўз девонини бошқалардан фарқли
улароқ мукаммал қилиб тузишга қарор қиласади. Маса-

лан, бошқа шоирлар ўз девонларида одатда қофияси бўйича араб алфавитининг 28 ҳарфига ғазал битган бўлсалар, Навоий 32 ҳарфнинг ҳаммасига ғазал битади. Бошқа шоирлар ўз девонларига ишқий шеърлар бериш билан чекланган бўлсалар, Навоий насиҳатомуз («насиҳаторо ва мавъизатосо») шеърларидан ҳам намуналар беради.

Дебочада Алишер Навоий ўз ғазалларининг характерига тўхталиб, байтларнинг мазмунаи бир-бирига боғланган бўлишини истаганлигини («мазмунда матлаъе воқеъ бўлса, аксар андоқ бўлгайким, мақтаъғача сурат ҳайсиятидин мувофиқ ва маъни жонибидин мутобиқ тушгай») айтади. Шу билан бирга, шоир ўз девонида ўша давр адабий ҳаётида истесъмолда бўлган ҷарчаша шеър турларидан бўлишини хоҳлаган ва шу тамойилга амал қилган.

Мазкур дебочада Алишер Навоий ўз таржимаи ҳолига оид қимматли маълумотларни бериш билан бирга, ўз фикрларини кўп ўринда сажъ билан, қатор ҳолларда шеърнинг маснавий, рубоий, фард шаклларида ифодалаган. Дебочада биргина рубоийдан 15 намуна борлиги мазкур дебочанинг бой бадиий қимматга эгалигини ҳам кўрсатади.

Алишер Навоийнинг «Ҳазойинул-маоний» девони дебочаси ҳам шу каби ўзига хос хусусиятларга эга. Навоий дебочалари катта илмий-тарихий аҳамиятга эга бўлишини билан бир қаторда юксак ӯзиёндаги қимматга ҳам эга. Чунки улар шоирона дид ва завқ билан ёзилган бўлиб, кейинги девон тузган ўзбек шоирлари ўз дебочаларида Навоий анъаналарини давом эттиридилар. Мунис, Огаҳий, Нодира, Фақирий каби ўзбек шоирлари ҳам ўз девонларига дебочалар ёзишган.

Адабиётлар: Алишер Навоий. Ҳазойинул-маоний. 1-жилд, Тошкент, 1959, 5—17- бетлар; Ўша нашр, 2- жилд, 760—772- бетлар; Алишер Навоий, Асарлар, 1- жилд, Тошкент, 1963, 57—72- бетлар; Ўша нашр, 4- жилд, 454—470- бетлар; Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами, 1- жилд, Тошкент, 1987, 11—25- бетлар.

Сулаймонов Ҳ. «Ҳазойинул-маоний» матнларини ўрганиш ва нашрга тайёрлашнинг асосий масалалари. Қаранг: Алишер Навоий. Ҳазойинул-маоний, 1- жилд. 5—28- бетлар; Зоҳидов В. Дебочанинг сири. Қаранг: Зоҳидов В. Ҳаётбахш бадиият тароналари. Тошкент, 1975.

119—136- бетлар. Яна бир дебочанинг шаҳодати. Қаранг: Зохидов В. Жаҳон бадиияти зарвараклари, Тошкент, 1980, 2283—298- бетлар; Фарида Каримова. Ўзбек адабиётида дебоча. Мақола. Қаранг: «Ўзбек тили ва адабиёт» журнали, 1986, 6-сон, 15—19- бетлар.

ДЕВОН

ДЕВОН — ўзига хос қонда ва хусусиятларга эга бўлган шеърий туплам. Девон аслида форсий сўз бўлиб, йигилмоқ, тупланмоқ маъноларини англаради. Адабиётида ва адабиётшуносликда девон одатда бир шоирнинг шеърларини ўз ичига қамраб олган бўлиб, бундай туплам шоирнинг ўзи томонидан ёки бошқа шахс томонидан тузилади. Масалан, форс адабиётида Саъдийнинг, ўзбек адабиётида Навоийнинг плк девонлари бошқа кишилар томонидан тузилган. Девонларга шоирлариниғ мисбатан кичик ҳажмдаги ҳамма шеърлари (қасида, газал, мустазод, мухаммас, мусаддас, мураббаъ, рубоий, туюқ, таржеъбанд, таркиббанд, қитъа, нома, луғз—шеърий топишмоқ, фард, муаммо, мувашшаҳ ва ҳоказолар) кириши мумкин. Девонда шеърлар қофия ва радифларнинг охири ҳарфларига қараб араб алифбоси гартибida жойлаштирилади.

Биринчи девон Шайх Саъдий девони бўлиб, у 1334 йили Али бинни Аҳмад ибни Абубакр Бесутун томонидан тузилган. Ўзбек адабиётида Лутфий, Саккокий, Атойи, Гадойи, Хоғиз Хоразмий девонларини биринчи девонлар деб ҳисоблаш мумкин.

Шоирлар ўз шеърларидан девон тузишга етуклик даржасига етгацларидағина журъят этганлар. Девон тузиш санъатини Амир Хусрав Дехлавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий энг юксак дарражага кўтардилар. Масалан, Навоий ўзбек тилидаги ўз шеърларидан «Бадоъул-бидоя», иккичи марта «Наводирон-ниҳоя» (1480 йиллар) ва учинчи марта «Хазойинул-маоний» (1490 йилларнинг бошлари) номлари билан уч девон тузган. Шоир уларнинг хар бирига маҳсус дебоча ҳам ёзган. «Хазойинул-маоний», «Фаройибус-сиғар», «Наводируш-шабоб», «Бадоъул-васат», «Фавоидул-кибар» номлари билан аталган тўрт девондан ташкил топган. Бу девонларининг ҳар бирида 650 тадан 2600 тагача ғазал, 133 рубоий, 210 дан ортиқ қитъа ва бошқа шеър турлари бор. Навоий форсий шеърларидан «Девони Фоний» номи билан алоҳида девон тузган эди. Бу далиллар Навоийнинг шеърларини тоза менорида олди.

войининг девон тузниш анъанасига катта эътибор билан қараганини билдиради.

Девоилар Шарқ адабиётида шонрларнинг ижодини үрганишдаги биринчи асосий манбалар ҳисобланади. Шонрлар ўз девоилариши мазмунан бой ва ранг-бараңг қилиб тузишга ҳаракат қылганлар. Навоий бир ғазалида:

Эй Навоий, олтин үл, шингарфу зангар истама,

Бўлди наэминг рангидин девон қизил, сариг, ёшил
деб ёзиши бежиз эмас эди. Ўзбек адабиётида девон тузган шонрлар кўп бўлган. Бу жиҳатдан Бобур, Муинис, Огаҳий, Нодира, Аваз Утар, Увайсий, Табибий, Комил ва бошқаларнинг девоилари ҳам девон талабларига ҳар томонлама жавоб беради. Баъзаш анъанавий қондаларга амал қилмай тузилган, оддий шеър тўпламларини шартли равишда девон деб аташ ҳоллари ҳам учрайди. Кейинги давр ўзбек адабиётида Мақсуд Шайхзода, Ҳабибий, Собир Абдулла, Эркин Воҳидов ўз шеърларидан девонлар туздилар.

Бу муаллифлар девон тузишнинг айрим қондаларига риоя қилгаилар, холос. Фарб шонрларидан В. Гёте улуғ форс шонрларига тақлидан «Фарб-Шарқ девони» («Dez West ostick Divan») ни тузгани билан машҳур.

БАЁЗ

БАЁЗ (арабча — оқ, оқлиқ) — шеър тўпламлари турларидан бирш. «Баёз» атамаси ўтмиш адабиётшуносликда бир ёки бир неча шеъришинг ёзиб тугалланганидан кейин кўпинча котиблар томонидан оқقا кўчирилиши ва тўпламга киритилиши ҳақидаги тушунча билан боғлиқ. Адабиёт тарихида баёз девон, тазкиралар қатори муҳим аҳамиятга эга. Баёзнинг дастлабки намуналари араб адабиётида VIII—XII асрларда тузилган. Баёз тузиш анъанаси кейинчалик бошқа мамлакатларга, жумладац, Эрон, Ҳиндистон ва Марказий Осиёга ҳам тарқалган.

Баёзлар, одатда, шеър ихлосмандларининг илтимоси ёки буюртмаси билан котиблар томонидан тузилган. Бунда котиб ўз бадиий диди билан бир қаторда буюртмачининг дидини, адабиётга, шеърнинг қарашини ҳам ҳисобга олган. Яъни буюртмачи котибга баёзни қайси шонрларнинг шеърларидан тузиш ҳақида олдиндан аниқ кўрсатмалар берган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Кўпинча баёзлар улуғ кишилар, катта амалдорлар ва хонаида санъаткорлар учун тузилган. Баёзлар шеърнинг

усан, Ҳофиз, Навоий, Бедил, Фузулий, Фурқат, кабилар шеъриятини омма орасида тарғиб катта аҳамият касб этгани. Бир баёз иккинчисини көрбламаган.

Адабиётлар: Е. Исҳоқов. Баёз ва баёзчилик тарихи. «Ўзбек адабиёти тарихи масалалари» тўпламида. Тошкент, 1976, 78—100- бетлар; М. Ҳамидова. Қўллэзма баёзлар — адабий маъба сифатида. «Адабий мерос» тўпламида, 2- китоб. Тошкент, 1971, 259—266- бетлар; Б. Валихўжаев. Баёз. «Ўзбек адабиёти тарихи», 4- жилд, Тошкент, 1978, 23—28- бетлар.

ЗАРБУЛМАСАЛ

ЗАРБУЛМАСАЛ — маълум бир фикрни исботлаш, асослаш, кучайтириш, равшаплаштириш учун ҳалқ мақолини келтириш. Арабча масал мақолни билдиради. «Зарбулмасал» — «масал орттироқ», «масални масалга қўшмоқ», «масал бўлмоқ», «зарбулмасал бўлмоқ», — машҳур бўлмоқ, яъни одамларнинг оғзига тушмоқдир. Ҳусусан, шоирлар ўз шеър ва маснавийларнда ҳалқ мақол ва маталларидан, ҳикматли сўзларидан кўп ва маҳорат билан фойдаланишга ҳаракат қилганлар. Бу эса шеърий санъатда ирсоли масал — масал (мақол) келтириш деб аталган.

Шеърда мақол келтириш ўзбек адабиётида қадим тарихга эга. Масалан, Хоразмийнинг «Муҳаббатнома» асарида шундай байт бор:

*Чечак дермен юзунгузга, қамар ҳам,
«Халойиқ севганин Ҳолиқ севар ҳам».*

Бунда «Халойиқ севганин Ҳолиқ севар ҳам» ҳалқ орасида машҳур «Ҳалқ суйғанин Худо ҳам суюди» дегани мақолининг XIV асрдаги муқобили ёки сал ўзгарилиганидир. Юсуф Амирий эса «Даҳнома»да бир неча мақол ва матални қаторлаштириб келтиради:

*Деди:— Эй умр, ўтарғо қилма рағбат!
Деди:— Гар умр ўтар хуш, бил ғанимат.
Дедим:— Етгайму сендин ташна сую?
Деди:— Йўқтур боле айб озурға.
Дедим:— Жонимда шавқинг ғулғули бор.
Деди:— Ҳар қандо гулдур — булбули бор.*

Лутфий (XV аср) эса ўзининг қуйидаги ғазалини бошидан охиригача мақол келтириш санъатига қурган:

Аёқингға тушар ҳар лаҳза гису,
Масалдурким: «Чароғ туби қаронғу».
Тутармен күзки, күрсам оразингни,
Ки дерлар! «Оққан ориққа оқар су».
Юзүнгни тұттум ортуқ ою күндін:
«Кишининг күзиңдур, оре, тарозу».
Күзинг қонилдин ийманмас, ажабтур,
Ки: «Құрқар, қайдаким қон күрса ҳинду».
Тилар васлингни Лутфий, қыл ижобат,
Ки айтурлар: «Тиласанни тиласау».

Шеърда мақол ва матал құллаш Атойи, Саккокий, Гадойи, Ҳофиз Хоразмий, Ҳайдар Хоразмий каби шоирларга ҳам хос. Бироқ Навоий бу соҳада ҳаммадаң ошиб түшди, дейиш мумкин. Чунки унинг «Хамса» достонлары, шеърий девонлари ва бошқа асарларида халқ мақол ва маталларини юзлаб учратиш мумкин. Масалаң, унинг ғазалларида мақоллар ишлатылған шундай байтлар бор:

*Рақиби синдумиб күнглину мен йиглаб анга. Лекин —
«Сув келтирмак ҳамону күза синдумоқ ҳамон»*
эрмиши.

*Етти жон оғзимаким, чиқмас үйидин үл ҳур,
«Чиқмогон жонға умид», ушбу масалдур машхур.
Үқларинг күнглумга түшгач, күйди ҳам күз, ҳам
бадан,
Ким! «Куяр аввал қуруғ чун найистонға түшти үт».*

Навоий ва бошқа ўзбек шоирларининг шеърларидаги күп мақол ва маталлар анъанавий ишқий мавзува ғояларга бөлаб келтириләди. Навоий асарларидағи мақол ва маталлардан махсус китоб тузиш мумкин.

Туркия ва бошқа мамлакаттарда халқ мақолларидан «Зарбулмасал» номи биләп яхлит бир түплам яратышга уриниш күп бўлган. Ўзбек адабиётида бу ишга XIX асрнинг биринчи ярмида Муҳаммад Шариф Гулханий киришди. Гулханий бу масалани ноёб тарэда ҳалқилди. У халқ орасида Кўрқуш билан Бойўғлининг ўзаро қуда бўлиши ҳақидаги мажозий қиссани олиб, қудачилик воқеаси муносабатлари тасвири давомида халқ орасида машхур бўлган тўрт юз мақол ва матал («тўрт юз зарбулмасали авомун-нос») ши келтиради. Бу халқ оғзаки ижодини ўрганишда, умуман адабиётшуносликда буюк хизмат эди.

XIX асрда яшаб ижод қилган зуллисонайн шоир Нозим Хўжандий ўз девонига кирган рубойларининг бир қанчасини бир мақол асосида яратган. Қўқонлик шоир Рожий Хўқандий (1871—1924) эса Гулханий анъясини давом эттириб, янги «Зарбулмасал» ёэди. Лекин унинг бу асари маснавий йўлида бўлиб, шоир ҳар байтнинг (асар 154 байтдан иборат) иккинчи мисраснда бир мақол ёки матални аслича ёки бирор ўзгартириб келтиради:

Қанча иш бўлса бугун кечга кетар,
«Сабр қилсанг ғўрадин ҳалво битар».
Етишурсен йиқилиш пайғомига:
«Бемаҳал чиқма бироннинг томига».
... Мулк ҳаддидин ўтиш яхшимидур,
«Қўшинини ўғри тутиш яхшимидур».

Ўзбек адабиёти тажрибаси шуни кўрсатадики, зарбулмасал ёзма адабиёт билан халқ оғзаки ижоди жавоҳирлари туташган ўзига хос адабий жанрdir.

Адабиётлар: Ф. Исоқов. Гулханийнинг «Зарбулмасал» асари, Тошкент, 1976; «Ўзбек адабиёти тарихи», IV жилд. Тошкент, 1978.

ТАЗКИРА

ТАЗКИРА — маълум бир даврда яшаб, ижод этган шоир ва адиблар, уларнинг асарлари ҳақида маълумот берувчи, илмий-адабий манба тарзидағи асар. Тазкира арабча «зикр» сўзидан олинган бўлиб, «эслаш», «эслатиш», «ёдга олиш» маъноларини билдиради. Форс-тоҷик адабиёти тарихига оид дастлабки тазкира Абу Тоҳир Хотуний (XI аср) томонидан тузилган бўлиб, «Маноқибуш-шуаро» деб аталган. Тазкира ҳозирги «антология» тушунчасини ҳам англатади. Муҳаммад Авфий Бухорий (XIII аср) нинг Ҳиндистонда яратилган «Лубобул-албоб» тазкираси ҳам ғоят машҳур бўлиб, унда 300 га яқин шоир ёки шоираларга алоқаси бўлган кишилар ҳақида маълумот берилган. Форс-тоҷик адабиётининг XIII асргача бўлган тарихини бу тазкирасиз ўрганиб бўлмайди.

Мундарижасига кўра тарихий-замонавий ва замонавий тазкиралар мавжуд тарихий-замонавий тазкирада бир неча асрларга тааллуқли шоирлар ҳақида (Авфий Бухорий тазкираси, Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Таз-

киратуш-шуаро»си ва бошқалар), замонавий тазкираларда асосан тузувчининг замондошлари хусусида фикр юритилади.

Тазкиралар турли тамойилда — хронология, араб алифбоси тартибида, географик жойлашишга кўра, муаллифнинг ижодий мuloқоти даражаси каби асосларда тузилиши мумкин. Шоирлар ҳақидаги маълумотларда унинг исми, тахаллуси, қаерданлиги, ижоди, табиати, ўзига хос хусусияти, ижоди, муаллифнинг унга муносабати хусусида фикр билдирилади, шеърларидан намуналар келтирилади. Тазкиралар шеърий ёки настрий бўлиши мумкин.

Ўзбек адабиёти тарихида биринчи тазкира XV асрнинг 90-йиллари бошида Алишер Навоий томонидан тузилди. Бу — Навоийнинг «Мажолисун-нафоис» («Нофис мажлислар») асаридир. Тазкирада 459 шоир ҳақида маълумот берилган. Навоий форсий тазкиралардан фарқли равишда асосан замондош бўлган ва ўзидан бироз аввал ўтган шоирларга тўхталган. Кейинчалик Навоий тазкирасининг бу хусусияти бошқа тазкиранависларга катта таъсир кўрсатади.

Тазкира тузиш анъанаси кейинги асрларда давом этди ва яшада ривожланди. XVI асрда Ҳасан Ҳожа Нисорий «Музаккирул-аҳбоб», Мутрибий 1604—1605 йилларда «Тазкиратуш-шуаро», Малехо Самарқандий 1692 йили «Музаккирул-асҳоб», Мулла Содиқ Самарқандий XVII асрнинг 40-йилларида «Риёзуш-шуаро», «Муҳаммад Амин бин Нурмуҳаммад Насафий 1758—1759 йилларда «Мазҳарул-мусаннифин» тазкираларини туздилар.

XIX асрнинг биринчи ярмида хон топшириғи билан Фазлий Наманганий раҳбарлигига Кўқон ва унинг атрофида ижод қилган ҳамда Умархон саройига алоқаси бўлган 80 дан ортиқ шоир ва шоирлар ҳақида «Мажмуан шонрон» тазкираси тузилди. Тазкира бошқа кўп тазкиралардан фарқли ҳолда шеър билан ёзилган эди. Тазкирада фақат адабий ҳаётга эмас, ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётга ҳам оид маълумотлар акс этган. Шу боисдан ҳам ҳар бир тазкирининг яратилиши маданий ва илмий ҳаётда катта воқеа бўлган. Бундай тазкиралар бироз вақт ўтиб Бухоро ва Хивада ҳам тузилгани. XIX аср Бухоро адабий муҳити ҳақида Қори Раҳматулло Возеҳнинг «Туҳфатул-аҳбоб», Абдулазим Шаръийнинг «Тазкиратуш-шуаро» тазкиралари мавжуд. Хоразмлик Аҳмаджон Табибин эса Муҳаммад Раҳим-

хон II (адабий тахаллуси Феруз) атрофига тўпланган, кўпроқ сарой адабий муҳитининг вакили бўлган шоирлар ҳақида «Мажмуайи 30 шуаройи пайрави Ферузшоҳий» ҳамда «Мажмуайи мухаммасотушшуаройи Ферузшоҳий» тазкираларини тузган. Мазкур тазкиралард ӯзбек шоирларидан Мутриби Xонахароб, Аваз, Баёнийлар ҳақида қимматли маълумотлар бор. Ӯзбек адабиёти тарихини бу тазкираларсиз ўрганиб бўлмайди. Ҳали ўрганилмаган тазкиралар ҳам кўп.

XX асрда ҳам тазкира тузиш антология тузиш шаклида қисман давом этди. 1949 йилда Ойбек ташаббуси ва кириш сўзи билан «Ўзбек шеърияти антологияси», 1961 йилда С. Азимов сўзбоши билан беш жилдлик «Ўзбек шеърияти антологияси» тузилди. Тазкира ҳозир ҳам маълум халқ адабиёти, шеърияти, халқ оғзаки ижоди, маълум гурӯҳ ижодкорлари, хусусан, шоирлар ижоди билан кенг китобхонлар оммасини таништиришда энг қулай воситалардан биридир.

Адабиётлар: Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи, 2- китоб, 1964; Алишер Навоий. «Мажолисун-нафоис». Илмий-тақиидий матн. Тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи С. Фаниева.; А. Ҳайитметов. «Мажолисун-нафоис» ҳақида баъзи мулоҳазалар. Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. Тошкент, 1958, 1-сон.

РИСОЛА

РИСОЛА — Шарқда фан, адабиёт ва санъатининг бирор соҳаси ёки масаласига оид илмий ёки илмий-методик характердаги китоб, қўлланма. «Рисола» арабча «расл» сўзидан ясалган булиб, трактат, тадқиқот, маъруза маъноларини билдиради. Рисола ҳозирги илмий брошюра тушунчасини ҳам аниглатади.

Ўзбек тилида рисоланинг бириичи намунаси 1436—1437 йилларда Шайх Аҳмад бил Худойдод Тарозий томонидан яратилган булиб, «Фунунул-балоға» деб аталган.

Абдураҳмон Жомий ўзининг аruz, мусиқа, муаммога доир асарларини рисола («Рисолайи аruz», «Рисолайи мусиқи», «Рисолайи муаммойи кабир» ва ҳоказо) деб атаган. Ҳусайн Бойқаро ўз давридаги маданий ҳаёт ҳақида фикр юритиб, бу ҳақда мухтасар бир асар яратар экан, уни «рисола» деб атаган.

Турли мавзуда рисолалар яратишга Алишер Навоий ҳам катта аҳамият берган. Шоир «Бадоевул-васат» девонидаги бир ғазалида:

*Дединг: Фано недурур? Мухтасар дейин: «Улмак!»
Ки шарҳини тиласанг, юз рисола бўлғусидир.—*

деб ёзади. Бу байтдан маълум бўладики, Навоий талқинча, рисола бирор масалани изоҳлаб, шарҳлаб берадиган асар, китоб. Бинобарин, рисола шарҳлардан иборат китобларга ҳам яқин. Лекин Навоий аruz ҳақидаги «Мезонул-авзон» асарини яратар экан, бу соҳада туркӣ аruz бўйича ҳеч ким унгача маҳсус бирор асар ёзмаганини таъкидлайди ҳамда «китоб» ва «рисола» атамаларини бир-биридан фарқ қиласидиган: «...ул фан (аруз) ривожи учун киши аruz фанида китобе ё рисолас битмайдур». Бу билан Алишер Навоий ўз асарини рисола деб аташга мойиллик билдиради.

Навоийнинг «Муфрадот» асари китобнинг рисола турига оид бўлиб, унинг илмий қиммати ҳақида Хондамир «Макоримул-ахлоқ» асарида бундай деб ёзган: «Олий табнатли амир асарларидан яна бири «Рисолайи муфрадот»дирки, муаммо фани ҳақида форсий тилда ёзилган ва бу фаннинг тузилиши ва тартибларида ғоят фойдали ихтиrolар қиласидиган. Чунки муаммо амалларининг ҳар бирида шундай муаммо исботлари келтирилганки, уни ечиш учун ӯзидан кейин келадиган амалларни билишнинг ҳожати йўқ. Бу нафис асарни ҳақиқат эгаси Маҳдум... ҳузурига (яъни Жомийга) юбордилар. Ул ҳазрат бу китоб таърифида шундай ёзувни баён лавҳига нақш қиласидар:

*«Расули дўст ба дастам яке рисола супурд,
Рисолаеки, зи дил ранчи дер сола бибурд».*

Таржимаси:

*Дўстимнинг элчиси менга бир рисола топшириди,
Шундай рисолаки, дилдан кўп ииллик қайғуларни
кўтарди.*

Навоийнинг вафотидан бир оз аввал (1499 йили) иккى тил — форс ҳамда ўзбек тиллари муқоясаси, ўзбек тилининг адабий тил сифатидаги бойлигини, гўзаллигини, яаш, қўлланиш ҳуқуқини исботлашга бағишланган «Муҳокаматул-луғатайн» асари илмий рисоланинг мумтоз намунасидир. Бунда улуғ шоир кичик асада катта масалани ҳал этишнинг юксак намунасини кўрсатди. Ушбу рисола охирида Алишер Навоий ёзади: «...туркий ва сорт луғати кайфияти ва ҳақиқати шарҳида бу рисолани жамъ қилиб битидим. Ва анга «Муҳокаматул-луғатайн» от қўйдум...».

Узбек адабиётида турли мавзуларда ажойиб рисолалар яратилди. Лекин бу жанрининг усул ва услублари бизнинг давримизда ҳам ривожланган булиб, адабиётшунослигимизда адабиёт тарихи, унинг назарий масалалари, айрим ижодкорлар хусусида юзлаб илмий брошюралар яратилди.

ҲАСБИ ҲОЛ

ҲАСБИ ҲОЛ — Шарқ халқлари шеъриятида, хусусан, форс-тожик, озарбайжон, ўзбек адабиётларида автобиографик характердаги асар. Ўз аҳволини баён қилиш, ўз турмушининг қандайлигидан ҳисоб бериш маъноларини англатади. Ҳасби ҳол «ҳасбулҳол» шаклида ҳам қўлланади. Ҳайдар Хоразмийнинг «Гулшани асрор» достонида «васфул-ҳол» шаклида қўлланган.

«Ҳасби ҳол» атамаси Навоий асарларида ҳам учрайди. Улуғ шоир «Мажолисун-нафоис» тазкирасида Мавлоно Қабулий деган шоир ҳақида сўзлар экан, унинг «думоғида бирор нима паришонлиғ бор ва таврида лавандлиғ, ул муддаоси яхши мұяссар бўлмас», деб ёзади. Буни исботлаш учун Навоий Қабулийнинг ўз шеърларидан бир байт мисол келтиради. Бунда севгилисининг ишқига берилиб, ўз уйига қандай бориш йўлини ҳам унуган мажнун — ошиқ тасвиранган. Навоий бу байтда унинг ўз аҳволи-хотири паришонлиги, лавандлиги акс этган, демоқчи бўлади: «Бу матлаъ аинингдур. (Унда) ўз ҳасби ҳоли воқеъ бўлубтур ҳам деса бўлурким:

*«Хона, эй оқил, чи кор ояд мани девонаро?
Чун намедонам мани девона роҳи хонаро».*

Мазмупи:

*Эй ақл эгаси, мен девонага уйнинг нима кераги
бор?
Ахир мен у уйга бориш йўлини билмайман-ку.*

Навоийнинг девонлари ва достонларида ҳам таржимаи ҳол характеристига эга бўлган шеърлар, шеърий парчалар кўп. Масалан, шоир «Сади Искандарий» достонидаги лирик чекинишларидан бирида муғанийга мурожаат этиб, «Наво», «Турки Ҳижоз» каби мумтоз куйларий чалишии ҳамда унинг «ҳасби ҳол»ини ифодалаган шеърларидан қўшиқлар айтишии илтимос қиласади:

*Муганний, келу черт туркона соэ,
Мақоми «Наво», йўқса «Турки Ҳижоз».
Навоийнинг ашъоридин неча байт —
Менинг ҳасби ҳолим топиб, турки айт.*

Шоирнинг ўз ҳасби ҳолидан келиб чиқиб ёзилган шеърлари унинг ўзига ҳам маъқул бўлган. Бинобарин, шеърнингда ҳасби ҳол анъанасига амал қилиш, уни ривожлантириш адабиётга ҳаётийлик бағишлаган, уни мазмунан бойитган. Ҳасби ҳол ижодкорнинг таржимаи ҳолини, у яшаган даврни ўрганишда жуда қимматлидир.

МИСРАЪ

МИСРАЪ — арабча сўз бўлиб, «эшикнинг бир табакаси» деган маънони билдиради. Мисраъ шеърий матнинг бир сатри, байтнинг ярми ёки умуман бир қатор шеър. Мазмунан мустақил ва нисбатан помустақил мисраълар бор. Шеърда маълум мисраъда ўзининг тугал ифодасини тошмаган фикр кейинги мисраъларга кучирилади. Шунингдек, бир мисраъ шеър шоир томонидан маҳсус ёзилган бўлиши ёки бошқа шоирларнинг асарларидан ташлаб, бирор фикрни тасдиқлаш, тўлдириш, безаш учун шеърий кўчирма сифатида келтирилиши ҳам мумкин. Бундай мисраълар кўпинча насрый ва илмий асарларда насрый матн орасида учрайди, бунда келтирилаётган шеър олдида «мисраъ» сузи ёзилади. Яъни бу билан ушбу бир қатор шеърнинг мустақил шеър эканлиги алоҳида таъкидлаб кўрсатилади. Масалан, Навоий «Вақфия» асарида ўзининг Султон Ҳусайн Бойқаро саройидаги хизматининг нақадар қийин ва мураккаб эканлигини мажозий йўл билан бир мисраъ шеър орқали бундай ифодалаган эди:

Мисраъ:

Мушкиледур ишқдин ҳар дам манга мушкил аро.

Асосий матнда маҳсус равишда мисраъ деб таъкидлаб келтирилган шеър маъноли, равон, муайян фикри гўзал ва тугал ифодалashi шарт бўлган. Бунда мисраъ энг кичик шеър бирлигини англатган. Навоий «Мезонул-авзон» асарида айрим шеърий вазнларга мисол сифатида бир неча мисраъ шеърлар келтирадики, уларнинг ҳар бири мустақил кичик шеърлардир. Масалан:

*Кетти улким, сендин ором истагаймен, эй кўнгул.
Хўрду хобим бу дабистон айламиш.*

*Яна ёр айлади бедоде бунёд.
Жаҳон бўлмасун дўст гар бўлмаса дўст.
Борди ул шўху кетти иш мендин.*

Адабиётшуносликда «қўйма мисраъ», «шоҳ сатр» иборалари ҳам ишлатилади. Мазмушан бой, шаклан мумтоз шеърлардаги бирор сўзиши ҳам ўзгартириб бўлмайдиган нодир сатрлар шундай таърифланади.

БАЙТ

БАЙТ (арабча — уй) — шеърнинг икки мисрадан иборат шакли. Шарқда кўп вақт шеър бирлиги байт ҳисобланган. Навоий ўз шеърий ва насрый меросини 100. 000 байтдан иборат деб тахмин қилган:

*Назму насрим котиби тахминшунос —
Ёса, юз минг байт этар эрди қиёс.*

(«Лисонут-тайр»дан).

Байт турли ўринларда турлича маънолар касб этиди. Маснавийда байт ўзаро қофияланган ва ўзидан олдинги ёки кейинги байтлар билан кўпинча ўзаро боғланган булади. Ғазалда эса биринчи байтдаги икки мисра ўзаро қофияланган ҳолда матлаъ деб, охирги байтдаги мисралар қофияланмаган ҳолда мақтаъ деб аталади. Ғазалнинг охирги байтида кўпинча шоирнинг тахаллуси ифодалангани учун уни тахаллусли байт ҳам дейилади.

Шеърнинг таржеъбаид турнида ҳар банд охирида такрорланиб қелувчи байт таржеъ деб юритилади. Навоийнинг «Кетур, соқий, ул майки, субҳи аласт...» деб бошланган таржеъбандида қуйидаги байт:

*Харобот аро кирдим ошуфта ҳол,
Май истарга илгимда сингон сафол —*

таржеъ байт, яъни нақарот байт бўлиб келган.

Шеърдаги, хусусац, ғазалдаги энг кучли байт «шоҳ байт» деб аталган. Шоҳ байт ғазалининг бошида, ўртасида ёки охирида келиши ҳам мумкин. Масалан, Навоийнинг «Топмадим аҳли замон ичра бир андоқ ҳамдаме...» деб бошланган ғазалида («Наводируш-шабоб» девони) шоҳ байт:

*Гар будур олам, кишига мумкин эрмас анда ком,
Ҳақ магарким ком учун боштин ёротқай оламе.*

«Байт» сўзи билан боғланиб, янигина маъноларни аинглатган атамалар кўп. Форс-тожик адабиётида — «ду байт» (икки байт) деганда шеърнинг рубоий турни тушилади. «Байт барак» эса ғазалхонликнинг бир турини аинглатади. «Байт-ғазал» ибораси баъзан умуман шеърни, кўпинча ғазалинг ўзини билдиради.

Байтнинг ичидағи бўлаклар ўзаро қофияланган бўлса, бундай байт сажъли байт ёки байти мусажжаъ деб аталади:

*Ҳолимга раҳме қилмасанг, соғинганимни билмасанг,
Охир назарга имласанг, мен мубтало қайга борай?*

(Муқими)

Ғазал ёки қасидадаги биринчи байт, яъни матлаъдаги фикрни давом эттирган, унга ҳар жиҳатдан ҳамоҳанг бўлган иккинчи байт «ҳусни матлаъ» деб юритилади. Байтнинг ҳусни матлаъ шаклида икки мисра матлаъдаги каби ўзаро қофияланади:

*Эйки зулму кин эрур ойинсанго,
Зулмидур, «тарк айла!» — демак кинсанго.
Ургатур душман сана расми жафо,
Дўст йўқ, қилса вафо талқинсанго.*

(Мунис)

Кўринадики, байт Шарқда шеърнинг асоси. Уй маъносидаги «байт» сўзи билан боғлиқ байтул-маъмур, байтуш-шараф, байтул-муқаддас, байтқурғон каби сўзлар қашча кўп бўлса, «байт»нинг шеърий тушунчалар билан боғлиқ сўз ва атамалари ҳам шунча кўп. Абдулжамил Котиб Навоий ғазалларининг матлаъ-байтларидан «Тұхфатус-салотин» номли маҳсус тўплам тузган.

Шарқ шеъриятида фақат бир байтдан ташкил топган мустақил шеърлар ҳам бор.

ФАРД

ФАРД — Шарқ адабиётидаги шеърий шакллардан бири. Байт сингари «фард» ҳам арабча сўз булиб, «якка», «ягона» маъноларини билдиради. Фард бир байтдан иборат, икки мисра ўзаро қофияланган, лекин мустақил, поэтик жиҳатдан шаклланган шеър. Фардда салмоқли мазмун, гоя илгари сурнади, бадний умумлашма даражасидаги ҳукм, холоса ифодаланади. Бу

турдаги шеърларга Шарқ шоирлари девонларида ало-
ҳида ўрин берилган. Навоийнинг «Хазойинул-маоний»
ига кирган «Фавоидул-кибар» девонида 86, Бобур де-
вонида 53 фард бор. Бу фардлар ушбу шоирлар ижо-
дини тұлдиради. Шеърнинг бу турисиз шоир ўз ижоди-
да ёки китобхон унинг девонида маълум бир кемтиклик
ҳис этгап.

Мазмунан фард қитъага яқин бўлиб, шоирнинг
маълум бир вақтдаги кайфиятини, бирор масала ҳақи-
даги фикрини ифодалайди. Шу жиҳатига кура фардни
бадиҳа (экспромт) шеърлар сирасига киритиш ҳам
мумкин. Масалан, XVI аср бошида Хурросонда ижти-
мойи-сиёсий ва маданий вазият мураккаблашиб қолгач,
у ердаги бир қанча шонр ва олимлар, жумладан, маш-
ҳур тарихчи Хондамир ва унинг иккى дўсти Ҳиндистон-
га — Бобурнинг ҳузурига йўл оладилар. Бундай таш-
рифдан хурсанд бўлган Бобур бу воқеа шарафига қуйи-
даги фардни ёзган:

*Шайху мулло Шаҳобу Хондамир
Келинг уч-уч, икки-икки, бир-бир.*

Мазкур фардни Бобур дастлаб бадеҳа йўли билан айт-
ган бўлиши ҳам мумкин.

Ўзбек адабиётида фарднинг дастлабки намунаси
Хоразмийнинг «Муҳаббатнома»сида учрайди:

*Наёзим бу турур сендин, нигоро,
Унутма бандани баҳри худоро.*

Ўзбек шеъриятида фард жаири юқори тараққиёт
поғонасига эришди. Алишер Навоий «Фавоидул-ки-
бар» девонидаги фардлардан ташқари, илмий ва насрий
асарларида ҳам кўпгина фардлар келтирилади. Улар
баъзан «байт», баъзан «шеър» деб ҳам аталади. На-
воий девонидаги фардлар бу жаирини юксак намуна-
ларидир. Навоий фардларида бирида: Сен одамлар-
нинг айбини, камчилигини юзига солаверма: яхшиси,
сен ўз айбингдан огоҳ бўл! — дейди:

*Киши айбин юзига қилма изҳор,
Таҳаммул айла ўз айбингга зинҳор.*

Улуғ шоир кишиларни таңқидга нисбатан сабрли,
тўғри муносабатда бўлишга, танқиддан тўғри хулоса-
лар чиқариб олишга, танқидни ҳаётдаги, инсондаги бор-
нарсанни акс эттирувчи нарса деб тушунишга чақиради:

*Киши айбинг деса, дам урмагилким, ул эрур күзгу,
Чу күзгу тийра бўлди, ўзга айбинг зоҳир ўлғайму.*

Алишер Навоий фардлари турли мавзуларда бўлиб, улар орасида мисралар, ўзаро қофияланмаган фардлар ҳам учрайди. Шоир ишқий мазмундаги фардларидаи бирнида бундай деб ёзади:

*Икки кўзунгү лабинг ғамидин
Мен хаста ўлуб-ўлуб тирилдим.*

Фарднинг гўзал намуналари Мунис, Огаҳий ижодида ҳам мавжуд. Замонавий ўзбек шоирларидан Абдулла Орипов ва Рауф Парфи бир қатор яхши фардлар яратдилар.

ҚИТЪА

ҚИТЪА — лирик шеъринг қадимий турларидаи бини. Арабча «қитъа» сўзи «парча», «кесим» маънолари ни англатади. Қитъа бошқа шеър турларидан қисман ғазалга ўхашлиги билан фарқланади. Лекин қитъада матлаъ бўлмагани учун ундаги мисралар б — а, в — а, г — а тарзида қофияланади. Мақтаъда тахаллус бўлиши шарт эмас. Қитъа икки байтдан кам бўлмаслиги, 15—20 байтдан ортиб кетмаслиги керак. Арузнинг ҳамма вазилари қитъада ҳам қўлланилади. Қитъа мавзу жиҳатидан чекланмаган бўлиб, кўпроқ шоирнинг мавжуд ҳаёт ҳодисалари, инсон характеристи билан боғлиқ йўл-йўлакай пайдо бўлган биринчи таассуротларини ифодалайди. Шу жиҳатларига кўра қитъани шоирнинг ён дафтаридаи шеърлари деб қараш мумкин.

Қитъа жанрига дастлаб форс-тоҷик адабиётида кенг шуҳрат бағишлаган шоир Ибн Ямин Фарюмадий (XIV аср) бўлди. У мингга яқин қитъа ёзиб, улардан маҳсус девон («Девони муқаттаот») тузган. Ибн Ямин қитъалари тунни ёрптиган чақмоқ, душманга отилган ўқ бўлиб, уларда феодал зулмга, мӯғул истибододига, ахлоқсизликка қарши ғоялар шоирона гўзал ва кескин ифодаланган.

Ўзбек адабиётида қитъа дастлаб Хоразмий (XIV аср) инг «Муҳаббатнома» асарида учрайди. Шоир қитъаларидаан бирида ўзини ҳумога ўхшатиш, ўткир сўзларини қиличга қиёслаш билан қалбидаги эркпарварлик туйғуларини ғоят аниқ ва тиниқ ифодалайди:

*Тамаъ доминда қолур қүш эмасмен,
Тилим айвон уза учқон ҳумомен.
Қиличдек тил била туттум жаҳонни,
Қаноат мулки ичра подишомен...*

Ўзбек адабиётида Лутфий, Ҳофиз Хоразмий, Бобур, Мунис, Огаҳий, Аваз каби ўнлаб сўз санъаткорлари ажойиб қитъалар яратдилар. Лекин адабиётимизда бу жанр буюк Алишер Навоий шеърий меросида салмоқли ўрин эгаллайди. У ўзбек тилида 210, форс тилида 70 дан ортиқ қитъа ёзган бўлиб, унинг шеърий ижодини бу шеър турисиз тасаввур этиб бўлмайди. Яна бир ўзига хос томони шундаки, Навоий ўзбек тилидаги ҳамма қитъаларига сарлавҳа қўйгац ва бу билан ҳар бир қитъасини қайси мақсадда ёзганини алоҳида таъкидлаб қўрсатган. Навоий қитъалари мавзууга кўра бой, ғоявий жиҳатдан ранг-баранг, бадиийликда мавжуд ҳаёт нафаси билан йўғрилган бўлиб, уларни шоирнинг ўзи ҳикмат сувидан баҳраманд боқقا қиёслаган эди («Ҳикмат сўйидин айламишам қитъа-қитъа боғ»). Шунингдек, Навоий қитъалари Ибн Ямин қитъалари сингари сарбадорлик ғоялари билан сугорилган бўлиб, шоирнинг илғор ижтимоий-сиёсий қарашларини акс эттиради. Бир қитъасида Навоий бундай деб ёзади:

*Тож кўп дарди сар берур бизга,
Зулмидур ақлу хуш торожи.
Бошимиздин бу тожни гум қил,
Барча гар бўлса салтанат тожи.*

Бу ўринда Навоийнинг феодал салтанатига тил тегизиши, унинг боридан йўғи!— деб фикр юритгани ўз даври учун катта жасорат эди.

Ўзбек адабиётида Аваз Ўтар қитъалари ҳам ўз давридаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт билан чамбарчас боғланниб кетган. Унинг «Фалоний» туркумидаги қитъалари Навоийнинг шу характердаги қитъалари билан оҳангдош. Мақсуд Шайхзода, Ҳабибий, Чархий, Собир Абдулла каби шоирлар ижодида ҳам қитъаларнинг гўзал намуналари бор.

Адабиётлар: С. Имронов. Ибни Ямин Фарюмади. Душанбе. 1966; И. Брагинский. 12 миниатюр. М., 1966, 221—224- бетлар; А. Ҳайитметов. Навоий лирикаси. Тошкент, 1961, 51—57- бетлар; Ҳаётбахш чашма. Тошкент, 1974, 82—99- бетлар; А. Абдуғафуров. Эрк ва эзгулик куйчи-

лари. Тошкент, 1979, 75—89- бетлар; Р. Орзебеков. Лирикада кичик жанрлар. Тошкент, 1976, 5—51- бетлар; Л. Н. Серикова. Малые формы лирики Алишера Навои. Ташкент, 1981, 9—94- бетлар; Т. Бобоев Адабиёт-шуносликка кириш. Тошкент, 1979, 213—214- бетлар.

МАРСИЯ

МАРСИЯ — Шарқ шеъриятининг энг қадимги турларидан булиб, бирор киши вафоти муносабати билан ёзиладиган шеър. «Марсия» асли арабча сўз булиб, «йиғлаш», «йиғи бериш» маъноларини англатади. Унинг айрим намуналари Маҳмуд Кошғарий (XI аср) нинг «Девону луғотит турк» асарида учрайди. Масалан, ушбу ёдномада номдор саркарда Алл Эр Тўнга ҳақида тўртлик шаклида шундай марсия бор:

Алл Эр Тўнга ўлдиму,
Эссиз олам қолдиму?
Дунё ўчин олдиму?
Энди юрак йиртилур.

Марсия турли шеърий шаклларда яратилиши мумкин. Бизга мумтоз шонрлардан таркибанд, ғазал, муҳаммас, рубоий, маснавий шаклларидағи қатор марсиялар етиб келган. Марсияларининг муаллифлари шеърларнда ўзларига яқин кишиларининг вафоти муносабати билан олам-олам дард чекадилар, вафот этган одамининг шахсий сифатларини, хизматларини васф этадилар, унга ўзларининг муҳаббат ва садоқатларини изкор этадилар. Алишер Навоийнинг Абдураҳмон Жомий, Саййид Ҳасан Ардашер ҳақидаги таркибандлари марсия намуналариdir.

Ўзбек адабиётида марсия жаҳрида баракали ижод қилган хоразмлик шонр Роқимдир (XVII—XIX асрлар). Роқимнинг ғазал, муҳаммас, қасида шаклидаги бир неча марсиялари бизгача стиб келган. Роқимнинг марсиянавис булишига шонрининг шахсий ҳаётидаги фожеалар сабабчи бўлган. Унинг Юсуф ва Саййидмурод деган ўғиллари бевақт вафот этади. Икки фарзаандидан жудо бўлган шонр учун дунёнинг танг ва тор булиб, кўз олдини қоронғулик босини табиий. Уларга бағишланган марсияларда Роқим отанинг болаларига бўлган мөхри ниҳоятда ҳаяжонли ифодаланади. Саййидмурод ҳақидаги қасида-марсияда қўйидаги сатрларни ўқиимиз:

*Бординг оламдин, етишгач тангридин фармон, болам,
Не илож айлай мени бечора, билмон, жон болам.
Сендин, эй нури күзум, юз войким, айрилғали
Ашқ үрнига оқар икки күзумдин қон, болам.
Меҳнату дарду бало-у хайли ғам айлаб ҳужум,
Қилдилар бошимни охир ер билан яксон, болам.
Тоқат этмай фурқатинг ўтиға йиғлаб зор-зор,
Кеча-у кундуз қилурмен тинмайин ағғон, болам.*

Бу марсия 23 байтдан иборат бўлиб, охиригача ушбу услубда ёзилган. Ўз даврида Роқимнинг марсиялари ўлка бўйлаб, қўлма-қўл ўтиб, кенг тарқалган. Юртда кимнинг бошига шундай кулфат тушган бўлса, улар ҳам шоирдан ўз одамларига бағишлаб марсия ёзиб беришни илтимос қилганлар. «Ким шоир? Куйган одам шоир!» деганлариdek, Роқимнинг буюртма билан ёзилган марсиялари ҳам инсон қалбини ларзага соладиган даражада мунгли ва ҳазин. Чунки уларда шонрнинг дарди билан қўшилиб, янги бир аланга юзага келган. Роқим марсиялари ўзининг инсонпарварлик мазмуни билан ўзбек адабиётини тўлдирди.

Ўзбек адабиётида Ҳамзанинг «Турсуной марсияси», М. Шайхзоданинг Faфур Fулом вафоти муносабати билан ёзилган марсияси, А. Ориповнинг «Онажон» марсияси бу жанрнинг яшовчанилигидан далолат беради.

Адабиётлар: А. Қаюмов. Қадимият обидалари. Тошкент, 1972; Ўзбек адабиёти тарихи, З-жилд. Тошкент, 1978.

МАСНАВИЙ

МАСНАВИЙ — Шарқ халқлари шеърий шаклларидан бири. Маснавийга оид асарлар аruz вазнида ёзилиб, ҳар байт а — а, б — б, в — в тарзида қофияланади. Туркий шеъриятда дастлаб Юсуф Хос Ҳожиб (XI аср) нинг «Қутадғу билиг» асари маснавийда битилган. Хоразмий, Қутб, Дурбек, Ҳайдар Хоразмий, Амирий, Сайид Қосимий каби ўзбек шонрлари номачилик ва достончиликда маснавийдан маҳорат билан фойдалашганлар. Навоий асарларида маснавий кўпроқ достончиликни англатган. Улуғ шоир шеър турлари орасида маснавийни биринчи ўринга қўйган. Унингча, ҳеч бир шеър тури ҳаётни, воқеа ва ҳодисаларни, инсон характерини маснавийдагидек кенг ва чуқур ёритиб бера олмайди. Бунда юзта қаҳрамон бўлса, ҳаммасини мукам-

мал тасвирлаш имкони бор. Шоир «Сабъан сайёр» дөтөндида бу ҳақда шундай дейди:

*Маснавийким, бурун дедим они,
Сўзда келди васеъ майдони.
Вусъатида юз ўлса маъракагир,
Кўргузур санъатин бори бир-бир.*

Форс-тожик, озарбайжон, ўзбек ва бошқа халқлар адабиётидаги ўрта асрларда яратилган барча достонлар, биринчи галда «Хамса»га оид достонлар маснавида ёзилган. Навоий Абулқосим Фирдавсий, Низом Ганжавий, Шайх Саъдий, Амир Хусрав Дехлавий, Ғтибий, Абдураҳмон Жомийларни маснавийнинг бу устозлари деб ҳисоблаган.

1480 йилларниң биринчи ярмида Абдураҳмон Жомийшинг ғазалчиликдан маснавийга юз ўгириши «Хамса» ёзишга киришганлиги Навоий томонидан ўюксак баҳоланди:

*Агар назмдин борча услуб анга,
Бори бир-биридин эрур хўб анга,
Вале маснавий ўзга оламдуур,
Ки табъига ҳоло мусалламдуур.*

(«Садди Искандарий»да

«Мажолисун-нафоис»да Навоий ўз давридаги Мавлоно Ашраф, Амир Шайхим Сұҳайли, Мавлоно Фас Румий, Хожа Масъуд Қумий, Мавлоно Соңеъий, Хожа Ҳасан Хизршоҳ, Мавлоно Абдулло каби ўнлаб маснавийгўйлар ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Навоий устози Сайид Ҳасан Ардашерга ёзган маҳур шеърий мактубини «Хазойинул-маоний»нинг биринчи девони «Фаройибус-сиғар»га «Маснавий» номи билди жойлаштирган.

Навоий «Хамса» достонларини яратиш билан ўзбадабиётида маснавий тараққиётига мислсиз ҳисса кўган ва бу соҳада буюк устоз даражасига кутарилигидек Кейинчалик Муҳаммад Солиҳ «Шайбонийнома», Хожа «Мақсадул-атвор», Нишотий «Ҳусн ва Дил», Табиб «Вомиқ ва Узро» каби достонларини маснавийда яртишиб, унинг ривожига янги равнақ бердилар. Сидқондайлиқийнинг «Русия инқилоби» достони (1917) маснавийда битилган. XX асрда адабиётшунослик маснавий достон тушунчасини эмас, шеърий шаштушунчасини англата бошлади.

НАСИҲАТНОМА

НАСИҲАТНОМА — бирон тарихий шахс ёки муаллифнинг ўзига яқин кишиларга бағишлиб, ёки ўз замондошларини кўзда тутиб, уларга мурожаат қилиб насиҳат шаклида ёзган асари. Насиҳатнома «панднома» шаклида ҳам қўлланади. Навоий «Тарихи анибие ва ҳукамо» асаридаги Содик деган донишманднинг қадимги Эрон подшоҳларидан Нўширавонга атаб насиҳатнома ёзганини айтади: «Содик Нўширавони одил замонида эрди ва Нўширавонга насиҳатнома битибдур» (Алишер Навоий, Асарлар, 15- жилд, 241- бет).

Насиҳатнома насрда ҳам, назмда ҳам ёзилган бўлиши мумкин. Кайковус ибн Қобус ибн Вашмгирининг «Қобуснома», Низомий Арузий Самарқандийнинг «Чор мақола», Алишер Навоийнинг «Маҳбубул-қулуб» асарлари мумтоз насрдаги насиҳатномаларнинг намуналаридир.

Ўрта асрларда форс-тожик, ўзбек, озарбайжон ва бошқа адабиётларда насиҳатномани шеърда ёзиш кенг авж олган эди. Шайх Саъдийнинг «Бўстон», Низомий Ганжавийнинг «Махзанул-асрор», «Амир Ҳусрав Дехлавийнинг «Матлаул-анвор», Абдураҳмон Жомийнинг «Туҳфатул-аҳрор» каби фалсафий-таълимий достонлари шеърий насиҳатномаларнинг етуқ куринишларидир.

Ўзбек адабиётида Юсуф Ҳожибининг «Қутадғу билиг», Адид Аҳмад Юғнакийнинг «Ҳибатул-ҳақойиқ», Ҳайдар Хоразмийнинг «Гулшани асрор», Навоийнинг «Ҳайратул-аброр», Ҳожанинг «Мақсадул-атвор» достонлари бу жанриниг ғоявий жиҳатдан ҳам, бадий жиҳатдан ҳам юксак даражага кўтарилганини кўрсатади. Бу асарлар неча-неча авлодларни халқпарварлик, инсонпарварлик, Ватанга садоқат, зулмга нафрат, маърифатпарварлик, юксак инсоний ахлоқ руҳида тарбиялаб келди ва тарбиялашда давом этмоқда.

АНЪАНАВИЙ ОБРАЗЛАР

АНЪАНАВИЙ ОБРАЗЛАР — бадий адабиётда бир ижодкордан иккинчи ижодкорга ўтиб юрувчи, кўпчиликка таниш бўлган қаҳрамонлар образларидир. Бундай қаҳрамонлар қачонлардир адабиётга кириб келган ва қаттиқ ўрнашиб қолган образлар бўлиб, ҳар бир

шоир уни қаламга олар экан, янги хусусиятлар билан бойитади. Шарқ адабиётида Юсуф ва Зулайхо, Лайли ва Мажнун, Баҳром ва унинг севгилиси образлари анъанавий образларнинг ёрқин намуналариdir. Масалан, Юсуф ва Зулайхо образлари қадимги диний китоблардан урта аср форс-тожик, ўзбек, татар адабиётларига ўтиб, ўзининг иккинчи умрини бошлаган. Пайғамбарзода Юсуф характерида инсоний поклик, донишмандлик, мураккаб вазиятларда сабр ва чидамлилик устун туроди. Юсуфнинг бу хусусиятлари унинг ғайри табиий даражадаги бой ҳусни билан қўшилиб, китобхонда унга нисбатан порлоқ туйғу, илиқ муҳаббат ҳосил қиласди. Зулайхо мисрлик Азиз деган амалдорнинг хотини. Лекин у Юсуфни ғойибона, тушида куриб севиб қолган. Юсуфни мисрлик Азиз бозордан қул сифатида сотиб олади ва Зулайхога хизматкор қилиб тайинлайди. Зулайхо Юсуфи хизматкор ҳолатида учратар экан, дарҳол танийди ва ҳеч тортинимай, унга ўзилини очади. Бироқ Юсуф бирорнинг хотинига тажовуз қилишни хаёлига ҳам келтирмайди. Зулайхонинг самимий ва оловли муҳаббати эса унга таъсир этмай қолмайди. Юсуфда ҳам аста-секин ишқ ўти туғён қила бошлайди. Орадан қирқ йил ўтади. Уларнинг ҳар иккovi мاشаққатли сабр синовларини бошларидан кечирадилар. Юсуф ва Зулайхо бир-бирларига мисрлик Азиз вафотидан кейин, Оллоҳ Таолонинг розилиги билангина етишадилар. Ишқда сабрли бўлиш, поклик уларнинг ҳамма орзулари рӯёбга чиқишига йўл очади.

Юсуф ва Зулайходаги олижаноб хусусиятлар, уларнинг ўз инсоний орзу-армонларига динни, иймонини сақлаган ҳолда етишганликлари ибратли ҳол эди. Шунинг учун бу қисса Шарқдаги ҳамма ҳалқлар орасида кенг тарқалган. Бу мавзуда Абулқосим Фирдавсий, Қул Али, Абдураҳмон Жомий, Дурбек, Ҳозиқ каби ўнлаб форс-тожик, ўзбек, татар шоирлари достонлар ёзганлар. «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарида Алишер Навоий ҳам Юсуф ва Зулайхо ҳақида «умр омон бўлса, турк тили била», бир асар ёзиш нияти борлигини айтган. Аммо умр ипининг қисқалиги унга бу ниятини амалга оширишга йўл қўймаган.

Анъанавий образлар деганда ўзбек мумтоз шеъриятидаги кўпчиликка маълум ва машҳур, кўп маротаба тақорланиб турувчи, ўтмишда аксарият шоирларнинг мулки ҳисобланган анъанавий бадиий ташбеҳларни

ҳам тушунамиз. Хусусан, лирикада ёрниңг юзини гулга, қуёшга, лолага, қаддини сарвга, қошини хилолга, лабини лаълга, сочини тунга, сунбулга, күзини наргисга, ишқазоблари туфайли эгилиб қолғап ошиқнинг қоматини ёйга, күз ёшини дурга, оҳларини тутунга, ўзини гулзорда тинмай фарёд қилувчи булбулга, ёрини шамга, ошиқни парвонага ўхшатиш кенг ўрин тутади. Масалан, Фурқат ишқий ғазалларидан бирида:

*Қоматинг гулишандаги сарви санавбардин баланд,
Оразинг гулдин, хатинг райҳони аҳзардин баланд,—*

деб ёзар экан, бунда қоматни сарвга ўхшатиш, санавбарга қиёслаш, ораз (юз)ни гулдан, лаб устидаги мўй (хат)ни райҳондан ортиқ дейиш анъанавий ташбеҳлардир. Аммо шоирлар анъанавий образлар билан қаноатланиб қолмай, уларга доим қайтадан жон киритишга, бу образларнинг янги қирраларини очишга, тасвирга янги образларни олиб киришга ҳаракат қилганлар. Масалан, Фурқат бир ғазали матлаида:

*To сўзга лаб уюрудунг, жоно, шакар тўкулди,
Ҳам айладинг табассум мавжи гуҳар тўкулди,—*

деб ёзар экан, бунда ёрниңг сўз сўзлашини шакар тўкилишига, табассумини гавҳар мавжига қиёслаши ўзига хослик касб этади. Адабиётнинг бетакрорлиги учун курашган Навоий анъанавий образларни ортиқча кўп қўлашни қоралаган. «Лисонут-тайр» достонида ўз севгисини сийқа, чайналган образлар орқали ифодалаган ошиқни танқид қиласди. Ошиқ ўз ёрниңг гўзаллигини таърифлаб:

*Оразин гул дер эди, қаддини сарв,
Ҳайъатин товусу рафторин тазарв —*

дер экан, буни эшитган маъшуқаси аччиқланиб, унинг гапларини рад этади, ўзининг сарвдан ҳам, гулдан ҳам, товусдан ҳам, тазарв (тустовук)дан ҳам гўзал ва юксак эканини уқтиради ва уни мот қиласди:

*Қоматимким, сарв деб сурдуңг қалом:
Сарвда қаддим каби борму хиром?
Оразим гул деб қилдинг элга фош,*

*Гулда борму юз балолиғ күэу қош?
Хайъатим товус деб қилдинг хуруш,
Қайда товус элдин олур ақлу хуш?
Чун тазарв эттинг хиромимга лақаб,
Қай тазарв эл қатлиға бўлмиш сабаб?*

Анъанавий образлар адабиётда юз йиллар давомида юзага келиб, кишиларнинг руҳиятига сингиб кетган. Адабиётни уларсиз тасаввур этиш қийин. Бу образларни, уларнинг табиатини, пайдо бўлиш, ривожланиш, шаклланиш тарихини, анъанавий образларнинг асллик (оригиналлик) касб этиш йўлларини ўрганиш адабиётшуносликинг муҳим вазифасидир.

АНЪАНАВИЙ СЮЖЕТЛАР

АНЪАНАВИЙ СЮЖЕТЛАР — бадиий адабиётда бир даврдан иккинчи даврга, бир шоир ижодидан иккинчи, учинчи (ва ҳоказо) шоир ижодига, бир адабиётдан бошқа адабиётга ёки адабиётларга ўтиб, ўзлаштирилиб, янги маъно ва қирралар касб этган сюжетлардир. Улар «кўчма сюжетлар», «сайёр сюжетлар» ҳам дейилади. Бу ҳодиса Шарқ ҳалқлари адабиётида кўп учрайди. Ўтмишда анъанавий сюжетлар форс-тожик, озарбайжон, турк, ўзбек ва лотин адабиётларида, хусусан, достончилик ва қиссачиликда, ҳикоячилик ва масалчиликда кенг кўлланган. Баъзи ҳолларда муайян сюжетнинг дастлаб қайси адабиётда пайдо бўлганини аниқ белгилаш ҳам қийин. Бу ҳодиса қадимда аввало ҳалқ оғзаки ижодида, жумладан, достончилик ва бошқа жаирларда юзага келиб, сўнг ёзма адабиётга ўтган бўлиши ҳам мумкин. Анъанавий сюжетлардан фойдаланиш ўрта асрларда адабиётнинг ижобий хусусиятини ифодалаган, ҳалқлар орасидаги маданий-адабий алоқаларни, бирбиридан ўрганишни, маънавий яқинликни англатган. Масалан, Фарҳод ва Ширин ҳақида қисса аввал форсий ҳалқлар орасида юзага келган. Дастрлаб Низомий Ганжавий «Хусрав ва Ширин» достонида бу қиссани бир воқеа сифатида қаламга олган. Сўнгра Амир Хусрав Деҳлавий «Хусрав ва Ширин» достонида қиссани такрорлаган. Алишер Навоий эса шу сюжет асосида Фарҳодни бош қаҳрамон қилиб, маҳсус достон яратган, уни «Фарҳод ва Ширин» деб атаган.

Лайли ва Мажнун ҳақидаги қисса эса аввал арабларда пайдо бўлган. Бу қиссадан таъсирлашган Низо-

мий Лайли ва Мажнун ҳақида биринчи бўлиб ўз достонни яратган. Бу мавзуда кейинчалик достонлар ёзган Амир Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Муҳаммад Фузулий, Нурмуҳаммад Андалиб ва бошқалар Низомий достонининг сюжетини маълум ўзгаришлар билан такрорлаганлар, ўз даври ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-фалсафий муаммоларини шу сюжет орқали ифодалашга интилганлар. Бу достонларнинг ҳар бири асл (оригинал) асар ҳисобланган. Шунингдек Шарқда Юсуф ва Зулайҳо, Искандар, Баҳром Гўр ҳақида ҳам кўплаб достонлар яратилган.

Ҳар бир анъанавий сюжетнинг ўз тарихи бор. Вомиқ ва Узро достонларининг сюжети Юноностондан келиб чиққан деб ҳисобланади.

Баҳром тарихи Эрон подшоҳлари тарихига бориб боғланади. Бу достонларга илк бор Эрон подшоси Баҳром бинни Яздижурднинг ҳаёти ва шахсияти тарихи асос бўлган. Бу ҳақда биринчи бўлиб Абулқосим Фирдавсий (Х—XI асрлар) «Шоҳнома»да, сўнг Низомий ўзининг «Ҳафт пайкар»ида ҳикоя қилган. Унинг мардлиги, шиҷоати, ёввойи эшак (гўр) овига берилгани, ўз севгилисига гоҳ ўта юмшоқ, гоҳ қаттиққўллик билан муомалада бўлгани, шод-хуррамликини яхши кўргани Алишер Навоийдан кейин бошқа ўзбек шоирлари (масалан, Собир Сайқалий) достонларига ҳам мавзу бўлди.

Лекин ҳар бир ҳақиқий шоир анъанавий сюжетларга ижодий муносабатда бўлишга, унга ўзидан маълум янгиликлар қўшишга интилди. Масалан, Алишер Навоий Баҳром ҳақида «Сабъай сайёр» достонини ёзар экан, Баҳром ҳақидаги барча тарихий китобларни ўқиб чиққан, янги маълумотлар излаган. Бу ҳақда у ўз-ўзига мурожаат қилиб:

*Сен бу ишнинг пайиға чун бординг
Эски дафтар басе кўп ахтардинг.*

дейди. Демак, шоир анъанавий сюжетнинг мавжуд аҳволидап қониқмаган. Алишер Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонида ҳам бу масала устида гап борганида:

*Бир дегани ики демак хуш эмас,
Сўз чу такрор топти, дилкаш эмас,—*

деган эди. Навоий анъанавий сюжетларга ҳурмат билан ёндашган, айни вақтда уларни кўп вақт қайтадан ишлаган ва ўз диди, қарашларига мослаштирган.

Кўп анъанавий сюжетлар бизнинг давримизгача стиб келган. Бу сюжетлар асосида яратилаётган романлар, пьесалар, опера ва балет асарлари янги замон Фарҳодлари, Ширин ва Лайлилариши тарбиялаб етиштиришига хизмат қилмоқда.

Адабиётлар: Е. Э. Бертельс. Низами и Фузули. М., 1962; С. Эркинов. Навоий «Фарҳод ва Шириш»и ва унинг қиёсни таҳлили. Тошкент, 1971; Асрлар оша мушоира. Тошкент, 1977; С. Назруллаева. Тема «Лейли и Меджнун» в истории литературы народов. Тошкент, 1983; Т. Аҳмедов. Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достоини. Тошкент, 1970.

ДИДАКТИК АДАБИЁТ

ДИДАКТИК АДАБИЁТ — ахлоқий-тарбиявий, фалсафий, диний фикрларни бадиий шаклда баён қилувчи адабиёт. Шарқда, шу жумладан, туркий халқлар орасида бадиий адабиётнинг бу турига муҳим аҳамият берилилган.

Панд-насиҳат асосига қурилган бу адабиёт Ўзбекистонда катта тарихга эга. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида қўйидаги мазмунда шеър келтирилади: «утган асрларда (яъни илгарилари) фазилатли кишилар бўлар эди. Улар илм чўққиларини эгаллаган бўлардилар. Улар кўп панд-насиҳат қилардилар. Кунгул улардан сафо топарди». Улуғлар, ота-боболар сузи мўътабар ҳисобланган уруғчилик жамияти ва бутун феодал тузум шаронтида адабиётда панд-насиҳатнинг урни катта бўлган. Дидактик адабиёт аввало шу негизда юзага келди ва ривожланди. Дидактик адабиётнинг ғоявий савияси муаллифининг илмий, фалсафий, ижтиёмоний тафаккури савияси билан, бадиийлиги, таъсирчанилиги, унинг адабий истеъоди даражаси билан боғлиқ эди.

Ўзбек ёзма адабиётида дидактик адабиётнинг биринчи йирик намуналари Юсуф Хос Ҳожибининг «Қутадгу билиг», Аҳмад Юғнакийнинг «Ҳибатул-ҳақойик» достонлариdir. Бу асарларда адолат ва маърифат, яхши хулқ ва одоб ҳақидаги қарашлар панд-насиҳат йўли билан шеърий усулда, чиройли ибора ва үхшатишлар, китобхонга самимий хитоблар орқали ифода этилган.

Дунёвий адабиёт билан бир қаторда диний адабиёт ҳам дидактик адабий услугуб ва жаңрлардан муваффа-

қиятли фойдаланган. Аҳмад Яссавий (XII аср), Сўфи Оллоёр (XVII аср), Ҳазиний (XIX аср) каби ўзбек шоирлари диний қонунларни, тушунчаларни, яхши инсоний хулқ ва ахлоқ меъёрларини тарғиб этишда дидактик адабиёт имкониятларининг кенглигини ҳамда бадиий самарали эканини намойиш этганлар.

Ўзбек адабиётида дидактик йўналишнинг ривожланишида ўз ёзма ва оғзаки анъаналари билан бир қаторда форс-тожик, араб, озарбайжон адабиётларининг таъсири катта бўлди. XIV асрда Сайфи Саройи томонидан Шайх Саъдий асари — «Гулистон»нинг таржима қилиниши, XV аср бошларида Ҳайдар Хоразмий томонидан Низомийнинг «Маҳзанул-асрор» достонига назира сифатида «Гулшанул-асрор», Саййид Қосимийнинг «Мажмаул-ахбор», «Гулшани роз» каби достонларининг яратилиши муҳим воқеадир.

XV асрнинг иккинчи ярмига қадар ўзбек ва форс-тожик адабиётларида дидактик жанр соҳасида тўпланган бой тажрибалар асосида Алишер Навоий дидактик адабиётни янги тараққиёт босқичига кўтарди. «Хазойинул-маоний» девонидаги юзлаб ғазал ва қитъалар, рубоий ва фардлар тарбия учун зарур панд-насиҳатлардан иборат. Навоий «Ҳайратул-аброр» достони ва «Маҳбуул-қулуб» асарида ўз давридаги хулқ-ахлоқ, инсон тарбияси билан боғлиқ тафаккур савиясини ғоят кенгайтириди ва чуқурлаштириди. Характерли ва муҳим томони шундаки, Навоий ва бошқа тараққийпарвар қалам аҳллари асарларида дидактика бадиий тил, бадиий тасвир билан ифодаланиб, ҳажвия, лирика, юмор (ҳазил, мутойиба, киноя ва ҳоказо) билан қўшиб, ёнма-ён олиб борилади. Масалан, Навоий ота-онани ҳурматлаш ҳақида сўзлар экан, бу фикри оддий гап билан эмас, отани ҳаёт манбай бўлган қуёшга, онани тун қоронғусини маъйин ёритувчи ойга қиёслаб ифодалайди. Шу сабабли шоир сўзлари бадиий гўзаллик касб этиб, бу асарларнинг таъсир кучи ошади.

Навоийнинг «Садди Искандарий», «Лисонут-тайр» каби достонларида «Девони Фоний» ва «Муншаот»да дидактик қисмлар ва унсурлар кўп. Шоирнинг «Арбайн», «Назмул-жавоҳир» каби асарларида, рубоийларида диний дидактикамага ҳам кенг ўрин берилган.

Дидактик адабиётнинг истеъодли вакиллари халқ оғзаки ижодидан яхши фойдаланганлар. Халқ мақол ва маталлари, ҳикматли сўзлари ёзма адабиётга доим жон-

дилік, соддалик, ҳаётійлик бағишлиб келган. Буни биз Лутфий, Ҳайдар Хоразмий, Бобур, Турди, Машраб, Сүфи Оллоёр, Нишотий, Огахий, Муқимий, Фурқат, Аваз, Завқий каби намояндалар ижодида ҳам яққол күриши міз мумкин.

Дидактика адабиёт ривожига «Қиссаи Рабғузий» муаллифи Насириддин Рабғузий (XIII—XIV асрлар), «Гулзор», «Мифтохул-адл», «Мақсадул-атвор» асарлари муаллифи Ҳожа ҳам ўз насрий-дидактика ҳикоялари билан, Гулханий халқ мақолларини ўз ичига олган «Зарбулмасал» асари билан ноёб ҳисса құшдилар. Ҳамза, Айний, Абдулла Авлонийларнинг мактаб учун яратылған үқув китобларида ҳам панд-насиҳат мазмунидаги насрий ва назмий ҳикояларга кеңг үрин берилған эди.

1905—1917 йиллар орасыда яшаб ижод қылған маърифатпарварлар ўз ғояларини бадий жиҳатдан таъсирли ифодалашда ўтмиш адабиёти тажрибаларидан ижодий фойдаланғанлар. Бадийтдан маҳрум асарлар ҳеч қачон кеңг эътирофга сазовор бўлмаган.Faфур Ғулом, Собир Абдулла, Ҳабибий, Куддус Муҳаммадий каби шоирлар ёш авлод учун янги давр руҳи билан сугорылған кўпгина дидактика шеърий асарлар яратдилар.

ҚАЙДЛАР. ХОТИРАЛАР.

МЕНИ УЛ ЗУҲРА ҚЎЗЛУК...

Инсон ақлини танибдики, шоирлар қўлига шеър ёзиш учун қалам олибдики, осмон жисмларининг сирли хатти-ҳаракати улар диққатини ўзига тортиб келади; кўк саҳнида юлдузларнинг пайдар-пай учиши, ёрқин илмилик шуъласи кўнгилларда ажаб ҳис-туйғулар уйғотиб, неча асрлардан бери ақлларни ром қилиб, маҳлиё этади. Ушбу жилвагар ва порлоқ жисмлар орасида Ой ила Қуёш қанчалик машҳур ва маргуб бўлса, сайёralарнинг таъриф-тавсифлари ҳам улар билан бас бойлашгудек чандон гўзал. Юлдузлар сафида кўҳлик Венера доимо ажралиб турди, зоро, унинг исми ҳам жисмига монанд. Бу ёруғ тонг юлдузи илмий атамачиликда Зуҳра деб аталса, туркий халқлар орасида Чўлпон юлдузи деб юритилади. Ўзбек шоирлари уни гоҳ Зуҳра, гоҳ Чўлпон дея атаркан, қалбида ардоқлаган ҳисларини, эъзозланган туйғуларини уларга нисбат бериб куйлашади, маҳбубаларига мўлжалланган ширин-шакар сўзларини улар номига қўшиб айтишади. Бу ёруғ шуълаларга чўмган юлдуз қадимги даврлардаёқ Шарқ шеъриятига ёрқин образ сифатида кириб келди, қалдан силқиган туйғу ва ижобий маъноларни бадиий ифодалашга хизмат қилди.

XIV асрда яратилган «Мұхаббатнома»нинг ўзида Зуҳра образи бир йўла бир неча ўринда келади. Ҳоразмий ўз маҳбубига мурожаат қилиб, залворли осмон ҳам унинг ишқида девонавор айланётганини, севгилисининг сутга чайилган юзи Ойга ўхшаса, қулоғидаги ял-ял жилваланган исирғасининг ҳар бири Зуҳра юлдузига қиёсланади:

*Фалак ишқинг ўйлида бесару пой,
Исирганг донаси Зуҳра, юзунг Ой.*

Мавлоно Лутфий ва Атойида бу образ маъшуқанинг чақнаган кўзларини бениҳоя ёрқин тасвиrlашга хизмат қилади. Шу маънода Лутфий ўз ёрига:

*Қилур Чўлпон кўзунг ҳар дам қиронлар...—
деса, Атойи унга жўр бўлиб,
Юзунг Ою, кўзунг Чўлпон бўлубтур,—*

дэйди. Бошқа бир ўринда эса Атойи ўз ёридан шикоят қилиб:

*Фалакка етса оҳим, неажабким,
Мени ул Зуҳра кўзлук моҳ унутти...—*

дея, оху нола чекади, ўзининг севги билан боғлиқ нозик ички кечинмаларини шу хилда майин ва гўзал ифодалайди.

Бадий адабиётда Зуҳра образи секин-аста анъанавий образга айланиб, ундаги ҳусн ва тароват одатдаги бир моҳият касб эта бошлайди. Ўзбек шоири Нишотий бошқалардан фарқли ўлароқ, кўэни эмас, ёрнинг юзини Зуҳрага ўхшатади. У ёзади:

*Ераб, ул юздумру ёхуд лолаи ахмармудур.
Оймудур ё Зуҳра, ё меҳри жаҳоноромудур.*

Нишотийнинг бошқа бир ғазалида ҳам айни шунга яқин байтни учратамиз:

*Оймурод ё, Зуҳра ёхуд Муштари, ё Офтоб,
Ё паризоди эрам, ё ҳури ризвонму экан.*

Бунда маҳбубанинг ўзи Ойга, офтобга, Муштари (Сатурн)га, эрам парисига, жаннат ҳурига, шу жумладан Зуҳрага қиёсланганди.

Муҳаммад Ризо Оғаҳийдек забардаст шоир, ўткир истеъодод эгаси XVIII—XIX асрларга келиб анча оҳори тўкилган ана шу сингари анъанавий образларга яшгидан жон киритиб, унда ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ ўз аҳволи ва кечинмаларини маҳорат билан акс эттира олди. У ўзининг қўйидаги байтида кўзлари сўниқ, хира (мунхасиф) юлдузлардай ғамга тўлганини, бир вақтлар бу кўзлар чўлпон юлдузидек равшан чақнаганини ҳасрат билан баён этади:

*Оҳким, бўлди муқаддар мунхасиф ахтар киби,
Гарчи равшанликда эрди ўйлаким чўлпон
кузум.*

Мумтоз шоирга ҳамовоз бўлиб, Муҳаммад Аминхўжа Муқимий ҳам бу образдан фойдаланишдан кўз юммаган. Куйидаги байтда Муқимий гўзал хонанда ва раққос дўстининг пешонасини ўша Зуҳрага таққослайди:

*Ой чеҳраси, Зуҳра жабин, овози таъсирлик,
ҳазин.*

*Төвус жавлон нозанин, булбул сафат хушхон
экан.*

Бу сингари тасвиirlарда Зуҳра сайёрасининг ўта ёрқинлиги қоронғи кечалар мапзарасида ишоятда шурафшон тортиб, чиройли кўриниши англашилади, холос. Аммо Низомий Ганжавий, Алишер Навоий каби улуғсанъаткорлар Зуҳрага фақат шоир кўзи билан эмас, олим кўзи билан ҳам қараб, уни бошқаларга нисбатан аниқ тасаввур қилишга интилганлар. Улар ҳам Зуҳранинг ҳақиқий қиёфасини бунинг учун зарур бўлган асбоб-ускуналар ёрдамида гарчи кўра олмаган, бинобарин, била олмаган эсалар-да, билиш учун улар қалбида жунбушга келган катта иштиёқ ва интилиш характерлидир. Низомий ҳам, Навоий ҳам Зуҳранинг маҳсус бадий тасвирида аввало Зуҳра ҳақидаги Шарқда мавжуд афсона ва ривоятлардан келиб чиқадилар.

Низомийнинг «Лайли ва Мажнун» достонида Мажнун ўз толеининг пастлигидан нолиб, Зуҳрага мурожаат этган ҳолда шундай дейди:—«Эй, қоронғи кечаларни равшан қилган Зуҳра! Ҳамма бахту давлат сен туфайлигина юз беради. Сен шодлик излаганилар учун гўё бир машъаласан. Хурсандчиликдан сўз сўзловчилар ва куй куйловчилар устидан кузатиб турувчи ҳам ўзингсан. Ҳар қандай мақсадга етишнинг калити сенда. Қадаҳлардаги майларнинг соғлигига ҳам сенинг ичишинг сабаб. Тождорларнинг узугидаги қуёш ҳам сен, баҳтиёрлик қасрининг бекаси ҳам ўзингсан. Лутфинг бор экан, менга лутф қил. Менга ҳам умид эшигини оч!»

Кўриниб турибдики, Низомий Зуҳрани кишиларга баҳт-саодат бағишловчи хилқат сифатида тараннум этмоқда.

Алишер Навоий асарларида биз Зуҳра таърифига бир неча ўринда дуч келамиз. Биринчи маротаба у Зуҳрани ўзининг «Ҳилолия» қасидасида шундай таъриф қилади:

*Жилвагар учинчи гулшан ичра раҳно шоҳиде,
Бутратиб бўлмоққа ақл ошуфта зулфи накҳатин.
Соз этиб чангу тузуб, ул унга руҳафзо суруд,
Ким малак кўнглига солиб айш ила май рагбатин.*

Навоийнинг наздида Зуҳра учинчи осмонда жойлашган бўлиб, соchlарини ёйган, ундан хушбўй мушки анбар эпкини таralгувчи бир гўзал. У мусиқа созларидан

чангни созлаб, шундай чаладики, бу билан у күкдаги фаришталарга ҳам хурсандчилик бағишлийди. Бу билан Навоий Зуҳранинг санъат аҳлига ҳомийлигини таъкидлаб ўтмоқчи. Зеро, афсоналарда нақл этилишича, ҳар қайси сайёра маълум бир соҳага ҳомийлик қиласр экан. Масалан, Марс (Миррих) уруш тимсоли бўлиб, жангчиларга ҳомий, раҳнамо. Марсга нисбатан Зуҳра чиндан ҳам ҳаловат, гўзаллик илоҳийсидир.

«Ҳайратул-аброр»да Навоий ушбу мавзуга такрор қайтади. Энди шоир уни хаттот қиёфасида гавдалантимиради. У ўз ҳужраси — учинчи осмонда ўлтириб олиб, хат ёзгани ёзган. У шундай маҳорат билан гўё дурни илга тизгандай хат битади. Унинг таъби мумдай юмшоқ ва ёқимли, нақшни эса энг чиройли узуклардан олади ва ҳоказо.

Ниҳоят, Зуҳра тасвирига бағишлиланган сатрларни биз «Фарҳод ва Ширин» достонида кўрамиз. Бунда Фарҳод Салосил қўргонида қамоқда ётар экан, душманларнинг макрию толеининг пастлигидан мушкул аҳволда қолиб, Шириннинг ҳажрида куйиб ўртанади. Ой ва Қуёшга, барча сайёralарга нажот тилаб, ўз дард-ҳасратлари ва истакларини баён қиласди. Бундаги Зуҳра тасвири Низомийнинг «Лайли ва Мажнун»даги тасвирига жуда яқин келади:

*Кўрунгач Зуҳра, ун тортиб дамодам,
Қадин аффондин айлаб чангдек ҳам,
Дебон: «К-эй ер уза кўкдин тараб рез,
Унунг жонбахшу нағманг ишрат ангез.
Замоне торе хунёгарлигинг уз,
Ўлармен навҳагарлик созини туз.
Ул ой базмида бўлсанг нағма пардоэ,
Ҳалоким навҳасин ҳам айлагил соз...*

Навоий Фарҳод тилида сўзларкан, ушбу сатрларда Зуҳранинг санъат аҳлига ҳомийлигини, кишиларга баҳтшодлик бағишлиши мумкинлигини айтиб, энди хурсандчилик куйларини эмас, унинг нигун аҳволига ҳамоҳанг ўксик мотам куйларини чалишни сўрамоқда.

Хуллас, тарих елкасидаги чангни қоқиб йиллар ўтди, шоирларимиз асрлар давомида осмон жисмларига, сайёralарга, жумладан Зуҳрага муҳаббат билан кўз тикиб, ундан илҳомландилар, юракларининг тўрида асрар-авайлаган, меҳрга чайилган муҳаббатларини, маҳбубаларининг ойдин чеҳрасидан илгаган ҳайратларини

Зуҳра номи ила эъзозу икром этдилар. Зуҳра сайёрасини энг гўзал бир маҳбуба қиёфасида, баҳт улашувчи донишманд бир кимса тимсолида, мусаввир сиймосида тасаввур қилдилар, аммо Зуҳра сайёраси тӯғрисидаги асл ҳақиқатни била олмадилар. Бу ҳақиқат 1975 йил октябрь ойида, яъни қудратли ракеталар ёрдамида илмий аппаратлар Венера—Зуҳра сатҳига юмшоққина қўндирилганидан кейин маълум бўлди. Зуҳра сайёраси ҳам ўзимиз пафас олаётган, яшаётган, ризқ-рўзимиз сочилган Ерга ўхшаш ўнгирлардан, тоғ-тошлардан иборат экан. Лекин унинг сатҳи Ернига нисбатан анча иссиқ экан. Муқаммал аппаратлар юборган суратлар эса сайёра юзасидаги ғадир-будурларни шундоққина кафтдагидек яққол кўрсатиб турибди. Бундан буён шоирларимиз гўзал қизларнинг гулгун порлаган кўзларини Зуҳрага ўхшатишда давом эта берадиларми, йўқми, у келажакка аён. Ҳар ҳолда асримиз топгида мавлоно Муқимий бу ҳақиқатни сезганими, йўқми — билмайман, лекин унинг қўйидаги байтида ёрниг нур ёғилган юзини ёруғ Ойга, тундек тим қора кўзларини Марс—Миррих ёхуд Чўлпонга ўхшатишдан қочишида жон бор экан:

*Эй мунавар оразингга, моҳи тобон ўхшамас,
Мардумига кўзларинг Мирриху Чўлпон ўхшамас.*

Хуллас, шеър аҳли Зуҳра сайёрасини қай тарзда куз ўнгидаги гавдалантиրмасин, тасаввур ва тараинум этмасин, улар Зуҳра тимсолида Ердаги гўзалликни, маҳбубаларнинг табиати ва чехрасидаги малоҳатни, қалбларидағи адоқсиз сирли шукуҳни сатрлар бағрига жойлаб куйлашган эди. Венера — Зуҳра сайёрасига бўлган улкан қизиқиши, сирли интилиш фақат бугунги кунимиз учунгина хос эмас. У аждодларимиз қалбидан оқиб келиб қалбларимизга уланди.

ЧОЧНИНГ САНЪАТ ЮЛДУЗЛАРИ

Япон санъатшунос олимларининг ўз театрлари тарихини Марказий Осиё билан боғлашлари бежиз эмас. Халқимиз қадим даврларда ҳам бой маданий апъаналар яратган. Диёrimизда санъатининг турли тармоқлари яхши ривожланган эди. Масалан, Хитой қўғирчоқ театри Марказий Осиё қўғирчоқ театри таъсирида тараққий этган. Биринчи қўғирчоқ томошасини ҳам VII асрда Чапъан шаҳрида ватандошларимиз кўрсатганлар.

VIII—X асрларда Бухоро, Самарқанд, Чоц (Тош-

кент), Кең, Урганч, Марв каби ўнлаб шаҳарлар Ҳиндистон, Хитой, Корея ва бошқа Ўзоқ Шарқ мамлакатлари билан савдо-сотиқ алоқаларини йўлга қўйибгина қолмай, ўзаро маданий муносабатлар ҳам ўрнатган эдилар. Масалан, Марказий осиёлик кўзбойлогочлар, дорбозлар, муаллақчилар Хитой шаҳарларида ҳиндистонлик артистлар билан беллашиб, ўз санъатларини кўрсатиб юрганлар.

Москвадаги «Наука» нашриёти 1981 йили америкалик олим Эдвард Шеферинг «Самарқанднинг олтин шафтолулари» китобини рус тилига таржима қилиб чоп этди. Китобда Тан империяси давридаги (618—907 йиллар) Хитой тарихи қадимги қўллёзма маинбалар асосида атрофлича ёритилган. Унда, айниқса Хитойнинг Марказий Осиё билан моддий ва маънавий алоқаларига кенг ўрин берилган. Муаллиф асарда бу соҳада жаҳон шарқшунослиги эришган ютуқлардан фойдалашган. Хитойнинг маданий алоқалари тарихини ёритиш жараёнида у Марказий Осиё халқлари маданияти, хусусан, санъати юзасидан ҳам қимматли маълумотларни қўлга киритишга муваффақ бўлган.

Китоб Тошкент тарихи нуқтаи назаридан ҳам жуда қимматли. Чунки унда Чоч — Тошкент Марказий Осиёнинг ўша даврдаги ҳар томонлама ривожланган шаҳарларидан бири сифатида тез-тез эслаб турилади. Бу ўринда бизнинг диққатимизни ўзига тортган энг қизиқарли жиҳат — китобнинг тошкентлик санъаткорларга бағишлисанга сахифалари бўлди. Хабар қилинишича, VIII—X асрларда Тошкентда рақс санъати ниҳоятда ривожланган экан. Тошкентлик раққос ва раққосалар бухоролик актёрлар, самарқандлик найчилар, хутанлик сурнайчилар, кучилик ашулачилар сингари Ўзоқ Шарқ мамлакатлари бўйлаб bemalol ҳам тирикчиликларини ўtkазиб, ҳам обру орттириб юра олганлар.

«Самарқанднинг олтин шафтолулари» китобининг 84—85-бетларида тошкентлик раққос ва раққосалар тўдаси томонидан Хитойда маҳорат билан ижро этилган уч рақс ҳақида алоҳида тўхтаб ўтилган. Бу рақсларининг бири «Farбча сакраб ўйнаш» деб аталган. Уни тошкентлик болалар ижро этганлар. Болаларнинг бошларида ялтироқ мунҷоқлар қадалган учли Қалпоқлари, белларида белбоғлари бўлган. Белбоғнинг уни ергача тегиб, уд ва пай садолари остида ўйнаб гир айланганларида, ажойиб тарзда ҳилпираған.

Рақсларнинг яна бири «Чоч рақси» деган ном билан шуҳрат қозонган. Буни иккита ёш қиз ранг-баранг каштали, ҳарир тӯи кийиб, беллариға кумуш камар боғлаб ижро этганлар. Уларнинг оёқчаларида қизил духобадан тикилган туфлилар. Қизалоқлар ногора овозлари остида томошабинилар олдига икки туп сунъий нилуфар гулнинг япроқлари орасидан чиқиб келиб рақс тушганлар, ўйин асносида томошабинларга кўзларини сузиб, ногизик муқомлар қилганлар. Булар ҳаммаси томошабиниларни қаттиқ ҳаяжонга солган.

Яна бир мароқли томони шундаки, қизлар рақсими ўз кўзи билан кўрган Бо ЦЗЮЙ-и исмли шоир бу ҳақда иккита шеър ёзган. Шеърлардан бири «Чочлик хонанда» деб аталади ва IX аср Хитой шеъриятининг характерли намунаси ҳисобланади. Унда шундай сатрлар бор (мазмуни):

*Бир текисда терилган меҳмонларга курсилар.
Тўшалгандир духоба гиламчалар.
Уч ногора чалинар бараварига.
Шоширади раққосни, шоширади,
Мана, шафтолу барги орасидан оҳиста
Чиқиб келар у шамнинг шуъласида...
Ҳа, бу чочлик хонанда;
Шивирлар нафис кўйлаги.
Гулдор попуклари-чи,
Тортиб турар белидан.
Қалпогида акс-садо
Олтин чирмандиндан.
Қўшиқлар тамом бўлгач,
Ҳамма бетоқат тикка.
Булут чиқар, демак, ёмғир,
Янтойга¹ керак қочмоқ.*

Бой тарихимизнинг шу бир саҳифасининг ўзи ҳам кўҳна ва ҳамиша павқирон Тошкентнинг бутун дунёдаги қадимий маданият ўчиқларидан бири бўлганига ёрқин далилдир. Буни ўз даврида чет элларда ҳам тан олишган. Азиз пойтахтимизнинг тарихи янада чуқурроқ ва атрофлича ўрганилиши керак. Бу соҳада ҳали кўп илмий тадқиқотлар яратилмоғи даркор. Бунда қадимги манбаларни, қадимги кўлёзмаларни ўрганишга алоҳида эътибор берилиши зарур.

¹ Янтай — ошиқ-маъшуқлар учрашадиган тоғ номи.

ЧИНАКАМ БЕЗАК

Шарқ адабиётида, шу жумладан ўзбек мумтоз адабиётида адаб ва ҳаё масалалариға ҳамиша катта аҳамият бериб келинган. «Адабиёт» атамасининг «адаб» сўзи билан боғланганлигига ҳам катта маъно бор. Яъни кишилар адабиётдан биринчи павбатда яхши хулқ-одобни ўрганишни кўзда тутадилар.

Алишер Навоий ижодида, хусусан, шеъриятида одобахлоқ мавзуи етакчи мавзулардан биридир. Улуғ шоирнинг «Ҳайратул-аброр», «Маҳбубул-қулюб», «Назмул-жавоҳир» каби асарларини ўқир эканмиз, бу нодир адабий ёдгорликларда ушбу масалаларга юксак инсонпарварлик ва халқчиллик билан ёндошилганини кўрамиз. Навоий «Ҳайратул-аброр» достонида одоб мавзуига маҳсус бир мақолатни бағишлиар экан, унда шоир одамлар ўз эгаллаган мансаби ёки ота-боболари, насл-насаби туфайли эмас, балки кўп вақт ҳалоллиги, одоби, кишиларга юмшоқ муомаласи билан ҳурматли ва азиз бўлишларини таъкидлайди ва дейди:

*Элга шараф бўлмади жоҳу насаб,
Лек шараф келди ҳаёву адаб.
Чунки ёғин манбаи ўлди ҳаё,
Катраси тупрогни қилур кимё.
Бўлмас адабсиз кишилар аржуманд,
Паст этар ул хайлни чархи баланд.*

Навоий «Назмул-жавоҳир» асарида ўзининг шу фикрини рубоий шаклига солиб, янада бошқачароқ ва таъсирлироқ қилиб ифодалашга эришган. Шоир фикрича, кишига тож ҳам, жига ҳам ҳақиқий безак бўла олмайди. Унга лойиқ чинакам безак — бу адаб ва ҳаёдир. Кимки адабсиз бўлса, у дунёда энг бахтсиз одам бўлиб, унинг иши доим хом ва чала. Гапнинг холосаси, ўзингни эрдеб билсанг, ҳақиқий зийнат сифатида адабни ташла:

*Зевар кишига не тожу не афсар бил.
Ул зевар адаб бирла ҳаё дархар бил.
Ҳар кимки адабсиздур,— ишни абтар бил.
Алқисса, эранларга адаб зевар бил.*

Одоб ҳақида гап борар экан, Навоий одобнинг муҳим бир белгиси деб ҳаёни билади. Шоир бунда жаҳолатдан, қўполликдан, манманликдан ўзини тийишни, одамлар билан хушмуомала бўлишни, ўз шахсий ман-

фаати йўлида беҳаёлик, яъни олғирлик, андишасизлик қилмасликни, ўйлаб гап гапиришни, уртада пардани сақлашни тушунади. Навоийча, ҳаё билан иш тутган одам куёш сингари шараф чўккисидан ўрин эгаллаган одамдир, ҳаё саодат бўстони устидаги булут бўлиб, у ердаги ўсимликлар оламини кўкартиради, айни вақтда ҳаё киншини ёмон хислатлардан асровчи ва одамларнинг кўзини турли чанг-тўзонлардан, ҳар қандай ёмонликлардан тўсиб турувчи ниқобдир:

*Авжи шараф узра офтоб ўлди ҳаё,
Бўстони саодатга саҳоб ўлди ҳаё.
Мазмум хасоилға ҳижоб ўлди ҳаё,
Эл айниға гўёки ниқоб ўлди ҳаё.*

Шоир «Маҳбубул-қулуб» асарида «Фосиқдин ҳаё тилама, золимдин вафо тилама»,— деб ёзар экан, бунда у фисқ-фужур ботқогига ботган одамдан ҳамда одамларнинг ҳақини ейишга, зулм қилиш билан яшашга ўрганган одамдан ҳаё ва вафо кутма, ундай одамларга бундай сифатлар бегона,— демоқчи бўлади.

У яна шу асарида: «Ҳилму ҳаё аҳли ҳар ерда аржумандур, улуғлар назарида аржумандроқ»,— деб ёзар экан, бу билан яна бир марта одобли, ҳаёли кишиларнинг жамиятда, хусусац, тушунган одамлар даврасида азиз ва эътиборли, ҳурматга лойик кишилар, деб таъкидлайди.

Одобнинг яна бир кўриниши ҳилм, яъни юмшоқ кўнгиллик, одамларга қаттиқ гапирмаслик, мулойимлик, оғирликдир. Халқимиз ўз фарзандларига «Ҳалим», «Ҳалима» деб исм қўяр экан, бунда маълум даражада унинг ахлоқий орзулари акс этган. Навоий «Маҳбубул-қулуб»да «ҳилм» тушунчасига маҳсус тўхталган ва уни таърифлаб, қуйидаги сатрларни ёзган: «Ҳилм инсон вужудининг фавоқиҳлиғ (мевали) боғидур: одамийлиғ оламининг жавоҳирлиғ тоғи. Ҳилмни ҳаводис дарёсида кишилик кемасининг лангари деса бўлур ва инсоният мезони тошига нисбат қилса бўлур».

Одамлар орасида ўзини яхши тута билиш муҳим нарса, лекин одоб юриш-туриш қондаларидангина иборат эмас. Навоий бунга катталарни ҳурмат қилиш, бошқаларнинг фикри билан ҳисоблашиш, беҳуда кулмаслик каби хусусиятларни ҳам қўшади. Шоир айниқса эҳтиёт бўлиб гап гапириш, фикрни яхши ўйлаб олмагунча из-

ҳор қилмаслик, айтиш зарур бүлмаган гапни айтмаслик-ни алоҳида фазилат деб қараб, бу тўғрида «Маҳбуул-қулуб»да шундай сатрларни битган: «Тилингни ихтиёрингда асрағил, сўзунгни эҳтиёт била дегил. Маҳаллида айтур сўзни асрама, айтмас сўз теграсига йўлама. Сўз борким, эшитувчи танифа жон киюрур ва сўз борким, айтғувчи бошин елга берур. Тилинг била кўнглунгни бир тут, кўнгли ва тили бир ҳиши айтғон сўзға бут. Сўзни кўнглунгда пишқормағунча тилга келтурма, ҳар наким кўнглунгда бўлса тилга сурма. Агарчи тилини асрамоқ кўнгулга меҳнатдур, аммо сўзни сенамоқ бошқа офатдур, айтур ерда ушутма, айтмас ерда узунгни мутакаллим тутма. Айтур сўзни айт, айтмас сўздин қайт. Оқил чиндин ўзга демас, аммо барча чинни ҳам демак оқил иши эмас».

Сўз орқали одамлар билан муомалада булиш масаласида, бунинг мураккаб бир ҳодиса эканлигини изоҳлашда, одамларга уқтиришда ҳам Навоийнинг улуғ инсонпарвар эканлиги яққол кўринниб турибди. Бунда Навоий биринчи навбатда диққатни инсонни тўғри тарбиялаш, уни турли офат ва кўпгилсиз ҳодисалардан сақлашга йўналтирган. Чиндан ҳам ҳиши ўйламай гапириши мумкин бўлмаган гапни айтиб қўйса, бошига қанча кулфатлар келиши, дилсиёҳликлар юз бериши. бирор одамга озор стказиши, бутун тақдиринга салбий таъсир кўрсатиши, шу билан бирга ўзи ҳам бир умрга хижолатда қолиши мумкин. Шу билан бирга улуғ шоир инсонлар тақдиринга, ҳаётига оид айтилиши зарур бўлган гапни қўрқмасдан ўз вақтида айтиш («маҳаллида айтур сўзни асрама») керак, деб ҳисоблайди ва жамиятда фаол, жасоратли одам булиш гоясини илгари сурди.

Хуллас, Алишер Навоийнинг «Ҳайратул-аброр», «Назмул-жавоҳир», «Маҳбуул-қулуб» асарларининг ҳар бирри бир «Одобнома», ҳар бири бир ҳилм ва ҳаё бўстонидир. Тил ва адабиёт дарсларида, тарбия соатларида ўқитувчиларимиз, тарбиячиларимиз улардан тўлиқ фойдаланишлари мақсадга мувофиқдир.

ОДАМИЙЛИГИ БИР ДУНЕ ШОИР

Халқимизда «Қуш уясида кўрганини қилади» деган нақл бор. Биз бугун адабиётимизнинг бобокалон шонри Алишер Навоийни буюк инсонпарвар, халқпарвар деб улуғлар эканмиз, бу фазилатни у биринчи навбатда ўз

Оиласидаги кишиларда, қариндошларида кўрди, уларга болалигиданоқ тақлид қилди. Унинг отаси Фиёсiddин Кичкина ўз даврининг атоқли кишиларидан ва амалдорларидан бўлиб, тарихчи Абдумўмишон ҳикоя қилишича, кунларнинг бирида кўчада кетаётib, ҳарбийлар бир тўда кишиларни асир сифатида ҳайдаб кетаётганини кўради. Шунда Фиёсiddиннинг уларга раҳми келиб, синоҳийларга асиirlарнинг хуни учун пул беради ва уларни озод қилиб юборади. Бундай олижаноб отанинг боласи ҳам олижаноб, сахий, муруватли бўлиши табиий.

Навоий Самарқандда ўқиб, кейинчалик у ерда давлат ишларига ҳам аралашиб юрар экан, кунларнинг бирида ҳокимиятни олиш учун курашиб юрган Ҳусайн Бойқаро аскарларидан иккитаси Самарқанд ҳокими ғизмир Аҳмад қўлига тушиб қолади ва уларни ўлдириб, қаллаларини унинг олдига олиб бориш ҳақида ҳукм бўяди. Шунда Навоий асиirlарни ўлдирмасдан, подшоҳ ғизтиёрига тирик юборишга маслаҳат беради. Чиндан ҳам подшоҳ бу асиirlарга раҳм қилиб, уларни аввал ғисқа муддат қамаб қўяди ва бироз вақт ўтгандан кеин эса бутунлай бушатиб юборади. Озод бўлган тутунлардан бири кейинчалик бир умр Навоийнинг хизматкори бўлиб қолади.

Навоийдаги юксак одамгарчилик унинг ёшлигидан, болалигидан шакллана бошлаган. Ёш Навоий унга кўп ётозлик ва оталик қилган олим ва шоир, донишманд ғутасаввуф Саййид Ҳасан Ардашер билан ғоят яқин ўст бўлиб, унга ихлоси чексиз, ундан ҳар куни хабар ғлиб турар экан. Агар бирон кун бормай қолса, Саййид Ҳасанинг ўзи Навоийни қидириб топар ва бир кун кўраганидан ташвишланиб: «Ташвише бўлмамиш бўлғайим, букун сендин хабар топа олмадуқ»,— дер экан. Наана бир-бирига меҳр, оқибат!

Бинобарин, маълум бўладики, Навоийдаги барча яхни фазилатлар, шу жумладан, одамгарчилик хусусиятлари аввало унинг буюк замондошлари таъсирида, қоғаверса, у севиб ўқиган адабий, илмий, диний китоблар таъсирида шаклланган ва асарларига кўчган. Навоий «Насойимул-муҳаббат» асарида Низомий Ганжавийни тақтаб, унинг бир умр сабр, тоқат ва тақводорлик билан яшаганини, бирон подшоҳдан ҳеч нарса таъма қилмаганини ёзар экан, у ўзи ҳам шундай яшади.

Навоий бош вазир сифатида катта бойликларга эга булишига қарамай, ўз эҳтиёжи учун ўртача бир одам

сарф-харажатига лойиқ маблағ олиб қолган, холос. Қолганини у эл-юрт эҳтиёжларига сарф этган, «илигимдан келганча зулм тифин ушотиб, мазлум жароҳатига интиқом малҳамин қўйдум»,— деб ёзди Навоий «Вақфия» асарида. Бу ўз даврида инсонларварликнинг олий кўришилари эди.

«Хамса» достонларининг ҳамд ва муножот қисмларида Навоий кўп масалалар бўйича Худога нола ва илтижолар қиласи экан, унинг ўзи учун сўраган биринчи нарсаси одамийликди. Инсон ҳақиқий одам бўлса, у Худога ҳам яқин бўлади. «Ҳайратул-аброр»да шоир Оллоҳга мурожаат этиб:

*Айла Навоийни бурун одамий,
Ким бўла олгай бу ҳарам маҳрами,—*

деб ёзар экан, бунинг маъноси жуда чуқур эди. Навоийча, одамийлик инсон маънавий камолотининг энг юқори шуқтасидир. Инсонда одамийлик бўлса, у ҳар қандай шароитда ўзини шу даражада тутишга иштилади, пастлашмайди, худбииликка берилмайди, қўрқмайди, доим инсон боласини, халқ манфаатларини ҳимоя қиласи. Навоий бош вазир бўлиб турар экан, доим подшоҳ ва унинг амалдорлари олдида шикоят қилиб, адолат сўраб келувчиларнинг ёнини олган. Абдураҳмон Жомий фарқири ва бечораларга ёрдам қилмоқчи бўлса, доим Навоийга мурожаат этган ва ундан кўмак олган. Кунларнинг бирида подшоҳ Қундуз вилояти устига ҳарбий юриш қилмоқчи бўлганда, Жомий Навоийга мурожаат қилиб: «Улча мумкин бор, бу юмушнинг манъига саъӣ қилғайсан ва ул матлуб сурат боғламағай, азимат жазм бўлса, бизга битиб юборгайсан»,— дейди. Навоий бутуни вужуди билан Жомийнинг айтганини амалга оширишга ҳаракат қилган.

Хондамир «Макоримул-ахлоқ» асарида ҳикоя қилишича, Ҳусайн Бойқаро Хоразм вилоятидаги ерларни обод қилиш учун Хуросондан уч минг хонадонни кўчиримоқчи бўлади. Лекин одамларга ўз туғилган ерларини ташлаб кетиш оғир эди. Навоий ўн марта подшоҳни бу ишдан қайтаришга ҳаракат қиласи. Инсонларвар шоир шунда ўн биринчи марта подшоҳга мурожаат қилиб, уни ўз фикридан қайтишига ундейди. Шунда подшоҳ Навоийнинг яхши ниятини тушуниб, кўчириладиган одамларнинг миқдорини анча камайтиришга қарор қи-

лади. Булар ҳаммаси Навоий инсонпарварлиги бамисоли бир дарё бўлганини, ундан минглаб одамлар ҳаёт суви ичганини кўрсатади.

Навоий дустларининг хурсандчилигини ўз хурсандчилиги, хафачилигини ўз хафачилиги сифатида қабул қилган. Адабиётшунос олим Атоуллоҳ Ҳусайнин оиласи билан турар жой масаласида қийналиб қолганда, Навоий унга ўз ҳисобидан Ҳиротнинг энг яхши жойидан ҳовли олиб берган. Навоий самарқандлик дўсти, истеъдодли шонир Мирзобек бевақт вафот этганда бутун вужуди ўртаниб, «Мажолисун-нафоис» тазкирасида: «Ҳайф ва юз ҳайф ва дариф ва юз минг дарифким, ҳаёт чашмасидан сероб бўлмади ва умри нахли мевасидан баремади!»— деб ёзган эди.

Навоий «Фаройибус-сигар» девонига кирган «Ҳаргиз» радифли машҳур ғазалнинг бир байтида:

*Фил ўлса сенинг хасминг, десангки, зарар топмай,
Бир пашшага оламга еткурма зарар ҳаргиз,—*

деб ёзган эди. Муҳим томони шундаки, Навоий мана шу гапига ҳаётда ўзи тўла амал қилган одам эди. Тарихчи Хондамир «Макоримул-ахлоқ» асарида ҳикоя қилишича, бир қиши Навоий подшоҳ билан Марвда турган. Ҳиротга қайтар вақтида улар яшаган чодирга қашқар ғуррак тухум қўйгани учун бир одамии ўша куш бола очгунча ўша ерга қўйиб кетган.

Бундай мисолларни Навоий ҳаётидан кўплаб келтириш мумкин. Бизнингча, улуғ шонир шахсиятидаги шундай юксак инсоний фазилатлар борлиги туфайли унинг ижоди ҳам бутун дунёдаги халқлар ва инсонлар учун азизу мукаррам бўлиб қолди.

МИНГ ХИЛ ҚУЙДАГИ САДО

Маълумки, санъатда ҳофизлик анъанаси қадимги даврларга бориб тақалади. «Ҳофиз» арабча «ҳиғз» сўзидан ясалган бўлиб, луғатларда бир нарсани сақлаш, ёдда сақлаш, Қуръонни ёд билиш каби маъноларни билдиради. Аммо ҳаётда ҳофиз деган атаманинг мазмуни бундан ҳам кенг.

XV асрда Қуръони Каримни тўла ёд олган ва Қуръон ўқишини ўзига касб қилган кишиларни «ҳофиз» деб атаганлар. Бундай касб эгалари у даврда кўп бўлиб, улар одатда ашула ҳам айтганлар. Ёқимли овоз билан

Куръон ўқиган, ҳозирги ибора билан айтганда, қорилик қилган ва қўшиқ айтган кишиларни жуда ҳурмат қилганлар. Анжуманларда уларга одатда юқоридан жой берилган.

Ҳофизлик кишидан маълум бир қувваи ҳофизани, яъни кўп нарсани ёд олишни, ёд олинган матнларни тўғри ва чироили овоз билан ўқиши талаб қилган. Шунинг учун ҳамма ҳам ҳофиз бўлавермаган. Ҳофизлар асосан хайру эҳсон ҳисобига яшаганлар ва жамият ҳимоясида бўлганлар. Масалан, Алишер Навоий ўз давридаги кўп илм ва санъат кишилари — шоирлар, олимлар, табиблар, созандалар қатори ҳофизларни ҳам ўз ҳимоясига олган бўлиб, улар учун ҳатто махсус жой қуриб бергани ва бу бинога «Дорул-ҳуффоз» (Ҳофизлар уйи) деб ном қўйгани маълум.

Улуг шоирнинг бу тоифага ҳурмат ва иззати шу билан тугамайди. Навоий ҳофизлар ҳақида бир неча шеърлар ҳам ёзган бўлиб, улар бизгача тўла етиб келган. Уларнинг ҳаммаси «ҳофиз» радифи билан ёзилган. Умуман, Навоий даврида турли касб эгалари ҳақида махсус шеърлар, хусусан, ғазаллар яратиш одат тусига кирган бўлиб, бу анъанани, Навоий «Мажолисун-нафонс»да таъкидлашича, Сайфий Бухорий бошлаб берган эди. Буни Абдураҳмон Жомий ва Навоийдек улуг зотлар маъқуллаб, турли касб эгалари, уларнинг иш усуллари, моҳирлиги ҳақида ўзлари ҳам шеърлар битганлар. Масалан, Навоий

*Еслигин, эйким, тикарсен, игна мужгонимни қил,
Нақш этарда тори онинг риштаи жонимни қил*

матлан билан бошланган ғазалида рўмол (ёки қийинқ) тикаётган гўзалнинг меҳнат жараёнини деярли мукаммал, анъанавий бадинй воситалардан фойдаланган ҳолда тасвирлаб берган.

Навоий ҳофизлар ҳақида биринчи марта ўшигига бир рубоий ёзган. У рубоий шоирнинг «Илк девони»дан жой олган. Шоир ҳофизнинг ашула айтгандаги ва ҳофизлар (ҳуффоз) даврасида ўлтириб, Куръон ўқигандаги гўзал овозидан таъсирланиб, унга мурожаат қилиб дейди:

*Бу даврда йўқ сен киби хуҷон ҳофиз,
Хуффоз аро серҳалқайи даврон ҳофиз.
Куръонға сен ўлғон киби яксон ҳофиз,
Бўлсин сенга барча ишда Куръон ҳофиз.*

Ки базм аҳлиға солдинг қиёмат, эй ҳофиз.
 Улустин олди унинг ҳуш, сен саломат бўл,
 Гар итти элга тариқи саломат, эй ҳофиз.
 Нечаки нағманг эрур мустақиму лаҳнинг туз,
 Валек элдин олур истиқомат, эй ҳофиз.
 Не ҳуш мулкида топқай иқомат улки даме,
 Ўқурда топса ёнингда иқомат, эй ҳофиз.
 Магар Масиҳ ила Довудсен нафас билаким,—
 Ҳаёту мавт эрур ул аломат, эй ҳофиз.
 Қилиб тиловат, ислом элига қасд этма,—
 Ки тенгри оллида топқунг надомат, эй ҳофиз.

Бундаги Навоий байтлари ўз фикрини кучайтириб бериш учун бир нарсани иккинчи бир нарса ёки тушунчага қарама-қарши қўйиш, яъни тазод усулини қўллаш асосига қурилган. Шоир фараҳ билан ҳофизга: «Агарчи сен ўз ёқимли қўшиқларинг билан халқнинг ҳушини олган ва саломатлигига путур етказгудай бўлсанг ҳам, ўзинг саломат бўл; сенинг нағмани чалиш йўлларинг, куйлаш оҳангларинг тўғри бўлса ҳам, лекин булар одамларни беқарор этиб, йўлдан чиқариб юбормоқда; агар бирон шахс сен қўшиқ айтиётганингда («ўқурда») бир дам сенга қулоқ солиб ёнингдан жой олса, ҳуш мамлакатидаги жойини йўқотиб қўйиши турган гап, ўз нафасинг билан сен Исо (Масиҳ) ва Довудни эслатасан; бунинг исботи сен куйлаётганда тингловчиларинг гоҳ улиб, гоҳ тирилишлариdir» (ва ҳоказо).

Фазал охирида Навоий ҳам ўз давридаги ҳофизлар билан Шероз булбули — улуғ Ҳофиз ўртасида қандайдир ўхашашликлар кўради, фахрланиб, ўз лирик қаҳрамонларидан илтифот тилайди:

*Магарки Ҳофизи Шерозсенки, бир соғар —
 Тутуб Навоийға қилдинг каромат, эй ҳофиз.*

Навоий ҳофиз ҳақидаги шеърлари билан санъат кишиси образини адабиётга олиб кирди. Таъбир жоиз бўлса, у ўзбек ҳофизномасини бошлаб берди.

АЁЛ ГЎЗАЛЛИГИ МАДҲИДА

Алишер Навоий ўз шеърларида аёллар гўзаллигини, энг нозик ҳис-туйғуларини, инсонийлигини чин юракдан мадҳ этиб, уларга бўлган чексиз эҳтиромини тоят ёрқин ифодалай олган. Кимлар қандай тарихий шароитда яшамасин, гўзалликнинг биринчи тимсоли аёл бўлган. На-

вой яшаб ижод этган даврда ҳам аҳвол шундай эди. Навоий хусусан ўз ишқий шеърларида хотин-қизларнинг жозибадор қиёфаларини дилбар шеърларида шундай чиздики, уларда маъшуқа образи ҳаёт, бахт ва севинчнинг тимсоли бўлиб гавдаланади:

*Не кун улғайки, нигорим келғай,
Боги умрумда баҳорим келғай.
Умр боғида баҳор улдирким,
Сарвқад, лолаузорим келғай.*

Навоий ўз севгилисини баҳтсиз ошиқнинг қоронғи, нурсиз ҳаётини ёритувчи қуёш деб таърифлайди:

*Қуёш чиққандек үлғай тун ичра ул ой келса,
Навоийнинг фироқ ичра қарорғон рўзгоринда.*

Бошқа бир ғазалда Навоий ёрни ўз бошидаги зулматни дафъ этишга чақириб, шундай дейди:

*Рўзгорим тийра айлаб, шоми ҳажр үлтургиси,
Эй ҳаётим шаъми, дафъ айларга бу зулмот кел!*

Ёр образи Навоий шеъриятида баъзан анъанавий руҳда чизилган бўлса ҳам, кўп ўринларда шоир уни аниқ, ҳаётнинг ўзидағидек гавдалантиришга интилган:

*Ераб, бу не гулдурким, бошига чечак санчар.
Гаҳ эгри қўяр бўркин, гаҳ белга этак санчар.*

Бошқа бир ғазалдаги қўйидаги мисралар ҳам бу байтга ҳамоҳанг:

*Қайд айларга жунун аҳлини бор ул ики соч,
Ҳар бири неча тугун, ҳар тугуни неча қулоч.
Туркларнинг қулидурменки, нигоримнинг эрур —
Қоши туркона, қабоги кенгу кўзи қиймоч...*

Бу хил сатрларда Навоий ҳақиқий ўзбек хотин-қизларининг ташқи кўринишларини, кийинишларини, ўрилган ўзун соchlарини ниҳоятда жонли тасвиrlаган. Ёрнинг чаккасига гул тақиб («бошига чечак санчар»), белига этагини қистириб юрган пайтини эса бирон юмуш билан шуғулланиб турган пайти, деб ҳисоблаш мумкин.

Баъзан шоир ўзининг шеърий сатрларида ёш ва шўх қиз-жуонларнинг хатти-ҳаракатларини қаламга олган ва бунда у илоҳий бир истеъдод қудрати билан сўзларга жилва берган:

Шўх икки ғизолингни ноз уйқусидин уйғот,

*То уйқулари кетсун, гулзор ичида ўйнот.
Тишлабки сочинг ўрдунг, очқонда паришон қил,
Офоқ саводинда жон ройиҳасин бутрот...*

Бу шеърда «шўх иккى ғизол» ёрининг ўйноқи, шўх кўзларини англатади. Иккинчи байтда шонр ғоят характерли ҳолат — хотин-қизларнинг соч ўраётгаңда сочининг бир учини тишлаб туришларини баён этади.

Навоий шеърий хазинасини қанчалик чуқур ўргансак, бу бой меросда хотин-қизларнинг раиг-баранг қиёфалари кўзга намоён булаверади. Уларнинг ҳуси ва фазилатларини улуғ шоир ўз шеърий сатрларида маълум даражада муқаддаслаштирган десак, янглишмаймиэ.

СПИТАКДА НАВОИЙ ҚУЧАСИ

Мен Арманистонда биринча марта 1969 йили бўлган эдим. Ўша йили сентябрь ойида арман халқининг ажойиб шоири Ованес Туманян таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланди. Таитаналарда Москвадан А. Сурков, М. Шагинян, Л. Соболев, Қозоғистондан Собир Муқонов, Тоҷикистондан Мирсанд Миршакар, Ўзбекистондан К. Яшин, С. П. Бородин, Асқад Мухтор қатнашдилар. Ўша вақтда Туманянинг хотини ҳаёт эди. Бу аёл 98 ёшда бўлишига қарамай, хотираси равшан бўлиб, менга бундан эллик йил олдин ҳаётдан кўз юмган турмуш ўртоғи ҳақида бир қанча яхши гапларни худди кечагидай қилиб гапириб берган эди.

Арманистонга шундан кейинги гал бориним улуғ шоиримиз Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан бўлди. Арманистон Республикаси қошидаги Ватандошлар Қўмитаси Арманистон Ёзувчилар ўюшмаси билан биргаликда буюк ўзбек шоирининг 550 йиллик таваллудига бағищлаб катта тантанали ўзғилиш ўтказишга қарор қилган ва Ўзбекистондан меҳмонлар таклиф этган эдилар. Таитанага мен билан таниқли на воийшунос олима Суйима Фаниева ва Тошкент Арман Маданий Маркази раиси муовини, бокс бўйича Ўзбекистонинг собиқ чемпиони Гайк Дереникян ташриф буюрдилар.

Сентябрь ойи. Осмонда қуёш чарақлаб турибди. Ереванинг кўча-кўйларида ҳаёт қайнайди. Бизни кутиб олган ва кўргани келган олимлар, ёзувчилар юзида табассум, кулги. Улар бизга жуда кеч хабар берганилари учун бизнинг тантанали кечага етиб боришимииз

ҳақида ташвишда эканлар. Бизни куриб, ўзларининг хурсандчиликларини билдирилар ва бу кечани ўтказишга катта тайёргарлик курганликларини, шу мақсадда шаҳар марказидаги филармония биносини янги таъмирдан чиқарганликларини сўзлаб бердилар. Чиндан ҳам филармониянинг пешайвони, томоша зали, улкан қандиллар биз кирганда ярқиллаб турад, дилга чекенз равшанлик бағишилар эди.

Тантанали кечада Алишер Навоийнинг ҳаётини ва ижоди ҳақида Арманистоннинг таниқли шоири Бааган Арменакович Давтян маъруза қилди. Ўша кунлари В. А. Давтян Навоийнинг 67 ғазалини арман тилига таржима қилиб, китоб ҳолида чоп эттирган экан. Бизга бу китобдан туҳфа қилди. Залини тўлдириб ўтирган тингловчилар В. А. Давтян маърузасини чуқур дикқат билан тингладилар. У ўз маърузасида Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонига алоҳида тўхталди ва уни атрофлича таҳлил қилиб берди.

Кечада раислик қилувчи кейинги сўзни менга берди. Мен аввало залда ўтирганларга Ўзбекистонда 1991 йил «Навоий йили» деб эълон қилишганини айтдим ва унарни Республикамизда юбилей муносабати билан амалга оширилган ва оширилаётган тадбирлар билан таништирдим. Республикамиз пойтахтида Навоий хотирасига бағишлиб бор қурилаётгани, улуғ шоирга шу боғда янги ҳайкал ўрнатилаётгани, шоир асарларининг 20 жилдлик тўплами чоп этилаётгани, шаҳар ва қишлоқларда павоийхонлик кечалари ўтказилаётгани, янги илмий китоблар пашрга тайёрлангани йиғилганларни мамнун қилди.

Шу билан бирга мен ҳам ўз нутқимда Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонига тўхтаб ўтишини лозим курдим: Навоий бу асарини жуда катта меҳр билан ёзган. Достоннинг ярмидан кўпи Арманистонга бағишлиланган бўлиб, кўп воқеалар ўша ерда ўтади. Навоий Арманистонни гўзал бир тоғли мамлакат сифатида тасвиirlар экан, унинг табиати бойлигини, маданийти юқори эканини, бу ерда «тажаммул хайли», яъни бойлар жуда кўплигини мароқ билан ҳикоя қилади. Бинобарин, улуғ шоир Арманистонни ривожланган мамлакат сифатида тасвиirlаган. Унинг давлат раҳбарлари ҳам Мөҳинбонува Ширин қиёфасида инсофли, маърифатли, ҳалқ ғамини ўйлаган кишилар бўлиб, бошқа мамлакатларга яхши ном чиқарганлар. Эрон подшоси Хусрав Мөҳинбонуга Ширинни хотинликка сўраб совчилар юборар экан, бун-

да у ўз манфаати ва нафсишгина ўйламасдан, мамлакат манфаатини ҳам ўйлагаш, кўзда тутган эди. Яъни шоир тўғри уқтиришича, Хусрав ўйлангаш, фарзанд ҳам кўрган, ёши ҳам бир ерга этиб қолгаш ҳукмдор. Унинг Ширинга ўйланишидан кузатгаш бош нияти яхши хонадонга куёв бўлиш, покдомон хотиндан одобли, ахлоқли, тахтга ворисликка лойик фарзанд кўриш эди. Унинг ўғли Шеруя эса ахлоқсиз, ярамас бола бўлиб, отасининг ўрнини эгаллашга арзимас эди. Яъни хулқ-ахлоқда юксак, пок хонадонни, орзусидаги қизни Хусрав Арманистондан қидирган. Чиндан ҳам Мөҳинбону ғоят оқила давлат арбоби, униш жияни Ширин эса жисман гўзал бўлиши билан маънавий томондан ҳам етук, тарбияли, ўқимишли, билимдон, ўз саройида астрономия, ҳисоб, тарих, шеър, рақс ва бошқа соҳалар бўйича ўплаб қизлар билан дуст эди. Менингча, Хусравининг катта хатоси ўз орзусига куч ишлатиш йўли билан эришмоқчи бўлгани эди.

Навоий Арманистонни бу хилда маърифатли, бой ўлка сифатида тасвирилаш билан уни Византия, Юони, Хитой, Ҳиндистон каби улуғ давлатлар қаторига кўтарган, уни ўзбеклар, Марказий Осиёда яшовчи бошқа халқлар учун бадиий кашф қилган, намуна этиб кўрсатган эди.

Мендан кейин сўзга чиққан С. Фаниева Узбекистонда икки жилдли Навоий қомуси яратилаётгани, Навоийнинг ўз қули билан кўчиргаш дастхат девони «Наводирун-ниҳоя»нинг факсимиле нашри амалга оширилаётгани, шонрнинг «Муножот» асари тўрт тилда — ўзбек, форс, рус, инглиз тилларида эълон қилингани ҳақида маълумот берди. Навоийни ўрганиш, асарларини тарғиб этиш билан боғлиқ бу янгиликлар ҳаммани қувонтириди.

Кеча охирида энг яхши санъат жамоалари томонидан катта концерт берилди, «Фарҳод ва Ширин» достоидан парчалар ўқилди. Монастирдаги христиан динига хизмат қилувчилар кийимида бир гурӯҳ ёшларнинг Навоий шаънига айтган қўшиқлари ўзининг самимийлиги, таъсирчанлиги билан бизда чуқур таассурот қолдирди. Биз мезбонларимизга ҳозирги мураккаб бир шароитда бизнинг шонримизга вақт топиб, имконият топиб, шундай ҳурмат курсатганликлари учун миннатдорчилик билдирилди. Улар эса Навоийга ҳар қанча ҳурмат билдирилса оз эканиши, улуғ шонрнинг бундан беш аср олдин ўз ижодида арман халқи ва мамлакатига эътибор

билан қарагани икки халқ ўртасидаги қадимий дўстлик-нинг ёрқин белгиси эканини таъкидладилар.

Кечанинг эртаси куни бизни 1989 йил зилзиласининг марказларидан бири — Спитакка олиб бордилар. Биз у ерда бошқа қардош республикалардан, чет эллардан ёрдамга келиб, кўплаб турар жойлар қурилганини, яиги Спитак қад кўтара бошлаганини кўриб қувондик.

Узбекистонликлар Спитакка биринчи бўлиб келганлардан экан. Ҳамроҳларимиз бизни ўзбек қурувчилари томонидан яратилган даҳадаги ғоят шинам бир кўчадан олиб ўтдилар. Кейин билсак, спитаклик дўстларимиз бу кўчани Алишер Навоий номи билан аташга қарор қилишибди. Буни эшитиб, биз қаттиқ ҳаяжонландик, хурсанд бўлдик. Халқлар ўртасидаги амалдаги дўстлик шу бўлса керак-да!

ТАБАРРУҚ ҚАБР ҚҮРГУЛИКЛАРИ

— Қабрнинг ҳам кўргулиги бўларканми? — дерсиз.
Ҳа, бўларкан. Навоий бобо қабрларининг ҳам ўз кўргулари бор...

Алишер Навоий бу серташвиш дунёни тарк этиб, 906-ҳижрий йил жумодил-охир ойининг ўн иккинчи куни — якшанбада, яъни ҳозирги ҳисоб билан 1501 йилнинг 3 январида сўнгги манзилига элтилди. Васиятига кўра, уни Ҳиротнинг Хиёбон деб аталмиш жойидаги ўзи қурган Масжиди Жоме ёнига — олдиндан маҳсус ясалган гумбаз остига дафи этдилар. Хиёбон устоз ҳаракати билан ғоят обод жой бўлган эди. У баъзи манбаларда Мусалло деб ҳам юритилади.

Шу вақтдан бошлаб Навоийнинг қабри Абдураҳмон Ҷомий қабри каби халқ оммасининг зиёратгоҳига айланди.

XIX асрнинг 80-йилларида Афғонистонда Амир Абдураҳмон подшолик қилган. У афғон срларини бирлаштиришга, инглизлар хужумини қайтаришга уринган. Худди ана шу даврда Навоий қабри катта фожнага учрайди.

Кунларнииг бирида Амир Абдураҳмон Марказий Осиёдан Кобулга қайтаётган эди. Кечга томон Мусаллодаги Навоий қурган биноларнииг офтоб нурида ярқираб, савлат тўкиб турганини кўради. «Бу иморатларни душманларимиз курса, юртимизни олиб қўяди!» — деб ўйлади ва уларни тўплардан ўққа тутишга буйруқ

беради. Натижада Мусаллодаги ҳамма бинолар бузиб ташланади. Жумладан Навоий қурган Ихлосия мадрасаси, Жоме масжиди, Халосия хонақохи, Доруш-шифова Дорул-хуффоз — ҳаммаси ср билан яксон бўлади. Навоий қабрининг гумбази ҳам қулаб, узоқ вақт очиқ қолиб кетади.

Бошқа бир тахмин ҳам бор. Ўнга кўра, бу мудҳиш воқеа шаҳзода Дўстмуҳаммадхон билан сардор Аҳмадхоннинг ўғли Шаҳнавозхон ўртасидаги жанг вақтида юз берган. Атрофга «Дўстмуҳаммадхон Мусаллодаги минораларнинг бирдан жангни кузатиб турибди», деган гап тарқалади. Бу миш-мишга ишонгани Шаҳнавозхон Навоий қурган иморатларнинг ҳаммасини тупга тутади.

Амир Абдураҳмоннинг ўғли Ҳабибуллахон (1919 йилда ўлдирилган) ҳукмронлиги вақтида Ҳирот, жумладан, унинг Мусалло қисми анча тартибга келтирилади. Навоий қабри эса пишиқ ғишт билан таъмир этилади, атрофига чиройли дараҳтлар ўтқазилади.

Бизнинг юртимизда Навоий таваллудининг 500 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўрилаётгандан Ҳиротдаги тарихий биноларни таъмирлаш ишлари ҳам бошлиниб кетади. Ҳиротлик ишбилармонлардан оғойи Ҳожи Ғуломҳайдар Мухторзода Навоий қабри устига янги гумбаз қуришни ўз зиммасига олади. Бу гумбаз қисқа муддатда қад кўтаради. Лойиҳада бу гумбаз нақшлар билан безатилиши керак эди. Афсуски, бу иш охирига етказилмайди.

Мен 1972 йилнинг март ойи охирларида Ҳиротда бўлганман. Сафарим Наврӯз байрами кунларига тўғри келганди. Ушанда бу гумбазни ва унинг ичидаги улуғ шоир қабрини зиёрат қилганман. Беҳзод номидаги (ҳозир Ҳиёбон шундай аталади) боғининг бир чеккасидаги пишиқ ғиштдан ишланган содда, аммо буюк инсон номи билан боғланган бу бино мени ҳаяжонга солганди. Гумбаз яқинидаги девор орқасида эса Навоий ўтказган Инжил ариғидан билурдай мусаффо сув оқиб турар эди.

МУНДАРИЖА

Маънавият сабоқлари. Қозоқбай Йўлдошев	3
АДАБИЙ МЕРОС ВА ЗАМОН	7
Адабиётшунослигимизнинг гўзал ибтидоси	7
Адабиётимизнинг бир шоҳкучаси	18
Шоҳона қўллэзма девон	24
Абдураҳмон Жомий ижодида панд-насиҳат	28
Машраб ҳақида сўз	36
Аваз лирикасида жанр ранг-баранглиги	42
Мумтоз адабиётимиз билимдони	47
Собир Абдулла ва мумтоз адабиёт	57
ИСТЕЪДОДНИНГ ОЛМОС ҚИРРАЛАРИ	65
Алишер Навоий ижодиёти манбалари ҳақида	65
Навоий замондошлари ва маънавият	74
Шеъриятнинг нурафшон чўққиси	84
Туркистон ва Хурросон услублари	91
«Наводирун-ниҳоя»нинг Текрон нусхаси	96
Үгитлар олами	101
Алишер Навоий пандномалари бадиияти	105
Болаликнинг Навоёнга таъриф ва талқинлари	118
Беҳисоб мулк ва олижаноб хулқ эгаси	122
Навоий ва табиий фанлар	127
Алишер Навоий ва хаёлот	135
Ғазалдац ғазалга	143
КОМУСИЙ МАЪЛУМОТЛАР	163
ҚАИДЛАР, ХОТИРАЛАР	216

АБДУҚОДИР ҲАЙИТМЕТОВ
АДАБИЙ МЕРОСИМИЗ УФҚЛАРИ

Адабиёт үқитувчилари ва
талаабалар учун қўлланма

Toшкент «Ўқитувчи» 1997

Таҳририят мудири **Х. Ҳайитметов**
Муҳаррир **Х. Нуруллаев**
Муқова рассоми **Темур Саъдуллаев**
Бадиий муҳаррир **Б. Йўлдошев**
Техн. муҳаррир **С. Турсунова**
Мусаҳҳиҳ **П. Аззамова**

ИБ № 7077

Теришга берилди 26. 11. 96. Босишга рухсат этилди 14. 03. 97. Формати 84×108 . Тип қонгози. Кегли 10 шпонсиз. Литературная гарнитураси. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 12,60. Шартли кр.-отт. 12,81. Нашр. б. т. 12,1. 3000 нусхада босилди. Буюртма № 1.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, 129. Навоий кўчаси, 30. Шартнома 13—180—96.

Узбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Янгийул ижара китоб фабрикаси. Янгийул ш., Самарқанд кўчаси, 44. 1997.

